

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



МАХСУС ФАНЛАР ЦИКЛИ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН “ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ФАОЛИЯТИ”
МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА СЕРЖАНТЛАР ТАРКИБИ
ХОДИМЛАРИНИ МАХСУС КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ КУРСИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент

УДК

Ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Илмий Кенгашилининг 2023 йил “___” _____даги йиғилишида кўриб чиқилган ва маъқулланган. “___” - сонли баённома.

Тузувчилар:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли катта ўқитувчиси, майор

Ж.Ж.Айтмуратов

Такризчилар:

ИИВ ЖХД ЙХХХ Маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, подполковник

И.Т.Идилов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Автомобиль тайёргарлиги кафедраси бошлиғи, подполковник, т.ф.н., доцент

С.А.Калауов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Махсус-касбий фанлар кафедраси подполковник, ю.ф.н., доцент

Ж.С.Мухторов

Ўқув услубий мажмуа “Йўл-патруль фаолияти” мутахассислиги бўйича сержантлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш курсининг тасдиқланган ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган. Ўқув услубий мажмуада ўқув дастуридаги 23та мавзу бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотлар мустақил тайёргарлик учун топшириқлар, тест назорат саволлари, глоссарий ва фойдаланилган адабиётлар кенг ёритилган.

Мазкур ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультетида “Йўл-патруль фаолияти” йўналиши бўйича таҳсил олувчи тингловчиларга ҳамда Йўл-патруль хизмати ходимларининг касбий билим ва кўникмаларини ошириш учун мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023 й.

Мундарижа

Кириш	4
Модул бўйича дарслар тақсимоти	7
Маъруза, семинар, амалий машғулоти мазмуни.....	9-310
Глоссарий.....	311-314
Тест саволлари	314-321
Асосий адабиётлар.....	321-334

т/р	Мавзулар	бет
1.	Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	11
2.	Йўл ҳаракати қоидалари	32
3.	Йўл ҳаракатини тартибга солишда йўл-патруль хизмати ходимининг ишоралари	55
4.	Йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш	74
5.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маъмурий амалиёт бўлими фаолиятини ташкил этиш	86
6.	Йўл ҳаракати қоидабузарлиги бўйича маъмурий ишларни ҳужжатлаштириш ва кўриб чиқиш тартиби (электрон тизими)	99
7.	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби	121
8.	Транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби	131
9.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг йўл-транспорт ҳодисалари бўйича ҳаракатлари	142
10.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ахборот диспечерлик маркази фаолиятини ташкил этиш	175
11.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳузуридаги рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларининг фаолиятини ташкил этиш	181
12.	Автотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби	192
13.	Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби	224
14.	Автомобилларнинг конструкциясини ўзгартириш ва қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби	239
15.	Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланиш тартиби	251
16.	Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун дипломатик иммунитетга ега бўлган шахсларнинг жавобгарлиги	256
17.	Олиб қочилган, ўғирланган ва йўл-транспорт ҳодисаси содир этган транспорт воситаларининг қидирувини ташкил этиш	262
18.	Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида тарғибот ва ташвиқот тадбирлари	275
19.	Йўл-патруль хизмати ходимларининг фаолияти натижаларини баҳолаш тартиби	284
20.	Техник кўрикдан ўтмаган, носоз ва рухсатсиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини йечиб олиш тартиби	289
21.	Автомобил йўллари ва йўл иншоотларини назорат қилиш ишларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тартиби	299
22.	Йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқаришнинг ягона марказлаштирилган ахборот-тизими	316
23.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг бошқа соҳавий хизматлар ва давлат органлари билан ҳамкорлиги	323

КИРИШ

Мазкур ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарорлари ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 27 августдаги “Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сонли буйруқларига мувофиқ ишлаб чиқилган дастур асосида тайёрланган бўлиб, унда ички ишлар органларининг узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини амалга ошириш ва ички ишлар органларига хизматга янги қабул қилинган ходимларни тизимли равишда махсус касбий тайёргарликдан ўтказишни назарда тутди. Ушбу дастурга кўра, ходимларни касбий тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув жараёни блок-модуль тизимига асосланган бўлиб, машғулотларда инновацион педагогик технология, интерфаол метод ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва касбий билимлари ҳамда амалий кўникмаларини юксалтиришга қаратилган.

Йўл-намуна фаолияти –модулининг асосий мақсади тингловчиларда ўз хизмат вазифаларини бажариш учун зарур билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда уларнинг махсус касбий тайёргарликка эга бўлишини таъминлаш шунингдек мустақил равишда хизмат фаолиятини олиб бориш учун касбий билимларини эгаллаш, чуқурлаштириш ҳамда кўникма ва маҳоратларини оширишни узлуксиз таъминлашдан иборат.

Йўл-намуна фаолияти –модулининг асосий вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органлари ходимларига қўйилаётган бугунги кун талабларига жавоб берадиган юксак касбий маҳоратни ривожлантириш;

тингловчиларни юксак даражадаги ватанпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш;

тингловчиларнинг блок-модуль тизими асосида махсус касбий тайёргарликни сифатли ва тизимли ташкил этиш;

тингловчиларни хизмат фаолиятини амалга ошириш жараёнида тузиладиган ҳужжатлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари ва вазифалари билан таништириш;

ўқитишнинг замонавий шакл ва усулларини, инновацион технологияларини, шу жумладан аниқ вазиятлар таҳлили машғулотларида ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

хизмат вазифаларини бажаришда, назария ва амалиётда учраётган барча ўзгаришларга етарли даражада аниқ баҳо бера олиш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш;

тингловчиларда тезкор ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва баҳоланишнинг замонавий усулларини ўргатиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши

курашишда ички ишлар органларининг мавжуд куч, восита ва усулларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимига кирувчи асосий фаолият йўналишларидан бўлган жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш муаммоларини ҳал этиш бўйича тўпланган илғор иш тажрибасини ўргатишдан иборат.

Тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар касбий тайёрлаш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Тингловчи:

“Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни, яъни ўз хизмат бурчини сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмада эканлигини англаши, Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишни улуғ ва олижаноб мақсад деб биладиган, хизмат қийинчиликларига (экстремал ҳолат, руҳий оғир ва қийин вазиятлар) руҳий бардошли бўладиган касбий кўникма ва маҳоратга;

миллий мафкура, маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримиз, миллий ва маънавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда мафкуравий иммунитет, шунингдек, ахборот хуружи ва оммавий маданият каби омил ва жараёнларнинг мазмун-моҳиятини;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, унда шахснинг ҳуқуқий мақоми, инсон ҳуқуқлари, давлат органлари тизими, уларни ташкил этиш, ваколати ва фаолият шакллари, қонунчилик соҳасидаги ислохотлар, хизмат соҳаси фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи норматив ҳужжатлар талабларини;

қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижросини ўз вақтида, бир хилда ва тўлиқ бажарилишини;

бўйсинувчанлик, бўйсинувчиларга юқори талабчанлик, бўйсинувчиларнинг иш натижаларини ҳолисона баҳолаш ва уларга ғамхўрлик қилишни, ходимлар ўртасида ўзаро муносабатлар қоидаларига амал қилиш, бошлиқлар ва ҳамкасбларни ҳурмат қилишни;

йўл ҳаракати иштирокчиларини йўлларда ҳаракат хавфсизлигига ва қоидаларига риоя этишларини таъминлашни;

ўз иш кўрсаткичларига танқидий қарашни, ижрочилик интизомига риоя этиш ва уни ташкил этиш асосларини, ахборотларни тўплаш, таҳлил қилишни, ўз ваколати доирасида республикада криминоген вазиятни тизимли таҳлил ва прогноз қилиш асосларини;

хизмат фаолияти мобайнида турли этник ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда ўзига хос жиҳатларини ҳурмат қилиш ижтимоий барқарорликка миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

ўз фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашни **билиши** керак.

Тингловчи:

Ватан равнақи учун хизмат қилишдек улуғ ва олийжаноб мақсадга интилиш, жасурлик ва фидойилик билан эл-юртга хизмат қилиш;

ўз фаолиятини режалаштириш, фаолиятига тааллуқли ахборот билан ишлаш, ахборот-таҳлил фаолияти методларини аниқлаш, иш юритиш ва махфийлик тартибига риоя этиш;

йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи битимлар ва бошқа ҳуқуқий асослардан фойдаланиш;

ички ишлар органларида бошқарув усулларини қўллаш, фаолиятидаги муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш, ҳар қандай вазиятда фуқароларга ҳурмат билан мурожаат қилиш, муносабатларда вазмин бўлиш, муомала маданияти ва қонунийликка қатъий риоя қилиш;

хизмат фаолиятида мавжуд бўлган техник воситалардан самарали фойдаланиш, доимий равишда ўз билим ва касбий кўникмаларини такомиллаштириб бориш, малака ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича кўникмаларига эга бўлиши лозим;

ички ишлар органлари фаолиятининг истиқболини белгилаш ва моделлаштиришнинг методологик асосларини амалиётга тадбиқ этиш, мураккаб шароитларга тез мослашиш, кескин вазиятларда энг мақбул қарорлар қабул қилиш;

йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш;

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган ариза ва шикоятларни мазмунан кўриб чиқиш ва қонун доирасида ҳал қила олиш, фуқароларнинг мурожаатларига холисона ва виждонан ёндашиш, айниқса, болалар, аёллар, кексалар ва нуронийларга алоҳида эътибор қаратиш;

фуқаролар, турли тоифадаги ҳуқуқбузарлар, жамоатчилик вакиллари билан мулоқот қила олиш, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатларга, қонунга хилоф равишда жисмоний куч ишлатишга, ҳақорат қилиш ёки қийноққа солишга йўл қўймаслик;

янги инновацион ғояларни хизмат фаолиятига жорий этиш, соҳавий хизматлар фаолиятини ташкил этишда ахборотлар билан таъминлаш ва алмашиш, фаолиятига таалуқли ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш ва қўллаш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;

ички ишлар органлари фаолиятини режалаштириш;

иш фаолиятида юзага келган турли зиддиятли ҳолатлар ва муаммоларни ҳал этиш ҳамда тегишли бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиш;

самарали иш юритиш ва ҳужжатлар айланишини ҳамда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш;

илғор иш тажрибаси ва услубларини амалиётга татбиқ этиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

Модул бўйича дарс тақсимоти:

№	Модул мавзуси	Аудитория ўқув юклараси, соат					
		Жами	Жумладан				Мстақил таълим
			Аудитория соати	маъруза	семинар	Амалий машғулот	
Т/р	Йўл-патруль фаолияти	170	114	46	48	20	56
1.	Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	8	6	2	4	-	2
2.	Йўл ҳаракати қоидалари	10	6	2	2	2	4
3.	Йўл ҳаракатини тартибга солишда йўл-патруль хизмати ходимининг ишоралари	10	6	2	2	2	4
4.	Йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш	8	6	2	4		2
5.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маъмурий амалиёт бўлими фаолиятини ташкил этиш	8	6	2	2	2	2
6.	Йўл ҳаракати қоидабузарлиги бўйича маъмурий ишларни ҳужжатлаштириш ва кўриб чиқиш тартиби (электрон тизими)	14	10	2	2	6	4
7.	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби	8	6	2	2	2	2
8.	Транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби	8	6	2	2	2	2
9.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг йўл-транспорт ҳодисалари бўйича ҳаракатлари	12	8	2	2	4	4
10.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ахборот диспечерлик маркази фаолиятини ташкил этиш	6	4	2	2	-	2
10.1-10.10-мавзулардан оралиқ назорат		2					2
11.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳузуридаги рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларининг фаолиятини ташкил этиш	6	4	2	2	-	2
12.	Автотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби	6	4	2	2	-	2
13.	Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби	6	4	2	2	-	2
14.	Автомобилларнинг воситаси конструкциясини ўзгартириш ва қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби	6	4	2	2	-	2
15.	Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланиш тартиби	6	4	2	2	-	2
16.	Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун дипломатик иммунитетга ега бўлган шахсларнинг жавобгарлиги	6	4	2	2	-	2
17.	Олиб қочилган, ўғирланган ва йўл-транспорт ҳодисаси содир этган транспорт	6	4	2	2	-	2

	воситаларининг қидирувини ташкил етиш						
18.	Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида тарғибот ва ташвиқот тадбирлари	6	4	2	2	-	2
19.	Йўл-патрул хизмати ходимларининг фаолияти натижаларини баҳолаш тартиби	6	4	2	2	-	2
20.	Техник кўриқдан ўтмаган, носоз ва рухсатсиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини йечиб олиш тартиби	6	4	2	2	-	2
21.	Автомобил йўллари ва йўл иншоотларини назорат қилиш ишларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тартиби	6	4	2	2	-	2
22.	Йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқаришнинг ягона марказлаштирилган ахборот-тизими	4	2	2	-	-	2
23.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг бошқа соҳавий хизматлар ва давлат органлари билан ҳамкорлиги	6	4	2	2	-	2

1-мавзу: Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Маъруза машғулоту–2 соат

Режа:

1-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг тарихи.

2-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги халқаро норматив ҳуқуқий ҳужжатлар.

3-савол. Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қонунлари.

1-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг тарихи.

Ўрта Осиё ҳудудида ҳам ҳаракатланиш тартибига қатъий риоя қилинган. Аجدодларимиз Хива қалъаси ҳудудига ўнг дарвозадан кириб, чиқишда чап дарвозалардан фойдаланганлар. Гарчи қатнов даражаси бугунги кун талабларига жавоб бермас-да, бу тарихий манбалар бизгача етиб келган. Биринчи йўлаклар (тротуарлар) XVIII аср охирида Парижда қурилган. Бугунги кунда йўлнинг бу муҳим элементсиз нафақат замонавий катта шаҳарлар, балки қишлоқларда ҳам ҳаракатланиб бўлмайди.

1896 йил 30 майда Нью-Йоркда биринчи жароҳатланиш билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси автомашинани бошқариб келаётган Генри Уэлс билан велосипедчи Эвелина Томас тўқнашганида қайд этилган (велосипедчини оёғи синган). 1896 йил 17 августда Лондонда автомобиль ҳаракати натижасида биринчи ўлим билан боғлиқ ЙТХ содир бўлган. Унда соатига 12,8 километр тезликда «учиб келаётган» автомашина 44 ёшли мисс Бриджит Дрисколлни босиб кетган, лекин у бахтсиз ҳодиса деб топилган.



1934 йил 5 ноябрда собиқ СССР Халқ комиссариати кенгашининг қарорига мувофиқ, авария, транспортдан нотўғри фойдаланиш ва ғараз муносабатда бўлиш ҳолларига қарши кескин курашиш мақсадида Шоссели, тупроқ йўл ва автомобиль транспорти Бутуниттифоқ марказий бошқармаси қошида Давлат автомобиль назорати ташкил этилди. 1936 йил мартда “Йўлтранс” марказий бошқармаси Шоссели йўллар бош бошқармасига айлантирилди, Давлат

автомобиль назорати эса СССР ИДМБ таркибига кирди. 1936 йил 3 июлда СССРда “Давлат автомобиль назорати ҳақида”ги биринчи Низом тасдиқланди. Бу кун расмий равишда ДАН ташкил этилган кун, деб ҳисобланади.

1966 йил бошларида Тошкент кўчаларида автопатруль пайдо бўлди. Бу овоз кучайтиргич билан жиҳозланган автомобиль бўлиб, энг серқатнов кўчаларда қоидабузарликларни, айниқса, пиёдаларни огоҳликка чорларди. Машина экипажи ДАН инспектори, жамоатчи автокорхона ҳаракат хавфсизлиги бўйича муҳандисдан иборат эди. 1967 йил декабрда эълон қилинган қарорда ДАН ходимлари олдига мактаб ўқувчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини ўрганишини таъминлаш, зарур услубий ва ташкилий ёрдамни кўрсатиш, бу ишга жамоатчи автоинспекторлар ва автоҳўжалик фаолларини жалб қилиш, «Светофор» викторина-ўйинини ташкиллаштириш каби вазифалар қўйилганди. Ҳайинда барча пионер дружиналари, уй бошқаруви қошидаги болалар клублари, ёш ҳаракат автоинспектори отрядлари қатнашишлари шарт эди.

1968 йил 5 февралда республика Вазирлар Кенгаши қарори билан йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш бўйича комиссия тузилди. Унга:

1968–1969 йилларда Тошкент халқа йўлида 8 та мунтазам ДАН пости қурилиб, уч сменали кеча-кундуз ишлайдиган инспекторлар таркиби тузилди.

Республика Вазирлар Кенгашининг «Республикада йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш бўйича қўшимча чоралар ҳақида»ги қарорига асосан 1972 йилнинг 1 мартидан ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказиш белгиланди. 1972 йилда ДАН йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир барча меъёрларга амал қилиш ҳуқуқига эга бўлди ҳамда автотранспорт воситалари қурилмаси лойиҳалари СССР ИИВ ДАН билан келишилиши лозимлиги таъкидланди. Бу вазифа Ўзбекистон ИИВ ДАНБга юклатилди.

1972 йил янгиликларидан бири шахсий фойдаланишда бўлган автомобиль, мотоцикл ва мотороллерлар учун янги техник паспорт намунасининг киритилиши бўлди. У кулранг, сунъий чарм (ледерин) муқовали, ички варақлари сув белгили махсус қоғоздан тайёрланган эди.

1973 йил 1 январда янги «Йўл ҳаракати қоидалари» ва «Йўл белгилари» давлат стандарти амалиётга киритилди. Бу бўйича телевидение, радио, ОАВ орқали тушунтириш ишлари олиб борилди.

1973 йил январда ЎзССР Вазирлар Кенгаши республикада автоҳаваскорлар кўнгилли жамиятини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Янги жамоат ташкилотининг асосий вазифаларидан бири автоҳаваскорларни юқори интизомлилик руҳида тарбиялаш, ҳайдовчилик маҳоратини оширишга қаратилганди. 1973 йил 8 августда СССР Вазирлар Кенгашининг «Йўловчиларни ташишда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда енгил автомобилларни ЙТХ оғир оқибатларининг камайишига сезиларли даражада таъсир кўрсатувчи –



хавфсизликнинг пасив аломатларидан бири бўлган хавфсизлик камарлари билан мажбурий жиҳозлаш зарурий деб топилди. СССР ИИБ ЙХХ Бутуниттифокда олиб борган изланишлар хавфсизлик камарларининг қўлланиши енгил автомобиль ҳайдовчилари ва йўловчилар ўртасида жароҳатланганлар сонининг 2,4 баравар, ҳалок бўлганлар сонини 3,7 баравар камайишига сабаб бўлишини кўрсатди. Шу боис 1975 йил 1 апрелидан Қоидаларга ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланишлари тартиби киритилди. 1977 йил сентябрда Республика «Пиёда» тадбири ўтказилди. Чунки таҳлиллар ЙТХнинг 43 фоиздан кўпрогини пиёдаларни босиб кетиш ҳодисалари ташкил этаётганини кўрсатганди. Тадбирни ўтказиш пайтида пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун шароитлар яратиш, оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш ишлари кучайтирилди.



Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қоида ва меъёрларга амал қилишда давлат назорати роли кучайиб борди. Вазирлар Кенгаши «Давлат автомобиль назорати тўғрисида»ги янги Низомни тасдиқлади. Унда хизматнинг вазифалари белгилаб қўйилди. Низомда ДАН ходимлари, ҳайдовчи, пиёда ва йўловчиларга ёрдам кўрсатилиши, жумладан йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш шарт қилиб белгиланганди. ДАНга йўл ҳаракати қоидаларини оммага тушунтириш вазифаси юклатилди.

ДАН идоралари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қоида ва меъёрлар талабларини бузган шахсларга маъмурий тартибда жарималар солиш ҳуқуқига эга бўлди. Бундай шахсларга нисбатан тўпланган материалларни эса комиссия, судлар ва жамоат ташкилотларига тегишли чоралар кўриш учун юборади. Низомда ДАН ходимлари фуқаролар билан муомалада хушмуомала, зийрак, йўл ҳаракати иштирокчиларига эътиборли ва ҳурматда бўлиши лозимлиги кўрсатилди.

1977 йил транспорт ҳаракатини самарали назорат қилиш учун ДАН ходимлари тезликни радиолокацион ўлчагич «Фара» ва «Фара-2» қурилмасидан фойдалана бошлашди. Унинг ишлаш принципи Доплер эффектига (электромагнит тўлқинлари акс этувчи) асосланганди. Бу вақтда ДАН амалиётида фотоавтоинспектор – «ФАИ-3» аппарати бор эди. Аппарат патруль автомашинаси спидометри, қоидабузарни: транспорт воситасини фотоплёнкага қайд этар ва суратга олинган вақти ва санасини кўрсатарди. Тошкент шаҳрида, шунингдек, чет элда ишлаб чиқарилган тезликни ўлчагич «Спидган», дизель двигателида ишловчи автомобилларда қайта ишланган заҳарли газ ва тутун миқдорини назорат қилувчи «ИДА-2106», «Атлас» аппаратлари ишлатиларди. Гумонланган ҳаракат иштирокчилари алкоголь мастлигини аниқлаш учун «Ҳушёрлик назорати» индикатор трубкаси, шовқин даражасини «ШУМ-1М», йўл ва кўчалар ёруғлиги «Ю-16» «Ю-17» люксметрида ўлчанарди. Транспорт

воситасини мажбурий тўхтатиш учун «боши берк тутқич» ёки «Ёж» махсус қурилмаси ишлатиларди.

Кундалик ишда ёғочли ёки ёруғлик тарқатувчи жездан фойдаланилган. Фараларни бошқариш учун махсус аппаратлари «ПРАФ-1» ва «ПРАФ-2», йўл-транспорт ҳодисаларини расмийлаштириш ҳамда автомобиль техник ҳолатини текшириш учун автоинспектор чемоданидан фойдаланиларди.

Бу даврда ДАН амалиётига «Электроника» ва «Барьер» кейинчалик «Барьер-2» кичик ҳажмли тезлик ўлчагич кириб келди.

1992 йил 1 июлдан кучга кирган «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қонун ҳайдовчилик гувоҳномасига талонни ҳам киритди. Талонга 8 та қўпол қоидабузарликлар бўйича қўрилган чоралар ҳақида ёзув киритиларди. 1998 йил январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ички ишлар вазирининг буйруғи билан ИИВ ДАН бошқармаси негизида ИИВ Давлат автомобиль назорати Бош бошқармаси (ДАНББ) тузилди. Аввалгидек унинг асосий вазифалари: йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракатини такомиллаштириш, транспорт воситаларининг техник ҳолатининг назоратини амалга оширишдан иборат бўлди. ДАНББ тизими унга юкланган талаблар асосида қайта тузилди. Илгари таркибида бўлмаган бўлинмалар ташкил этилди.

1998 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Давлат автомобиль назорати ходимларининг жавобгарлигини ошириш бўйича чоралар тўғрисида»ги қарори чиқди. Унда ДАН ходимлари хизмат вазифаларини ўташ чоғида йўл ҳаракати иштирокчиларига нисбатан қўпол муомилада бўлаётгани, уларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилаётгани таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 майдаги «Давлат автомобиль назоратини ислоҳ қилиш тўғрисида» қарори қабул қилинди. Қабул қилинган ҳужжатларнинг бош мазмуни жамоат тартибини таъминлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва транспорт коммуникацияларида қоидабузарликларга қарши кураш масалаларидан иборат бўлди.

Худудий ички ишлар идоралари ЙҚХБ ЙПХ саф бўлинмалари (бригада, батальон, алоҳида отрядлар) тузилди. 2005 йил 26 апрелдаги биринчи Президентнинг «Шаҳарларда йўлларни қуришни такомиллаштириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги фармонига асосан ҳокимият, Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ЙҚХБ вакиллари таркибидан иборат транспорт коммуникацияларига ёндош худудлардаги объектлар экспертизасини ўтказиш комиссияси тузилди. Текшириш жараёнида 5135 та йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган объектлар аниқланди. 3605 таси бўйича уларни қўчириш ёки бузиб ташлаш лозимлиги ҳақида тақдимномалар киритилди.

2007 йил июлда Вазирлар Маҳкамаси “Автомобилтранспорт воситалари учун давлат рақам белгиларининг (қайдлов рақамлари) янги намунасини татбиқ этиш чоралари тўғрисида”ги қарорни эълон қилди.

2017 йил 2 мартдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда 2017 йил 1 октябридан транспорт воситаларини қайд қилиш гувоҳномасининг янги намуналари татбиқ этилди. Улар 54x86 мм ҳажмда пластикдан тайёрланиб, қалбакилаштиришга қарши замонавий химоя воситаларига эга, шунингдек улар жисмоний шахсларнинг шахсий идентификацион рақамларини (ПИН-ФЛ) ва махсус электрон белги (NFC смарт-карт)ни ўз ичига олади.

Йўлларда хавфсизликни таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг 11 июлида имзоланган «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қароридан ҳам биринчи ўринга кўтарилган. Шунингдек, ўз



автомашиналари учун алоҳида «чиройли» рақам белгиларни олишни истовчилар учун 2017 йил 1 сентябридан аукцион (кимовши савдоси) ўтказиш ва уларни олишда тўлов ставкаларини ошириш кўзда тутилди.

2021 йил 26 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармонида асосан, Ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида:

Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган Жамоат хавфсизлиги департаменти ташкил этилди. Бугунги кунда Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бош бошқармасининг расмий номланиши **“ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати”** бўлиб белгиланди.

2-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги ҳалқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Жаҳоннинг бирор-бир давлатини транспорт воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғи транспорт воситаси билан боғлиқ. Шу қатори Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспорти одам ва юк ташишда 1-ўринда туриб, у барча транспортда юк ташиш бўйича 86%ни ташкил этади. Давлатимизнинг иқтисоди, саноати ижтимоий турмушининг ривожланишида автомобиль транспортининг ўрни бениҳоят чексиз.


Биринчи автомобиль 1886 йилда ихтиро қилинган бўлиб, унда ҳозиргидек одам ёки юк ташиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Қисқа вақт ичида автомобиль шу даражада оммабоп бўла бошладики, унинг ҳаракатланиши учун махсус йўллар қурила бошланиб, унда ҳаракатланиш тартиби жорий этилди. Ҳаракатланиш тартиби назоратга олиниб, биринчи ҳайдовчилик гувоҳномаси 1893 йили Францияда эркакларга, 1896 йили аёлларга ҳам берилди бошлади.

1900 йилга келиб автосаноат 5600 та автомобиль ишлаб чиқди. Автомобиль ҳаракатланиши такомиллашиб, жаҳон миқёсига чиқди ва бир давлат ҳудудидан иккинчи давлатга ўта бошлади. Йўлларда ҳаракатланиш (қоидаларининг) тартибининг хилма-хиллиги ҳайдовчиларга жуда катта ноқулайликлар туғдирди. Йўлларда автомобилнинг ҳаракатланиш тартиби тўғрисидаги биринчи халқаро келишув 1909 йили Парижда қабул қилинди. Унда 4 та йўл белгиси, транспорт воситалари ўнг томонлама ҳаракатланиши ва бир қанча бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

1926 йилги халқаро келишув яна иккита йўл белгиси билан бойитилди. 1931 йилги Женева Конференциясида йўллардаги сигналлаштиришни ягоналаштириш конвенцияси қабул қилинди. Йўл белгилари уч гуруҳдан ташкил топиб (огоҳлантирувчи, буюрувчи ва кўрсаткич) уларнинг умумий сони 26тага етди. Йўлларда ҳаракатланиш бўйича 1949 йилги Женева халқаро конференциясида йўл белгилари ҳақидаги конвенция ҳамда «Йўл белгилари ва йўл сигналлари» ҳақидаги баённома қабул қилинди. Бу миллий йўл ҳаракати қоидаларини бир меъёрга олиб келишнинг кенг масшабини таъминлади. Бироқ баённома бўйича қабул қилинган йўл белгиларининг тизими Европа давлатларининг ҳаракатни ташкил этиш амалиётига мослаштирилган эди. Шу сабабли Шимолий ва Жанубий Америка давлатларида йўл белгилари ҳақидаги конвенция материаллари қабул қилинмади.

1968 йил 8 ноябрь куни Вена шаҳрида «Йўл ҳаракати ҳақидаги» конвенция имзоланди. Ушбу конвенцияга кўра аҳдлашувчи томонлар янгона йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилаш истагида маълум қоидаларни келишиб олганлар.

«Йўл ҳаракати ҳақидаги» Конвенция 6та боб, 56та модда ва 7 та Иловадан иборат.



«Йўл белгилари ва сигналлари ҳақидаги» конвенцияасосий халқаро меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Бу конвенциялар 1968 йилда Вена шаҳрида БМТ йўл ҳаракати конференциясида қабул қилинган конвенцияларга 1971 йил Женевада Европа кенгашида тўлдиришлар киритилган. 1973 йили 1 январидан Ўзбекистон ҳудудида 1968 йилги Венада қабул қилинган конференция асосида тайёрланган «Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари» амалда татбиқ этила бошлади. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг 1994 йилда 1968 йилги иккита Вена конвенцияларини имзолади ва улар асосида янги миллий Йўл ҳаракати қоидаларини ишлаб чиқди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан татбиқ этилди. Транспорт воситаларининг такомиллашиб, кўча-йўл тармоқларининг ўсиб мураккаблашиб бориши йўл ҳаракати қоидаларини қайта кўриб чиқиб, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо қилди. Шу зайил йўл ҳаракати қоидасига 2001 йилда ўзгартириш ва янгиликлар киритилди ва янги нашрда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан қайта тасдиқланди. Ҳозирги вақтда амалдаги «Йўл ҳаракати қоидаси» 2015 йил 24-декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 370-сонли қарори билан тасдиқланган. Йўл ҳаракати қоидаси кўча йўл тармоқларида ҳаракатланиш учун асосий мезон бўлиб, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини ташкил этиш жаҳон давлатларида хилма-хил даражада қўйилган.

Германияда 19 та федерал округ бўлиб, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш округ (худуд) полицияси зиммасига топширилган. Ягона Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўқ.

Ўзбекистон Республикаси «Йўл-ҳаракати хавфсизлиги» тўғрисидаги қонун 1999 йили 19 августда Олий Мажлиснинг XV сессиясида қабул қилинган эди. Вақт ўтиши билан бу қонун такомиллаштирилиб, 2013 йил 10 апрелдан қонуннинг янги таҳрири эълон қилинди. Бу қонун ҳаракат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминловчи асосий меъёрий ҳужжат бўлиб, шу соҳада юзага келувчи муносабатларни тартибга солади ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкани муҳофаза этишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, шунингдек, атроф-муҳитни ҳимоя этишга қаратилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач 1994 йил амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари» ва 1968 йилги Конвенция ҳужжатлари ҳамда бошқа манбалар асосида собиқ иттифоқдош республикалар ичида биринчи бўлиб, она тилимизда «Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари»нинг янги таҳрирдаги матни тайёрланган эди. 2001 йилги қарор жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг йўлларда ҳаракатланиш қоидалари билан деярли бир хил, чунки мазкур қонун йўл белгилари ва ишоралари тўғрисидаги халқаро Конвенцияга асосланган. 2022 йилнинг 12-апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 172-сонли қарорига асосан янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидалари амалга киритилди. Табиийки, вақт ўтган сайин қоидаларга ҳам зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб борилиши давр талабига айланиб бормоқда.

3-савол. Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қонунлари.



Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонунининг мақсади ва асосий вазифалари.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелда қабул қилинган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги 348-сонли қонунининг асосий мақсади йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Қонун 31та моддadan иборат (олдингисида 24 та модда) бўлиб, унинг асосий вазифалари - фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза этилишини, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, шунингдек атроф муҳит ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир. Ушбу қонунга асосан, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида (Вена, Женева конвенциялари) Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади, сабаби Ўзбекистон тан олган халқаро конвенциялар устунлиги таъминланиши шарт.

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

➤ **йўл** — транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган ва фойдаланиладиган ер полосаси ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл автомобиль йўллари, шаҳар электр транспорти йўллари ва йўлкаларни ўз ичига олади;

➤ **йўл ҳаракати** — одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи;

➤ **йўл ҳаракати қатнашчиси** — йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда сифатида бевосита иштирок этаётган шахс;

➤ **йўл ҳаракати хавфсизлиги** — йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати;

➤ **йўл-транспорт ҳодисаси** — транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланишига ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса;

➤ **йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш** — йўл-транспорт ҳодисалари юзага келиши сабабларининг олдини олишга, бундай ҳодисалар оқибатларининг оғирлигини камайтиришга қаратилган фаолият;

➤ **йўл ҳаракатини ташкил этиш** — йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий-техникавий тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи;

➤ **транспорт воситаси** — одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма;

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофазасининг, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек атроф муҳит ҳимоясининг устуворлиги

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларнинг устуворлиги

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятнинг тизимлилиги

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларига қўйидагилар киради:

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги

Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб боради;
 - Йўл ҳаракати қоидаларини ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл ҳаракатини ташкил этиш масалаларига доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлайди;
 - вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек экологик хавфсизлик талабларига риоя этиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;
 - транспорт воситалари ва йўлларнинг техник ҳолатига, йўлларда ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларида йўл ҳаракати хавфсизлигига доир ягона талабларни белгилайди;
 - транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини (бундан буён матнда ҳайдовчилар деб юритилади) тайёрлашга, шунингдек аҳолига йўлларда юриш-туриш хавфсизлиги қоидаларини ўргатишга доир умумий талабларни белгилайди;
 - ҳайдовчиларни, транспорт воситаларини, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишини, йўл-транспорт ҳодисаларини ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олишнинг ягона тизимини тасдиқлайди.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш тартиби.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш қўлланилиши йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган ҳамда йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари ва схемаларида назарда тутилган тартибга солишнинг техник воситаларидан ҳамда уларнинг конструкцияларидан комплекс фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларидаги йўл ҳаракатининг ягона тартиби Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракатланиши белгиланади.

Йўл ҳаракатининг ташкил этилишини йўлларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш ёки бошқа мақсадлар учун йўл ҳаракати хавфсизлиги даражасини пасайтириш ҳисобига ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолатининг асосий кўрсаткичларини шакллантириш, ҳисобини юритиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш

Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш ҳайдовчиларни мажбурий равишда дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан, шу жумладан рейс олдида тиббий кўриклардан ўтказиш, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, йўл ҳаракати қатнашчиларига, ички ишлар органларининг, бошқа ихтисослаштирилган бўлинмаларнинг мансабдор шахсларига ва аҳолига йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш усулларини вақти-вақти билан ўргатиш орқали амалга оширилади.

Йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойнинг ўзида тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатишдан, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойнинг ўзида, даволаш-профилактика муассасасига олиб борилаётганда ва даволаш-профилактика муассасасида малакали тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Тиббий кўрикларни ўтказиш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш тартиби, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг саломида туриши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар рўйхати, шунингдек транспорт воситаларини бошқаришни тақиқловчи, тиббий кўрсатмаларга зид ҳолатларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари.

➤ Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари қуйидагилар:

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;
- йўл ҳаракати қатнашчиларининг ушбу Қонунга, Йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қисмига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади;
- оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг қатнов йўналишларини белгилашда иштирок этади;
- йўлларни, темир йўлларни кесиб ўтиш жойларини, автомобилга ёқилғи қуйиш шохобчаларини, транспорт воситаларининг конструкцияларини қуриш, реконструкция қилиш лойиҳаларига розилик беради;
- фойдаланишдаги транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назоратни амалга оширади, транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ўтказди;
- йўлларнинг ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларининг сақланиши, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозланиши устидан назоратни амалга оширади;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган йўллардан ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларидан фойдаланишни тақиқлайди;
- транспорт воситаларининг, йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳисобини ва рўйхатини юритади;
- транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар беради;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг ваколат доирасига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини амалга оширади;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб боради;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги тиббий жиҳатдан таъминланишини, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;
- йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, аҳолига йўлларда юриш-туриш хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғиб қилиш ҳамда экологик хавфсизлик талабларига риоя этиш бўйича чора-тадбирларни кўради;

- шаҳарлардаги, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги кўчаларнинг, йўлчаларнинг ҳамда йўл ҳаракатини тартибга солиш воситаларининг, шунингдек шаҳар электр транспорти йўлларининг жиҳозланиши ва соз ҳолатда сақланишини таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунининг 10-моддасида белгилаб берилган.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;
- йўл ҳаракати қатнашчиларининг ушбу Қонунга, Йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қисмига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади;
- оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг қатнов йўналишларини белгилашда иштирок этади;
- йўлларни, темир йўлларни кесиб ўтиш жойларини, автомобилга ёқилғи қуйиш шохобчаларини, транспорт воситаларининг конструкцияларини қуриш, реконструкция қилиш лойиҳаларига розилик беради;
- фойдаланишдаги транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назоратни амалга оширади, транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ўтказади;
- йўлларнинг ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларининг сақланиши, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозланиши устидан назоратни амалга оширади;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган йўллардан ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларидан фойдаланишни тақиқлайди;
- транспорт воситаларининг, йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳисобини ва рўйхатини юритади;
- транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар беради;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг ваколат доирасига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунининг 11-моддасида Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишдаги иштироки белгилаб берилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари:

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, махсус ваколатли давлат органларига йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритишга;
- йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича тадбирларда иштирок этишга;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қарорлар ишлаб чиқилишида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этишга ҳақли.

Транспорт воситалари эгаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мажбуриятлари

Транспорт воситаларининг эгалари

- техник жиҳатдан соз транспорт воситаларидан фойдаланиши;
- транспорт воситаларини тегишли малакага эга бўлган ва тиббий кўриқдан ўтган шахслар бошқаришига ижозат бериши;
- ўз фуқаролик жавобгарлигини қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиши;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва экологик хавфсизлик талабларига риоя этиши шарт.

Семинар машғулоти – 2 соат

Режа

Ушбу ўқув машғулоти “Балиқ скелети” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Балиқ скелети» график органайзер (ГО) тингловчиларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда тингловчиларда мантикий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

Ундан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

ўқитувчи тингловчиларни ГОни қўллаш шарти билан таништиради;


тингловчилар кичик гуруҳларга бириктирилади;

гуруҳлар топшириқларни бажаради;

гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;

жамоа гуруҳларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради

Тингловчилар топшириқларни қуйидаги тасвир асосида бажаради:
1-ечим 3-ечим 5-ечим



Таҳлил қилинадиган муаммо:

1-муаммо. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тартиби ва бу соҳасидаги амалга оширилаётган охириги ислоҳатлар.

2-муаммо. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари?


3-муаммо. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари кўрсатинг?

4-муаммо. Транспорт воситалари эгаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мажбуриятлари қандай ва мажбуриятлар бажарилмаганда жавобгарлик турлари.

ИЗОХ: Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги 348-сонли қонуннинг 5-моддасида белгилаб берилган бўлиб унга кўра, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш буйича давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб боради;
- Йўл ҳаракати қоидаларини ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл ҳаракатини ташкил этиш масалаларига доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлайди;
- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек экологик хавфсизлик талабларига риоя этиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;
- транспорт воситалари ва йўлларнинг техник ҳолатига, йўлларда ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларида йўл ҳаракати хавфсизлигига доир ягона талабларни белгилайди;
- транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини (бундан буён матнда ҳайдовчилар деб юритилади) тайёрлашга, шунингдек аҳолига йўлларда юриш-туриш хавфсизлиги қоидаларини ўргатишга доир умумий талабларни белгилайди;

- хайдовчиларни, транспорт воситаларини, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишини, йўл-транспорт ҳодисаларини ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олишнинг ягона тизимини тасдиқлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини амалга оширади;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб боради;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги тиббий жиҳатдан таъминланишини, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;
- йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, аҳолига йўлларда юриш-туриш хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғиб қилиш ҳамда экологик хавфсизлик талабларига риоя этиш бўйича чора-тадбирларни кўради;
- шаҳарлардаги, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги кўчаларнинг, йўлчаларнинг ҳамда йўл ҳаракатини тартибга солиш воситаларининг, шунингдек шаҳар электр транспорти йўлларининг жиҳозланиши ва соз ҳолатда сақланишини таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари қўйидагилар

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- автомобилларда ташиш хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;
- автомобиль транспортида йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.
- Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш ташкилотининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари қўйидагилар

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлашда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;
- ўзига қарашли автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун бу йўлларнинг соҳ ҳолатда сақланишини таъминлайди;
- йўл ҳаракати қатнашчиларини йўл қопламасининг ҳолати, гидрометеорологик ва бошқа шароитлар тўғрисидаги зарур ахборот билан таъминлайди;
- автомобиль йўлларида йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари, тезкор алоқа тизими қурилишини ва мазкур йўлларнинг ушбу воситалар ва тизим билан жиҳозланишини амалга оширади ҳамда уларнинг сақланишини таъминлайди;
- автомобиль йўлларининг ҳаракатланиш учун хавфли участкаларини аниқлайди ва бу участкаларда йўл ҳаракатини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни кўради;
- оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг қатнов йўналишларини белгилашда иштирок этади, шунингдек йўл сервис объектларини жойлаштиришга розилик беради.

Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш ташкилоти қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари қуйидагилар

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;
- йўл ҳаракати қатнашчиларининг ушбу Қонунга, Йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қисмига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади;
- оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг қатнов йўналишларини белгилашда иштирок этади;
- автомобиль йўлларини, йўл иншоотларини, темир йўл кесишмаларини, автомобиль йўллари ва кўчалари бўйида жойлашган АЁҚС, АГТҚС ҳамда АГҚС (автомобилларга бензин қуйиш, газ тўлдириш ва газ қуйиш) станцияларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш лойиҳаларига розилик беради;

- фойдаланишдаги транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назоратни амалга оширади, транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ўтказди;
- йўлларнинг ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларининг сақланиши, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозланиши устидан назоратни амалга оширади;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган йўллардан ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларидан фойдаланишни тақиқлайди;
- транспорт воситаларининг, йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳисобини ва рўйхатини юритади;
- транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар беради;
- қонунчиликка мувофиқ ўзининг ваколат доирасига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш тартиби.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш **24-моддада** белгиланган бўлиб, қўлланилиши йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган ҳамда йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари ва схемаларида назарда тутилган тартибга солишнинг техник воситаларидан ҳамда уларнинг конструкцияларидан комплекс фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларидаги йўл ҳаракатининг ягона тартиби Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракатланиши белгиланади.

Йўл ҳаракатининг ташкил этилишини йўлларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш ёки бошқа мақсадлар учун йўл ҳаракати хавфсизлиги даражасини пасайтириш ҳисобига ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолатининг асосий кўрсаткичларини шакллантириш, ҳисобини юритиш ва улардан фойдаланиш тартибий йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолатининг асосий кўрсаткичларини шакллантириш, ҳисобини юритиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўлларда ҳаракатланишнинг хавфсиз шароитларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан қафолатланади.

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши йўл ҳаракати бошқа қатнашчиларининг ҳуқуқларини чекламаслиги ёки бузмаслиги керак.

Йўл ҳаракати қатнашчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга

- Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ йўлларда эркин ва монеликсиз ҳаракатланиш;
- қонунчиликда назарда тутилган ўз ҳуқуқларининг чекланиши ёки бузилиши сабаблари тўғрисида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг мансабдор шахсларидан тушунтиришлар олиш;
- ҳаракатланишнинг хавфсиз шароитлари тўғрисида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ маҳсулотлар ва хизматларнинг сифати ҳақида тўлиқ ҳамда ишончли ахборот олиш;
- йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда қонунчиликка мувофиқ зиммасига бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, қутқарув ишлари олиб бориш ва бошқа шошилиш ёрдам кўрсатиш мажбурияти юклатилган ташкилотлар ва мансабдор шахслардан шундай ёрдамлар олиш;
- йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида улар тан жароҳати олган, транспорт воситаси ва юк шикастланган ҳолларда қонунчиликда белгиланган тартибда зарарнинг ўрни қопланиши, шунингдек маънавий зиён учун компенсация олиш;
- махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунга ҳилоф қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;
- йўл белгиларини, чизикларини, светофорларни ўзгартириш ва ўрнатиш юзасидан, йўл қопламасининг ҳолати ҳақидаги таклифлар ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларига доир бошқа таклифлар билан тегишли органларга мурожаат этиш.
- Йўл ҳаракати қатнашчилари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат

- Йўл ҳаракати қоидалари талабларига ва йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариш;
- Йўл ҳаракати қатнашчиларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи

- мотоцикллар, мотороллерларни ва бошқа мототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи — ўн олти ёшга тўлган шахсларга берилади;
- рухсат этилган энг кўп оғирлиги 3500 килограммдан ҳамда ўриндиқлар сони ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари саккизтадан ошмайдиган автомобилларни бошқариш ҳуқуқи, такси бундан мустасно — ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга берилади;
- рухсат этилган энг кўп оғирлиги 3500 килограммдан ошадиган юк автомобилларини бошқариш ҳуқуқи — ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга берилади;
- такси тариқасида фойдаланиладиган автомобилларни, шунингдек йўловчилар ташиш учун мўлжалланган ва ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари саккизтадан ортиқ ўриндиғи бўлган автомобилларни, трамвайлар ва троллейбусларни бошқариш ҳуқуқи — йигирма бир ёшга тўлган шахсларга берилади;
- транспорт воситалари составларини бошқариш ҳуқуқи — ушбу қисмнинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга транспорт воситаларини бошқариш стажи ўн икки ойдан кам бўлмаган тақдирда берилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи тиббий текширувдан ўтган ва малака имтиҳонларини топширган шахсларга бериладиган, белгиланган намунадаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Малака имтиҳонларини топшириш ва транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган талабларга мос келадиган миллий ва халқаро ҳайдовчилик гувоҳномалари амал қилади.

2-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Йўл ҳаракати қоидалари.

Маърузамашгулот –2 соат

Режа:

1-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлигида умумий қоидалар.

2-савол. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг вазифалари

1-савол: Йўл ҳаракати хавфсизлигида умумий қоидалар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач 1994 йил амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари» ва 1968 йилги Конвенция ҳужжатлари ҳамда бошқа манбалар асосида собиқ иттифокдош республикалар ичида биринчи бўлиб, она тилимизда

«Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари»нинг янги таҳрирдаги матни тайёрланган эди. 2001 йилги қарор жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг йўлларда ҳаракатланиш қоидалари билан деярли бир хил, чунки мазкур қонун йўл белгилари ва ишоралари тўғрисидаги халқаро Конвенцияга асосланган. 2022 йилнинг 12 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 172-сонли қарорига асосан янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидалари амалга киритилди. Табиийки, вақт ўтган сайин қоидаларга ҳам зарур ўзгартиришлар киритилиб борилмоқда.



Умумий қоидалар Йўл ҳаракати қоидалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл ҳаракатининг ягона тартибинияъни йўлларида транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракатланиш тартиби белгиланган. Шу боис, ҳаракат вақтида пиёдаларнинг ҳам, ҳайдовчиларнинг ҳам ўнг томондан ҳаракатланишига одатланиб қолганмиз. Бироқ ҳаракатнинг ўнг томонлама принципини ташкил қилиш ва жорий этиш учун анчагина вақт ҳамда куч талаб этилган. Эндиликда қоидага айланган бу одат бизга узоқ вақтлардан етиб келган. Ўнг томонлама ҳаракатланиш илк бор Францияда жорий қилинган. Бироқ Англия, Япония, Австралия ва баъзи бошқа мамлакатларда чап томонлама ҳаракатланиш ташкил этилган. Россияда ҳам XX аср бошларида ҳаракатланиш чап томонлама бўлган, чунки автомобилларнинг бошқаруви ўнг томонда жойлашган эди.

Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати қатнашчилари «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» 348-сонли қонуни ва Йўл ҳаракати қоидаларни ҳамда унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт.

Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак. Тегишли ваколатга эга бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга йўл қоламасини бузиш ёки

ифлослантириш, йўл белгиларини, светофорларни ва ҳаракатланишни ташкил этишнинг бошқа техник воситаларини ўзбошимчалик билан олиб ташлаш, ўрнатиш, тўсиб қўйиш, шикастлантириш, йўлларда ҳаракатланишга тўсқинлик қилувчи нарсаларни қолдириш тақиқланади. Ҳаракатга тўсқинлик туғдирган шахс уни тезда бартараф қилиш учун имконияти даражасида барча чораларни кўриши, агар бунинг иложи бўлмаса, мавжуд барча воситалар билан хавф-хатар ҳақида ҳаракат катнашчиларини огоҳлантириши ва ички ишлар органларига хабар бериши шарт.

Мазкур Қоидаларни бузган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

2-савол: Йўл ҳаракати иштирокчиларининг вазифалари.

Йўл ҳаракати иштирокчиларига ҳайдовчи, йўловчи ва пиёдалар киради.

Ҳайдовчиларнинг умумий мажбуриятлари

Механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларни ёнида олиб юриши ва ИИО ходимлари талаб қилганда текшириш учун тақдим этиши шарт

- ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини ёки транспорт воситасини вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талонни, ҳайдовчилик гувоҳномаси белгиланган тартибда олиб қўйилган бўлса, унинг талонини, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони олиб қўйилган ҳолларда вақтинчалик рухсатномани;
- вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талон ёки вақтинчалик рухсатнома билан транспорт воситасини бошқаришда ҳайдовчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни;



- транспорт воситаси ёки тиркамани қайд қилиш гувоҳномасини;
- транспорт воситасининг эгаси бўлмаган ҳолларда эса умумий эгалик ҳуқуқини ёки тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи, эгалик қилишга ва фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни, транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси эгасининг яқин

қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) бундан мустасно;

- транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини;
- қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда йўл варақаси ва ташилаётган юкнинг ҳужжатларини.



қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда — ҳайдовчилар малака оширгани тўғрисидаги сертификати.

Тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига, унинг талонига, вақтинчалик рухсатномага эга бўлган шахс, ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини, унинг эгаси ёнида бўлганида ёхуд тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ёки эгалик қилишга, фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган шахс иштирокидагина (уларнинг розилиги билан) бошқариши мумкин, агар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича шартнома ушбу транспорт воситасидан чекланмаган шахсларнинг фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда тузилган ёки транспорт воситасини бошқараётган шахс суғурта полисида кўрсатилган бўлса.

Транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси эгасининг яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) ушбу транспорт воситасидан мустақил фойдаланиши ва бошқариши мумкин.

Конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситаси ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчи хавфсизлик камарини тақиб олиши шарт.

Қуйидаги шахсларга хавфсизлик камарини тақмасликка рухсат берилади

- автомобилнинг орқа ўриндиғидаги 12 ёшгача бўлган болалар (ушбу Қоидаларнинг 159-бандига мувофиқ);

- транспорт воситасини ўқувчи бошқараётган вақтда автотранспорт воситасини ёки шаҳар электр транспортини бошқаришни ўргатувчи амалий машғулотлар инструктори;
- ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган бемор йўловчилар;
- орқага ҳаракатни амалга ошираётган ҳайдовчилар;
- аҳоли пунктларида ҳаракатланишда йўналишли такси ҳайдовчилари, таксининг орқа ўриндиғидаги йўловчилар;
- аҳоли пунктларида ташқи қисмига махсус рангли график чизмалар чизилган транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари.



Транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларга мажбурдир

а) йўлга чиқишдан олдин транспорт воситасининг техник созлигини, тозаллигини ва тўлиқ жиҳозланганлигини текшириши;

б) ҳаракатланиш вақтида транспорт воситасининг техник созлигини таъминлаши;

в) ҳаракатланишни бошлашдан олдин йўловчилар транспорт воситасида жойларини эгаллаганлигига, транспорт воситасининг эшиклари ёпилганлигига, йўловчилар ташиш учун махсус жиҳозланган юк автомобилларида йўловчилар ташиётганда, Қоидаларнинг 24-бандиталаблари бажарилганлигига ишонч ҳосил қилиши;

г) ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши;

д) йўловчиларни қуйидагилар ҳақида огоҳлантириши:

ҳаракатланаётган вақтда автомобиль салонидан тана қисмларини (қўлдан ташқари) чиқариш тақиқланганлиги;

транспорт воситаси ҳаракатланишни бошланишидан олдин хавфсизлик камарини тақиш (Ушбу Қоидаларнинг 9-бандида назарда тутилган ҳоллардан ташқари), мотоцикл ва мопедда ҳаракатланаётганда эса махсус мотошлем кийишлари ва уни қадаб олишлари зарурлиги;

е) сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда мажбурий тўхтаган транспорт воситасининг ҳайдовчиси таъмирлаш мақсадида йўлнинг қатнов қисмига чиқишдан олдин нур қайтаргичли махсус жилет кийиб олиши (енгил ва юк автомобили, автобус ва ғилдиракли тракторлар ҳайдовчилари);

ж) ИИО ходимларининг талабига кўра мастлик ҳолатини аниқловчи махсус текширувдан ўтиши;

Қўидаги ҳолларда транспорт воситасини фойдаланиш учун тақдим этиши:

- ИИО ходимларига қонунда белгиланган ҳолларда кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажариш учун, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаси туфайли шикастланган ёки носоз транспорт воситаларини олиб кетиш (шатакка олиш) учун (фақат юк автомобилидан);
- йўлакай йўналишда тиббий ёрдам кўрсатишга кетаётган тиббиёт ходимларига ҳамда зудлик билан тиббий ёрдамга муҳтож бўлган фуқароларни даволаш-профилактика муассасасига олиб бориш учун.
- Транспорт воситасини фойдаланиш учун тақдим этиш талаби фуқароларга тегишли (тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатидан ташқари) транспорт воситаларига тааллуқли эмас.
- Транспорт воситасидан фойдаланган шахс ҳайдовчи талаб қилганда йўл варақасига юрилган вақтни, босиб ўтилган масофани, ўз исми-шарифи, мансаби, иш жойи номини, йўл варақаси бўлмаган тақдирда тегишли намунадаги маълумотномани ёзиб бериши керак.

Транспорт воситасининг ҳайдовчиси қўидагиларга мажбурдир

- транспорт воситасини мастлик ҳолатида (алкоголь, гиёҳванд моддалар истеъмол қилган ва ҳ. к.), сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш;
- ҳар қандай мастлик ҳолатида, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражада чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бўлган, шунингдек тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган, йўл варақасида ёки транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида исм-шарифи кўрсатилмаган (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича шартнома ушбу транспорт воситасидан чекланмаган шахсларнинг фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда тузилган ҳоллардан ташқари) шахсларга транспорт воситасини бошқариш учун топшириш;

- тормоз тизими, рул бошқаруви ишламаётган, улагич мосламаси (автопоезд таркибида) носоз бўлган, қоронғи вақтда ёки етарлича кўринмайдиган шароитда — олд чироқлар ва орқа габарит чироқлари бўлмаган ёки ёнмаётган, ёмғир, қор ёғаётган вақтда ҳайдовчи томонидаги ойна тозалагич ишламаётган транспорт воситаларини бошқариш;
- тегишли рухсатсиз транспорт воситаларига махсус техник жиҳоз (рация, сирена ва шу кабилар)лар ўрнатиш;
- транспорт воситаларининг ташкилий жамланмаси, шу жумладан пиёдалар жамланмалари ҳаракатига ҳалақит бериш ва улар орасига кириш;
- транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан, транспорт воситаси салонининг олд қисмига ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган теле-видеомонитордан теле-видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш;
- транспорт воситаси салонининг олд қисмига, шу жумладан, приборлар панелига, куёш соябонига ва орқа томонни кўриш кўзгусига (фақат ташқи кўринишни тасвирга оладиган видеокамера, навигатор, видеорегистраторлардан ташқари, агар улар ҳайдовчига кўринишни чекламаса) теле, видео мониторлар ўрнатиш.

Ҳаракатланиш вақтида ушбу Қоидаларнинг 3-иловасида кўрсатилган транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқловчи шартлар юзага келганда, ҳайдовчи уларни бартараф этиши, агар бунинг иложи бўлмаса, зарур бўлган эҳтиёт чораларини кўриб, таъмирлаш ёки тўхтаб туриш жойига етиб олиш учун ҳаракатланиши мумкин.

Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда ҳайдовчининг мажбуриятлари

- транспорт воситасини дарҳол тўхтатиши, авария ишораларини ёқиши ва авария сабабли тўхташ белгисини ўрнатиши, транспорт воситасини ва ҳодисага дахлдор буюмларни жойидан қўзғатмаслиги;
- шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриши, тез тиббий ёрдам ва фавқулодда қутқарув хизматларини чақириши, шошилиш ҳолларда эса шикастланганларни яқин орадаги даволаш-профилактика муассасасига йўлакай транспорт воситасида жўнатиши, бунинг имкони бўлмаган ҳолларда ўз транспорт воситасида олиб бориши, у ерда ўз исми-шарифи, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиси ҳақида ахборот бериши (ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини ва транспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлик ҳужжатини кўрсатиши) ва ҳодиса рўй берган жойга қайтиб келиши;
- агар бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатига тўсқинлик қилса қатнов қисмини бўшатиши. Қатнов қисмини бўшатиш ёки шикастланганларни ўз транспорт воситасида даволаш-профилактика муассасасига олиб бориш

зарур бўлганда, йўл-транспорт ҳодисасига дахлдор ҳайдовчилар аввало транспорт воситаси, ҳодисага алоқадор буюмлар ва изларнинг ҳолатини гувоҳлар иштирокида дастлабки қайд этишни амалга ошириш, уларнинг йўқолмаслиги ва ҳодиса рўй берган жойни айланиб ўтишни ташкил қилишнинг барча чораларни кўриши;

- ҳодиса ҳақида ИИОга хабар бериши, гувоҳларнинг исм-шарифини ва яшаш манзилини ёзиб олиб, ИИО ходимларининг келишини кутиши.

Агар йўл-транспорт ҳодисасида шикастланганлар бўлмаса ва ҳайдовчилар ҳодисага баҳо беришда ўзаро келишаолсалар, дастлабки ҳодиса чизмасини чизиб, уни имзолаб, яқинорадаги ЙХХХ маскани ёки ИИОга боришлари мумкин.

Пиёдаларнинг мажбуриятлари

Пиёдалар тротуардан ёки пиёдалар йўлкасидан, улар бўлмаганда эса йўл ёқасидан юришлари керак. Ҳажми катта юкларни олиб кетаётган пиёдалар, шунингдек ногиронларнинг двигателсиз кажавасида ҳаракатланаётган шахсларнинг тротуар ёки пиёдалар йўлкасидан ҳаракатланиши бошқа пиёдаларнинг ҳаракатланишига халақит бераётган бўлса, улар қатнов қисмининг четидан ҳаракатланишлари мумкин.

Тротуар, пиёдалар йўлкаси, йўл ёқаси бўлмаса ёки улардан юришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда пиёдалар велосипед йўлкасидан ёки қатнов қисмининг четидан (ажратувчи бўлаги бор йўлларда қатнов қисмининг ташқи четидан) бир қатор бўлиб юришлари мумкин.

Қатнов қисмининг четида ҳаракатланаётган пиёдалар транспорт воситаларининг ҳаракатига қарама-қарши йўналишда юришлари керак. Ногиронларнинг двигателсиз кажавасида ҳаракатланаётган, мотоцикл, мопед, велосипед етаклаб кетаётган шахслар эса бундай ҳолларда транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши бўйлаб юришлари керак.

Пиёдалар йўлкасида, тротуарда, йўл ёқасида пиёдаларнинг ҳаракатланишига халақит берадиган қурилма ва тўсиқлар ўрнатиши тақиқланади.

Пиёдаларнинг ташкилий жамланмасига йўлнинг қатнов қисмида бир қаторда тўрт кишидан ортиқ бўлмасдан, фақат транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши бўйлаб ўнг томондан юришга рухсат этилади.

Жамланманинг олди ва орқасида чап томондан қизил байроқча, қоронғи вақтда ёки етарлича кўринмаслик шароитида эса олдинда оқ, орқада қизил рангли чироқ кўтарган кузатувчилар бўлиши керак.

Болалар гуруҳини тротуарлар ва пиёдалар йўлкаларидангина, улар бўлмаганда эса йўл ёқасидан фақат кундузи ва катта ёшдагилар кузатувида олиб юришга рухсат этилади.

Пиёдалар йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойларидан, шунингдек ер ости ва ер усти ўтиш жойларидан, улар бўлмаганда эса чорраҳаларда тротуар чизиқлари ёки йўл ёқаси бўйлаб кесиб ўтишлари керак.

Пиёдаларга кўринадиган ораликда ўтиш жойи ёки чорраҳа бўлмаса, ажратувчи бўлаксиз ва тўсиқсиз йўллардан йўлнинг икки томони яхши

кўринадиган жойидан, қатнов қисмининг четига нисбатан тўғри бурчак остида кесиб ўтишларига рухсат этилади.

Йўл ҳаракати тартибга солинган жойларда пиёдалар тартибга солувчининг ёки пиёдалар светофорларининг, улар бўлмаганда эса транспорт светофорларининг ишораларига амал қилишлари керак.

Ҳаракат тартибга солинмайдиган пиёдалар ўтиш жойларида, пиёдалар яқинлашиб келаётган транспорт воситаларигача бўлган масофани ва уларнинг тезлигини чамалаб кўриб, ўтиш ўзлари учун хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг йўлнинг қатнов қисмига чиқишларига рухсат этилади.

Шунингдек, улар йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойларидан ташқарида кесиб ўтишда транспорт воситаларининг ҳаракатланишига ҳалақит бермасликлари, яқинлашиб келаётган транспорт воситаларининг йўқлигига ишонч ҳосил қилмасдан туриб, кўринишни чекловчи, тўхтаб турган транспорт воситаси ёки бошқа бирор тўсиқ панасидан чиқмасликлари керак.

Йўлнинг қатнов қисмида, шунингдек пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланаётган пиёдаларга телефондан фойдаланиш, теле-, видеомаҳсулотларни кўриш, радио-аудиомаҳсулотларни эшитиш, китоб ёки даврий матбуот ўқиш, ҳамда эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиш тақиқланади.

Пиёдалар тўхтаб турган автобус ва троллейбуснинг орқа томонидан, трамвайнинг эса олди томонидан йўлни кесиб ўтишлари шарт.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлмаса йўлнинг қатнов қисмига чиққан пиёдалар ушланиб қолмасликлари ва тўхтамасликлари керак. Ўтишга улгурмаган пиёдалар қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимларини ажратувчи чизикда тўхташлари лозим. Кейинги ҳаракатланиш хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг ва светофор ёки тартибга солувчининг ишораларини ҳисобга олган ҳолда ўтишни давом эттиришлари мумкин.

Ялт-ялт этувчи кўк рангли ёки кўк ва қизил рангли чироқ-маёқчаси ва махсус товушли ишораси ёқилган транспорт воситалари яқинлашиб келаётган бўлса, пиёдалар қатнов қисмидан ўтмасликлари, унда ҳаракатланаётганлари эса, бу транспорт воситаларига йўл беришлари ва зудлик билан қатнов қисмини бўшатишлари керак.

Йўналишли транспорт воситаларини фақат қатнов қисмидан баланд жойлашган кутиш майдончаларида, улар бўлмаганда эса, тротуар ёки йўл ёқасида кутишлари керак. Қатнов қисмидан баланд жойлашган майдончалар билан жиҳозланмаган бекатларда йўналишли транспорт воситалари тўла тўхтагандан сўнг унга чиқиш учун қатнов қисмига чиқишга рухсат этилади. Ундан тушгандан кейин ушланиб қолмасдан қатнов қисмини бўшатишлари шарт.

Қатнов қисми бўйлаб бекатларга бораётган ёки ундан қайтаётган пиёдалар ушбу Қоидаларнинг 18—21-бандлари талабларига амал қилишлари керак.

Йўловчиларнинг мажбуриятлари

Йўловчилар транспорт воситасига фақат у тўла тўхтагандан сўнг тротуар ёки йўл ёқаси томондан чиқишга ва тушишга мажбурдирлар.

- Йўловчиларнинг транспорт воситаларидан тротуар ёки йўл ёқаси томондан тушиши ёки уларга чиқишининг иложи бўлмаган ҳолларда, агар бу ҳаракат хавф туғдирмаса ёки бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига халақит бермаса йўлнинг қатнов қисми томонидан амалга оширилиши мумкин.
- Йўловчиларга қуйидагилар тақиқланади:
- транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда ҳайдовчини бошқаришдан чалғитиш ва унга халақит бериш;
- ҳаракатланаётган бортли юк автомобилларида тик туриш, бортларда ёки ундан юқоридаги юк устида ўтириш;
- транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда унинг эшикларини очиш;
- транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда салондан тана қисмларини (қўлдан ташқари) чиқариш.

Семинармашғулот –2 соат

Режа

Ушбу ўқув машғулооти “*Кичик гуруҳларда ишлаш*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



Гуруҳларга топшириқлар:

1-гуруҳга топшириқ. Йўл белгилари қандай гуруҳларга бўлинади.

2-гуруҳга топшириқ. Йўлларда ҳаракатланишни ташкил этишда йўл чизикларининг аҳамияти.

3-гуруҳга топшириқ. Транспорт воситаларининг тўхташи ва тўхтаб туриш тартиби.

4-гуруҳга топшириқ. Чорраҳада ҳаракатланиш тартиби

Гуруҳларга қўшимча саволлар:

1.Тартибга солинмаган чорраҳалар

2.Тартибга солинган чорраҳалар

3.Транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланадиган носозликлар ва белгиланган шартлар.

ИЗОХ:Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

Йўл белгилари қўидаги еттита гуруҳга бўлинади:

1. Огоҳлантирувчи белгилар;

2. Имтиёз белгилари;

3. Тақиқловчи белгилар;

4. Буюрувчи белгилар;

5. Ахборот-ишора белгилари;

6. Сервис белгилари;

7. Қўшимча ахборот белгилари.

Огоҳлантирувчи белгилар ҳайдовчига йўлнинг хавфли қисмига яқинлашаётганлиги, хавфнинг тури ва шакли ҳақида ахборот беради. Огоҳлантирувчи белгиларнинг асоси оқ, хошияси қизил рангда бўлган аксари тенг томонли учбурчак шаклидан иборат. Имтиёз белгилари чорраҳаларда, йўлнинг қатнов қисмлари кесишган жойларда, шунингдек, йўлнинг тор қисмида йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланиш навбатини белгилаш учун қўлланилади. Бундай белгилар бошқа гуруҳ белгиларидан олинган бўлиб, уларнинг шакллари турличадир. Тақиқловчи белгиларнинг асосийлари фони оқ, хошияси қизил, доирасимон шаклдан иборат бўлиб, ҳаракатланишни маълум даражада чеклайди ёки умуман тақиқлайди. Буюрувчи белгилар асоси ҳаво ранг, белгиси оқ, кўриниши доирасимон шаклда бўлиб, транспорт воситаларининг муайян тартиб бўйича ҳаракатланишини талаб этади. Ахборот-ишора белгилари ҳаракатланишга муайян тартиб киритади ёки уни бекор қилади, шунингдек, аҳоли пунктлари ва манзилларнинг жойлашуви ҳақида ахборот беради. Бу белгиларнинг шакли тўртбурчак бўлиб, яшил, кўк, сариқ ва оқ ранглардан иборатдир. Сервис белгилари транспорт воситалари, йўловчилар ва ҳайдовчиларга йўл ёқасида жойлашган хизмат кўрсатиш жойлари ҳақида маълумот

беради. Қўшимча ахборот белгиларининг асоси оқ рангда бўлиб, якка ҳолда қўлланилмайди. Улар доимо бошқа белгилар билан бирга қўлланилади ва уларнинг таъсирини муайянлаштиради ёки чеклайди. Йўл белгиларининг ўрнатилишига қўйиладиган талаблар. Қайтарилувчи, мавсумий ва вақтинчалик белгилар Йўл белгиларини ўрнатишда маълум бир талаблар қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: Йўл белгиси ҳаракатланиш иштирокчиларига яққол кўриниши зарур. Белгиларни кўришга дарахтларнинг шоҳлари ёки бошқа хил қурилмалар халақит бермаслиги лозим; Транспорт воситалари ёки бошқа нарсалар белгиларни ёпиб қўймаслиги зарур, яъни ҳайдовчилар ўзларига тегишли бўлган транспорт воситаларини шундай жойлаштиришлари лозимки, улар ҳаракатланиш иштирокчиларига белгиларни кўришга халақит бермаслиги керак. Йўл белгилари Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ЙХХХ) томонидан белгилаган жойларда қўйилиши лозим. Транспорт воситалари ҳайдовчиларига йўлнинг шароити қанчалик мураккаб ва жиддий бўлса, улар шундан келиб чиққан ҳолда такроран ўрнатилади. Аҳоли яшамайдиган жойлардаги йўлларда қайтарилувчи огоҳ- лантирувчи белгиларга қуйидагилар киради:

1. Огоҳлантирувчи белгилар

Огоҳлантирувчи белгилар ҳайдовчиларга хавфли йўл қисмига яқинлашаётганлиги ҳақида ахборот бериб, унда ҳаракатланишда шароитга қараб тегишли чора кўришни талаб қилади.

1.1, 1.2, 1.5 — 1.32 огоҳлантирувчи белгилари аҳоли пунктларида хавфли жойдан 50 — 100 метр, аҳоли пунктларидан ташқарида эса 150 — 300 метр олдин ўрнатилади. Зарурият бўлганда, бу белгилар 7.1.1 қўшимча ахборот белгисига кўрсатилган бошқа масофада ҳам ўрнатилиши мумкин.

Агар нишаблик ва баландлик кетма-кет келадиган бўлса, 1.13 ва 1.14 белгилари бевосита нишаблик ва баландлик олдига ўрнатилиши мумкин.

Аҳоли пунктларидан ташқарида 1.1, 1.2, 1.9, 1.10, 1.21 ва 1.23 белгилари такрорланади. Иккинчи белги йўлнинг хавфли қисми бошланишига камида 50 метр қолганда ўрнатилади.

Агар катнов қисмида қисқа муддатли йўл ишлари олиб борилаётган бўлса, 1.23 белгиси иш бажарилаётган жойга 10 — 15 метр масофа етмасдан (7.1.1 қўшимча ахборот белгисисиз) ўрнатилиши мумкин.

1.3, 1.3.1 ва 1.3.2 белгилари бевосита темир йўл кесишмалари олдида, энг яқин рельсдан 20 метрдан кам бўлмаган масофада ўрнатилади.

2. Имтиёз белгилари

Имтиёз белгилари — чорраҳаларда, қатнов қисмлари кесишган жойларда, йўлнинг тор қисмларида ҳаракатланиш навбатини белгилайди.

2.3.1. «Иккинчи даражали йўл билан кесишув».

2.3.2, 2.3.3. «Иккинчи даражали йўл билан туташув». 2.3.2 — туташув ўнгдан, 2.3.3 — туташув чапдан. 2.3.1 — 2.3.3 йўл белгилари аҳоли пунктларида кесишмагача 50 — 100 метр масофада, аҳоли пунктларидан ташқарида эса 150 — 300 метр масофада ўрнатилади.

3. Тақиқловчи белгилар

Тақиқловчи белгилар йўл ҳаракатига маълум чекланишлар киритиш ёки уларни бекор қилиш учун қўлланилади.

Белгиларнинг таъсир доираси аниқлаштирилиши мумкин:

3.16 ва 3.26 белгилари 7.2.1 қўшимча ахборот белгиси орқали;

3.20, 3.22, 3.24 белгилари 3.21, 3.23, 3.25 белгилари ва 7.2.1 қўшимча ахборот белгиси орқали;

3.27 — 3.30 белгиларининг амал қилиш оралиғи охирига 3.27 — 3.30 белгилари 7.2.3 қўшимча ахборот белгиси билан бирга такрор ўрнатилади ёки 7.2.2 қўшимча ахборот белгиси билан қўлланилади.

3.27 белгиси 1.4 ётиқ чизиғи билан биргаликда, 3.28 белгиси эса 1.10 ётиқ чизиғи билан биргаликда қўлланиши мумкин, бунда белгиларга амал қилиш чизиқлар узунлиги билан аниқланади.

3.10, 3.27 — 3.30 белгилари йўлнинг қайси томонига ўрнатилган бўлса, уларга фақат ўша томонда амал қилинади.

4. Буюрувчи белгилар

4.1.1 — 4.1.6 белгилари йўналишли транспорт воситаларига таъсир қилмайди.

4.1.1 — 4.1.6 йўл белгилари қатнов қисмларининг қайси кесишмаси олдига ўрнатилса, шу кесишмага таъсир этади.

4.1.1 белгиси йўлнинг қисми бошланишига ўрнатилса, унга яқин чорраҳагача амал қилинади. Белги ўнг томонда жойлашган ҳовли ва бошқа ёндош худудларга бурилишни тақиқламайди.

5. Ахборот-кўрсатгич белгилари

Ахборот-кўрсатгич белгилари маълум ҳаракат тартибларини киритади ёки уларни бекор қилади, ҳамда аҳоли пунктлари ва бошқа манзилларнинг жойлашуви ҳақида маълумот беради.

Аҳоли пунктларидан ташқарида ўрнатилган 5.20.1, 5.20.2, 5.21.1 ва 5.21.2 йўл белгиларидаги яшил ёки кўк ранг кўрсатилган аҳоли пунктига ёки объектга автомагистрал ёхуд бошқа йўл орқали ҳаракатланиш мумкинлигини англатади.

Оқ ранг кўрсатилган объект ушбу аҳоли пунктида жойлашганини англатади.

Аҳоли пунктида ўрнатилган 5.20.1, 5.20.2, 5.21.1 ва 5.21.2 йўл белгиларидаги яшил, кўк ранг кўрсатилган аҳоли пунктига ёки объектга ушбу аҳоли пунктидан чиққандан сўнг автомагистрал ёхуд бошқа йўл орқали ҳаракатланиш мумкинлигини англатади, оқ ранг эса кўрсатилган объект шу аҳоли пунктида жойлашганлигини билдиради.

6. Сервис белгилари

Сервис белгилари тегишли объектлар жойлашуви ҳақида маълумот беради.

7. Қўшимча ахборот белгилари

Қўшимча ахборот белгилари улар билан биргаликда қўлланган белгиларга аниқлик киритиш ёки уларнинг таъсирини чеклаш учун қўлланилади.

Қўшимча-ахборот белгилари қайси белги билан бирга жорий этилса, бевосита шу белги тагига жойлаштирилади. 7.2.2 — 7.2.4, 7.13 қўшимча-ахборот белгилари қатнов қисмининг, йўл ёқасининг, тротуарнинг тепасига ўрнатилган белгиларининг ёнига жойлаштирилади.

Вақтинчалик (кўчма тиргакдаги) ва доимий белгилари маъно жиҳатидан бир-бирига зид келган ҳолларда ҳайдовчилар вақтинча ўрнатилган белгиларга амал қилишлари керак.

Транспорт светофорлари

Қуйидаги транспорт светофорларидан фойдаланилади:

- ишоралар тик жойлашган;
- ишоралар ётиқ жойлашган;
- қўшимча қисмли;
- ҳаракатни маълум йўналишларда тартибга солувчи;
- реверсив;
- трамвай ва бошқа йўналишли транспорт воситаларини ҳаракатини тартибга солувчи;
- темир йўл кесишмаларда ҳаракатни тартибга солувчи;
- тартибга солилмаган чорраҳа ва пиёдалар ўтиш жойларини белгилайдиган;
- корхона, ташкилот ва қатнов қисми торайган жойларда ҳаракатни тартибга солувчи.

Пиёдалар светофорлари

Қуйидаги пиёдалар светофорларидан фойдаланилади:

ишоралар тик жойлашган;

товуш ишорали;

қўл билан бошқариладиган; пиёдалар ҳаракатини тартибга солувчи.

Йўлларда ҳаракатланишни ташкил этишда йўл чизиқларининг аҳамияти.

Йўлларда ҳаракатланишни ташкил этишда йўл чизиқларининг аҳамияти, уларнинг турлари Йўл чизиқлари ҳаракатланишни ташкил этишда ҳайдовчининг асосий эътибори йўналтирилган жойларга чизилади. Йўл чизиқлари ётиқ ёки тик чизиқ гуруҳларига бўлинади. Йўл чизиқларини йўл шароитларининг ўзгаришига қараб ишлатиш қоидалари ГОСТ 23457-86 «Йўл ҳаракатини ташкил қилиш техник воситалари», уларнинг элементларига қўйиладиган талаблар эса ГОСТ 13508-74 «Белги чизиқлари»да келтирилган.

Ҳаракатнинг тартибини белгиловчи йўл чизиқларига йўлнинг қатнов қисмига, тўсиқларга ва бошқа йўл иншоатларига тушириладиган чизиқлар, ёзувлар ва ҳар хил белгилар киради. Автомобиль йўлларида ҳаракатни ташкил қилишнинг самарадор усулларида бири йўл чизиқларини ишлатишдир. Йўл чизиқларини ишлатиш йўл-транспорт ҳодисалари сонининг 30-50 % камайишига олиб келади. Ишлатиш вазифаси бўйича йўл чизиқлари йўл белгиларига

кўпинча мос келади. Лекин кўпчилик ҳолларда йўл чизиқлари бир қатор афзалликларга эга. Йўл чизиқлари ҳайдовчиларни ён атрофга қаратиб чалғитмасдан нигоҳини йўлнинг қатнов қисмига қаратган ҳолда кўрсатмалар беради, шунинг билан биргаликда улар ҳайдов- чига йўл белгиларига нисбатан узоқ муддат мобайнида таъсир қилади. Йўл чизиқларининг камчилиги тез едирилиши, ифлосла- ниши ва қор тагида кўринмаслиги. Юқорида таъкидланганидек, йўл чизиқлари икки гуруҳга бўлинади: ётиқ ва тик йўл чизиқлари. Ётиқ йўл чизиқлари такомиллаштирилган қопламали йўлларда туширилиб, қуйидаги турларга бўлинади: бўйлама чизиқлар; кўндаланг чизиқлар; хавфсизлик оролчаси; аҳоли яшаш жойини, маршрут йуналишини билдирувчи ёзувлар ва бошқа чизиқлар. Ётиқ йўл чизиқлари аҳоли пунктларида тез юрар, магистрал йўлларда, шунингдек, йўналиши белгиланган транспортлар қатнайдиган йўлларда туширилади. Ётиқ йўл чизиқлари аҳоли яшамайдиган жойларда ҳаракат миқдори суткасига 1000 автомобиль ва ундан ортиқ ҳамда қатнов қисмининг кенглиги 6 м ва ундан кўп бўлган йўлларда туширилади. Бунда йўл чизиғи билан белгиланган кенглик 3,0 метрдан кам бўлмаслиги лозим. Тик йўл чизиқлари турли таянчларни, кўприк, йўл ўтказгич- ларнинг тўсиқларини, тоннелларнинг деворларини, йўл тўсиқлари- нинг ён томонларини, хавфли жойларда ўрнатилган хавфсизлик оролчаларини белгилашда ишлатилади.

Ётиқ чизиқлар Ётиқ белги чизиқлари биринчи йўл чизиқлари гуруҳига кириб, жами 23 хил бўлади. Қуйида ҳар бир белги чизиғининг ўлчамлари ва қандай йўл шароитида ишлатилиши кераклиги тўғрисида маълумот берилган. Бўёқлар билан белгиланган йўл чизиғи тез едирилиб кетмайди. Йўл чизиқлари оқ, қора ва сариқ рангларда белгиланади. Йўл чизиғини кўпчилик ҳолларда табиий оқ тошлардан ёки смолага (клейга) фарфор синиқларини қўшиб ишлатилиши амалда учраб туради. Шаҳар кўчаларида эса металдан қилинган «кнопка» шаклидаги йўл белги чизиқлари пиёдаларнинг ўтиш жойини белгилашда ишлатилади. Ётиқ чизиқлар йўлнинг қатнов қисми юзасига чизилади. Бўйлама ётиқ чизиқлар ва уларнинг моҳияти қўйида келтирилган расмларда кўрсатилган. Йўлнинг қатнов қисми юзасидаги чизиқлар, ишоралар, ёзувлар ва бошқа белгилар ҳаракатланиш тартибини белгилайди. Йўл юзасидаги ётиқ чизиқлар оқ рангда бўлади (1.4, 1.10 ва 1.17 чизиқлар сариқ рангда бўлади).

Тик чизиқлар ва уларнинг хусусиятлари Тик йўл чизиқлари иккинчи йўл чизиқлар гуруҳига кириб, жами 7 хил бўлади ва улар қуйидагича ишлатилади:

- 2.1. Ҳаракатланаётган транспорт воситаларига хавф туғдира- диган йўл иншоотларининг тик элементлари (кўприклар, йўл ўтказгич ва эстакадалар, устунлар ва ҳ.к.)ни билдиради.
- 2.2. Йўл ўтказгичларнинг, кўприклар ва тоннелларнинг пастки қисмини белгилашда ишлатилади ва қопламанинг устидан бу белгигача бўлган масофа 5 м дан кичик бўлмаслиги керак.
- 2.3. Ажратувчи тасмада ёки хавфсизлик оролчаларида думалоқ тумбалар қўйилган вақтда белгиланади. Йўналтирувчи, бетон ёки темир бетон устунлар, тўсиқ тиргаклар ва ҳоказоларни билдиради.
- 2.5. Тўғри йўлларда ўрнатилган тўсиқларнинг белгиланишидан 10 м масофада юза қисмига белгиланади.

Режадаги эгриликнинг радиуси 50 м дан кам бўлган ҳолларда ва йўллар икки сатҳда кесишган жойларда ўрнатилган тўсиқларнинг бутун узунаси бўйича юза қисмини белгилашда ишлатилади. 2.6. Ён тўсиқларнинг юзасига туширилади, ён тўсиқларда ёки ўрнатилувчи устунчаларда ўрнатилган 2.4, 2.5, 2.6 йўл чизикларининг нур қайтарувчи элементлари бўлиши керак. Бунда йўлнинг ўнг томонда ўрнатилган элементларнинг ранги қизил, чап томондагиси эса сарик бўлади. 2.7. Қатнов қисмининг сатҳи баландроқ қилиб ўрнатилган хавфсизлик оролчалари четини ҳамда режадаги эгриликни белгилашда ишлатилади. Ҳар бир тик чизикнинг ранги ва қўлланилиш шартлари йўл чизиклари эпоксид эмаль бўёқлар, турли хил термопластлар ва бошқа материаллар билан белгиланади. Йўл чизиғи учун ишлатиладиган ҳар қандай материалларга тегишли ҳужжатлар йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати назоратида тасдиқланиши керак. Термопластлар билан белгиладиган йўл чизикларининг қалинлиги 6 мм дан ошмаслиги керак. Тишланиш коэффициентини эса ҳўл ҳолатда $q=0,4$ дан кам бўлмаслиги керак. Термопластларга қўйиладиган асосий талаб дарз кетмаслик, иссиқда эриб кетмаслик ва оқ рангли бўлиш, нур қайтариш хусусияти кабилар.

Транспорт воситаларининг тўхташи ва тўхтаб туриш тартиби.

Транспорт воситаларига йўлнинг ўнг томони ёқасида, у бўлмаганда эса қатнов қисмининг четида ва ушбу Қоидаларнинг 89-бандида кўрсатилган ҳолларда тротуарда тўхташ ва тўхтаб туришга рухсат этилади.

Аҳоли пунктларидаги иккита ҳаракат бўлаги бўлган ва ўртада трамвай изи бўлмаган бир томонлама ҳаракат ташкил этилган йўлларда тўхташ ва тўхтаб туришга рухсат этилади. Рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан кўп бўлган юк автомобиллари бир томонлама ҳаракатли йўлларнинг чап томонида фақат юк ортиш ва тушириш учун тўхташлари мумкин.

Транспорт воситаларини йўлнинг қатнов қисмида бир қатор қилиб, қатнов қисми четида параллель равишда кажаваси бўлмаган икки ғилдиракли транспорт воситаларини икки қатор қилиб қўйишга рухсат этилади.

Қатнов қисмининг айрим кенгайтирилган жойларида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига халақит бермаслик шарти билан транспорт воситаларини бошқача тартибда қўйишга ҳам рухсат этилади. Қатнов қисмига чегарадош тротуар четида фақат енгил автомобиллар, мотоцикллар, мопедлар ва велосипедларга тўхтаб туришга 5.15 йўл белгиси билан бирга 7.6.2, 7.6.3, 7.6.6 — 7.6.9 қўшимча ахборот белгиларидан бири ўрнатилган жойларда рухсат этилади.

Аҳоли пунктларидан ташқарида тунаб қолиш, дам олиш ёки бошқа мақсадларда узоқ вақт тўхтаб туришга фақат бунинг учун кўзда тутилган майдончаларда ёки йўлдан ташқарида рухсат этилади.

Қуйидаги жой ва ҳолатларда тўхташ тақиқланади

- трамвай йўлларида, шунингдек бевосита уларга яқинроқда трамвайлар ҳаракатланишига халақит берадиган бўлса;

- туннелларда, темир йўл кесишмаларида;
- бир йўналишда ҳаракатланиш учун учтадан кам бўлаги бўлган кўприк, йўл ўтказгич ва эстакада ҳамда уларнинг остида (тегишли йўл белгилари билан тўхтаб туриш рухсат берилган йўл қисмлари бундан мустасно);
- тўхтаган транспорт воситаси билан сидирға чизиқ (қатнов қисмининг четини белгиловчи чизиқдан ташқари), ажратувчи бўлак ёки қатнов қисмининг қарама-қарши чети орасидаги масофа 3 метрдан кам бўлган жойларда;
- пиёдалар ўтиш жойларида ва улардан олдин 5 метрдан кам масофа қолганда;
- қатнов қисмининг хавfli бурилишларида;
- лоақал бир йўналишдаги кўриниш масофаси 100 метрдан кам бўлган йўл дўнгликлари яқинида;
- қатнов қисми кесишмаларида ва кесишаётган қатнов қисми четига 5 метрдан кам масофа қолганда (уч томонлама кесишмаларда (чорраҳаларда) ёндан туташган йўлнинг сидирға чизиқ ёки ажратувчи бўлак билан ажратилган қарама-қарши томони бундан мустасно);
- бекат майдончаларида, йўналишли транспорт воситалари тўхташ жойларида, жумладан, 1.17 чизиғи билан белгиланган, улар бўлмаганда эса йўналишли транспорт воситалари тўхташ жойи белгилари ва бекатдан ҳаракатланиш йўналиши бўйлаб (етмасдан ва ўтиб кетиб) 15 метрдан кам масофада. (йўналишли транспорт воситалари ҳаракатига халақит бермаса йўловчиларни чиқариш ёки тушириш учун тўхташ бундан мустасно);
- транспорт воситаси светофор ишоралари, йўл белгиларини бошқа ҳайдовчилардан тўсиб кўядиган, бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига (кириш ва чиқишига) имкон қолдирмайдиган ёки пиёдаларнинг ҳаракатига халақит берадиган жойларда;
- 3.27 йўл белгиси ёки 1.4 йўл чизиғи таъсири доирасида.
- 5.15 ва 7.17 йўл белгилари ёки 1.24 йўл чизиғининг биргаликдаги таъсири доирасида, ногиронлиги бўлган шахслар томонидан бошқариладиган транспорт воситалари бундан мустасно.

Тўхтаб туриш тақиқланади

- тўхташ тақиқланган жойларда;
- аҳоли яшаш жойларидан ташқарида 2.1 йўл белгиси билан белгиланган йўлларнинг қатнов қисмида;
- темир йўл кесишмаларига 50 метрдан кам масофада;
- 3.27 — 3.30 йўл белгилари ёки 1.4, 1.10 йўл чизиқлари таъсири доирасида.
- 5.15 ва 7.17 йўл белгилари ёки 1.24 йўл чизиғининг биргаликдаги таъсири доирасида, ногиронлиги бўлган шахслар томонидан бошқариладиган транспорт воситалари бундан мустасно.
- Тўхташ тақиқланган жойларда мажбурий тўхтаган ҳайдовчи транспорт воситасини бу жойдан олиб кетишнинг барча чораларини кўриши керак.

- Агар бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатига халақит берадиган бўлса ёки хавф туғдирса, транспорт воситасининг эшикларини очиш тақиқланади.
- Транспорт воситасининг ўз-ўзидан ҳаракатланиб кетишини ёки ўзи йўқлигида ундан фойдаланишни истисно қиладиган зарур эҳтиёт чораларини кўргандан кейингина ҳайдовчи ўз жойини ташлаб кетиши ёки транспорт воситасини қолдириши мумкин.
- 3.27 йўл белгиси. «Тўхташ тақиқланган». Транспорт воситаларининг тўхташи ва тўхтаб туриши тақиқланишини билдиради.
- 3.28 йўл белгиси. «Тўхтаб туриш тақиқланган». Транспорт воситаларининг тўхтаб туриши тақиқланишини билдиради.
- 3.29 йўл белгиси. «Ойнинг тоқ кунларида тўхтаб туриш тақиқланган».
- 3.30 йўл белгиси. «Ойнинг жуфт кунларида тўхтаб туриш тақиқланган».

Чорраҳалардан ўтишнинг умумий қоидалари.

Чорраҳада ҳаракатланиш тартиби

Чапга ёки ўнгга бурилаётган ҳайдовчи кесишаётган йўлнинг қатнов қисмидан ўтаётган пиёда(лар)га, шунингдек велосипед йўлкасидан йўлни кесиб ўтаётган велосипедчи(лар)га йўл бериши керак. Ҳайдовчи тирбандлик туфайли мажбурий тўхтаб, кўндаланг йўналишдаги транспорт воситаларининг ҳаракатланишига тўсқинлик туғдирадиган бўлса, чорраҳа ёки қатнов қисмлари кесишмасига кириши тақиқланади.

Ҳаракатланиш навбати светофор ёки тартибга солувчининг ишоралари орқали аниқланиб бошқарилаётган чорраҳа — тартибга солинган чорраҳа ҳисобланади. Милтиловчи сариқ ишора ёниб-ўчаётган, светофорлар ишламаётган ёки тартибга солувчи бўлмаган чорраҳа — тартибга солинмаган чорраҳа ҳисобланади. Ҳайдовчилар тартибга солинмаган чорраҳалардан ўтиш қоидаларига ҳамда чорраҳада ўрнатилган имтиёз белгиларига амал қилишлари шарт.

Айланма ҳаракатланиш чорраҳасида ҳаракатланаётган транспорт воситалари айланага кириб келаётган транспорт воситаларига нисбатан устунликка (имтиёзга) эга.

Тартибга солинган чорраҳалар

Светофорнинг яшил ишорасида чапга бурилаётган ёки қайрилиб олаётган рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси қарама-қарши томондан тўғрига ҳаракатланаётган ва ўнгга бурилаётган транспорт воситаларига йўл бериши шарт. Трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро ушбу қоидаларга амал қилишлари керак.

Светофорнинг қизил ёки сариқ ишораси билан бир вақтда ёнган қўшимча тармоқнинг йўналтиргичли яшил ишораси йўналишида ҳаракатланаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси бошқа йўналишларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши керак. Агар светофор ёки тартибга солувчининг ишоралари трамвай ва рельсиз транспорт воситаларига бир вақтда ҳаракатланишга рухсат берса, ҳаракатланиш йўналишидан қатъи назар, трамвай олдин ўтиш ҳуқуқига эга бўлади. Светофорнинг қизил ёки сариқ ишораси билан бир вақтда ёнган қўшимча тармоғининг йўналтиргичли яшил ишораси

йўналишида ҳаракатланаётган трамвай бошқа йўналишларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши керак. Светофорнинг рухсат этувчи ишорасида чорраҳага кирган ҳайдовчи, ундан чиқишдаги светофор ишорасидан қатъи назар, белгиланган йўналишда ҳаракатини давом эттириши керак. Бироқ чорраҳада ҳайдовчининг ҳаракатланаётган йўлида жойлашган светофорлар олдида тўхташ чизиқлари (ёки 5.33 йўл белгиси) бўлса, у ҳар бир светофор ишорасига амал қилиши шарт.

Светофорнинг рухсат этувчи ишораси ёнганда ҳайдовчи чорраҳа орқали ҳаракатланишни тугаллаётган транспорт воситалари ва қатнов қисмидан тегишли йўналишда ўтишни тугаллаётган пиёда(лар)га йўл бериши шарт.

Тартибга солилмаган чорраҳалар

Тенг аҳамиятга эга бўлмаган йўллар кесишган чорраҳада, иккинчи даражали йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси асосий йўлдан яқинлашаётган транспорт воситаларига, уларнинг кейинги ҳаракат йўналишидан қатъи назар, йўл бериши керак. Бундай чорраҳаларда трамвай ҳаракатланиш йўналишидан қатъи назар, тенг аҳамиятга эга бўлган йўлда бир йўналишда ёки қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган рельсиз транспорт воситаларига нисбатан имтиёзга эга.

Тенг аҳамиятга эга бўлган йўллар кесишган чорраҳада рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси ўнгдан келаётган транспорт воситаларига йўл бериши шарт. Бу қоидага трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро амал қилишлари керак. Бундай чорраҳаларда, кейинги ҳаракат йўналишидан қатъи назар, трамвай рельсиз транспорт воситаларига нисбатан олдин ўтиш ҳуқуқига эга бўлади.

Асосий йўлнинг йўналиши чорраҳада ўзгарганда асосий йўлда ҳаракатланаётган ҳайдовчилар ўзаро тенг аҳамиятли йўллар чорраҳасидан ўтиш қоидасига амал қилишлари керак. Иккинчи даражали йўлларда ҳаракатланаётган ҳайдовчилар ҳам ўзаро шу қоидага амал қилишлари керак.

Чапга бурилишда ёки қайрилиб олишда рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси тенг аҳамиятли йўлдан қарама-қарши йўналишдан тўғрига ёки ўнгга ҳаракатланаётган, шунингдек рухсат этилган ҳолларда қувиб ўтаётган транспорт воситаларига йўл бериши шарт. Бу қоидага трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро амал қилишлари керак. Агар ҳайдовчи ўзи ҳаракатланаётган йўлнинг қопламаси бор-йўқлигини аниқлай олмаса (қоронғи вақт, лой, қор ва ҳ.к.) ва имтиёз белгилари бўлмаса, унда у ўзини иккинчи даражали йўлда деб ҳисоблаши керак.

Пиёдаларнинг ўтиш жойлари ва йўналишли транспорт воситаларининг бекатлари

Тартибга солилмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб юбориш учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи шарт.

Агар тартибга солилмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатини секинлаштира ёки тўхтаса, қўшни бўлақларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёда(лар) йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнгида ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкин.

Тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойларида ҳайдовчилар светофорнинг рухсат этувчи ишораси ёнган тақдирда ҳам пиёда(лар)га қатнов қисмини шу йўналишда кесиб ўтишни тугаллашига имкон беришлари керак. Пиёдалар ўтиш жойларидан кейин пайдо бўлган тирбандлик туфайли ҳайдовчи пиёдалар ўтиш жойида тўхташга мажбур бўладиган бўлса, пиёдалар ўтиш жойига кириш тақиқланади. Барча ҳолларда, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойларидан ташқарида ҳам ҳайдовчи оқ ҳасса билан ишора бераётган кўзи ожиз пиёда(лар)ни ўтказиб юбориши керак. Агар йўловчиларни тушириш ёки чиқариш қатнов қисмида ёки унда жойлашган майдончада амалга оширилаётган бўлса, ҳайдовчи бекатда тўхтаган йўналишли транспорт воситаси эшиклари томон бораётган ёки ундан келаётган пиёда(лар)га йўл бериши керак.

«Болалар гуруҳини ташиш» таниқлик белгиси ўрнатилган транспорт воситаси тўхтаганда унга яқинлашаётган ҳайдовчи ҳаракат тезлигини камайтириши, зарур бўлса, тўхташи ва болалар гуруҳини ўтказиб юбориши керак.

Амалий машғулот–2 соат

Режа:

1. Транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланадиган носозликлар ва шартлар.
2. Шаблоннан масала ечиш.

Транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқловчи шартлар қуйидагилар:

Тормоз тизимлари

Тормоз тизимининг конструкцияси ўзгартирилса, ишлаб чиқарган корхона талабига мос келмаса ёки транспорт воситасининг шу турида кўзда тутилмаган тормоз суюқлиги ёки бошқа қисмлар қўлланилса.

Гидравлик тормоз юритмасининг зичлиги (герметиклиги) бузилган бўлса.

Двигатель ишламай турганда пневматик ёки пневмогидравлик тормоз юритмасининг зичлигини бузилиши, бошқарув қисмлари уланмаганда — 30 дақиқада, уланганида — 15 дақиқада тизимдаги ҳаво босимини 0,05 МПа дан кўпга пасайишига сабаб бўлса. гилдираклардаги тормоз камераларидан сиқилган ҳаво чиқаётган бўлса.

Пневматик ёки пневмогидравлик тормоз юритмасининг манометри ишламаса.

Тўхтаб туриш тормоз тизими транспорт воситаларини қуйидаги жойларда ҳаракатсиз ҳолатда ушлаб тура олмаса:

тўла аслаҳаланган ҳолатда транспорт воситаларини 16 фоиздан кам бўлмаган қияликда;

М тоифа учун 25 фоиз, N тоифа учун 31 фоиз.

Изоҳ:

Тўхтаб туриш тормоз тизими синовдан ўтказилаётганда двигатель трансмиссиядан ажратилган бўлиши керак.

Бошқарув қурилмаси

Бошқарув қурилмасидаги люфт йиғиндиси регламент (қатъий белгиланган) шароитлардаги синовларда қуйидаги кўрсаткичдан катта бўлмаслиги керак:

Транспорт воситасининг тоифаси	Йўл қўйилган люфт кўрсаткичи (градусда)
M1	10 ⁰
M2, M3, N1	20 ⁰
N2, N3	25 ⁰

Детал ва боғламларнинг Конструкцияда кўзда тутилмаган қўзғалишлари бор. Резбали бирикмалар тегишли равишда маҳкамланмаган ёки ўрнатилган усулда қотирилмаган. Рул колонкасининг қулфловчи мосламаси ишламаса.

Бошқарув қурилмасининг конструкциясида кўзда тутилган кучайтиргич ёки мотоциклларда тебранишни пасайтирувчи мослама (демпфер) носоз бўлса ёки умуман бўлмаса.

Бошқарув қурилмасида қолдиқ деформация излари, дарз кетган жойлари ва бошқа нуқсонлари бўлган қисмлар ўрнатилган, шу транспорт воситаси турида кўзда тутилмаган ёки ишлаб чиқарган корхона талабига мос келмайдиган қисмлар ва суюқликлар қўлланган бўлса.

Ташқи ёритқичлар

Ташқи ёритқичлар сони, тури, жойлашуви ва ишлаш тартиби транспорт воситасининг конструкцияси талабига мос келмаса.

Ишлаб чиқарилиши тўхтатилган енгил автомобилларга бошқа турдаги ва русумдаги транспорт воситаларининг ташқи ёритқичларини ўрнатишга рухсат этилади. Ёритувчи чироқ нурунинг йўналиши бузилган бўлса.

Агар ташқи ёритқичлар ва нур қайтаргичлар белгиланган тартибда ишламаётган ёки ифлосланган бўлса. Ёритиш асбобларида нур сочувчиси бўлмаса ёхуд тегишли ёруғлик асбоблари турига мос бўлмаган нур сочувчи ва лампалардан фойдаланилган бўлса.

Ялт-ялт этувчи чироқ маёқчаларнинг ўрнатилиши, уларнинг маҳкамланиши ва ёруғлик ишоранинг кўриниши белгиланган талабларга жавоб бермаса.

Транспорт воситасида қуйидагилар:

олд қисмида — оқ ёки сариқ рангдан бошқа рангли туманга қарши фаралар, сариқ ёки зарғалдоқ рангдан бошқа рангли бурилиш кўрсаткичлари, оқ рангдан бошқа рангли нур қайтаргичлар ўрнатилган бўлса;

орқа қисмида — оқ ёки сариқ рангдан бошқа рангли орқага ҳаракатланиш, оқ рангдан бошқа рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиларини ёритувчи чироқлар, сариқ ёки зарғалдоқ рангдан бошқа рангли бурилиш кўрсаткичлари, қизил рангдан бошқа рангли бошқа ташқи ёритқичлар, қизил рангдан бошқа рангли нур қайтаргичлар ўрнатилган бўлса;

ён қисмида — сариқ ёки зарғалдоқ рангдан бошқа рангли ёритқичлар, сариқ ёки зарғалдоқ рангдан бошқа рангли нур қайтаргичлар ўрнатилган бўлса.

Ойна тозалагич ва ойна ювгичлар

4.1. Ойна тозалагич белгиланган тартибда ишламаётган бўлса.

4.2. Транспорт воситасининг конструкциясида кўзда тутилган ойна ювгич ишламаётган бўлса.

Ғилдирак ва шиналар

Шина протектори нақшларининг қолдиқ баландлиги N2, N3, O3, O4 тоифадаги автотранспорт воситалари учун — 1,0 мм дан кам бўлса;

M1, N1, O1, O2 тоифадаги автотранспорт воситалари учун — 1,6 мм дан, кам бўлса;

M2, M3 тоифадаги автотранспорт воситалари учун — 2,0 мм дан кам бўлса;

мотоцикл ва мопедлар (скутерлар, квадроцикллар) учун — 0,8 мм дан кам бўлса.

Изоҳ: тиркамалар шинаси нақшларининг қолдиқ баландлиги шатакчи транспорт воситаси шиналари учун белгиланган меъёр кабидир.

Шиналарда корд кўринишига олиб келган ташқи нуқсонлар (тешилган кесилган, ёрилган), ҳамда каркас қатламлари ажралган, протектор ва ён қисмлари кўчган бўлса.

Кўшалок шиналар орасига хавф-хатар туғдирувчи бегона жисмлар қисилиб, тикилиб қолган бўлса.

Шина ўлчамлари ёки чекланган оғирлик транспорт воситасининг турига мос келмаса.

Транспорт воситасининг битта ўқига ҳар хил ўлчамли ва конструкцияли (диоганал ва радиал, камерали ва камерасиз), ҳар хил нақшли, совуққа чидамли ва чидамсиз, янги ва қайта тикланган, янги ва протектор нақши чуқурлаштирилган шиналар ўрнатилган бўлса.

N2 ва N3 тоифадаги капотсиз тузилишли магистрал тягач (шатакчи) ларнинг олдинги ўқига ва M3 тоифани II ва III классдаги автотранспорт воситаларини олдинги ўқига қайта тикланган шиналар, бошқа ўқига эса иккинчи таъмирлаш классига бўйича қайта тикланган шиналар ўрнатилган бўлса.

M1, M2, M3 тоифаларни I классдаги автотранспорт воситаларини олдинги ўқига, M3 тоифани II ва III классдаги автотранспорт воситаларини ўрта ва орқа ўқларига иккинчи таъмирлаш классига бўйича қайта тикланган шиналар ўрнатилган бўлса.

Ғилдиракни маҳкамловчи болт (гайка) бўлмаса, диск ва ғилдирак ободлари дарз кетган бўлса ёки маҳкамлаш тешикларининг шакли ва ўлчамлари кўринадиган даражада бузилган бўлса.

Двигатель

Ишлаб чиқарилган газлар таркибида зарарли моддалар ёки туташ даражаси белгиланган меъёрдан ортиқ бўлса.

Ёнилғи узатиш тизими зич бўлмаса.

Ишлаб чиқарилган газларни чиқариб ташлаш тизими бузуқ бўлса.

Картерни шамоллатиш тизимининг зичлиги бузилган бўлса.

Шаблоннан масала ечиш.

I мавзуга оид тестлар

Савол: Агар тупрок йўлда бевосита чорраҳа олдида тўшамали (қоплама) йўл қисми бўлса, бу уни аҳамияти жиҳатидан кесиб ўтилаётган йўл билан тенг қиладими?

1. Йўқ
2. Ҳа.

Савол: Йўл ҳаракати қатнашчиси, деб кимларни аташ мумкин?

1. Йўл ҳаракати жараёнида транспорт ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этаётган шахс.

2. Йўлда бўлган ва унда иш бажармаётган ҳар қандай шахс.

3. Бирор-бир транспорт воситасини бошқараётган шахс.

Савол: Йўналишли транспорт воситаларига нималар киради?

1. Автобуслар ва йўналишли таксилар.

2. Трамвайлар ва троллейбуслар.

3. Белгиланган йўналитпар бўйича ҳаракатланадиган автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва йўналишли таксилар.

Савол: «Рухсат этилган тўла вазн» нима?

1. Транспорт воситасининг юк кўтариши.

2. Транспорт воситасининг ҳақиқий вазни.

3. Ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белги ланган, аслаҳаланган транспорт воситасининг ҳайдовчи. йўловчи, юк билан бирга рухсат этилган энг юқори вазни (миқдори).

4. Транспорт воситасида ташиладиган юкнинг ишлаб чиқарган корхона йўл кўйган техник тавсифномаси сифатида белгиланадиган вазни.

Савол: Кувиб ўтиш нима?

1. Эгаллаган ҳаракатланиш бўлагидан чиқиб, олдинда кетаётган транспорт воситасидан ўзиб кетиш.

2. Қарама-қарши ҳаракат бўлагига чиқиш ва кейинчалик аввал эгалланган бўлакка қайтиш билан боғлиқ бўлиб, бир ёки бир қанча транспорт воситапаридан ўзиб кетиш.

3. Кам тезлик билан кўшни қаторда ҳаракатланаётган бир ёки бир қанча транспорт воситаларидан ўзиб кетиш.

Савол: Ёнилғи қуйиш жойидан йўлга чиқиш чорраҳа ҳисобланадими?

1. Ҳисобланмайди.

2. Ҳисобланади.

Савол: Қайси йўл асосий ҳисобланади?

1. Тупроқли йўлга нисбатан қопламали йўл ёки тегишли белгилар билан белгиланган йўл.

2. Уч томонлама чорраҳада туташиб келган йўлга нисбатан ҳар икки томонга давом этувчи йўл.

3. Ҳар бир йўналишда ҳаракатланиш учун бир бўлакли йўлга нисбатан кўп бўлакпи қатнов қисми бўлган йўл.

Савол: «Етарлича кўринмаслик» деганда нима тушунилади?

1. Оқшомдан тонггача бўлган вақт.
2. Кўриниш 150 м дан кам бўлган ҳолат.
3. Туман тушганда, ёмғир, қор ёғаётганда ва ҳоқаёо шароитларда, шунингдек, куннинг гира-шира вақтида йўлнинг кўриниши 300 м дан кам бўлиши.
4. Ёмғир, қор ёғиши, оқшом.

3-мавзу: Йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби.

Маърузамашгулот –2 соат

Режаси:

- 1-савол. Йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби.
- 2-савол. Йўл-патруль хизмати нарядларини ташкил этиш тартиби.
- 3-савол. Йўл-патруль хизматининг куч ва воситаларни бошқариш тартиби.

1-савол. Йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 июлдаги ПҚ–3127-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 майдаги 377-сон қарорига мувофиқ, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда йўл-патруль хизмати фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида 2018 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 168-сонли буйруғи тасдиқланган.

Кейинчалик, 2018 йилнинг 1 декабрида эса Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 975-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда йўл-патруль хизмати ходимларини хизмат олиб боришларига доир бир қатор янги талаб ва тартиблар белгиланди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида сўз юритишдан олдин таянч тушунчалар билан танишиб олишимиз зарур бўлади.

➤ **Йўл** – транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган ер бўлаги ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл автомобиль ва шаҳар электр транспорти йўлларини ҳамда тротуарларни ўз ичига олади;

➤ **йўл ҳаракати хавфсизлиги** – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати;

➤ **йўл ҳаракати қатнашчиси** – йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда сифатида бевосита иштирок этаётган шахс;

➤ **йўл ҳаракатини ташкил этиш** – йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий-техникавий тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи;

➤ **транспорт воситаси** – одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма;

➤ **транспорт воситасининг эгаси** – транспорт воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс;

➤ **йўл-патруль хизмати наряди** – пост ва патруллик қилиш йўналишларига хизмат ўташ учун тайинланган йўл-патруль хизматининг бир ёки бир нечта ходими;

➤ **йўл-патруль хизмати маскани** – жиҳозланган махсус бинога эга, техник-оператив ва махсус воситалар, муҳандислик ва бошқа қурилмалар билан таъминланган йўл-патруль хизмати нарядлари хизмат ўтайдиган, жавобгарлик минтақаси бириктирилган жой;

➤ **йўл-патруль хизматининг махсус транспорт воситаси** – ранг-бўёк, таниқлик белгиларга эга бўлган, махсус товуш ва ёруғлик сигналлари, аудио ва видео қайд этиш қурилмалари билан жиҳозланган автомобиль ва мотоцикл;

➤ **патруллик йўналиши** – йўл-патруль хизмати нарядлари учун жойлаштириш жадвали (дислокация)да белгиланган ҳаракатланиш йўналиши;

➤ **постнинг жавобгарлик минтақаси** – йўл-патруль хизмати наряди ўзининг хизмат вазифаларини бажаришга ажратилган, туташган йўлларни ўз ичига олган пост ва патруллик йўналиши ҳудуди;

➤ **экипаж** – камида икки нафар ходимдан иборат бўлиб, транспорт, махсус техника воситалари, қурол ва алоқа воситалари билан таъминланган ЙПХ наряди.

Қуйидагилар йўл-патруль хизматининг *асосий* вазифалари ҳисобланади

- йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

- транспорт воситаларининг хавфсиз ва узлуксиз ҳаракатланишини таъминлаш;

- йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминлаш, шу жумладан йўллар тирбандлигининг олдини олиш, йўл-транспорт ҳодисалари ва йўл ҳаракатқоидалари бузилишларининг профилактикаси, шунингдек улар билан

курашишни таъминлаш, қоидабузарликлар содир этилишига алоқадор бўлган шахсларни излаб топиш ва уларнинг шахсини аниқлаш;

- йўл ҳаракати қатнашчиларига ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш;

- йўлларда ҳаракатланишни тартибга солиш, оммавий тадбирлар фавқулодда вазиятларда зарур бўлган йўл участкаларини ёпиш (тўсиш), транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатини чеклаш ёки тўхтатиш бўйича шошилиш чораларни кўриш;

- олиб қочиб кетилган ёки йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан кетиб қолган автотранспорт воситалари қидирувини амалга ошириш, тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини олиб боришда кўмаклашиш;

- кўчалар, майдонлар, транспорт магистралларида, шунингдек оммавий тадбирлар ўтказилишида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

- содир этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни ваколати доирасида кўриб чиқиш ва уларга нисбатан чора кўриш;

- йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган жойда кечиктириб бўлмайдиган терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб бориш, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;

- йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабабларини ва бунга имкон берган шарт-шароитларни таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорликда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

- йўл-транспорт ҳодисаларининг профилактикаси ҳамда йўл ҳаракатини ташкил қилишга оид ижобий тажрибаларни, шу жумладан хорижий амалиётни ўрганиш орқали амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини оширишга қаратилган самарали тушунтириш ишларини, шу жумладан аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини, хусусан оммавий ахборот воситаларини кенг жалб қилган ҳолда, ташкил қилиш;

- ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш, шунингдек аҳоли билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича очиқ мулоқотлар олиб бориш.

ЙПХ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Қуйидагилар йўл-патруль хизматининг **асосий**
вазифалари ҳисобланади



Махсус автомобиль ёки мотоциклдан фойдаланган ҳолда хизмат олиб бориш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- йўлларда ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш;
- олиб қочилган ёки йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолган транспорт воситаларини қидириш, таъқиб қилиш ва кузатиш;
- транспорт оқимининг олдида чекланган тезликдан оширилмаган тезликда ҳаракатланишни таъминлаш;
- йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган жойда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш;
- махсус транспорт воситалари ва эскортларни кузатиш;
- ҳайдовчи ва пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузишга барҳам бериш.



Тунги вақтларда махсус жиҳозланган автомобиль ва мотоцикллардан фойдаланиб йўл ҳаракати назоратини олиб бориш махсус ёритиш воситаларини ёққан ҳолда амалга оширилади.

Пиёда патруликни амалга ошириш орқали хизмат олиб бориш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- қисқа масофада, ҳаракатланиш жадаллиги кескин ва йўлларнинг авария ҳолати муносабати билан хавfli қисмларида;
- ҳайдовчи ва пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузишга барҳам беришда;
- йўлларда ҳаракат хавфсизлигини назорат қилишда.



Пиёда патрулик амалга оширилганда йўл ҳаракати устидан назорат тротуар (йўл чеккаси) четида, йўлнинг захирадаги қисмида жойини ўзгартириб туриш йўли билан очиқ усулда амалга оширилади. ЙПХ ходими томонидан танланган жой ҳаракат қатнашчилари учун очиқ-равшан кўриниши ва ўз вақтида қоидабузарликка барҳам бериш имкониятини бериши лозим.

Постларда хизмат олиб бориш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- олиб қочилган ёки йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолган транспорт воситаларини аниқлаш ва ушлаш;
- фойдаланиши тақиқланган носоз транспорт воситаларини ва транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш (фош этиш);
- ноқонуний моддалар, воситалар, буюмлар, шунингдек диний экстремистик руҳдаги адабиётларни аниқлаш;
- қидирувдаги шахсларни аниқлаш ва ушлаш;
- республикадан ташқарига узоқ муддатга чиқиб, «сертификат» билан қайтиб келаётган шахсларни аниқлаш;
- давлат рақам белгиларини ноқонуний эгаллаган шахсларни аниқлаш (фош этиш);
- тезкор қизиқиш уйғотган ва шубҳали ҳаракат қатнашчиларини ИИВ Ахборот марказининг автоматлаштирилган маълумотлар базасидан текшириш.



ЙПХ ходимларининг постларда хизмат олиб боришини ташкил этиш ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатда алмаштириб бориш (ротация) йўли билан амалга оширилади. Транспорт воситалари ва эскорт кузатувлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Автомобиль ёки мотоциклда хизмат олиб боришда қуйидагилар тақиқланади

- автомобиль ёки мотоциклга фуқароларни ўтқозиш (ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган шахслар, тез ёрдам кўрсатилаётган шахслар бундан мустасно);
- юкларни ташиш (хизмат фаолияти билан боғлиқ юклар бундан мустасно);
- хизмат автомобили ёки мотоциклини қаровсиз қолдириш;
- хизмат зарурати тақозо этмаган ҳолларда белгиланган ҳаракат тезлигини ошириш;
- ўзбошимчалик билан белгиланган дислокациядан четга чиқиш ёки хизмат ўташ тартибини ўзгартириш;
- автомобиль ёки мотоцикл бошқарувини бошқа шахсларга бериш;
- ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсни автомобилда қаровсиз қолдириш;
- автомобиль ёки мотоциклни бошқариш вақтида уяли алоқа воситаси (телефон)дан фойдаланиш.
- Автомобиль ва мотоциклда махсус мосламалардан (товуш ва ёруғлик) фойдаланишда қуйидагиларга риоя этилиши шарт:
- ўрнатиладиган махсус мосламаларнинг республика ҳудудида жорий этилган стандарт талабларига мос келиши;
- махсус мосламаларни фақат тезкор топшириқларни бажариш ва юзага келган тезкор вазият тақозо этган ҳолларда қўллаш;
- махсус мосламалардан фойдаланишда ҳаракат тезлиги, транспорт оқими, йўл, об-ҳаво шароитлари, кўриниш масофаси ва бошқа ҳолатлар, шунингдек ҳаракат қатнашчиларининг хавфсизлигини инобатга олиш;
- -чорраҳаларда ҳамда транспорт воситаларини қувиб ўтишда махсус мосламалар олдиндан ёқилиши ҳамда хавфсизлик талабларига риоя этилиши.

Тезкор вазифалар бажарилаётганда бутун йўналиш бўйлаб махсус ёруғлик мосламаси, зарур ҳолларда эса қўшимча равишда товуш мосламалари қўлланиши мумкин. Аҳоли яшайдиган жойларда махсус ёруғлик ва товуш мосламаларидан фойдаланишга соат 6:00 дан 23:00 гача бўлган вақт оралиғида рухсат этилади. Тезкор вазият тақозо этган ҳолларда 23:00 дан 6:00 гача бўлган вақт оралиғида ҳам махсус воситалардан фойдаланиш мумкин. Аҳоли яшамайдиган жойларда махсус мосламалардан фойдаланишга нисбатан чекловлар ўрнатилмайди.

Қуйидаги ҳолларда бошқа транспорт воситаларига ҳам махсус мосламалар ўрнатиб улардан фойдаланиш мумкин

- йўл-транспорт ҳодисаси, оғир ёки ўта оғир турдаги жиноятлар содир этилган жойларга кечиктирмай етиб боришда;
- оммавий тартибсизликлар содир этилаётган жойга етиб боришда;
- махсус кўрсатма ёки режага асосан ҳодиса жойидан яширинишга уринаётган ёки олиб қочилган транспорт воситасини таъқиб этиш ва ушлашда;
- фавқулодда ҳолат, табиий офат юз берган ёки ёнғин содир бўлган жойга етиб тезкор боришда; -оғир аҳволдаги беморни тиббиёт муассасаларига етказишда;
- махсус тадбирлар ўтказилаётган вақтда.

2-савол. Йўл-патруль хизмати нарядларини ташкил этиш тартиби.

Хизмат ўташ учун ЙПХ нарядига тайинланган ходимларни тайёрлаш, йўриқнома ўтказиш ва уларни хизмат ўташ жойлари бўйича тақсимлаш патруль-пост хизматига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Нарядларга йўриқнома ЙПХ бўлинмаларида ўтказилади. Зарур ҳолларда йўриқнома махсус жиҳозланган хоналарда ўтказилиши ҳам мумкин.

Йўриқнома давомийлиги 15 дақиқадан ошмаслиги лозим. Йўриқнома нарядларни хизматга киришиш бўйича берилган буйруқ билан тугалланади.

Хизматга киришадиган нарядларга йўриқнома ЙПХ бўлинмаси командири ёки унинг ўринбосари томонидан ўтказилади ва бу ҳақда пост қайдномасига ёзиб қўйилади.

Йўриқнома ўтказишга ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари раҳбарлари ёки ходимлари ҳам таклиф этилиши мумкин.

Мунтазам ЙПХ масканлари, шаҳардан ташқаридаги йўллар ва сутканинг қоронғи пайтида хизмат ўташ учун қўйиладиган нарядларда камида икки нафар ЙПХ ходими бўлиши шарт. Блок-постлар ва тўсиқ постларида сменали асосда бир нафардан ЙПХ ходими жалб қилинади.

Хизмат ўташ учун тайинланган ходимлар йўриқнома бошланишидан 15 дақиқа олдин келиши ва бу ҳақда навбатчига ёки ўзининг раҳбарига маълум қилиши лозим.

Хизматга тушаётган ЙПХ ходимининг ташқи кўриниши озода, анжомлари яроқли ва соз ҳолда, белгиланган намунадаги хизмат кийим-боши, кўкрак нишон бўлиши лозим.



Нарядга тушаётган ЙПХ ходимида қуйидагилар бўлиши шарт

- электрошокер (алоҳида ҳолларда ўқотар қурол), қўлкишан, жезл ва бошқа махсус воситалар;
- хизмат дафтари ва ишни ҳисобга олиш дафтари;
- қидирув эълон қилинган транспорт воситаларининг русуми, давлат рақам белгиси, двигатель, кузови ва бошқа агрегатлари рақамлари кўрсатилган рўйхат;
- жиноят содир этганликда гумон қилиниб қидирилаётган шахслар ҳақида маълумотлар (фотосурат, алоҳида белгилари ва ҳ.к.);
- хизмат ва ҳайдовчилик гувоҳномаси, ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ва муомала маданиятидан кўчирма;
- йўл ҳаракати қоидалари, маъмурий баённома бланкалари ва бошқа процессуал ҳужжатлар намунаси, жарима квитанциялари;
- мобил камера (боде-камера), рангли қалам ва ручкалар, линейка, хуштак, фонар, махсус лента, масофа ўлчовчи восита (метр), хизмат сумкаси;
- «Электрон таржимон» дастурий таъминоти ва йўл ҳаракати соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш имконини берувчи планшет.

Йўриқнома ўтказиш вақтида ЙПХ бўлинмаси командири

- ЙПХ ходимларининг хизмат ўташга тайёрлигига ишонч ҳосил қилиши ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриши;
- ЙПХ ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, қурол, махсус воситаларни қўллаш ва ишлатиш тартиби, шахсий хавфсизликни таъминлаш чоралари бўйича билимларини текшириши;

- ЙПХ ходимларини тегишли хизмат ўташ ҳудудидаги содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари ва тезкор вазият ҳақида хабардор этиши;
- пост ва патруллик қилиш йўналишларини эълон қилиши;
- сутка давомидаги иш натижалари, қонунчилик ва хизмат интизоми талабларини бузиш ҳолатларини етказиши лозим.

ЙПХ бўлинмасидан узоқ масофада жойлашган постларда хизмат ўтаётган ЙПХ ходимлари раҳбарининг рухсати билан йўриқномада ҳафтанинг белгиланган кунларида қатнашиши мумкин. Ушбу ҳолларда ЙПХ бўлинмаси командири постларга бориб, ходимларнинг хизмат олиб боришини текшириши ва ходимлар билан йўриқнома ўтказиши лозим.

ЙПХ ходимлари ЙПХ бўлинмасидан узоқ масофада жойлашган постларга хизматга тушганликлари ҳақида бўлинма навбатчисига маълум қилишлари ҳамда ундан керакли хабар ва кўрсатмаларни олишлари шарт.

ЙПХ ходимлари шаҳардан ташқарисидан, шаҳарда ёки бошқа аҳоли яшайдиган жойларда хизмат ўтаётган вақтларида бўлинма навбатчисига тезкор вазият тўғрисида ҳар соатда камида бир маротаба ахборот бериб туришлари шарт.

ЙПХ нарядига тушган ходимлар орасидан бўлинма командири томонидан наряд раҳбари белгиланади.

Йўриқнома ўтказиш вақтида ЙПХ бўлинмаси командири

- наряддаги ЙПХ ходимларининг ишини ташкиллаштиради, юзага келган тезкор вазиятни инобатга олиб, уларни жойлаштириш ва хизмат ўташ тартибига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида бўлинма командирига ҳамда навбатчига маълум қилиш;
- йўл-транспорт ҳодисалари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича расмийлаштирилган ҳужжатларнинг сифатини текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;
- махсус воситалардан ушбу Йўриқнома талабларига мувофиқ фойдаланилаётганлигини назорат қилиш.

Наряд раҳбари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-савол. Йўл-патруль хизматининг куч ва воситаларини бошқариш тартиби.

ЙПХнинг куч ва воситаларини бошқаришда хизмат ўталаётган ҳудуддаги йўл-транспорт ҳодисалари сони, автомобиль йўлларининг масофаси, унда ҳаракатланишнинг ўзига хос шарт-шароитлари, транспорт воситалари ва пиёдаларнинг бир кеча-кундузда, ҳафта кунлари ва йилнинг фаслларида ҳаракатланиш жадаллиги ҳисобга олинади.

ЙПХнинг куч ва воситаларини жойлаштириш тасдиқланган пост ва патрулликни амалга ошириш йўналишларининг жойлашуви (дислокация)га асосан ЙПХ нарядларини жойлаштириш қайдномасига киритилади.

Дислокация туман (шаҳар) транспорт участкасининг схемаси, тезкор вазият даражаси, ЙПХ ходимлари ва махсус автомобиллар қўйилишининг мажбурий меъёри, пост ва патруллик йўналишларининг рўйхати, нарядларнинг турлари, ҳамкорлик қилиш ва улар билан алоқа боғлаш тартиби ва бошқа маълумотлар (тиббийёт муассасаси, ички ишлар органи, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш станцияси, автотураргоҳ ва бошқа сервис объектлари)ни ўз ичига олади.

Дислокация ЙПХ бўлинмасининг командири томонидан сектор ҳудудида йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши, жойи, вақти ва йўлларда ҳаракатланишни ўзига хос шарт-шароитлари, ташкилотлар, ўқув муассасалари, савдо марказлари, бошқа объектларнинг иш тартибига боғлиқ равишда транспорт воситалари ва пиёдалар оқимининг кўпайишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Дислокациядаги пост ва патруллик йўналишларининг сони сектор ҳудудида йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши ва йўллардаги ҳаракат оқимидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари бўлинмалари (ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари) бошлиқлари билан келишган ҳолда белгиланади.

Куч ва воситаларни бошқариш ЙПХ бўлинмасининг командири томонидан ички ишлар органлари бўлинмалари (ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари) бошлиқлари билан келишган қарор асосида амалга оширилади ва ЙПХ нарядларини жойлаштириш қайдномасида қайд этилади.

Йўл-патруль хизматини ўташ учун нарядлар қўйилишининг кундалик мажбурий меъёри ЙПХ бўлинмаси шахсий таркибининг штатлар сони ва уларга бўлган эҳтиёж коэффицентига асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Хизмат ўталадиган сектор ҳудудида оммавий тадбирлар ўтказилаётганда, дам олиш ва байрам кунларида ходимлар таркиби ҳисобига нарядлар зичлигини сезиларли даражада кўпайтирилиши тақозо этилганда, дам олиш кунлари ўрнини тўлдириш мақсадида ЙПХ бўлинмасининг командири ички ишлар органлари бўлинмалари (ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари) бошлиқлари билан келишган ҳолда кейингикунларда нарядларни ҳар кунлик қўйилишининг мажбурий меъёрини камайтиришга ҳақли. Дислокация йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари бошлиқлари билан келишилади, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланади ҳамда ҳар чоракда қайта кўриб чиқилади.

ЙПХ бўлинмасининг иш тартиби жадвал ва кун тартиби билан белгиланади, унда ҳар бир ЙПХ ходимининг хизмат ўташ куни ва (алмашинув) вақти ҳамда дам олиш кунлари акс эттирилади. Кун тартиби ва иш жадвали ЙПХ бўлинмаси командири томонидан тасдиқланади. Зарур ҳолларда ЙПХ

ходимларининг иш вақти муддати ЙПХ бўлинмаси командири ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи буйруғи (кўрсатмаси)га асосан узайтирилиши мумкин. ЙПХ ходими томонидан аниқлаган қоидабузарликларни қайд этиш учун ушбу Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ ходимнинг ишини ҳисобга олиш дафтари юритилади. Дафтар ўрнатилган тартибда рақамланган, тикилган ва рўйхатдан ўтказилган бўлиши лозим. ЙПХ ходимининг ишини ҳисобга олиш дафтари тўғри юритилиши ва топширилиши мобил гуруҳи командири томонидан назорат қилинади. Дафтар ҳар ўн кунда мобил гуруҳи командири томонидан текширилиб борилади, тўлгандан сўнг ЙПХ бўлинмаси командирига баённома асосида топширилади ва ўрнатилган тартибда икки йил сақланади.

Семинар машғулоти-2 соат

Режаси:

1-савол. Йўл-патруль хизмати ходимининг хизмат ўташ тартиби ва шартлари.

2-савол. Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўлларда ҳаракатини назорат қилишнинг турлари ва усуллари.

3-савол. Транспорт воситаси ва йўловчиларни текширишда ЙПХ ходимлари шахсий хавфсизлигини таъминлаш чоралари.

1-савол. Йўл-патруль хизмати ходимининг хизмат ўташ тартиби ва шартлари.

ЙПХ ходими керакли касб тайёргарлигига, юқори одоб-ахлоқ фазилатларига эга, интизомли ва сергак, хатти-ҳаракатларида дадил, собитлик ва қатъиятлилик билан хизматга боғлиқ қийинчиликларга чидамли бўлиши лозим ҳамда фуқаролар билан мулоқот жараёнида хушмуомала, уларга нисбатан хатти-ҳаракатлари тушунарли ва қонун талаблари асосида бўлиши шарт. ЙПХ ходими Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга.

ЙПХ ходими пост ёки патруллик йўналишида хизмат олиб бориш вақтида автомобиль йўлларининг жиҳозланганлиги ва ҳолати, тартибга солиш техника воситалари (светофор, йўл белгилари ва ҳ.к.)нинг созлиги ва ўрнатилганлиги, йўлнинг қатнов қисмида олиб борилаётган ишларнинг назоратини амалга оширади ва аниқланган камчиликлар ҳақида бўлинма навбатчисига маълум қилади ҳамда заруратга қараб аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради.

ЙПХ ходими ҳайдовчи томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузганлиги тўғрисидаги хабарни алоқа воситалари орқали олган тақдирда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштиради, бундай хабарни берган ЙПХ ходими эса қоидабузарлик содир этилган кун, соат, тафсилоти, транспорт воситасининг давлат рақами белгиси, гувоҳлар бўлса улар

тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган билдиргини тақдим этади. Билдирги маъмурий баённомага илова қилинади.

ЙПХ ходими йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасини амалга оширишда «Йўл посбони» жамоатчи ёрдамчисини жалб қилиши мумкин.

ЙПХ ходими қуйидаги ҳолларда ЙПХ бўлинмаси командири, унинг ўринбосари ёки бўлинма навбатчисининг рухсати (кўрсатмаси) билан пост ёки патрулик йўналишини ташлаб кетиши мумкин:

қўшни пост ёки патрулик йўналишларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга тўсиқ бўлаётган хавфни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш зарур бўлганда;

ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган шахсларни таъқиб қилиш, уларни ушлаш ва ички ишлар органига олиб боришда;

ушланган транспорт воситаларини топширишда ёки вақтинчалик сақлаш жойларига олиб боришда;

суд қарорлари ижросини таъминлашда, тергов-тезкор гуруҳига, шунингдек прокуратура органлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси ва Давлат хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси ходимларининг хизмат вазифаларини бажаришга кўмаклашишда;

йўл-транспорт ҳодиса, бахтсиз ҳодисалар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда жабрланганларга ёрдам кўрсатишда;

ёнғин ёки табиий офатларни бартараф этиш чораларини кўришда;

соғлиғи ёмонлашганда, оилавий шароити туфайли ёки овқатланиш мақсадида.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан йўл ҳаракати қоидалари бузилиши профилактикаси, йўл-транспорт ҳодисалари ва йўллар тирбандлигининг олдини олишда ЙПХ ходими шахсий хавфсизликни таъминлашда:

хизмат ўташ вақтида барча йўл ҳаракати қатнашчилари учун аниқ кўринадиган ва ҳуқуқбузарликни ўз вақтида бартараф этиш имкониятига эга бўлган жойни танлаши;

куннинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитида йўлнинг ёритилган қисмида хизматни олиб бориши, тартибга солувчи жезл, ёруғлик қайтарадиган қизил рангли мослама ва нур қайтаргичли камзул (жилет)да бўлиши;

йўл қопламасининг сирпанчиқ жойларида бўлишдан ўзини четга олиши;

куннинг қоронғи вақтида транспорт воситасини йўлнинг ёритилган қисмига қўйиши, имкон бўлмаганда транспорт воситаси фарасининг ёруғлигидан фойдаланиши;

хайдовчи тўсатдан ҳаракатланишни бошлаб юбориши натижасида тан жароҳати етказилишининг олдини олиш мақсадида тўхтатилган транспорт воситасининг олдида турмаслиги;

йўлнинг қатнов қисмига чиқиб, йўл ҳаракати қоидаларини бузган транспорт воситасини тўхтатишни ҳаракат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда амалга ошириши;

транспорт воситалари тўхтатилаётганда патруль автомобилидаги махсус сигналлар ёқилиши ва тўхтатилган транспорт воситасининг орқасига қўйилиши;

патруль автомобилида хизмат олиб бораётганида ҳайдовчининг ҳужжатларини текшириш, маъмурий ва процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришни патруль автомобилига ўрнатилган видеорегистраторнинг кўриш доирасида амалга ошириши;

йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳужжатларини текшириш, улар билан суҳбат жараёнларини мобил камерадан фойдаланган ҳолда олиб бориши;

ушланган қидирувдаги транспорт воситасини кўздан кечиришни ҳайдовчи ва йўловчиларавтомобиль салонини тарқ этгандан ва уларнинг ҳаракатлари бошқа ходим томонидан назорат қилингандан сўнг амалга ошириши (Йўриқноманинг 4-иловаси);

ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга орқа ўгирмаслиги, ҳайдовчи билан хавфсиз масофанитанлаши, ўзининг ва ҳайдовчининг хавфсизлиги таъминланганлигига ишонч ҳосил қилиши;

йўл-транспорт ҳодисаларини расмийлаштириш жараёнида Йўл ҳаракати қоидаларида кўзда тутилган фалокатдан огоҳлантирувчи воситалар, махсус лента ҳамда зарур ҳолларда эса қўшимча воситалар, махсус ёруғлик ишораларидан фойдаланган ҳолда эҳтиёт чораларини кўриши лозим.

ЙПХ ходимлари хизмат ўташ масофаси энг яқин бўлган ички ишлар органлари бўлинмасидан ўн километрдан ошган тақдирда бир нафар ходим томонидан хизмат олиб бориш қатъий тақиқланади. Икки нафар ходимни жалб этиш имкони бўлмаса, жамоатчилик асосида кўмаклашувчи «Йўл посбони» жалб этилиши мумкин.

ЙПХ ходимлари йўлларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида вазифаларни амалга оширишда йўл ҳаракати иштирокчилари билан ўзаро муносабатларда ҳамда махсус мосламалардан фойдаланишда қонун ҳужжатларига қатъий риоя этишлари шарт.

ЙПХ ходимлари зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда йўл ҳаракати иштирокчилари томонидан қонуний талабларини бажаришга фаол қаршилиқ кўрсатиш ҳамда уларнинг соғлиғи ва ҳаётига реал хавф туғилганда алоқа воситалари орқали ички ишлар органлари навбатчилик қисмларига хабар беришлари шарт.

Ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари келиб тушган хабарларни рўйхатга олиши ва зудлик билан ЙПХ ходими хизмат олиб бораётган ҳудудда куч-воситаларни жалб этиш чораларини кўриши шарт. Худди шунингдек, яқин орада хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимлари алоқа воситалари орқали шундай хабарни олган заҳоти, ўз раҳбарини хабардор қилган ҳолда ҳодиса жойига етиб бориши лозим.

ЙПХ ходими ҳаракат иштирокчилари томонидан қонуний талабларини бажаришга фаол қаршилик кўрсатиш ҳолатлари ҳамда соғлиғи ва ҳаётига реал хавф туғилганда ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига хавфнинг даражасини маълум қилиш билан бирга, хизмат олиб бораётган жойи ҳақида маълумот бериши лозим.

2-савол. Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўлларда ҳаракатини назорат қилишнинг турлари ва усуллари.

Қуйидагилар ЙПХ ходимларининг хизматни олиб бориш турлари ҳисобланади

- автомобиль ва мотоциклда патруллик қилиш;
- пиёда патруллик;
- ЙПХ масканлари, блок-пост ва тўсиқ постларида;
- транспорт воситалари ва эскорт кузатувларини амалга ошириш.

Махсус автомобиль ёки мотоциклдан фойдаланган ҳолда хизмат олиб бориш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади

- йўлларда ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш;
- олиб қочилган ёки йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолган транспорт воситаларини қидириш, таъқиб қилиш ва кузатиш;
- транспорт оқимининг олдида чекланган тезликдан оширилмаган тезликда ҳаракатланишни таъминлаш;
- йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган жойда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш;
- махсус транспорт воситалари ва эскортларни кузатиш;
- ҳайдовчи ва пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузишга барҳам бериш.

Тунги вақтларда махсус жиҳозланган автомобиль ва мотоцикллардан фойдаланиб йўл ҳаракати назоратини олиб бориш махсус ёритиш воситаларини ёққан ҳолда амалга оширилади.

Пиёда патрулликни амалга ошириш орқали хизмат олиб бориш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

қисқа масофада, ҳаракатланиш жадаллиги кескин ва йўлларнинг авария ҳолати муносабати билан хавфли қисмларида;

ҳайдовчи ва пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузишга барҳам беришда;

йўлларда ҳаракат хавфсизлигини назорат қилишда.

Пиёда патруллик амалга оширилганда йўл ҳаракати устидан назорат тротуар (йўл чеккаси) четида, йўлнинг захирадаги қисмида жойини ўзгартириб туриш йўли билан очиқ усулда амалга оширилади. ЙПХ ходими томонидан

танланган жой ҳаракат қатнашчилари учун очик-равшан кўриниши ва ўз вақтида қоидабузарликка барҳам бериш имкониятини бериши лозим.

Постларда хизмат олиб бориш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

олиб қочилган ёки йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолган транспорт воситаларини аниқлаш ва ушлаш;

фойдаланиши тақиқланган носоз транспорт воситаларини ва транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш (фош этиш);

ноқонуний моддалар, воситалар, буюмлар, шунингдек диний экстремистик руҳдаги адабиётларни аниқлаш;

қидирувдаги шахсларни аниқлаш ва ушлаш;

республикадан ташқарига узок муддатга чиқиб, «сертификат» билан қайтиб келаётган шахсларни аниқлаш;

давлат рақам белгиларини ноқонуний эгаллаган шахсларни аниқлаш (фош этиш);

тезкор қизиқиш уйғотган ва шубҳали ҳаракат қатнашчиларини ИИВ Ахборот марказининг автоматлаштирилган маълумотлар базасидан текшириш.

ЙПХ ходимларининг постларда хизмат олиб боришини ташкил этиш ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатда алмаштириб бориш (ротация) йўли билан амалга оширилади.

Транспорт воситалари ва эскорт кузатувлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Автомобиль ёки мотоциклда хизмат олиб боришда қуйидагилар тақиқланади:

автомобиль ёки мотоциклга фуқароларни ўтқазиб (ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган шахслар, тез ёрдам кўрсатилаётган шахслар бундан мустасно);

юкларни ташиш (хизмат фаолияти билан боғлиқ юклар бундан мустасно);

хизмат автомобили ёки мотоциклини қаровсиз қолдириш;

хизмат зарурати тақозо этмаган ҳолларда белгиланган ҳаракат тезлигини ошириш;

ўзбошимчалик билан белгиланган дислокациядан четга чиқиш ёки хизмат ўташ тартибини ўзгартириш;

автомобиль ёки мотоцикл бошқарувини бошқа шахсларга бериш;

ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсни автомобилда қаровсиз қолдириш;

автомобиль ёки мотоциклини бошқариш вақтида уяли алоқа воситаси (телефон)дан фойдаланиш.

Автомобиль ва мотоциклда махсус мосламалардан (товуш ва ёруғлик) фойдаланишда қуйидагиларга риоя этилиши шарт

- ўрнатиладиган махсус мосламаларнинг республика ҳудудида жорий этилган стандарт талабларига мос келиши;

- махсус мосламаларни фақат тезкор топшириқларни бажариш ва юзага келган тезкор вазият тақозо этган ҳолларда қўллаш;
- махсус мосламалардан фойдаланишда ҳаракат тезлиги, транспорт оқими, йўл, об-ҳаво шароитлари, кўриниш масофаси ва бошқа ҳолатлар, шунингдек ҳаракат қатнашчиларининг хавфсизлигини инобатга олиш;
- -чорраҳаларда ҳамда транспорт воситаларини қувиб ўтишда махсус мосламалар олдиндан ёқилиши ҳамда хавфсизлик талабларига риоя этилиши.

Тезкор вазифалар бажарилаётганда бутун йўналиш бўйлаб махсус ёруғлик мосламаси, зарур ҳолларда эса қўшимча равишда товуш мосламалари қўлланиши мумкин.

Аҳоли яшайдиган жойларда махсус ёруғлик ва товуш мосламаларидан фойдаланишга соат 6:00 дан 23:00 гача бўлган вақт оралиғида рухсат этилади. Тезкор вазият тақозо этган ҳолларда 23:00 дан 6:00 гача бўлган вақт оралиғида ҳам махсус воситалардан фойдаланиш мумкин. Аҳоли яшамайдиган жойларда махсус мосламалардан фойдаланишга нисбатан чекловлар ўрнатилмайди.

Куйидаги ҳолларда бошқа транспорт воситаларига ҳам махсус мосламалар ўрнатиб улардан фойдаланиш мумкин:

➤ йўл-транспорт ҳодисаси, оғир ёки ўта оғир турдаги жиноятлар содир этилган жойларга кечиктирмай етиб боришда;
➤ оммавий тартибсизликлар содир этилаётган жойга етиб боришда;
➤ махсус кўрсатма ёки режага асосан ҳодиса жойидан яширинишга уринаётган ёки олиб қочилган транспорт воситасини таъқиб этиш ва ушлашда;
➤ фавқулодда ҳолат, табиий офат юз берган ёки ёнғин содир бўлган жойга етиб тезкор боришда;
➤ оғир аҳволдаги беморни тиббиёт муассасаларига етказишда;
➤ махсус тадбирлар ўтказилаётган вақтда.

3-савол. Транспорт воситаси ва йўловчиларни текширишда ЙПХ ходимлари шахсий хавфсизлигини таъминлаш чоралари.

ЙПХ ходимининг соғлиғи ва ҳаётига реал хавф даражаси куйидагича белгиланади:

3-даражали хавф – бир нафар йўл ҳаракати иштирокчиси томонидан совуқ қуролсиз ходимга нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрликни қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (ходимни итариб юбориши, хизмат кийимидан ушлаб қўпол муомалада бўлиш, уриш, дўппослаш ва бошқалар) амалга оширилган хавф.

Бундай ҳолларда ички ишлар органларининг навбатчилик қисми, биринчи навбатда, яқин жойда хизмат олиб бораётган патруль-пост ёки йўл-патруль нарядини юбориши ва бу ҳақда ички ишлар органи бошлиғи ҳамда туман (шаҳар) прокуратурасига хабар бериши ҳамда тергов-тезкор гуруҳини юбориши шарт.

2-даражали хавф – бир нафар йўл ҳаракати иштирокчиси томонидан совуқ қуролдан фойдаланган ҳолда таҳдид қилиш ёки қўллаш, шунингдек икки-уч нафар шахслар томонидан жисмоний зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрликни қўллаш билан таҳдид қилиш, худди шунингдек совуқ қуролдан фойдаланган ҳолда таҳдид қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида юзага келган хавф.

Бундай ҳолларда ички ишлар органларининг навбатчилик қисми, биринчи навбатда, қўшимча куч-воситалар етиб боргунга қадар яқин жойда хизмат олиб бораётган патруль-пост ҳамда йўл-патруль нарядларини юбориши ва бу ҳақда ички ишлар органи бошлиғи ҳамда туман (шаҳар) прокуратурасига хабар бериши, шахсий таркибнинг 5% дан 10% гача юбориши шарт.

1-даражали хавф – бир нафар йўл ҳаракати иштирокчиси томонидан ўқотар қуролдан фойдаланган ҳолда ўлдириш билан таҳдид қилиш ёки шундай қурол қўллаган ҳолда содир этилганда, шунингдек бир гуруҳ шахслар томонидан (уч ва ундан ортиқ) жисмоний зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрликни қўллаш билан таҳдид қилиш, худди шунингдек совуқ қуролдан (ўткир тигли ва ўқотар қурол) фойдаланган ҳолда таҳдид қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида юзага келган хавф. Бундай ҳолларда ички ишлар органларининг навбатчилик қисми, биринчи навбатда, яқин жойда хизмат олиб бораётган патруль-пост ҳамда йўл-патруль нарядларини, шунингдек шахсий таркибнинг 10 % дан 20 % гача бўлган ходимларини юбориши ва бу ҳақида ички ишлар органи бошлиғи ҳамда туман (шаҳар) прокуратурасига хабар бериши шарт.

Ўқотар қурол қўлланилган ҳолларда махсус режа амалга киритилиши ва бу ҳақда зудлик билан ички ишлар (бош) бошқармаси ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиқларига хабар берилиши шарт. Алоқа воситалари орқали ЙПХ ходимининг соғлиғи ва ҳаётига реал хавф даражаси бўйича берилган хабарларни қабул қилган яқин орада хизмат вазифасини амалга оширувчи ички ишлар органлари ходимлари кўрсатмасиз ҳодиса жойига етиб боришлари шарт.

ЙПХ ходими билан боғлиқ ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилганда ҳодисасодир бўлган жойга тергов-тезкор гуруҳи, ўз хавфсизлик хизмати, ички ишлар органи ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи чиқиши шарт.

ЙПХ бўлинмаларида штат бирлиги доирасида маъмурий амалиётни умумлаштиришни амалга оширишга масъул ходим белгиланиши мумкин.

Маъмурий амалиётни амалга оширишга ваколати бўлган инспектор қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

➤ ЙПХ ходимлари томонидан тузилган маъмурий баённомаларни кунлик аниқланган қоидабузарликларни қайд этиш дафтари билан солиштириш асосида қабул қилиб олиш;

➤ ЙПХ ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан маъмурий ҳужжатларни қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилаётганлигини ҳамда уларга нисбатан қўлланилаётган чоралар тўғри ва асосли эканлигини текшириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

➤ молия-иқтисод бўлинмаларидан қатъий ҳисобдаги маъмурий баённомалар ва жарима қвитанцияларини қабул қилиб олиш, амалдаги идоравий ҳужжатлар асосида қатъий ҳисобдаги бланкларнинг сақланиши ва тарқатилишини таъминлаш ҳамда махсус китобга қайд қилиб бориш;

➤ ҳар ойда ва йил якунлари бўйича молия-иқтисод бўлинмаларига қатъий ҳисобдаги бланкалар бўйича ҳисобот бериш;

➤ йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳуқуқбузарларга нисбатан тузилган маъмурий баённомалар ва бошқа ҳужжатларни, шунингдек олиб қўйилган ҳайдовчилик гувоҳномаларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ҳужжатларни ҳисобга олиш китобига қайд этиш ҳамда йигирма тўрт соат ичида маъмурий чора кўришга ваколатли бўлган мансабдор шахс (орган)га чора кўриш учун юбориш (топшириш);

➤ аниқланган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатларини бўйича ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни тайёрлаш;

➤ ҳар ойда камида бир маротаба тиббий муассасаларда мастлик ҳолатини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар китоби билан солиштириш.

4-мавзу. Йўл ҳаракатини тартибга солишда йўл-патруль хизмати ходимининг ишоралари

Маъруза машғулот –2 соат

Режа:

1-савол. Светофор ва тартибга солувчининг ишоралари

2-савол. Ходимнинг жезл ёрдамида амалга оширадиган асосий ишоралари

1. Светофор ва тартибга солувчининг ишоралари

Светофорларда яшил, сариқ, қизил ва оқ рангли ёруғлик ишоралари қўлланилади.

Светофор ишоралари вазифасига қараб доирасимон, кўрсаткич (кўрсаткичлар), пиёда ёки велосипед тасвири туширилган кўринишда ва Х-симон бўлиши мумкин.

Доирасимон ишорали светофорларда яшил ишоралар билан бир сатҳда жойлашган ишоралар яшил кўрсаткич (кўрсаткичлар) кўринишидаги битта ёки иккита қўшимча тармоқ бўлиши мумкин.

Светофорнинг доирасимон ишоралари қуйидаги маънони билдиради:

яшил ишора ҳаракатланишга рухсат беради;

милтиллолчи яшил ишора ҳам ҳаракатланишга рухсат беради ва унинг таъсир вақти тугаётганлиги ҳамда кўп ўтмай тақиқловчи ишора ёниши ҳақида ахборот беради.

яшил ишора ўчишига сонияларда қанча вақт қолганлиги ҳақида ахборот бериш учун рақамли табло қўлланилиши мумкин;

сарик ишора ҳаракатланишни тақиқлайди (Қоидаларнинг [42-бандида](#) кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари) ва ишоралар алмашуви ҳақида огоҳлантиради;

милтиллолчи сарик ишора эҳтиёткорлик чораларини кўрган ҳолда ҳаракатланишга рухсат беради ва тартибга солинмаган чорраҳа ёки пиёдалар ўтиш жойи борлигидан хабардор қилади, хавф-хатар ҳақида огоҳлантиради;

қизил ишора, шунингдек, милтиллолчи қизил ишора ҳаракатланишни тақиқлайди;

қизил ва сарик ишораларнинг бир вақтда ёниши ҳаракатланишни тақиқлайди ва кўп ўтмай яшил ишора ёниши ҳақида ахборот беради.

Йўналтиргич кўринишидаги қизил, сарик ва яшил рангли светофор ишоралари ҳам доирасимон шаклидаги светофор ишоралари билан бир хил маънога эга бўлади. Улар фақат кўрсатилган йўналишга таъсир этади.

Агар тегишли йўл белгиси билан қайрилиб олиш тақиқланмаган бўлса, чапга бурилишга рухсат берувчи йўналтиргич қайрилиб олишга ҳам рухсат беради. Қўшимча тармоқдаги яшил йўналтиргич ҳам худди шу маънони билдиради.

Светофорнинг қўшимча тармоқдаги ишора ўчирилган бўлса, шу тармоқ тартибга солаётган йўналишда ҳаракатланиш тақиқланганлигини билдиради.

Светофорнинг асосий яшил ишорасига йўналтиргич (йўналтиргичлар)нинг шакли туширилган бўлса, у ҳайдовчиларга светофорнинг қўшимча тармоғи борлиги ҳақида ахборот беради ва асосий яшил ишора ёнганда ҳаракатланишга рухсат берилган йўналишларни кўрсатади.

Агар светофор ишораси пиёда тасвири кўринишида бўлса, у фақат пиёдаларга, велосипед тасвири кўринишида бўлса, у фақат велосипедчилар ҳаракатланишига таъсир қилади. Бунда яшил ишора пиёдалар ёки велосипедчиларнинг ҳаракатланишига рухсат беради, қизил ишора уларнинг ҳаракатланишини тақиқлайди.

Велосипедчилар ҳаракатланишини тартибга солиш учун ўлчами кичрайтирилган доирасимон ишораларга эга бўлган светофор қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолда светофор билан велосипед тасвирига эга бўлган тегишли белги ўрнатилади.

Кўзи ожиз пиёдаларга қатнов қисмини кесиб ўтишлари мумкинлиги ҳақида ахборот бериш учун светофорнинг ёруғлик ишораларига товушли ишора ҳам қўшилиши мумкин.

Қатнов қисмидаги ҳаракатланиш йўналиши қарама-қарши томонга ўзгариши мумкин бўлган тасмаларида транспорт воситаларининг ҳаракатланишини тартибга солиш учун Х-симон қизил ишорали ва пастга йўналган кўрсаткич кўринишидаги яшил ишорали реверсив светофорлар қўлланилади. Бу ишоралар қайси тасма устига ўрнатилган бўлса, унда ҳаракатланишни тақиқлайди ёки ҳаракатланишга рухсат беради.

Икки томони 1.9 йўл чизиғи билан белгиланган тасма устига ўрнатилган ва ишоралари ўчирилган реверсив светофор шу тасмага киришни тақиқлайди. Трамвайларнинг ҳамда махсус ажратилган тасма бўйлаб ҳаракатланаётган бошқа йўналишли транспорт воситаларининг ҳаракатланишини тартибга солиш учун «Т» ҳарфи кўринишида жойлашган тўртта доирасимон оқ ранг ишорали светофорлар қўлланилиши мумкин.

Юқоридаги бир ёки бир нечта ва пастки ишора бир вақтнинг ўзида ёнганда, ҳаракатланишга рухсат этилади. Улардан чапдагиси чапга, ўнгдагиси ўннга, ўртадагиси тўғрига юришга рухсат беради. Пастдаги ишора ўчирилиб, юқоридаги учта ишора бир вақтда ёнса, ҳаракатланиш тақиқланади.

Темир йўл кесишмаларида ўрнатилган доирасимон оқ рангли милтилловчи ишора транспорт воситаларининг кесишма орқали ҳаракатланишига рухсат беради. Светофорнинг милтилловчи оқ ва қизил ишоралари ўчирилган бўлиб, кўриниш чегарасида темир йўл кесишмасига яқинлашиб келаётган поезд (локомотив, дрезина) бўлмаса ҳаракатланишга рухсат этади. Темир йўл кесишмаларида светофорнинг қизил милтилловчи ишораси билан бир вақтда йўл ҳаракати қатнашчиларининг кесишма орқали ҳаракатланиши тақиқланганлиги тўғрисида қўшимча ахборот сифатида товушли ишора ҳам берилиши мумкин.

Тартибга солувчининг ишоралари қўидаги маънони билдиради:

Қўллари ён томонга узатилганда ёки туширилганда:

- чап ва ўнг ён томонидан трамвайга тўғрига, рельсиз транспорт воситаларига тўғрига ва ўннга ҳаракатланишга, пиёдаларга қатнов қисмини кесиб ўтишга рухсат берилади;
- олд ва орқа томонидан барча транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши тақиқланади.
- Ўнг қўли олдинга узатилганда:
- чап ёнидан трамвайга чапга, рельсиз транспорт воситаларига барча йўналишларда;
- олди томонидан барча транспорт воситаларига фақат ўннга ҳаракатланишга рухсат берилади;
- орқа томонидан ва ўнг ёнидан барча транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади;
- пиёдаларга тартибга солувчининг орқа томонида қатнов қисмини кесиб ўтишга рухсат этилади.

Қўлини юқорига кўтарганда:

ушбу Қоидаларнинг 42-бандида кўрсатилганидан бошқа ҳолларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг барча йўналишларда ҳаракатланиши тақиқланади;

тартибга солувчи ҳайдовчи ва пиёдаларга тушунарли бўлган бошқа ишораларни ҳам бериши мумкин. Ишоралар яхши кўриниши учун тартибга солувчи жезл ёки ёруғлик қайтарадиган қизил рангли мосламаларни қўллаши мумкин. Шунингдек, тартибга солувчи ўз фаолиятини махсус мослама (тумба) устида туриб олиб бориши мумкин.

Ҳаракатни тартибга солувчи ёки ИИО ходими ўз хизмат вазифаларини бажараётганда, қўл ишораси ёки овоз кучайтиргич ёрдамида ҳайдовчидан транспорт воситасини тўхтатишни талаб қилиши мумкин. Бунда транспорт воситасининг ҳайдовчиси кўрсатилган жойда тўхташи шарт.

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг эътиборини жалб этиш учун ҳуштак билан қўшимча ишора берилади.

Светофор (реверсивдан ташқари)нинг ёки тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасида ҳайдовчилар транспорт воситаларини тўхташ чизиғи (5.33 йўл белгиси) олдида (бунда транспорт воситасининг энг олдинги нуктаси тўхташ чизиғи устига чиқиб кетмаслиги керак), бундай чизик бўлмаганда эса:

чорраҳада қатнов қисми билан кесишган жойида, пиёдаларга (ушбу Қоидаларнинг 102-бандини ҳисобга олган ҳолда) ҳалақит бермасдан;

темир йўл кесишмаси олдида ушбу Қоидаларнинг 119-бандига мувофиқ;

бошқа жойларда светофор ёки тартибга солувчининг олдида, ҳаракатланишига рухсат берилган транспорт воситалари ва пиёдаларга ҳалақит бермаган ҳолда тўхташи керак.

Светофорнинг яшил ишорасидан кейин сариқ ишора ёнганда ёки тартибга солувчининг қўли юқорига кўтарилганда, Қоидаларнинг 41-бандида назарда тутилган жойларда кескин тормоз бермасдан тўхташга улгура олмайдиган ҳайдовчиларга ҳаракатланишни давом эттиришга рухсат этилади. Ушбу ишоралар берилганда, қатнов қисмида бўлган пиёдалар уни бўшатишлари, агар бунинг иложи бўлмаса, қарама-қарши йўналишлардаги транспорт оқимларини ажратувчи чизикда тўхташлари керак.

Тартибга солувчининг ишоралари ва кўрсатмалари светофор ишоралари, йўл белгилари ва чизиклари талабларига зид бўлган ҳолларда ҳайдовчи, велосипедчи ва пиёдалар тартибга солувчининг ишоралари ва кўрсатмаларига амал қилишлари керак.

Ходимнинг жезл ёрдамида амалга оширадиган асосий ишоралари

тартибга солувчи —Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг, ҳарбий автомобиль назорати органлари ходими, ўз хизмат вазифаларини бажараётган, ушбу Қоидаларда кўзда тутилган ишоралар ёрдамида йўл ҳаракатини тартибга солиш ваколатига эга бўлган ва уни бевосита амалга ошираётган йўлдан фойдаланиш хизмати ходимлари, темир йўл кесишмаси ва сол кечувларидаги навбатчилар ҳамда жамоатчилик вакиллари. Тартибга солувчи махсус кийим ва

(ёки) таниқлик белгиси (қўл боғичи, жезл, қизил ишорали ёруғлик қайтаргич, қизил чироқ ёки байроқча)га эга бўлиши шарт;

Ходимнинг жезл ёрдамида амалга оширадиган асосий ишоралари

Йўл-патруль хизмати ходими йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда сафдаги ҳолатда каби қоматни тикка, ўзини эркин тутуди, оёқ товонлари бирлаштирилган, оёқларнинг олд томони товон кенглигида қўйилиб сафнинг олд томонига қаратилган, оёқларнинг тиззаси тикка, кўкрак кўтарилган, елкалар (ортиқча зўриқмаган ҳолда) тўғри қилиб олинган, қўллар эркин қўйилган (ўнг қўлда жезлни ушлаган ҳолда), бош тикка тугилади ва олд томонга қараб турилади (1а, 1б, 1в-расмлар).



1а-расм



1б-расм



1в-расм



«Диққат» ишорасида ўнг қўл эркин ҳолатда олд томондан баландга кўтарилган, жезл юқорида. Бунда қўлни шундай тутиш керакки, тирсак пешона билан бир хил баландликда туриши лозим. Бармоқлар мушт қилиб сиқилган ва юз томонга қаратилган ҳолда (кўрсаткич бармоқ жезл билан бир томонга йўналган) вертикал кўтарилган жезлни тутиб турилади (2-расм)



«Чапга бурилиш» ишорасида ўнг қўл жезл билан олд томонга чўзилган, бунда жезл худди қўлнинг давомидек туриши лозим (3-расм).

«Тўғрига ва ўнгга бурилиш» ишорасида ўнг қўл кўкрак қаршисида букилган, жезл чап томонга йўналтирилади. Бунда қўлнинг тирсаги шундай букиладики, жезлни ушлаб турган панжа гавданинг ўрта чизигида бўлади, панжа ичкарига қаратилган ҳолда тирсак кўкрак баландлигида тугилади, қўллар икки томонга чўзилган, ўнг қўлнинг кўрсаткич ва бош бармоқлари жезл билан бир томонга чўзилиб туради (4а, 4б, 4в-расмлар).



4а-расм



4б-расм



4в-расм

Дастлабки ҳолат – жезл билан бўлган ҳолат каби бир хилда ўнг қўл эркин ҳолатда баландга кўтарилган, кафт олдинга қаратилган, бармоқлар бир-бирига сиқилган (қолган кўрсаткичлар жезл билан бажариладиган ҳаракатлар билан бир хилда), ўнг қўл олдинга чўзилган, панжа ичкарига қаратилган бўлади (5а, 5б, 5в, 5г, 5д-расмлар).



«Тўғрига ва ўнгга бурилиш» ишорасида ўнг қўл кўкрак қаршисида букилган, панжа гавданинг ўрта чизиғида жойлашган, кафт гавдага қаратилган, қўллар икки томонга чўзилган, кафтлар олд томонга қаратилган ҳолатда турилади (6а, 6б, 6в-расмлар)..



6а-расм



6б-расм



6в-расм

Ходимнинг жезлда ишораларни бажариш тартиби

Ходимнинг жезл билан ҳаракатлари (ишоралари) икки тартибда бажарилади. Дастлабки ҳолат «Чапга бурилиш» ёки «Тўғрига ва ўнгга бурилиш» ишораларидаги каби амалга оширилади.

Мазкур ҳолатда чорраҳадаги вазият ўрганиб чиқилади ва «Диққат» ишорасидан кейин, биринчи навбатда, қайси йўналишда ҳаракатни очиш зарурлиги белгилаб олинади ва ўнг қўл жезл билан олд томондан юқорига кўтарилади (7а, 7б, 7в-расмлар).



7а-расм



7б-расм



7в-расм



8а-расм



8б-расм

«Чапга бурилиш» ишораси икки хил дастлабки ҳолатда бажарилади:

– дастлабки ҳолатда ўнг қўл олдинга чўзилиб, бармоқлар ҳаракати билан жезл олдинга тўғри қилиб олинади;

– дастлабки («Диққат» ишораси) ҳолатда қўл жезл билан бирга елка баландлигигача туширилади, жезл худди қўлнинг давомидек олд томонда чўзилган, кўрсаткич бармоқ жезл бўйлаб устки қисмида чўзилган бўлади (8а, 8б, 8в, 8г, 8д-расмлар).

Семинар машгулот –2 соат

Режа:

1-савол. Ходимнинг жезлсиз ишораларини бажариш тартиби

2-савол. Чап қўл билан (жезл ёки жезлсиз) қилинадиган қўшимча ишоралар

1. Ходимнинг жезлсиз ишораларини бажариш тартиби

«Диққат» ишораси дастлабки ҳолат асосий ва «Чапга бурилиш» ёки «Тўғрига ва ўнгга бурилиш» ишораларидаги ўнг қўл олд томондан баландга кўтарилиб, қўлнинг кафт томони олдинга қаратилади (11а, 11б, 11в-расмлар).



11а-расм



11б-расм



11в-расм

«Чапга бурилиш» ишораси икки хил дастлабки ҳолатда бажарилади:

– сафдаги ҳолатдан ўнг қўл елка баландлигида олдинга чўзилади, кафт ичкарига қаратилади;

– «Диққат» ишорасидаги ҳолат яъни қўл елка текислигида олдинга туширилади, қўлнинг кафти пастга қаратилади (12а, 12б, 12в, 12г-расмлар).



12а-расм
расм



12б-расм



12в-расм



12г-

«Тўғрига ва ўнгга бурилиш» ишораси икки хил дастлабки ҳолатда бажарилади:

– сафдаги ҳолатдан – ўнг қўл елка текислигида ўнг томонига чўзилади, кафт олдинга қаратилган. Сўнг қўл кўкрак қаршисида букилади, кафт ичкарига қаратилган, панжа гавданинг ўрта чизигида жойлашган;

– «Диққат» ишорасидаги ҳолатдан ўнг қўл кўкрак қаршисида букилади, кафт ичкарига қаратилиб, панжа гавданинг ўрта чизигига жойлаштирилади (13а, 13б, 13в, 13г, 13д-расмлар).



13а-расм



13б-расм



13г-расм

«Тўғрига ва ўнгга бурилиш» ишорасини иккинчи шакли дастлабки ҳолат – сафдаги ҳолат ёки ўнг қўл гавда олдида букилган ҳамда «Диққат» ишорасидаги ҳолатдан қўллар икки томонга чўзилади ва кафтлар олдинга қаратилади. Сўнг ўнг қўл кўкрак қаршисида ичкарига букилади, панжа гавданинг ўрта чизигида жойлаштирилади. Шундан сўнг ўнг қўл яна ёнга чўзиб олинади.

Ишорани такрорлаш:

- ўнг қўл ёнга чўзилади ва кафт олдинга қаратилади;
- ўнг қўл кўкрак қаршисида букилиб, кафт ичкарига қаратилади (14а, 14б, 14в, 14г, 14д-расмлар).



14а-расм



14б-расм



14в-расм



14г-расм



14д-расм

Чап қўл билан (жезл ёки жезлсиз) қилинадиган қўшимча ишоралар

Чап томондан келаётган транспортни тўхтатиш дастлабки ҳолат – сафдаги ҳолатдан чап қўл елкага букилади, панжа кўтарилиб кафт ташқарига қаратилади. Сўнг қўл ёнга чўзилади ва панжа кўтарилиб, кафт ташқарига қаратилади (15а, 15б, 15в-расмлар).



Ўннга бурилиш учун келаётган транспортни тўхтатиш дастлабки ҳолат – ўнг қўл ёнга чўзилган ҳолатда бажарилади. Чап қўл елкага букилади, панжа кўтарилиб, кафт ташқарига қаратилади. Қўл олдинга чўзилади – панжа кўтарилган, кафт ташқарига қаратилган (16а, 16б, 16в-расмлар).





16в-расм

«Чап томондаги транспортнинг тартибга солувчининг орқа томонидан ўтишига рухсат этилади» ишораси дастлабки ҳолат – ўнг қўл олдинда, чап қўл ёнга чўзилган, кафт юқорига қаратилган, қўл шиддат билан елкага букиб олинади (17а, 17б, 17в-расмлар).



17а-расм



17б-расм



17в-расм

«Чапга бурилаётган транспортнинг тезлигини ошириш» ишораси дастлабки ҳолат – ўнг қўл олдинга чўзилган, чап қўл елка текислигида ёнга чўзилади, кафт юқорига қаратилган, чап қўл шиддат билан паст орқали ўнг қўлга қараб силтанади ва орқага қайтарилади (18а, 18б, 18в-расмлар).

Амалий машғулот–2 соат

Режа


Ушбу ўқув машғулооти “*Балиқ скелети*” интерфаолметодидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Балиқ скелети» график органиайзер (ГО) тингловчиларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда тингловчиларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

Ундан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

- 1) ўқитувчи тингловчиларни ГОни қўллаш шарти билан таништиради;
- 2) тингловчилар кичик гуруҳларга бириктирилади;
- 3) гуруҳлар топшириқларни бажаради;
- 4) гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;
- 5) жамоа гуруҳларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради

Тингловчилар топшириқларни қуйидаги тасвир асосида бажаради:



Таҳлил қилинадиган муаммо:Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда йўл-патруль хизмати ходимининг ишоралари.

1-муаммо. Чап қўл билан (жезл ёки жезлсиз) қилинадиган қўшимча ишоралар.

2-муаммо. Ходимнинг жезлда ишораларни бажариш тартиби

3-муаммо. Ходимнинг жезлсиз ишораларини бажариш тартиби

4-муаммо. Махсус транспорт воситаларининг имтиёзлари .

5-муаммо. Ҳаракатланиш тезлиги.

<i>Гуруҳларга қўшимча саволлар.</i>
1. Чорраҳаларда ҳаракатланиш
2. Тартибга солинган чорраҳалар
3. Тартибга солинмаган чорраҳалар
4. Пиёдаларнинг ўтиш жойлари ва йўналишли транспорт воситаларининг бекатлари
5. Темир йўл кесишмалари орқали ҳаракатланиш
6. Автомагистралларда ҳаракатланиш
7. Турар жой даҳаларида ҳаракатланиш
8. Йўналишли транспорт воситаларининг имтиёзлари

5-мавзу. Йўл ҳаракати қоидабузарлиги бўйича маъмурий ишларни ҳужжатлаштириш ва кўриб чиқиш тартиби

Маъруза машғулот –2 соат

Режа:

1. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг маъмурий амалиёт соҳасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

2. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби.

1-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг маъмурий амалиёт соҳасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг маъмурий амалиёт соҳасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асосларига қуйидагилар киреди:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 1994 йил 22 сентябрь куни тасдиқланган.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентябрь куни тасдиқланган.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодекси 1994 йил 22 сентябрь куни тасдиқланган.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги “Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 975-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йилдаги 31 майдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 68-сонли буйруғи. Ички ишлар органлари томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартибини Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йилдаги 31 майдаги 68-сонли буйруғи билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома белгилаб беради.



Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир ишларни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, мазкур Йўриқнома ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қоидаларнинг бузилишига доир ишларни кўриб чиқишнинг вазифалари ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир. Қоидаларнинг бузилишига доир ишлар қонунийликка қатъий амал қилиш асосида кўриб чиқилади. Қоидаларнинг бузилиши учун таъсир чораларини қўллаш чоғида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ваколатли юқори турувчи органлар, мансабдор шахс ва прокурорнинг мунтазам назорати, шикоят қилиш ҳуқуқи ва қонунларда белгиланган бошқа усуллар билан таъминланади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг маъмурий амалиёт бўлими, бўлинма ва гуруҳлари ўз фаолиятини амалдаги ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича амалга оширади.

Ҳозирги кунда республикамизда ЙҚХХнинг Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва жойларда Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ЙПХ бўлими таркибида маъмурий амалиёт бўлинмаси фаолият кўрсатади, жойларда Тошкент шаҳрида маъмурий амалиёт бўлими, айрим вилоятларда ЙПХ штаби таркибида маъмурий амалиёт инспекторлари, туманларда эса маъмурий амалиёт бўйича катта инспектор лавозимлари мавжуд.

Маъмурий амалиёт инспекторларига йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан расмийлаштирилаётган маъмурий баённомаларни амалдаги қонунларга асосан (МЖТКнинг 281-моддаси) тузилиши устидан назорат қилиш, бу борада ўқув машғулотларини ташкил этиш, расмийлаштирилган маъмурий ҳужжатлар бўйича ҳайдовчилик гувоҳномасини (талон, вақтинчалик рухсатнома) ноқонуний олиб қўймаслик, жойида жарима қўллаш амалиётига эътибор қаратиш, ўз вақтида маъмурий ҳужжатлар ҳаракатини ташкил этиш, бошқа ҳудудларга жўнатилиши лозим бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатларда жўнатишни ташкил этиш, ваколоти доирасида ҳуқуқбузарларни маъмурий жавобгарликка тортиш, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи кўпол қоидабузарликларни содир этган ҳуқуқбузарларга нисбатан чора кўриш самарадорлигини ошириш, белгиланган жарималарни ўз вақтида ундириб олиш, қоидабузарликларни кўплаб содир этаётган вазирлик, ташкилот ва идораларга тақдимномалар киритиш каби бир қатор вазифалар юклатилган.

Ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига доир қонунларини қўллаш борасидаги фаолиятни ЙҚХ хизматининг маъмурий амалиёт бўлим ва бўлинмалари томонидан олиб борилади, улар транспорт соҳасида интизомни мустаҳкамлашга, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши билан курашни кучайтиришга, одамларни ва юкларни ташиш хавфсизлигига, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилади.

2-савол. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар (мансабдор шахслар) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жами 34 та бўлиб, кодекснинг учинчи бўлимидаги 242 – 268²-моддаларида белгиланган. Йўл-ҳаракати қоидаларини бузганлик бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлардан бири ИИОларидир. Ҳозирги кунда республикамизда ЙХХни Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва жойларда Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ЙПХ бўлими таркибидан маъмурий амалиёт бўлинмаси фаолият кўрсатади, жойларда Тошкент шаҳрида маъмурий амалиёт бўлими, айрим вилоятларда ЙПХ штаби таркибида маъмурий амалиёт инспекторлари, туманларда эса маъмурий амалиёт бўйича катта инспектор лавозимлари мавжуд.



Маъмурий амалиёт инспекторларига йўл патрул хизмати инспекторлари томонидан расмийлаштириладиган маъмурий баённомаларни амалдаги қонунларга асосан (МЖТКнинг 281-моддаси) тузилиши устидан назорат қилиш, бу борада ўқув машғулотларини ташкил этиш, расмийлаштирилган маъмурий ҳужжатлар бўйича ҳайдовчилик гувоҳномасини (талон, вақтинчалик рухсатнома) ноқонуний олиб қўймаслик, жойида жарима қўллаш амалиётига эътибор қаратиш, ўз вақтида маъмурий ҳужжатларни ҳаракатини ташкил этиш, бошқа ҳудудларга жўнатилиши лозим бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатларда жўнатишни ташкил этиш, ваколати доирасида ҳуқуқбузарларни маъмурий жавобгарликка тортиш, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи қўпол қоидабузарликларни содир этган ҳуқуқбузарларга нисбатан чора кўриш самарадорлигини ошириш, белгиланган жарималарни ўз вақтида ундириб олиш, қоидабузарликларни кўплаб содир этаётган вазирлик, ташкилот ва идораларга тақдимномалар киритиш каби бир қатор вазифалар юклатилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишдан олидин ишни кўриб чиқадиган тегишли орган (мансабдор шахс):масалан (маъмурий амалиёт)

ишни кўриб чиқишга МЖтКнинг 303-моддаги асосида тайёрлайди ва куйидагиларни аниқлаштиради.

1) мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш кирмаслиги;

2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;

3) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;

4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;

5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади. Агарда маъмурий иш мазкур органга (мансабдор шахсга) тааллуқли бўлмаган (судловига тегишли бўлмаган) ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари ушбу Кодекснинг назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда юборилган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган органга МЖтКнинг 303¹-моддаси асосида (мансабдор шахсга) қайтарилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда МЖтКнинг 304-моддасига асосида кўриб чиқилади.

МЖтКнинг 113-моддасининг бешинчи қисмида, 119, 125, 125¹, 126, 127, 128, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 128⁶, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135¹, 136, 139, 140-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар транспорт воситалари рўйхатга олинган жойда кўриб чиқилиши ҳам мумкин. Ушбу Кодекснинг 187-моддасиданазарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар шундай ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда ёки ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқилади. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқадилар. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бошқа жойда кўриб чиқилиши ҳам назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатлари МЖтКнинг 305-модда кўрсатилган бўлиб, улар куйдагича.

-маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

-ушбу Кодекснинг 51², 51³, 51⁴, 51⁵, 51⁶, 51⁷, 51⁸, 51⁹, 170, 180, 181, 183, 187, 194-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бир сутка мобайнида кўриб чиқилади, ушбу Кодекснинг 164-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 201, 202, 203, 204, 205-моддаларида назарда тутилган ишлар — уч сутка ичида, ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ишлар эса — беш сутка ичида кўриб чиқилади.

-ушбу Кодекснинг 56, 57, 58-моддаларида, 61¹-моддаси биринчи қисмида, 94, 165¹, 184², 184³, 189, 189¹, 201, 202¹, 224¹-моддаларида, 225-моддаси биринчи қисмида, 239, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар, улар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилганда, бир сутка мобайнида кўриб чиқилади.

-ушбу Кодекс 271-моддасининг 11-бандида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишнинг бошқа материаллари ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан олинган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тартиби МЖтКнинг 306-моддасида белгилаб берилган.

Ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади.

Ишни кўриб чиқувчи органнинг мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради. Мажлисида ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларнинг сўзлари эшитилади, келтирилган далиллар ўрганилади ва тушган илтимослар ҳал этилади. Ишни кўриб чиқишда прокурор қатнашган тақдирда унинг хулосаси ўқиб эшиттирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси 308-модда белгилаб берилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида тегишли орган баённома юритади. Унда:

- 1) мажлис бўлган сана ва жой;
- 2) ишни кўриб чиқувчи органнинг номи ва таркиби;
- 3) кўрилаётган ишнинг мазмуни;
- 4) ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳозир бўлган-бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;

5) ишни кўришда қатнашувчи шахсларнинг тушунтиришлари, уларнинг илтимослари ва бу илтимосларни кўриб чиқиш натижалари;

6) ишни кўриб чиқиш пайтида ўрганилган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар;

7) қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттириш тўғрисидаги маълумотлар ва қарор устидан шикоят бериш тартиби ва муддатлари тушунтирилганлиги кўрсатилган бўлади.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг, жабрланувчининг ва ўзга манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши қандай бораётганлиги ушбу модданинг **биринчи қисми** талабларига мувофиқ равишда юритилувчи баённомада акс эттирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси тегишинча орган мажлисидаги раислик қилувчи ва котиб томонидан ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Семинар машғулот –2 соат

Режа:

Ушбу ўқув машғулотини “*Кичик гуруҳларда ишлаш*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



Гуруҳларга топшириқлар:

1-гуруҳга топшириқ. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш ва протест келтириш тартиби.

2-гуруҳга топшириқ. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш тартиби.

3-гуруҳга топшириқ. Чет эл фуқароларининг Қоидаларни бузганлиги тўғрисидаги ишлар юзасидан иш юритиш тартиби.

4-гуруҳга топшириқ. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳақидаги хужжатларни расмийлаштириш тартиби.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима тўлаш муддати 60 кун деб белгиланган.



Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг йўл ҳаракати қоидабузарликлари тўғрисидаги айрим моддаларига тузатишлар киритилди.

Унга кўра, МЖТКнинг 126-моддаси бўйича биринчи бор қоидабузарлик содир этилганда жарималар 25 ЭКИҲгача ва маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда 40 ЭКИҲгача оширилди. Яъни тегишинча 25 ва 20 баравар. Эслатиб ўтамиз, автомобилнинг қорайтирилган ойнаси техник регламентга мувофиқ бўлмаганда ёхуд ҳайдовчида махсус рухсатнома мавжуд бўлмаганда жарималар қўлланилади.

Светофорнинг тақиқловчи сигналида ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасида тўхташ чизиғини босиб кирганлик ва “қизил”да ўтганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланди. Эслатиб ўтамиз, янги қоидаларга кўра светофорнинг ёки тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасида тўхтаганда транспорт воситасининг энг олдинги нуқтаси тўхташ чизиғи устига чиқиб кетмаслиги керак. Қоидабузарлик учун ½ ЭКИҲ миқдорида жарима солинади.

Ўз навбатида ЙХҚни бузганлик учун жарималарни тўлаш муддати узайтирилди. Энди у фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ёки қайд этилмаганидан қатъи назар, қарор чиқарилган кундан эътиборан 60 кундан кечиктирмай, унинг устидан шикоят берилган ҳолларда эса – шикоят (протест) қаноатлантирилмай қолдирилганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан 30 кундан кечиктирмай жаримани тўлаш мумкин. Илгари ушбу муддатлар фақат камера объективлари остига тушган жарималар бўйича қўлланилар эди, қолган ҳолларда эса қоидабузар 15 кунда уни тўлаши талаб этиларди.

Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш ва протест келтириш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида устидан шу қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, шунингдек уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан шикоят берилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьясига, судьянинг маъмурий ишлар бўйича қарори устидан эса туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга шикоят берилиши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилинган мансабдор шахс орқали ёки бевосита шикоят йўлланган судга юборилади.

Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқарган мансабдор шахс шикоятни олгач, уни уч кун ичида иш билан бирга шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят шу қарорнинг нусхаси олинган кундан бошлаб ўн кун ичида берилиши мумкин. Мазкур муддат узрли сабаблар билан (касаллик, таътил, хизмат сафари ва ҳ. к.) ўтказиб юборилган тақдирда тегишли тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгач, устидан қарор чиқарилган шахснинг аризасига мувофиқ шикоятни кўриб чиқишга ваколатли бўлган мансабдор шахс томонидан қайта тикланиши мумкин.

Белгиланган муддатда шикоят бериш маъмурий жазо қўлланиши тўғрисидаги қарорнинг ижросини шикоят кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради, маъмурий қамоқ жазоси қўлланиш тўғрисидаги қарор ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ундириб олинадиган жарима солиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзида жазо бериш ҳақидаги қарорнинг ижроси тўхтатиб турилган ҳолларда талоннинг амал қилиш муддати шикоятни кўриб чиқиш тугагунга қадар узайтирилади.

Прокурорнинг протест билдириши маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарор ижросини протест кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоятни ёки протестни кўриб чиқиб, орган (мансабдор шахс) қуйидаги ҳал қилув қарорлардан бирини қабул қилади:

чиқарилган қарорни ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиради;

чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юборади;

чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни юритишни тугатади;

жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда назарда тутилган доирада ўзгартиради.

Агар маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш жараёнида тегишли транспорт воситасига ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда эғалик қилган шахс аниқланса ёхуд мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари натижасида транспорт воситаси мулкдорининг эғалигидан чиқиб кетганлиги аниқланса, транспорт воситасининг мулкдори ўзига тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш янгидан кўриб чиқиш учун юборилиб, қарор бекор қилинган тақдирда, мазкур иш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан у илгари содир этган ҳуқуқбузарликларнинг такрорийлигини инобатга олган ҳолда умумий асосларда кўриб чиқилади.

Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича ЙҚХХнинг ваколатли мансабдор шахси мазкур Йўриқноманинг 14-иловасига мувофиқ шаклдаги ҳал қилув қарори қабул қилади.

Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор бунга ваколати бўлмаган орган (мансабдор шахс) томонидан чиқарилган бўлса, қарор бекор қилинади ва иш ваколатли орган (мансабдор шахс)га кўриб чиқиш учун юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг бекор қилиниши олиб қўйилган ҳайдовчилик гувоҳномасини (талонини) қайтариб беришга асос бўлади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор бекор қилинган тақдирда ундирилган пул миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтариб берилади.

Қонунга хилоф равишда чиқарилганлиги сабабли қарор бекор қилинган тақдирда ушбу ҳолат юзасидан хизмат текшируви ўтказилади. Айбдор мансабдор шахсга нисбатан тегишли интизомий чора кўрилиб, у ҳақидаги маълумот маъмурий иш ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш

Агарда Кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтдан бошлаб ижро этилиши лозим.

Агар маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой мобайнида ижрога қаратилмаган бўлса (қарор нусхаси ҳуқуқбузарга топширилмаган, ҳуқуқбузарнинг ишлаш, яшаш жойига ёки суд ижрочисига юборилмаган бўлса ва ҳ. к.), у ҳолда бундай қарор ижро этилмайди. Ушбу ҳолат бўйича хизмат текшируви ўтказилади ва айбдор мансабдор шахсга нисбатан тегишли интизомий чора кўрилиб, у ҳақидаги маълумот маъмурий иш ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда — шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим, бундан мазкур банднинг иккинчи хатбошиси мустасно.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун солинган жаримани ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб олти кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда эса, шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тўлаши лозим.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мустақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда, жарима уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун солинган жарима ҳуқуқбузар томонидан тегишли банкка тўланади, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинмаган жарима бундан мустасно.

Жарима тўланганлиги ҳақидаги квитанция ёки тўлов топшириғининг нусхаси тақдим этилгач, ҳуқуқбузарнинг вақтинчалик рухсатномаси олиниб, квитанция ёки тўлов топшириғининг нусхаси баённомага бириктириб қўйилади, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони ҳуқуқбузарга қайтариб берилади.

Агар жарима Кодекснинг 126, 128, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 128⁶, 129 ва 130-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун солинган бўлса, бу ҳақда белгиланган тартибда талонга белги қўйилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилганда бу ҳақда талонга белги қўйилмайди.

Ҳуқуқбузар жаримани белгиланган муддатда тўламаган тақдирда жарима солиш ҳақидаги қарор нусхаси жарима пулини мажбурий тарзда унинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, нафақа ёки стипендиясидан ушлаб қолиш учун хат

билан бирга ҳуқуқбузарнинг иш (ўқиш) жойи ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига юборилади.

Агарда жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, нафақа ёки стипендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг туман (шаҳар) бўлимларининг суд ижрочилари томонидан жарима солиш тўғрисидаги қарор асосида ҳуқуқбузарнинг шахсий мулкидан, шунингдек умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳуқуқбузар транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларини топширишдан бош тортса, уларни олиб қўйиш юзасидан зарур чоралари кўрилади.

Талонда ҳуқуқбузарликни қайд этиш бандлари тўлгандан сўнг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахс ҳайдовчининг талонини янгисига алмаштириш юзасидан тегишли кўрсатмалар (тавсиялар) беради.

Талонда ҳуқуқбузарликни қайд этиш бандлари тўлган тақдирда ҳайдовчи уни РИБ (ТРИБ)да белгиланган тартибда алмаштириб олиши лозим.

Бир йилдан камроқ муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик ҳужжатлари уларнинг яшаш жойидаги ЙХХХда, бир йилдан кўпроқ муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг ҳайдовчилик ҳужжатлари эса РИБ (ТРИБ)ларида сақланади.

Агар шахс содир этилган ҳуқуқбузарлик учун ҳайдовчилик гувоҳномасидаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи тоифаларнинг барчасидан маҳрум этилмаган бўлса, суд томонидан чиқарилган қарор келиб тушгандан сўнг транспорт воситаларини бошқариш учун қолган тоифалари кўрсатилган ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар РИБ (ТРИБ)га тақдим этилиб, белгиланган тартибда алмаштириб берилади.

Талон РИБ (ТРИБ)лар томонидан алмаштириб берилганда эски талонда қайд этилган бир йиллик муддати ўтмаган барча ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги белгилар янги талонга кўчириб ёзилади.

Чет эл фуқароларининг Қоидаларни бузганлиги тўғрисидаги ишлар юзасидан иш юритиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган чет эл фуқаролари Қоидаларни бузганлиги учун умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилади.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан мазкур Йўриқноманинг Ўзбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасига автосайёҳ сифатида келган ёки халқаро юк (йўловчи)ларни ташиётган ҳайдовчи томонидан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганда, ҳуқуқбузарга расмийлаштирилган маъмурий баённома ва унинг ҳайдовчилик ҳужжатлари бир сутка ичида буюртма хат орқали ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳудуддаги судга маъмурий чора кўриш учун тақдим этилади.

Бунда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар олинганлиги тўғрисида автосайёҳнинг эслатмасига, халқаро юклар (йўловчилар)ни ташиётган ҳайдовчининг бу сафарга асос бўлган рухсатномасининг «қўшимча маълумотлар» бандига ёзиб қўйилади.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш муддати тугагач, қайтариб олинмаган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар кузатув хати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборилади. Хатда ҳайдовчининг фуқаролиги, транспорт воситасининг рўйхат рақами, юки ташилаётган ташкилотнинг номи, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг олиб қўйиш вақти ва сабаби кўрсатилади.

Йўл ҳаракати қондаларининг бузилиши тўғрисидаги иш юзасидан шикоятни кўриб чиқиш тартиби.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида устидан шу қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, шунингдек уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан шикоят берилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьясига, судьянинг маъмурий ишлар бўйича қарори устидан эса туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга шикоят берилиши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилинган мансабдор шахс орқали ёки бевосита шикоят йўлланган судга юборилади.

Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқарган мансабдор шахс шикоятни олгач, уни уч кун ичида иш билан бирга шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят шу қарорнинг нусхаси олинган кундан бошлаб ўн кун ичида берилиши мумкин. Мазкур муддат узрли сабаблар билан (касаллик, таътил, хизмат сафари ва ҳ. к.) ўтказиб юборилган тақдирда тегишли тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгач, устидан қарор чиқарилган шахснинг аризасига мувофиқ шикоятни кўриб чиқишга ваколатли бўлган мансабдор шахс томонидан қайта тикланиши мумкин.

Белгиланган муддатда шикоят бериш маъмурий жазо қўлланиши тўғрисидаги қарорнинг ижросини шикоят кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради, маъмурий қамоқ жазоси қўлланиш тўғрисидаги қарор ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ундириб олинадиган жарима солиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзида жазо бериш ҳақидаги қарорнинг ижроси тўхтатиб турилган ҳолларда талоннинг амал қилиш муддати шикоятни кўриб чиқиш тугагунга қадар узайтирилади.

Прокурорнинг протест билдириши маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарор ижросини протест кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоятни ёки протестни кўриб чиқиб, орган (мансабдор шахс) қуйидаги ҳал қилув қарорлардан бирини қабул қилади:

чиқарилган қарорни ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиради;

чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юборади;

чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни юритишни тугатади;

жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда назарда тутилган доирада ўзгартиради.

Агар маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш жараёнида тегишли транспорт воситасига ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда эгалик қилган шахс аниқланса ёхуд мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари натижасида транспорт воситаси мулкдорининг эгалигидан чиқиб кетганлиги аниқланса, транспорт воситасининг мулкдори ўзига тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш янгидан кўриб чиқиш учун юборилиб, қарор бекор қилинган тақдирда, мазкур иш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан у илгари содир этган ҳуқуқбузарликларнинг такрорийлигини инобатга олган ҳолда умумий асосларда кўриб чиқилади.

Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича ДЙҲХХнинг ваколатли мансабдор шахси ҳал қилув қарори қабул қилади.

Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор бунга ваколати бўлмаган орган (мансабдор шахс) томонидан чиқарилган бўлса, қарор бекор қилинади ва иш ваколатли орган (мансабдор шахс)га кўриб чиқиш учун юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг бекор қилиниши олиб қўйилган ҳайдовчилик гувоҳномасини (талонини) қайтариб беришга асос бўлади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор бекор қилинган тақдирда ундирилган пул миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтариб берилади.

Қонунга ҳилоф равишда чиқарилганлиги сабабли қарор бекор қилинган тақдирда ушбу ҳолат юзасидан хизмат текшируви ўтказилади. Айбдор мансабдор шахсга нисбатан тегишли интизомий чора кўрилиб, у ҳақидаги маълумот маъмурий иш ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

6-мавзу. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни расмийлаштириш ва кўриб чиқишнинг электрон тизими

Маъруза машғулот –2 соат

Режа:

1-савол. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштириш электрон тизим ўрнатилган планшетлардан фойдаланиш тартиби.

2-савол. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби.

1-савол. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштириш электрон тизим ўрнатилган планшетлардан фойдаланиш тартиби.

Ички ишлар органлари томонидан электрон тизим ўрнатилган планшетлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида йўриқномага асосан ички ишлар органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни расмийлаштириш ва куриб чиқишда электрон тизим ўрнатилган планшетлардан фойдаланиш тартибини белгилайди. Ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш жараёнларини соддалаштириш, тезкорликни таъминлаш ҳамда ортикча сансалорлик ва бюрократизмга йул кўймаслик, шу асосида фуқароларга қушимча қулайликлар яратиш планшетлардан фойдаланишнинг асосий вазифалари ҳисобланади. **ягона марказлаштирилган ахборот тизими** - республика буйича маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган электрон базаси;

хос ракам - ягона марказлаштирилган ахборот тизими томонидан маъмурий баённома рақамига боғлиқ бул маган, маъмурий жазога тортилган шахсга нисбатан ахборот тизимига киритилган қарорга бериладиган идентификациялаш рақами;

биллинг тизими - маъмурий жазо чорасига тортилган шахсларга нисбатан ундирилган ёки туланган жарима йигимларини (суммаларини) автоматлаштирилган электрон тулов тизимлари орқали ҳисобга олиш тизими;

электрон маъмурий баённома - содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича расмийлаштирилган электрон шаклдаги ҳужжат.



Планшетлардан фойдаланиш қонунийлик, ошқоралик, жавобгарликнинг муқаррарлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципларига асосланади. Ваколатли ва бошқа ходимлар Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ўзига ишониб топширилган планшетлар орқали маълум бўлиб қолган шахсга доир маълумотларнинг ошқор этилишига йўл қўймаслиги шарт.

Ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар туғрисидаги ишларни расмийлаштириш ва қўриб чиқиш ҳамда шахсни аниқлаш тартиби

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар туғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 248,258-моддаларига мувофиқ ички ишлар органларининг ваколатли ходимлари томонидан қўриб чиқилади ва расмийлаштирилади. Бунда: МЖтК 248-моддасининг 1[^]-бандларига ва 258-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар туғрисидаги ишлар бўйича ҳуқуқбузарлик содир этган шахс туғрисидаги маълумотлар планшетлар орқали ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ягона марказлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда; МЖтК 248-моддасининг 5-7-бандларига асосан маъмурий ҳуқуқбузарликлар туғрисидаги ишлар бўйича ҳуқуқбузарлик содир этган шахс туғрисидаги маълумотлар планшетлар орқали “Маъмурий амалиёт” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда аниқланади.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик туғрисидаги иш планшетлар орқали расмийлаштирилиши ва қўриб чиқилишига ҳуқуқбузар ёки жабрланувчининг эътирози бўлганда, ҳуқуқбузарлик учун жарима жазосидан бошқа турдаги маъмурий жазо назарда тутилган тақдирда ва бошқа асослар мавжуд ҳолларда иш юритиш оддий (ёзма) усулда амалга оширилиши мумкин. Планшет орқали электрон маъмурий баённома расмийлаштириш жараёнида ҳуқуқбузарликнинг анкета маълумотлари ваколатли ходимлар томонидан киритилади.

Ушбу маълумотларнинг тўғри киритилиши учун ваколатли ходимлар масъул булади. Пиёдалар томонидан содир этилган қоидабузарликлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил 14 июндаги 163-сон “Пиёдаларни Йул ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи талабларига мувофиқ кўриб чиқилади ва расмийлаштирилади. Ички ишлар органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш ваколатига эга булмаган ходимлар планшетлардан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базасидан фуқаронинг шахсни аниқлаш мақсадида фойдаланади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни планшетлар орқали расмийлаштиришда ҳуқуқбузарга МЖТКнинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади. Ваколатли ходимлар томонидан ҳуқуқбузарга тайинланган жаримани ихтиёрий равишда биллинг тизими ёки банклар орқали тўлаши мумкинлиги маълум қилиниб, унга туловни амалга оширишда фойдаланиш учун хос рақам берилади. Бунда, ваколатли ходимлар томонидан ҳуқуқбузарга содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун тайинланган жаримани электрон тулов тизимлари орқали хос рақамдан фойдаланган ҳолда амалга ошириши мумкинлиги хусусида тушунтириш берилади. Ваколатли ходимлар томонидан аниқданган ҳуқуқбузарлик аудио-, видеоёзувлардан ва фотосуратлардан иборат материаллар шаклида қайд этилиши мумкин. Мазкур материаллар МЖТКнинг 276-моддасига мувофиқ, далил сифатида электрон маъмурий баённомага илова қилинади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ваколатли ходимлар томонидан планшетлар орқали кўриб чиқилгандан сўнг маълумотлар электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тасдиқланади. Агар фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирса, электрон маъмурий баённома икки ҳолис иштирокида расмийлаштирилади. Электрон маъмурий баённомага холислар тўғрисидаги маълумотлар “Фуқароларнинг биометрик ҳужжатлари электрон тизими” орқали киритилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ёки унинг ўзи шахсига доир маълумотларни планшетлар орқали аниқлаш учун ихтиёрий равишда маълум қилишни истамаган ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш МЖТКнинг 284-моддасига мувофиқ умумий асосларда амалга оширилади. Жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ва планшетлар орқали шахсига доир маълумотларни аниқлаш имкони бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ ички ишлар органларига олиб борилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича электрон шаклдаги барча маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг серверларида сақланади.

Ички ишлар органлари томонидан электрон тизим урнатилган планшетларни тарқатиш, олиш, сақлаш ва топшириш тартиби.

Планшетлар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари асосида бириктирилади. Буйруқда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, шунингдек туман (шаҳар)лар ички ишлар бошқармалари (булимлари)нинг моддий-техника таъминоти учун жавобгар шахс зиммасига планшетларни тарқатиш, сақлаш, соз ҳолатда қабул қилиб олиш мажбурияти юклатилади. Ходимларга бириктирилган планшетлар доимий равишда соз ва дастурий- техник таъминоти ишчи ҳолатда бўлиши лозим.



Ваколатли ва бошқа ходимлар ўзларига бириктирилган планшетларнинг бут сақланиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади. Планшетлар йўқолган, касддан нобуд қилинган, унга ўрнатилган дастур ва иловалар касддан яроқсиз ҳолга келтирилган тақдирда зарар унинг ҳисобидан қопланади. Планшетлар бириктирилган ваколатли ва бошқа ходимлар ички ишлар органларидан бушатилганда ёки бошқа сабабларга кўра планшетлардан фойдаланиш зарурати мавжуд бўлмаган ҳолларда планшетлар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, шунингдек тегишли туман (шаҳар)лар ички ишлар бошқармалари (булимлари)нинг моддий-техника таъминоти учун жавобгар шахсига топширилади.

ишни кўриб чиқишга МЖТКнинг 303-моддаги асосида тайёрлайди ва куйидагиларни аниқлаштиради.

1) мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш кирмаслиги;

2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;

3) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;

4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;

5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

Агарда маъмурий иш мазкур органга (мансабдор шахсга) тааллуқли бўлмаган (судловига тегишли бўлмаган) ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари ушбу Кодекснинг назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда юборилган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган органга МЖТКнинг 303¹-моддаси асосида (мансабдор шахсга) қайтарилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда МЖТКнинг 304-моддасига асосида кўриб чиқилади.

МЖТКнинг 113-моддасининг бешинчи қисмида, 119, 125, 125¹, 126, 127, 128, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 128⁶, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135¹, 136, 139, 140-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар транспорт воситалари рўйхатга олинган жойда кўриб чиқилиши ҳам мумкин. Ушбу Кодекснинг 187-моддасиданазарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар шундай ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда ёки ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқилади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқадилар. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бошқа жойда кўриб чиқилиши ҳам назарда тутилиши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатлари МЖТКнинг 305-модда кўрсатилган бўлиб, улар куйдагича.

-маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

-ушбу Кодекснинг 51², 51³, 51⁴, 51⁵, 51⁶, 51⁷, 51⁸, 51⁹, 170, 180, 181, 183, 187, 194-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бир сутка мобайнида кўриб чиқилади, ушбу Кодекснинг 164-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 201, 202, 203, 204, 205-моддаларида назарда тутилган ишлар — уч сутка ичида, ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ишлар эса — беш сутка ичида кўриб чиқилади.

-ушбу Кодекснинг 56, 57, 58-моддаларида, 61¹-моддаси биринчи қисмида, 94, 165¹, 184², 184³, 189, 189¹, 201, 202¹, 224¹-моддаларида, 225-моддаси биринчи

қисмида, 239, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар, улар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилганда, бир сутка мобайнида кўриб чиқилади.

-ушбу Кодекс 271-моддасининг 11-бандида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишнинг бошқа материаллари ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан олинган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тартиби МЖтКнинг 306-моддасида белгилаб берилган.

Ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади. Ишни кўриб чиқувчи органнинг мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради. Мажлисида ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларнинг сўзлари эшитилади, келтирилган далиллар ўрганилади ва тушган илтимослар ҳал этилади. Ишни кўриб чиқишда прокурор қатнашган тақдирда унинг хулосаси ўқиб эшиттирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси 308-модда белгилаб берилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида тегишли орган баённома юритади. Унда:

- 1) мажлис бўлган сана ва жой;
- 2) ишни кўриб чиқувчи органнинг номи ва таркиби;
- 3) кўрилаётган ишнинг мазмуни;
- 4) ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳозир бўлган-бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;
- 5) ишни кўришда қатнашувчи шахсларнинг тушунтиришлари, уларнинг илтимослари ва бу илтимосларни кўриб чиқиш натижалари;

6) ишни кўриб чиқиш пайтида ўрганилган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар;

7) қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттириш тўғрисидаги маълумотлар ва қарор устидан шикоят бериш тартиби ва муддатлари тушунтирилганлиги кўрсатилган бўлади.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг, жабрланувчининг ва ўзга манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши қандай бораётганлиги ушбу модданинг биринчи қисми талабларига мувофиқ равишда юритилувчи баённомада акс этирилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси тегишинча орган мажлисидаги раислик қилувчи ва котиб томонидан ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Семинар машғулот –2 соат

Режа:

Ушбу ўқув машғулотини “Кичик гуруҳларда ишлаш” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



1-гуруҳга топшириқ. электрон маъмурий баённомани расмийлаштириш тартиби.

2-гуруҳга топшириқ. Пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бўзилганда ЙПХ ходими томонидан ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш тартиби.

3-гуруҳга топшириқ. ЙПХ ходими электрон шаклдаги маъмурий баённомани тузишда маълумотларни махсус мослама хотирасига жойлаштириш тартиби.

4-гурухга топширик. Пиёдалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий иш юритиш.

Пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бўзилганда ЙПХ ходими томонидан ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил « 14 » июндаги “Пиёдалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича электрон шаклдаги маъмурий баённомалар расмийлаштириш ва маъмурий иш юритиш тартиби тўғрисида”ги 163-сон буйруғига асосан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, пиёдалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича электрон шаклдаги маъмурий баённомалар расмийлаштириш ва маъмурий иш юритиш тартибини белгилайди. пиёда - йўл ҳаракати жараёнида бевосита иштирок этаётган шахс.

Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари қонунийлик, қонун олдида тенглик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига асосланади. ЙПХ ходимлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиши, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиши ҳамда уларга берилган ваколатлар доирасидан четга чиқмаслиги шарт. Пиёдалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича электрон шаклдаги маъмурий баённомалар расмийлаштириш ва маъмурий иш юритиш ички ишлар органининг ЙПХ ходимлари томонидан махсус мосламадан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. ЙПХ ходими пиёдани тўхтатиш ва маъмурий баённомани расмийлаштириш ишларини мобил видеокамерадан фойдаланган ҳолда амалга оширади.

Пиёдалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича электрон шаклдаги маъмурий баённомалар расмийлаштириш

Пиёдалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 138-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги бўйича маъмурий баённомалар ушбу Кодекснинг 248-моддаси бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида белгиланган ваколатли мансабдор шахслар томонидан ушбу Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича электрон шаклда махсус мосламадан фойдаланган ҳолда расмийлаштирилади. Пиёда томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликни аниқлаган ЙПХ ходими ушбу қоида бузилишини махсус мосламадан фойдаланган ҳолда суратга олади. Махсус мосламадан фойдаланган ҳолда суратга олинган фото тасвирда пиёда томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт (кун, соат, минут, секунд), жой (вазият ва координатлар) ақс эттирилади ҳамда ушбу қоидабузилишини тасдиқловчи далил бўлиб хизмат қилади. Содир этилган ҳуқуқбузарликни аниқлаган ЙПХ ходими пиёдага ўз лавозими, унвони, фамилиясини таништиради, унинг талабига кўра хизмат

гувоҳномасини кўрсатади, шундан сўнг тўхтатиш сабаблари, шу жумладан содир этган ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилган банди тўғрисида тушунтириш беради. ЙПХ ходими ҳуқуқбузарлик содир этган пиёданнинг шахсини аниқлаш мақсадида ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролик паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳарбий билет ва ҳ.к.)ни тақдим этишни сўрайди. ЙПХ ходими пиёда томонидан тақдим этилган шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида тегишли маълумотларни махсус мослама хотирасига киритади. Пиёда томонидан унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган тақдирда, ЙПХ ходими пиёдадан у тўғрисидаги шахсий маълумотларини сўраб олади ва махсус мослама хотирасига киритади.

ЙПХ ходими пиёданнинг шахсига оид маълумотларни махсус мосламага киритишдан олдин уни шахсига оид ҳужжатларни ёки маълумотларни беришдан бош тортган, ёлғон маълумот берган ёки маълумотларда тафовут аниқланган тақдирда, шахсини аниқлаштириш мақсадида тегишли ҳудудий ички ишлар органига олиб борилиши ҳақида огоҳлантиради. Махсус мослама хотирасига киритилган пиёда тўғрисидаги маълумотлар «онлайн» тарзда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси маълумотлар базаси орқали текширилади. ЙПХ ходими Маълумотлар базасидан олинган ҳуқуқбузар пиёда тўғрисидаги маълумотлар, фотосурат ва ташқи кўринишини визуал таққослаш орқали ушбу шахс эканлигига ишонч ҳосил қилгач, ҳуқуқбузар пиёдага нисбатан электрон шаклдаги маъмурий баённомани расмийлаштиришга киришади.

ЙПХ ходими электрон шаклдаги маъмурий баённомани тузишда маълумотларни махсус мослама хотирасига жойлаштириш тартиби:

ЙПХ ходими электрон шаклдаги маъмурий баённомани тузишда қуйидаги маълумотларни махсус мослама хотирасига киритади:

а) ҳуқуқбузар пиёданнинг шахсий маълумотлари (Ф.И.Ш., туғилган йили, яшаш ва почта манзили, ўқиш ёки иш жойи);

б) ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг аниқ тафсилоти (йўл, кўча номи, уй ёки аниқ объект);

в) содир этилган ҳуқуқбузарлик таркиби - ЙПХ ходими махсус мослама хотирасига олдиндан киритилган қуйидаги ҳуқуқбузарлик турларидан бирини танлаб олади:

пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат қисмини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши;

пиёдалар йўлнинг қатнов қисмида, хусусан пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда телефондан фойдаланиши, китоб ёки даврий нашрларни ўқиши, видеоматериалларни томоша қилиши ҳамда аудио материалларни эшитиши, шунингдек эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиши;

мопед ва велосипед ҳайдовчиларининг, уловли аравани бошқариб боровчи ва йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи

сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги;

ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат кўрсатиш мақсадида йўлнинг қатнов қисмида фуқароларнинг туриши, йўлларга ажратилган минтақа чегарасида мол боқиши.

Махсус мосламадан фойдаланган ҳолда электрон шаклдаги маъмурий баённомани расмийлаштиришда қуйидаги маълумотлар автоматлаштирилган тарзда шаклланади:

содир этилган ҳуқуқбузарлик факти қайд этилган вақт (кун, соат, минут, секунд) ва жой (вазият ва координатлар);

электрон шаклдаги маъмурий баённомани расмийлаштирган ЙПХ ходими тўғрисидаги маълумотлар (лавозими, Ф.И.Ш., кўкрак нишони рақами);

содир этилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо турини назарда тутувчи қонун ҳужжати (кодекс)нинг таркибий бирлигига (модда, қисм, банд, хатбоши) ҳавола. Пиёдада ўзи томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик фактига нисбатан эътироз мавжуд бўлмаса, у бу ҳақда махсус мосламанинг белгиланган жойига бош бармоғи (бармоқ излари)ни босиш орқали тасдиқ қўяди ва аксинча махсус мосламада ўрнатилган махсус жойда бу ҳақда қайд этади. Ҳуқуқбузарлик содир этган пиёданинг шахсини аниқлаш имкони бўлмаган (ўзини таништиришдан бош тортган, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган, пиёда тилидан баён этилган маълумотларнинг Маълумотлар базасида мавжуд бўлмаган ёки улар ўртасида тафовут аниқланган) ҳолларда пиёда тегишли ҳудудий ички ишлар органига шахсини аниқлаштириш мақсадида олиб борилади.

ЙПХ ходими пиёда содир этган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотларни (содир этилган ҳуқуқбузарлик факти қайд этилган вақт (кун, соат, минут, секунд) ва жой (вазият ва координатлар), содир этилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо турини назарда тутувчи қонун ҳужжатининг таркибий бирлигига ҳавола) билдирги орқали ҳудудий ички ишлар органига топширади. Ҳудудий ички ишлар органи ҳуқуқбузарлик содир этган пиёданинг шахсини аниқлаштиради, маълумотлар базаси орқали текширади ва пиёда содир этган ҳуқуқбузарлик билан бирга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 194-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий баённома расмийлаштиради.

Пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бўзилганда ЙПХ ходими томонидан ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил « 14 » июндаги “Пиёдалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича электрон шаклдаги маъмурий баённомалар расмийлаштириш ва маъмурий иш юритиш тартиби тўғрисида”ги 163-сон буйруғига асосан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, пиёдалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича электрон шаклдаги маъмурий баённомалар расмийлаштириш ва маъмурий иш юритиш тартибини белгилайди. пиёда - йўл ҳаракати жараёнида бевосита иштирок

этаётган шахс.

КНИТАНИЦЕН ВАРАҚАСИ АБ № X - 000000 000 (.....) с/б
(Қуқуқбузарликни фанкиликте, яки, оуқуқбузарликни яки)
(Қуқуқбузарликни яки)
М.Б.Қуқуқбузарликни М.Б.Қуқуқбузарликни М.Б.Қуқуқбузарликни
(Қуқуқбузарликни яки)
Қуқуқбузарликни Д.Қуқуқбузарликни Қуқуқбузарликни
..... 20__ й.
Қуқуқбузарликни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЛИИРАТИ
ИИИ Қуқуқбузарликни Қуқуқбузарликни Қуқуқбузарликни Қуқуқбузарликни
КНИТАНИЦЕН АБ № X - 000000 000 (.....) с/б
Қуқуқбузарликни Қуқуқбузарликни Қуқуқбузарликни Қуқуқбузарликни Қуқуқбузарликни
(Қуқуқбузарликни Қуқуқбузарликни Қуқуқбузарликни, Қуқуқбузарликни, Қуқуқбузарликни)



Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари қонунийлик, қонун олдида тенглик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига асосланади. ЙПХ ходимлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиши, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши ҳамда уларга берилган ваколатлар доирасидан четга чиқмаслиги шарт. Пиёдалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича электрон шаклдаги маъмурий баённомалар расмийлаштириш ва маъмурий иш юритиш ички ишлар органининг ЙПХ ходимлари томонидан махсус мосламадан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. ЙПХ ходими пиёдали тўхтатиш ва маъмурий баённомани расмийлаштириш ишларини мобил видеокамерадан фойдаланган ҳолда амалга оширади.

Пиёдалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича электрон шаклдаги маъмурий баённомалар расмийлаштириш

Пиёдалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 138-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги бўйича маъмурий баённомалар ушбу Кодекснинг 248-моддаси бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида белгиланган ваколатли мансабдор шахслар томонидан ушбу Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича электрон шаклда махсус мосламадан фойдаланган ҳолда расмийлаштирилади. Пиёда томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликни аниқлаган ЙПХ ходими ушбу қоида бузилишини махсус мосламадан фойдаланган ҳолда суратга олади. Махсус мосламадан фойдаланган ҳолда суратга олинган фото тасвирда пиёда томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт (кун, соат, минут, секунд), жой (вазият ва координатлар) акс эттирилади ҳамда ушбу қоидабузилишини тасдиқловчи далил бўлиб хизмат

килади. Содир этилган ҳуқуқбузарликни аниқлаган ЙПХ ходими пиёдага ўз лавозими, унвони, фамилиясини таништиради, унинг талабига кўра хизмат гувоҳномасини кўрсатади, шундан сўнг тўхтатиш сабаблари, шу жумладан содир этган ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилган банди тўғрисида тушунтириш беради. ЙПХ ходими ҳуқуқбузарлик содир этган пиёданинг шахсини аниқлаш мақсадида ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролик паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳарбий билет ва ҳ.к.)ни тақдим этишни сўрайди. ЙПХ ходими пиёда томонидан тақдим этилган шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида тегишли маълумотларни махсус мослама хотирасига киритади. Пиёда томонидан унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган тақдирда, ЙПХ ходими пиёдадан у тўғрисидаги шахсий маълумотларини сўраб олади ва махсус мослама хотирасига киритади.

ЙПХ ходими пиёданинг шахсига оид маълумотларни махсус мосламага киритишдан олдин уни шахсига оид ҳужжатларни ёки маълумотларни беришдан бош тортган, ёлғон маълумот берган ёки маълумотларда тафовут аниқланган тақдирда, шахсини аниқлаштириш мақсадида тегишли ҳудудий ички ишлар органига олиб борилиши ҳақида огоҳлантиради. Махсус мослама хотирасига киритилган пиёда тўғрисидаги маълумотлар «онлайн» тарзда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси маълумотлар базаси орқали текширилади. ЙПХ ходими Маълумотлар базасидан олинган ҳуқуқбузар пиёда тўғрисидаги маълумотлар, фотосурат ва ташқи кўринишини визуал таққослаш орқали ушбу шахс эканлигига ишонч ҳосил қилгач, ҳуқуқбузар пиёдага нисбатан электрон шаклдаги маъмурий баённомани расмийлаштиришга киришади.

ЙПХ ходими электрон шаклдаги маъмурий баённомани тузишда маълумотларни махсус мослама хотирасига жойлаштириш тартиби:

ЙПХ ходими электрон шаклдаги маъмурий баённомани тузишда қуйидаги маълумотларни махсус мослама хотирасига киритади:

а) ҳуқуқбузар пиёданинг шахсий маълумотлари (Ф.И.Ш., туғилган йили, яшаш ва почта манзили, ўқиш ёки иш жойи);

б) ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг аниқ тафсилоти (йўл, кўча номи, уй ёки аниқ объект);

в) содир этилган ҳуқуқбузарлик таркиби - ЙПХ ходими махсус мослама хотирасига олдиндан киритилган қуйидаги ҳуқуқбузарлик турларидан бирини танлаб олади:

пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат қисмини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши;

пиёдалар йўлнинг қатнов қисмида, хусусан пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда телефондан фойдаланиши, китоб ёки даврий нашрларни ўқиши, видеоматериалларни томоша қилиши ҳамда аудио материалларни эшитиши, шунингдек эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан

фойдаланиши;

мопед ва велосипед ҳайдовчиларининг, уловли аравани бошқариб борувчи ва йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги;

ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат кўрсатиш мақсадида йўлнинг қатнов қисмида фуқароларнинг туриши, йўлларга ажратилган минтақа чегарасида мол боқиши.

Махсус мосламадан фойдаланган ҳолда электрон шаклдаги маъмурий баённомани расмийлаштиришда қуйидаги маълумотлар автоматлаштирилган тарзда шаклланади:

содир этилган ҳуқуқбузарлик факти қайд этилган вақт (кун, соат, минут, секунд) ва жой (вазият ва координатлар);

электрон шаклдаги маъмурий баённомани расмийлаштирган ЙПХ ходими тўғрисидаги маълумотлар (лавозими, Ф.И.Ш., кўкрак нишони рақами);

содир этилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо турини назарда тутувчи қонун ҳужжати (кодекс)нинг таркибий бирлигига (модда, қисм, банд, хатбоши) ҳавола. Пиёдада ўзи томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик фактига нисбатан эътироз мавжуд бўлмаса, у бу ҳақда махсус мосламанинг белгиланган жойига бош бармоғи (бармоқ излари)ни босиш орқали тасдиқ қўяди ва аксинча махсус мосламада ўрнатилган махсус жойда бу ҳақда қайд этади. Ҳуқуқбузарлик содир этган пиёданинг шахсини аниқлаш имкони бўлмаган (ўзини таништиришдан бош тортган, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган, пиёда тилидан баён этилган маълумотларнинг Маълумотлар базасида мавжуд бўлмаган ёки улар ўртасида тафовут аниқланган) ҳолларда пиёда тегишли ҳудудий ички ишлар органига шахсини аниқлаштириш мақсадида олиб борилади.

ЙПХ ходими пиёда содир этган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотларни (содир этилган ҳуқуқбузарлик факти қайд этилган вақт (кун, соат, минут, секунд) ва жой (вазият ва координатлар), содир этилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо турини назарда тутувчи қонун ҳужжатининг таркибий бирлигига ҳавола) билдирги орқали ҳудудий ички ишлар органига топширади. Ҳудудий ички ишлар органи ҳуқуқбузарлик содир этган пиёданинг шахсини аниқлаштиради, маълумотлар базаси орқали текширади ва пиёда содир этган ҳуқуқбузарлик билан бирга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 194-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий баённома расмийлаштиради.

***Пиёдалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича
маъмурий иш юритиш***

Пиёда томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик тўғрисида расмийлаштирилган электрон шаклдаги баённома махсус мослама хотирасида сақланиб, химояланган мобил алоқа каналлари орқали «Маъмурий амалиёт» комплекс автоматлаштирилган ахборот тизими («Маъмурий амалиёт» КААТ)га

узатилади. «Маъмурий амалиёт» КААТда автоматлаштирилган тарзда:

➤ электрон шаклдаги маъмурий баённома бўйича ҳуқуқбузар пиёдага нисбатан жарима тайинлаш тўғрисидаги қарор мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклланади;

➤ ҳуқуқбузар пиёдага нисбатан жарима тайинлаш тўғрисидаги қарор: қабул қилинган кунда ҳужжат шаклида пиёданинг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига;

➤ уч иш кунида почта хизмати орқали пиёданинг доимий яшаш манзилига жўнатилади; ҳуқуқбузар пиёдага нисбатан жарима тайинлаш тўғрисидаги қарор ҳуқуқбузар пиёданинг доимий яшаш манзили бўйича давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маъмурий амалиёт инспекторининг «Маъмурий амалиёт» КААТга уланган компютерида ҳисобга олиниб, ҳуқуқбузар пиёдага нисбатан тайинланган жариманинг ундирилиши назорат қилинади;

➤ ундирилган жарима «биллинг» тизими орқали автоматлаштирилган тарзда назоратдан пиёдада ўзи томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик факти бўйича эътироз мавжуд бўлган ҳолларда электрон шаклдаги маъмурий баённома тааллуқлилиги бўйича кўриб чиқиш учун тегишли маъмурий судга юборилади. Кўшимча аниқланган ҳолатлар (қидирувдаги шахс, ҳақиқий бўлмаган ҳужжатни тақдим этиш, қарздорлик ва ҳ.к.) бўйича қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

Амалий машғулот –2 соат

Режа:

Пиёдалар йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун ЙПХ ходими томонидан ҳуқуқбузарликни ҳужжатлаштириш тартиби.

2023 йил 18 май куни соат 12.00 ларда Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани Гулшан кўчаси билан А.Темур кучаси туташган жойга яқин ҳудудда ЙПХ инспектори кичик сержант А.А.Абдувоҳидов хизмат олиб бораётган вақтда А.Темур кучаси 18 хонадонда яшовчи 1989 йил туғулган фуқаро Шарипов Темур йўлнинг пиёдалар ўтиш учун мўлжалланмаган қисмидан кесиб ўтганлиги натижасида транспорт воситаларининг ҳаракатланишига таъсир қилди.

Савол: Бу ҳолатда ЙПХ инспектори кичик сержант А.А.Абдувоҳидовнинг ҳаракати нимадан иборат?

**КВИТАНЦИЯ
ВАРАҚАСИ**

_____ серияли № Х-000000

Энг кам иш ҳақининг _____ микдорида
(_____) сўм

_____ (хуқуқбузарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (туғилган йили ва жойи)

МЖТКнинг _____-моддасини _____ қисми
Мен йўл қўйган хуқуқбузарликни тан оламан
ва берилган жазога эътирозим йўқ.

Квитанцияни олдим

_____ (хуқуқбузарнинг имзоси)

_____ (квитанция тўлдирган ДЙХХХ ходимининг кўкрак нишони _____)

" _____ " _____ 20__ й.

қирқини чизиги

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**

Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги
учун жарима тўлаганлиги ҳақида

КВИТАНЦИЯ _____ № Х-000000

Энг кам иш ҳақининг _____ микдорида
(_____) сўм

Жарима жойида тўланган вақтда квитанциянинг
қуйи қисми хуқуқбузарга йиртиб берилади.

_____ (жазо қўллаган мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

Амалий машгулот –2 соат

Режа:

**Пиёдалар йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун ЙПХ ходими
томонидан хуқуқбузарликни хужжатлаштириш тартиби.**

**КВИТАНЦИЯ
ВАРАҚАСИ**

_____ серияли № Х-000000

Энг кам иш ҳақининг _____ микдорида
(_____) сўм

_____ (хуқуқбузарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (туғилган йили ва жойи)

МЖТКнинг _____-моддасини _____ қисми
Мен йўл қўйган хуқуқбузарликни тан оламан

Хайдовчилик гувоҳномаси: _____
(серияси) (рақами) (тоифаси) (амал қилиш муддати)

Хайдовчилик гувоҳномаси талони: _____
(серияси) (рақами) (тоифаси) (амал қилиш муддати)

Вақтинчалик гувоҳномаси: _____
(серияси) (рақами) (тоифаси) (амал қилиш муддати)

Суғурта полиси: _____
(серияси) (рақами) (амал қилиш муддати)

_____ (яшаш жойи) _____ (телефон)

_____ (иш жойи) _____ (телефон)

Транспорт воситаси ҳақида маълумот: _____
(русуми) (давлат рақам белгиси) (тури)

_____ (ранги) _____ Транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси _____ (серияси,

Тегишлилиги: _____
(фамилияси, исми, отасининг исми ёки ташкилотнинг номи ва манзили)

Ишоннома: _____
(серияси) (рақами) (амал қилиш муддати)

Шаҳсини тасдиқловчи ҳужжат: _____
(тури) (серияси, рақами) (берилган вақти)

Менга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг
294-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва бурчларим
тушунтирилди:

_____ (хайдовчининг (пиёданинг) имзоси)

Менга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг
294-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва бурчларим
тушунтирилди:

_____ (хайдовчининг (пиеданинг) имзоси)

20__ йил " __ " _____ куни соат ____ транспорт воситасини бошқараётим,

_____ (хуқуқбузарлик содир этилган жой ва унинг тафсилоти)
яъни, Йўл ҳаракати қоидаларининг _____ банди бузилди.

Хуқуқбузарлик _____ аниқланди.

_____ (техник восита русуми)

Гувоҳ ёки холислар: МЖТКнинг **298-моддаси** талаблари билан таништирилди.

1. _____
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили)

_____ (яшаш жойи) (имзо)

2. _____
_____ (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили)

_____ (яшаш жойи) (имзо)

Баённома билан танишдим, унинг мазмуни бўйича қуйидагиларни билдираман:

_____ (хуқуқбузарнинг тушунтириш бериши)

_____ (хуқуқбузарнинг имзоси)

Баённомага илова этилади: _____
(хайдовчилик гувоҳномаси, талон, вақтинчалик рухсатнома)

_____ (тиббий текширув ҳулосаси, далолатнома, тушунтириш хати, ишга оид бошқа ҳужжатлар)

Транспорт воситасини бошқариш учун ____ серияли _____ рақамли вақтинчалик
рухсатномани

_____ (ёзув билан)

_____ (имзо)

Маъмурий иш кўриладиган жой _____
Маъмурий ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти тўғрисида
огоҳлантирилдим: _____

_____ (имзо)

Баённомани тузган мансабдор шахс имзоси: _____

20__ йил " __ " _____ куни соат ____ транспорт воситасини бошқараётим,

_____ (хуқуқбузарлик содир этилган жой ва унинг тафсилоти)
яъни, Йўл ҳаракати қоидаларининг _____ банди бузилди.

Хуқуқбузарлик _____ аниқланди.

(техник восита русуми)

Гувоҳ ёки холислар: МЖТКнинг **298-моддаси** талаблари билан таништирилди.

1. _____
(фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили)

_____ (яшаш жойи) (имзо)

2. _____
(фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили)

_____ (яшаш жойи) (имзо)

Баённома билан танишдим, унинг мазмуни бўйича қуйидагиларни билдираман:

_____ (хукукбузарнинг тушунтириш бериши) _____ (хукукбузарнинг имзоси)

Баённомага илова этилади: _____
(хайдовчилик гувоҳномаси, талон, вақтинчалик рухсатнома)

_____ (тиббий текширув хулосаси, далолатнома, тушунтириш хати, ишга оид бошқа хужжатлар)

Транспорт воситасини бошқариш учун _____ серияли _____ рақамли вақтинчалик рухсатномани

_____ гача олдим _____
(ёзув билан) _____ (имзо)

Маъмурий иш кўриладиган жой _____
Маъмурий ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти тўғрисида
огоҳлантирилдим: _____

(имзо)

Баённомани тузган мансабдор шахс имзоси: _____

GA 0000000000 - рақамли Жарима солиш тўғрисидаги ҚАРОР

_____ (қарор чиқарилган сана) _____ (қарор чиқарилган жой)

Мен, _____

(қарорни чиқарган орган номи, мансабдор шахснинг лавозими, унвони,
фамилияси, исми, отасининг исми)

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузилиши тафсилотларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни
АНИҚЛАДИМ:

20__ йил _____ кун соат _____ да
" _____ " кўчалари (чорраҳаси)да,
_____ да

рўйхатда турувчи фуқаро _____ /
юридик шахс _____ га тегишли



GA 00000000000

бўлган _____ русумли _____
давлат рақам белгили транспорт воситасида
хайдовчи _____

(хуқуқбузарликнинг тафсилоти),
бу билан Ўзбекистон Республикаси
МЖТКнинг _____-моддаси _____-қисмида
назарда тутилган хуқуқбузарликни содир
этган.

**Транспорт воситасининг
мулкдори Ф.И.О.
Яшаш манзили**

**Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 17-1, 309-1,
248, 304 ва 307-моддаларига асосланган ҳолда
ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

_____ русумли _____ давлат рақам белгили транспорт воситаси
мулкдори _____ га

(Ф.И.О. / юридик шахс номи)

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг _____-моддаси _____-қисмига асосан _____
(_____ сўзларда ёзилади) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин.

Давлат рақам белгиси туширилган транспорт воситаси фотосурати	Қоидабузарлик содир этилган вақтдаги транспорт воситаси фотосурати	Мазкур қарор устидан эътирозингиз бўлса _____ телефон рақамига соат 09:00 дан 22:00 гача муружаат қилишингизни тавсия қиламиз.
--	---	---

(қарорни тузган ваколатли шахснинг электрон рақамли имзоси)

Хуқуқ ва мажбуриятларингиз:

Тайинланган жаримани қарор чиқарилган кундан бошлаб олтмиш (60) кундан кечиктирмай, ушбу қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда эса, шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан ўттиз (30) кундан кечиктирмай тўлашингиз лозим.

Мазкур қарор чиқарилган кундан эътиборан олтмиш (60) кун ўтгач жарима тўланмаган тақдирда транспорт воситангиз қарорнинг ижроси юзасидан иш юритиш тугагунига қадар ушлаб турилади.

Мазкур қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга ёки маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьясига унинг нусхасини олган кунингиздан бошлаб (10) ўн кун ичида шикоят беришингиз мумкин. Шикоят маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) орқали ёки бевосита шикоят йўлланган судга юборилади.

7-мавзу: Транспорт воситалари хайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби.

Маъруза–2 соат

Режаси:

1. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш тартиби
2. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтказиш тартиби

1-савол. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги ПҚ–3786-сон“ Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди ва Бош прокуратураси билан биргаликда 2018 йил 14 декабрдаги 3099-сонли қўшма қарор қабул қилинди ҳамда 2019 йил 10 декабрда ушбу қарорга “Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги 3099-1-сонли қўшма қарор билан ўзгартиришлар киритилди.

Ушбу 3099 сонли қўшма қарорга ИЛОВА қилиб *“Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисида”*ги низом тасдиқланган.

Мазкур Низомнинг асосий мақсади транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартибини белгилашдан иборатдир.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш ички ишлар органининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш бўйича текширув Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда текширилган, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан сертификатланган транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан ҳавога чиқарилган этанол буғларини аниқловчи ва текширув натижаларини қоғозда акс эттирувчи махсус техник восита – алкотестер ёрдамида амалга оширилади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш бўйича тиббий текширув бевосита ЙХХХ ходимлари иштирокида туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасаларининг масъул ходимлари томонидан ўтказилади.

Қуйидагилар транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун текширув ўтказишга асос бўлади:

- хайдовчининг оғиз бўшлиғидан алкоғол ҳиди келиши;
- хайдовчи бир ҳолатда тўғри тура олмаслиғи (чайқалиб туриши);
- хайдовчи нутқининг бузилганлиғи;
- хайдовчи қўл бармоқларининг қалтираши;
- хайдовчи юз териси рангининг сезиларли ўзгарганлиғи.

Транспорт воситалари хайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлиғини аниқлаш ЙҚХХ ходими томонидан техник восита ёрдамида қоидабузарлик юз берган жойнинг ўзида амалга оширилади. Текширув олдида ЙҚХХ ходими транспорт воситаси хайдовчисини техник воситанинг ишлаш тартиби билан таништиради, зарур ҳолларда хайдовчининг талабига асосан техник воситага тегишли ҳужжатларни кўрсатади.

Текширув камида икки нафар холис иштирокида амалга оширилади, ЙҚХХ ходими томонидан кузатув камераси (body camera)дан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган текширувлар бундан мустасно.

Текширув жараёнида ЙҚХХ ходими транспорт воситаси хайдовчиси ва бошқа фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, уларга нисбатан ҳатти-ҳаракатлари тушунарли ва қонун талаблари асосида бўлиши, шунингдек санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этиши лозим.

Текширув ўтказишда ЙҚХХ ходими транспорт воситаси хайдовчиси томонидан чиқарилган ҳаво намунасини техник воситани қўллаш йўриқномасига асосан олади. Транспорт воситаси хайдовчиси томонидан чиқарилган ҳаводаги этанол буғлари концентрацияси кўрсаткичи 0,135 миллиграмм ва ундан юқори бўлган ҳолларда ЙҚХХ ходими хайдовчига нисбатан алкоғолли ичимлик истеъмол қилганлиғи факти юзасидан маъмурий баённома расмийлаштиради.

Транспорт воситаси хайдовчиси техник восита ёрдамида текширувдан ўтишдан бош тортган ёхуд унда техник восита орқали текширув натижаларига эътироз мавжуд бўлган ҳолларда ЙҚХХ ходими транспорт воситасини бошқараётган шахсининг маст ҳолатда эканлиғини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтказиш учун туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасаларига олиб боради.

Транспорт воситаси хайдовчиси текширувдан ўтишдан бўйин товлаган тақдирда ЙҚХХ ходими унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 136-моддасига мувофиқ маъмурий баённома расмийлаштиради. Техник восита ёрдамида ўтказилган текширув натижаларига асосан, транспорт воситаси хайдовчиси алкоғолли ичимлик таъсиридан маст ҳолатда эканлиғи аниқланмаган, бироқ унинг гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлиғи белгилари мавжуд бўлган тақдирда шахс тиббий текширувга олиб борилиши лозим.

Транспорт воситаси хайдовчисининг маст ҳолатда эканлиғи техник восита ёрдамида ёки туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасалари ходимлари томонидан ўтказилган текширув натижалари асосида тасдиқланган тақдирда

ЙХХХ ходими томонидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 131-моддасига мувофиқ маъмурий баённома расмийлаштирилади.

Маъмурий баённомага текширув техник восита ёрдамида ўтказилган тақдирда текширув натижалари бўйича ушбу воситадан чоп этилган маълумот, туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасалари ходимлари томонидан тиббий текширув ўтказилганда эса, тиббий хулоса илова қилинади.

2-савол. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтказиш тартиби.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун тиббий текширув унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (фуқаролик паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳарбий билети ва б.) асосида амалга оширилади.

Транспорт воситаси ҳайдовчисининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати мавжуд эмаслиги уни тиббий текширувдан ўтказмаслик учун асос бўлмайди.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжати мавжуд бўлмаган транспорт воситаси ҳайдовчисининг шахсини аниқлаш ЙХХХ ходими томонидан махсус дастурий таъминот ўрнатилган мобиль электрон қурилма (планшет)дан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Мобиль электрон қурилма (планшет) хотирасига киритилган транспорт воситаси ҳайдовчиси тўғрисидаги маълумотлар “онлайн” тарзда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси маълумотлар базаси орқали аниқланади.

Тиббий текширув транспорт воситаси ҳайдовчиси тўхтатилган (йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган) пайтдан бошлаб, узоғи билан бир соат ичида ўтказилиши лозим.

Транспорт воситаси ҳайдовчисининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш, наркологик диспансерларда наркологлар томонидан ёки соғлиқни сақлаш идоралари белгилаган туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасаларида махсус тайёргарликдан ўтган шифокорлар томонидан ўтказилади.

Даволаш-профилактика муассасаларида алкоғолли мастлик ҳолатида эканлигига гумон қилинган шахслар барча тарафлама клиник текширувдан ўтказиладилар ва этанол буғлари бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида улардан фақат чиқарилаётган нафас ҳавоси намунаси олинади.

Шахснинг гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигига гумон пайдо бўлганда мастлик ҳолатини келтириб чиқарган моддани аниқлаш мақсадида биологик суюқликлар (пешоб, сўлак) текширувдан ўтказилиши шарт. Мастликнинг клиник белгиларини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда (шошилиш тез тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қилувчи ҳолатлар) текширувдан ўтказиш учун қон намунаси суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарори асосида тегишли даволаш-профилактика муассасаларида олинади. Шахснинг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача

тарзда ҳолатда эканлиги тўғрисидаги тиббий хулосани чиқариш қоннинг лаборатор текшируви натижалари асосида амалга оширилади. Шахснинг алкоголь маҳсулотини истеъмол қилганлиги тўғрисидаги тиббий хулоса алкоголь маҳсулотининг қондаги концентрацияси 0,3 промилле ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда чиқарилади. Биологик суюқликлар олинган даволаш-профилактика муассасаларида тегишли лаборатор ускуналар бўлган ҳолда, ушбу суюқликлар текшируви шу муассасаларда ўтказилади ёки суд-тиббий экспертизалар ҳудудий бюрolari қошидаги кимё-токсикологик лабораторияларига текширув учун юборилади. Биологик суюқликларнинг олинishi ва намуналарининг етказилиши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Суд-тиббий экспертиза бюрolari томонидан кимёвий текширув натижаларининг далолатномаси биологик суюқликлар олиб келинган вақтдан етти кундан кечиктирмай берилиши шарт.

Чиқарилаётган нафас ҳавоси таркибидаги алкоголь миқдорини, инсоннинг биологик суюқликлари таркибидаги алкогольли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатига олиб келган бошқа воситаларнинг миқдори ва сифатини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикасида қўлланишга рухсат этилган ҳамда текширувдан ўтган техник воситалардан фойдаланилади.

Шахснинг маст ҳолатда эканлиги тўғрисида хулоса чиқаришда биологик суюқликларни махсус лаборатор текширувидан ўтказиш зарурати туғилса, хулоса текширув натижалари олингандан сўнг чиқарилади ва барча текширув натижалари баённомада акс эттирилади. Лаборатор текшириш натижаларининг асл нусхаси текширув ўтказган мутахассис имзоси билан тасдиқланган ҳолда тиббий текширув баённомасининг иккинчи нусхаси билан бирга сақланади. Баённоманинг биринчи нусхаси текширилувчини олиб келган мансабдор шахсга топширилади.

Семинар маишулоту-2 соат

Режа:

Ушбу ўқув машғулоту *“Кичик гуруҳларда ишлаш”* интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.


“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



2-гурӯҳга топшириқ
Транспорт воситалари ҳайдовчилари маст ҳолатда эканлиги аниқланганда ва буйруққа бўйсинмаганда йўл-патруль хизмати ходимининг вазифалари

3-гурӯҳга топшириқ. ҳайдовчининг маст ҳолатда эканлиги аниқланганда жавобгарлик турлари.

4-гурӯҳга топшириқ. ҳайдовчининг ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлиги аниқлаш усуллари.



ИЗОХ: Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

Тиббий текширув натижаларини расмийлаштириш тартиби.

Тиббий текширув натижалари бўйича мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ икки нусхада баённома тузилади. Баённомада текширув санаси ва тартиб рақами алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтган шахслар ҳисобини юритиш дафтарининг тартиб рақамига мувофиқ ҳолда кўрсатилади.

Баённоманинг барча бандлари ҳеч қандай қисқартириш ва бошқа ўзгартиришларсиз тўлдирилади. Баённома тиббий текширувни ўтказган шифокор

томонидан имзоланади ва текширув ўтказилган тиббиёт муассасасининг муҳри билан тасдиқланади.

Даволаш-профилактика муассасаларида текширувдан ўтказиш баённомаси бланклари бўлиши шарт.

Даволаш-профилактика муассасаларида текширувдан ўтказиш баённомаси бланклари бўлмаган тақдирда уларда кўрсатилган барча маълумотлар акс эттирилган ҳолда эркин шаклда баённома расмийлаштирилади.

Тиббий текширувдан ўтказилган шахсга, унинг талабига кўра, тиббий текширув баённомаси нусхаси (қоғоз ёки электрон шаклда) берилиши шарт.

Ўтказилган тиббий текширув тўғрисидаги маълумот мазкур Низомнинг 2а-иловасида келтирилган махсус тикилган, рақамланган, тиббиёт муассасаси раҳбари имзоси ва ташкилот муҳри босилган дафтарда қайд этилиши шарт.

Дафтарнинг тузилиши, уни юритиш ва сақлаш мазкур Низомнинг 2б-иловасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Дафтарнинг тузилиши, уни юритиш ва сақлаш тартибини бузган шифокор ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Текширилувчи шахснинг ҳолати тўғрисидаги хулосанинг асоси бўлиб, биологик суюқликларнинг ва чиқарилаётган нафас ҳавоси таркибининг лаборатор текшируви натижалари инобатга олинган комплекс тиббий текширув натижалари ҳисобланади.

Текширилувчи шахснинг текширувдан ёки айрим текширув туридан бош тортган ҳолларда, шифокор томонидан дафтарга ва баённомада “текширувдан бош тортди” деб ёзиб қўйилади.

Тиббий текширув асосида хулоса тузилади, унда текширилувчи шахснинг текширув вақтидаги ҳолати аниқ ёритилиши зарур. Шифокор хулоса тузаётганда куйидаги ҳолатлардан бирини белгилаши лозим:

- мастлик ҳолати аниқланмади;
- алкоғолли мастлик ҳолати аниқланди;
- гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолати аниқланди (бу ҳолатда аниқланган модда кўрсатилиши шарт ва хулоса фақат модданинг аниқ ҳаққоний лаборатор таърифи бўлгандагина чиқарилади);
- саломатлик ҳолати бўйича юқори хавф манбаи бор ишлардан четлатишни талаб этувчи функционал ҳолатнинг бузилишлари мавжуд.

Тиббий текширувдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги хулоса текширувдан ўтказилган шахсга уни олиб келган ЙХХХ ходими олдида таништирилади.

Текширилувчида хулосага нисбатан эътирозлар мавжуд бўлган ҳолларда у бошқа тиббиёт муассасасида қайта тиббий текширувдан ўтказилишини талаб қилишга ҳақли. Бунда қайта тиббий текширувдан ўтказиш мастлик аломатлари аниқланган ёки йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган вақтдан эътиборан икки соат ичида бошқа яқин масофада жойлашган тиббиёт муассасасида амалга оширилиши лозим.

Ушбу кайта текширувга текширилувчи ЙХХХ ходими билан биргаликда етказилади. Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясида дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш зарурати юзага келган ҳолларда, фақатгина уларнинг розилиги билан мазкур Низомда назарда тутилган умумий асосларга кўра, текширувдан ўтказилади. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.



Амалий машғулот-2 соат

Амалий машғулот

Транспорт воситалари ҳайдовчилари маст ҳолатда эканлиги аниқланганда , йўл-патруль хизмати ходимининг ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш .

Мастлик ҳолатини аниқлаш
бўйича тиббий текширувдан ўтказилганлик тўғрисидаги
__ сон БАЁННОМА

20__ й. «__» _____

Фамилияси, исми, отасининг исми _____

Ёши (туғилган йили) _____

Қаерда ва ким бўлиб ишлайди _____

Ким томонидан ва қачон (аниқ вақти) текширишга юборилган _____

Текширув ўтказилган кун ва аниқ вақт _____

Ким томонидан текширилган (шифокор) _____

Текширилиш сабаби: транспорт бошқараётганлик вақтида мастлик ҳолатига гумон, тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа ҳолатларда текшириш (сабаби кўрсатилсин) _____

Текширилувчининг ташқи кўриниши: кийимлари ҳолати, тери қоплами, жароҳат (яраланиш, лат ейиш вабошқалар) _____

Ўзини тутиши: зўриққан, индамас, таъсирчан, кўзгалувчан, жаҳлдор, эйфорик ҳолатда, эзма, миғзов, кайфияти ўзгарувчан, уйқусираган, ўз ҳолатидан шикоят қилади (айнан нимага) _____

Эс-хуш ҳолати, турган жойига, вақтга ва ўз шахсига бўлган мўлжали _____

Нутқ қобилияти: фикрларнинг боғлиқлиги, артикуляциянинг бузилиши, сўзларни ноаниқ талаффуз қилади ва бошқалар _____

Вегетатив қон-томир реакциялари: (тери қопламлари ҳолати, кўз шиллиқ пардаси, тил, терлаш, уйқучанлик) _____

Нафас олиши: тезлашган, секинлашган

Пульс _____ Қон босими _____

Кўз қорачиғлари: торайган, кенгайган, ёруғликка реакцияси _____

Томонларга қараганда нистагм _____

Ҳаракат доираси _____

Мимикаси: бўшашган, жонланган

Қадам босиши: (гандиракланган, оёқларини ҳар томонга ташлаб юради) _____

координатор синамалар: тез бурилишлар билан юриш (бурилишларда гандираклаш) _____

Ташен _____ синамаси

Ромберг _____ ҳолатида _____ синама _____ (оддий _____ ва мураккаблаштирилган)_____

Аниқ _____ ҳаракатлар _____ (полдан _____ тангани _____ олиш, _____ бармоқ-бурун синамаси)_____

Қовоқлар, _____ тил, _____ кўл _____ бармоқларининг титраши_____

Текширилувчида марказий асаб тизимининг органик бузилишлари, руҳий-асаб касалликлар белгилари бор-йўклиги, жисмоний толиққанлик_____

Илгари олган жароҳатлари (текширилувчининг сўзларидан)_____

Охирги истеъмол қилинган алкогольлиичимликлар ёки дори воситалари ҳақида маълумот: субъектив, объектив (хужжатлар бўйича ва бошқа манбалардан)_____

Оғиз бўшлиғидан алкогольли ёки бошқа моддалар ҳиди_____

Чиқарилган нафас ва организмнинг бошқа биологик муҳитларида алкоголь ва бошқа моддалар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги:

а) чиқарилган нафас алкотестер ёки Раппопорт усули ёрдамидатекширилди_____

Текшириш _____ натижалари _____ ва _____ ўтказилган вақти_____

Қайта _____ текшириш натижалари_____

б) биологик муҳит (пешоб, сўлак, лаб юзасидан, кўл бармоқларидан олингансуртма)_____

қайси _____ усул _____ бўйича _____

синаманинг _____ олинган _____ вақти _____

Текширув _____ вақти _____ ва натижалари_____

Текшириш ўтказган тиббий ходимлар Ўз.Р.ЖКнинг 238 ва 240-моддалари бўйича жавобгар ҳисобланади ва огоҳлантирилган_____

Хулоса:_____

Текширув _____ ўтказган _____ шифокор имзоси_____

Текширилувчининг _____ текшириш _____ натижалари _____ билан _____ танишганлиги _____ ҳақидаги _____ ёзмабилдируви _____ ва имзоси_____

**Мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан
ўтган шахсларни рўйхатдан ўтказиш
ДАФТАРИ**

	Т/р	Тиббий текширувга йўлланма, тўлдирилган сана ва вақт	Тиббий текширувга олиб келган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва хизмат гувоҳномаси рақами	Тиббий текширувга олиб келинган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили	Текширилувчининг яшаш манзили, иш жойи, лавозими	Текширилувчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат	Тиббий текширувни ўтказган шифокорнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Тиббий текширув ўтказилган сана ва вақт	Хулоса (кимё-токсикологик текширув натижаси билан бирга)	Тиббий текширув баённомасини олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, лавозими ва имзоси	Тиббий текширувни ўтказган шифокорнинг имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	

**Мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтган
шахсларни рўйхатдан ўтказиш дафтари юритиш ва сақлаш тўғрисидаги
ТАРТИБИ**

1. Дафтар тиббий текширув ўтказиладиган тиббиёт муассасасида юритилади.
2. Дафтар тиббий текширув ўтказишда қатнашаётган тиббий ходим томонидан тўлдирилади.
3. Ҳар бир ўтказиладиган тиббий текширув уни ўтказиладиган шифокор томонидан имзоланади.
4. Дафтар варақлари рақамланади, тикилади ва муассаса раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланади.
5. Тиббий текширувларни рақамлаш ҳар йили 1 январдан бошланади.
6. Дафтарнинг юритилиши энг ками ҳар уч ойда бир марта тиббий текширув олиб бориладиган тиббиёт муассасаси раҳбари томонидан текширилади, ҳар бир текширувдан сўнг текширув ўтказилган сана қўйилиб, имзо чекилади.
7. Дафтар учинчи шахслардан ҳоли жойда сақланиши лозим.
8. Тўлдирилган дафтар тиббиёт муассасаси раҳбари имзоси билан яқунланади ва 5 йил давомида тиббий муассасасини ўзида сақланади.

**8-мавзу: Транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш,
жойлаштириш ва сақлаш тартиби**

Маъруза машғулот –2 соат

Режа:

1-савол. Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисида Низомнинг мазмун моҳияти.

2-савол. Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомнинг мазмун моҳияти.

1-савол. Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисида Низомнинг мазмун моҳияти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарорига 1-ИЛОВАга асосан «Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган бўлиб ушбу Низом қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини белгилайди.

Давлат органининг транспорт воситаларини ушлаш ҳуқуқига эга бўлган, ушланган транспорт воситасини тўхташ жойига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли ходими бу ҳақда тегишли давлат органининг навбатчилик қисмига хабар беради.

Давлат органининг хабарни қабул қилган навбатчилик қисми ходими ушбу хабарни қайд этади ва ички ишлар органининг ҳудудий бўлинмаси навбатчилик қисмига ва Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармасининг Марказий диспетчерлик хизматига маълум қилади.

Ҳайдовчи ҳозир бўлмаганда транспорт воситаси ушланганлиги тўғрисида дарҳол ички ишлар ҳудудий органининг навбатчилик қисмига маълум қилинади. Ички ишлар органининг тезкор навбатчиси транспорт воситасининг эгасини (эгасининг вакилини) аниқлаш учун ўзининг имкони етган барча чораларни кўради ва имкони борича қисқа муддатда транспорт воситаси ушланганлиги тўғрисида эгасини (эгасининг вакилини) хабардор қилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг Марказий диспетчерлик хизмати тегишли ҳудудда транспорт воситаларини олиб келиш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахснинг вакили ва зарур махсус техник восита ушлаш жойига дарҳол юборилиши чораларини кўради.

Транспорт воситасини ушлаган давлат органининг ваколатли ходими ўз ваколатлари доирасида ҳайдовчини транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш юзасидан зарур хатти-ҳаракатларни амалга оширади, маъмурий ҳуқуқни бузиш тўғрисидаги баённомани ёки транспорт воситаси ушланганлиги тўғрисидаги қарорни расмийлаштиради, транспорт воситаси тўхташ жойига жойлаштирилган тақдирда ундаги мол-мулк рўйхатини ўз ичига оладиган тегишли далолатномани тузади.

Далолатнома нусхаси унга нисбатан кўрсатиб ўтилган чора қўлланилган шахсга, шунингдек транспорт воситасини тўхташ жойида сақлаш учун масъул бўлган шахсга топширилади.

Ушлаш жойига келган юридик шахснинг вакили:

транспорт воситасини тўхташ жойига жойлаштириш мақсадида уни қабул қилиш учун ёнида хизмат гувоҳномасига ҳамда юридик шахс томонидан

берилган ва унинг муҳри билан тасдиқланган транспорт воситаларини ташиш (эвакуация қилиш) ҳуқуқини берувчи ишончномага эга бўлиши керак;

маъмурий ҳуқуқни бузиш тўғрисидаги баённома ёки транспорт воситасини ушлаш тўғрисидаги қарор асосида қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузган ва конструкцияда кириш назарда тутилган жойларни (эшиклар, багажник, капот, бензин баки қопқоғи ва ҳоказолар) сурғучлаган ҳолда ушланган транспорт воситасини кўздан кечиради ва уни ваколатли ходимдан қабул қилиб олади;

транспорт воситасини тўхташ жойига олиб келиш (ташиш) ва унга жойлаштириш чораларини кўради.

Транспорт воситаларини қабул қилиш кечаю кундуз амалга оширилади.

Тўхташ жойидаги транспорт воситаси олдига ҳайдовчининг (эгасининг, эгасининг вакилининг) келишига фақат транспорт воситасини тўхташ жойига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган органнинг рухсатидан кейин, уни сақлаш тўғрисидаги масъул шахс ҳозир бўлганида йўл қўйилади, бу ҳақда ташриф буюрганларни ҳисобга олиш журналида ёзув қайд этилади.

Ташриф буюрганларни ҳисобга олиш журнали ип ўтказиб тикилади ва ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олинади.

Транспорт воситасини ушлаш муддати маъмурий ҳуқуқни бузиш тўғрисида баённома тузилган ёки транспорт воситасини ушлаш тўғрисида қарор чиқарилган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Транспорт воситасини сақлаш муддати у тўхташ жойига жойлаштирилган пайтдан бошлаб соатларда ҳисобланади.

Ваколатли мансабдор шахс транспорт воситаси ушланганлиги сабаблари бартараф этилгандан кейин тўхташ жойига жойлаштирилган транспорт воситасини ҳайдовчига (эгасига, эгасининг вакилига) беришга ёзма рухсатнома беради.

Ушбу рухсатнома лавозими, унвони (мавжуд бўлса), фамилияси, исми, отасининг исми, сана ва вақт кўрсатилган ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда раҳбар ёки ваколатли мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Транспорт воситаси ҳайдовчига (эгасига, эгасининг вакилига) транспорт воситаларини олиб келиш ва сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлангандан кейин ваколатли мансабдор шахснинг ёзма рухсатномаси асосида берилади.

Транспорт воситаларини тўхташ жойларидан бериш кечаю кундуз амалга оширилади.

Ушланган транспорт воситалари ҳисоби юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан белгиланадиган шакллар бўйича юритилади.

Транспорт воситасини ташиш ёки сақлаш пайтида унга ва унинг ичидаги мол-мулкка етказилган зарар қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

Транспорт воситаси қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича тўхташ жойи вакилига берилгунига қадар транспорт воситасининг сақланиши учун

транспорт воситаси эгаси олдида қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли давлат органлари жавоб берадилар.

Транспорт воситаси тўхташ жойига жойлаштирилгандан кейин унинг сақланиши учун транспорт воситаларини тўхташ жойига олиб келиш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар жавоб берадилар.

Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ушбу Низом талабларига риоя қилиниши устидан назорат қилиш ишларини умумий мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

2-савол. Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомнинг мазмун моҳияти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарорига 3-ИЛОВА га асосан **“Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.** Ушбу низомга асосан юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш бўйича фаолиятни белгиланган тартибда амалга ошириш тартибини белгилайди.

Транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш бўйича фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби

Транспорт воситаларини сақлаш хизматлари:

транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш учун юридик шахсга фойдаланиш учун ер участкаси бериш тўғрисида;

илгари бошқа мақсадлар учун берилган ер участкасидан унда транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш учун фойдаланиш ҳақида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори мавжуд бўлганда фақат юридик шахслар томонидан кўрсатилади.

Ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар ушбу Низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда юридик шахснинг аризаси асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади.

Транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун юридик шахсларга ер участкаси бериш тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган тартибда қарор қабул қилинади.

Транспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахсларни танлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

Транспорт воситаларини сақлаш жойлари транспорт воситаларини сақлаш учун мўлжалланган тўхташ жойларини жойлаштириш ва жиҳозлашга

қўйиладиган техник шартлар талабларига, шу жумладан қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) қаттиқ қоплама, ёритиш, ахлат тўплаш учун контейнерлар, сувни тиндирадиган ёмғир канализацияси, ёнғинга қарши воситалар мавжудлиги;

б) ҳудудга кириш ва ундан чиқиш учун махсус ажратилган жойлар мавжудлиги. Кириш (чиқиш) жойлари йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларини таъминлаш ҳисобга олинган ҳолда ажратилиши керак;

в) ҳудуд 2 метрдан паст бўлмаган темир-бетон (металл, ғишт, шлакоблок) девор билан ўралган бўлиши керак. Ўралган ҳудудда 50 та ва ундан ортиқ транспорт воситасини сақлаш назарда тутилган тўхташ жойи, камида иккита кириш (чиқиш) йўллари бўлиши керак. Ўралган деворда дарвозаларнинг кенглиги камида 4,5 метр бўлиши керак;

г) агар ҳудуд бир неча қаторга жойлаштириладиган транспорт воситаларини сақлаш имконини берса, у ҳолда ҳудуд ичида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун полосалар ажратилиши керак;

д) кириш (чиқиш)нинг ажратилган жойига назоратчи кассирнинг хонаси туташган бўлиши керак, у ерда кўринарли жойда ташқи томонга ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатишнинг тарифлари ва шартлари тўғрисида йирик ҳарфларда (ҳарфларнинг катталиги камида 3 см бўлиши керак) маълумот жойлаштирилади;

е) ногиронлар учун махсус жиҳозланган транспорт воситалари учун камида иккита тўхташ жойи мавжудлиги;

ж) битта транспорт воситасининг тўхташ жойи учун ҳисобланган майдон 20 кв метрга тенг деб қабул қилинади;

з) тўхташ жойи ҳудудида хизмат кўрсатувчи ходимлар, кўриқлаш ходимлари учун хоналар бўлиши ва у бегона шахсларнинг киришига имкон бермайдиган ҳолда тўсилиши керак;

и) бинолар ва сақланаётган транспорт воситалари ўртасидаги ёнғинга қарши оралиқ лойиҳалаштириш нормалари талабларига мувофиқ, бироқ камида 6 метр бўлиши керак;

к) ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойи ҳудудида жойлаштириш ҳар бир сақланаётган транспорт воситасига махсус техниканинг кириб бориши ва ёнғин гидрантларига ёнғин автомобилларининг яқинлашиши имконияти ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади, бунда асосий ўтиш жойларининг кенглиги камида 4 метр бўлиши керак. Боши берк йўлларнинг охирида 12 x 12 метр ўлчамли айланиб олиш майдончаси бўлиши керак;

л) ёнғинга қарши ташқи сув таъминоти тизими билан таъминланган аҳоли пунктларида тўхташ жойидан ёнғин гидрантигача бўлган энг узоқ масофа 150 метрдан ортиқ бўлмаслиги керак. Тўхташ жойи сувсиз туманда жойлаштирилган тақдирда унинг ҳудудида камида 54 куб метр ҳажмли ёнғинга қарши ҳовуз бўлиши керак. Ёнғинга қарши шчитлар ва ёнғин ўчиришнинг бирламчи воситалари сони ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ бўлиши керак;

м) тўхташ жойлари ҳудудида жойлашган ва кўриқлаш постларини жойлаштириш, келувчиларни қабул қилиш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва

тўлов учун мўлжалланган бинолар ва иншоотлар телефон алоқаси, ички ишлар органлари нарядларини тез чақириш кнопкаси билан таъминланган, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари норматив сони билан жиҳозланган, сунъий ёритилган бўлиши керак;

н) тўхташ жойлари ҳудудида ёнғин гидрантларининг жойлашиш жойи ЎзДС бўйича ёритувчи кўрсаткичлар билан таъминланади ва транспорт воситасини қудуқ олдида ва қудуқнинг ҳар икки томонида 1,5 метр масофада ёнғин гидранти қудуғи люки устида жойлаштиришга тўсқинлик қиладиган 15 см баландликдаги бордюр билан тўсилади;

о) тўхташ жойи ҳар бир 10 транспорт воситасига 1 трос (буксир) ҳисобидан эвакуаторлар, тортиш трослари (юк транспорт воситалари сақланган тақдирда қаттиқ шатаклар) билан жиҳозланади.

Тўхташ жойида:

ҳудудга бегона шахсларни қўйиш;

транспорт воситаларини уларни жойлаштириш режасини бузган ҳолда тўхташ жойларининг ҳисобланган сонидан ортиқча қабул қилиш ва жойлаштириш, транспорт воситалари ўртасидаги масофани камайтириш;

чиқиш дарвозаларини ва ўтиш йўллари тикилинч қилиб қўйиш;

бирор-бир ўт оладиган ва таъмирлаш ишларини бажариш, эшиклар ва двигателларни муздан тозалаш учун очиқ оловдан фойдаланиш, енгил алангаланадиган ва ёнувчи суюқликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш;

транспорт воситаларини ёнилғи бакларини оғзи очиқ ҳолда сақлаш тақиқланади.

Транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар ушланган транспорт воситасини сақлаш жойига ўз вақтида олиб келишни таъминлаш учун махсус техник воситалар (эвакуаторлар, шатакка тортиш трослари, қаттиқ шатаклар)нинг етарлича сонига эга бўлиши керак.

Транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасига ва пластик карточкалардан тўловларни қабул қиладиган ҳисоб-китоб терминалига эга бўлиши керак. Транспорт воситаларини сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек уларни ташиш (эвакуация қилиш) харажатлари учун ҳақ тўлаш кўрсатилган хизматларни кўрсатувчи юридик шахс томонидан тасдиқланган, бироқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган чекланган миқдорлардан юқори бўлмаган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Транспорт воситаларини сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар, шунингдек уларни ташиш (эвакуация қилиш) харажатлари ҳисоб-китоби ҳар бир тўлик соат учун амалда сақланган муддатдан ва ташиш (эвакуация қилиш) бўйича сарфланган харажатлардан келиб чиқиб назорат-касса машинаси ёки ҳисоб-китоб терминали чеки мажбурий берилган ҳолда транспорт воситаси ҳудуддан чиқаётганда амалга оширилади.

Транспорт воситаларини сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун, шунингдек уларни ташиш (эвакуация қилиш) сарфлари учун ҳақ тўлаш ҳам нақд пул билан, ҳам пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида амалга оширилади.

Транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш билан шуғулланувчи юридик шахсларга солиқ солиш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда амалга оширилади. Транспорт воситаларини тўхташ жойига олиб келиш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар санитария ва ёнғинга қарши қоидаларга риоя қилиниши, транспорт воситалари тўхташ жойига ва сақлаш учун олиб келиниши вақтида сақланиши (ўғирлик, комплектларнинг бут бўлмаслиги ва шикастланиши), шунингдек транспорт воситаси саломидаги шахсий буюмлар сақланиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Транспорт воситаларини олиб келиш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс:

➤ табиий офатлар (зилзила, довул, сув тошқини ва ҳоказолар) вақтида транспорт воситалари шикастланганлиги;

➤ транспорт воситалари уларни сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиладиган ҳудуддан чиққандан кейин берилган транспорт воситаларини сақлашга тегишли даъволар учун жавоб бермайди.

Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ушбу Низом талабларига риоя қилиниши устидан назорат қилиш ишларини умумий мувофиқлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

Одатда йўл қоидаларини бузган ҳайдовчилар ҳар не бўлса ҳам ўзи бошқариб келаётган транспорт воситасининг жарима майдончасига қўйилишига розилик бермайди. Аммо бу йўл патруль хизмати ходимининг шахсий хоҳиши ва кайфияти билан боғлиқ жараён эмас. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига транспорт воситаларининг қандай ҳолатларда жарима майдончасига қўйилиши тартиби аниқ қилиб белгилаб берилган.

Семинар маиғулот –2 соат

Режа:

1-савол. Ички ишлар органлари томонидан қуйидаги ҳолатларда транспорт воситалари жарима майдончасига жойлаштирилиши мумкин бўлган ҳолатлар.

2-савол. Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш асослари ва тартиби.

Ички ишлар органлари томонидан қуйидаги ҳолатларда транспорт воситалари жарима майдончасига жойлаштирилиши мумкин:

- тормоз тизимида, руль бошқарувида ёки уловчи қурилмада носозлиги бўлган ёхуд рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспортлар бошқарилганда;
- фойдаланиш ман этилган транспорт воситалари, шунингдек давлат рақами ўзбошимчалик билан ечиб олинган транспортлар бошқарилганда;
- давлат рақами ясама ёки ўзгартирилган транспорт воситалари, шунингдек давлат рақами шу транспорт воситасига тегишли бўлмаган транспорт бошқарилганда;
- рухсатномасиз оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли юкларни ташиш ва юк билан ёки юксиз ҳолдаги габарит ўлчамлари белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспортларда йўлга чиқилганда, худди шунингдек рухсатномада кўрсатилган ҳаракат йўналишидан четга чиқилганда;
- кўзгусимон ва (ёки) туси ўзгартирилган ойнали транспорт воситаларидан, ҳайдовчининг ўрнидан теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ёки қопламалар суртилган транспортлардан фойдаланилганда;
- рухсат олмасдан транспортларга товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмалар ўрнатилганда, шунингдек давлат рақамини кўриш имкониятини чеклайдиган ашёлар ўрнатилганда ва қоплама суртилганда;
- тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидалари бузилганда (агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига халақит берса);
- транспорт алкоғолли ичимликдан, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқарилганда;
- алкоғолли ичимликдан, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини бошқариш топширилганда;
- транспортни бошқариш, унга эғалик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи, рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги ҳужжатлари, суғурта полиси, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса лицензия карточкиси ёки йўл варақаси ёнида бўлмаган ҳайдовчилар транспортни бошқарганида, шунингдек ишончномаларни, транспортни бошқа шахсга ўтказиш ва ижарага бериш шартномаларини рўйхатдан ўтказмасдан транспорт бошқарилганида;
- транспортни бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспортни бошқарганида, шунингдек бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқариш топширилганда;
- транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар транспортни бошқарганида;
- мажбурий суғурта бўйича мажбурият бажарилмаганида;
- суғурта полисларида белгиланмаган даврда ҳамда суғурта полисларидаги шартларни бузган ҳолда транспорт бошқарилганда;
- ҳайдовчилар алкоғолли ичимликдан, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ёки маст эмасликни аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаганда ҳамда мазкур ҳуқуқбузарлик транспортни бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилганда;

- йўл-транспорт ҳодисаси қатнашчилари ҳодиса юз берган жойдан кетиб қолганида;
- йўловчилар лицензиясиз ташилганда;
- ҳайдовчилар ички ишлар органлари ходимининг транспортни тўхтатиш ҳақидаги қонуний талабини бажармаганда;
- ов қилиш ва балиқ овлашнинг тақиқланган қуроллари тайёрланган, олиб қирилган, сақланган, ташилган, юборилган, олинган ёки сотилганда;
- қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда.





Мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўлларда йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки авария ҳолатини келтириб чиқарувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 129-моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч баравари** миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда бу **669.000** сўмни ташкил қилади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш баравари** миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан **олти ойдан бир йилгача** муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда бу **1.115.000** сўмни ташкил қилади.

Транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда йўловчи томонидан тана қисмларини (қўлдан ташқари) салондан чиқариш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 138-моддаси 4-қисмига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир баравари** миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда бу **223.000** сўмни ташкил қилади.

Худди шунингдек, транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда йўловчи томонидан тана қисмларини (қўлдан ташқари) салондан чиқариш, мазкур транспорт воситаси ҳайдовчисига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 128⁵-моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн баравари** миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда бу **2.230.000** сўмни ташкил қилади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма баравари** миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан **бир йил** муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда бу **4.460.000** сўмни ташкил қилади.

Яхши ният билан тўй бошлаган юртдошлар, қадрли ота-оналар, маҳалла фаоллари тўйларимизни ихчам ва саришта ўтишига сиз ҳам хисса қўшинг. Ортиқча дабдабавозлик билан фарзандингизга бахт қасрини қуриб беролмайсиз. Кўчаларни тўлдириб, ҳаракатга ҳалал бераётган ёшларни тартибга чақиринг. Чунки бу каби иллатларни фақатгина жазолаш билан йўқотиб бўлмайди. Катталар тартибли бўлса кичиклар ибрат олади. Сизнинг ибратингиз насихат, тўғри йўл кўрсатиш, ёшларни назорат қилиш.

Йўллар фақат эзгу мақсадларга етказсин.



Транспорт воситаларини тўхташ жойига олиб келиш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар санитария ва ёнғинга қарши қоидаларга риоя қилиниши, транспорт воситалари тўхташ жойига ва сақлаш учун олиб келиниши вақтида сақланиши (ўғирлик, комплектларнинг бут бўлмаслиги ва шикастланиши), шунингдек транспорт воситаси салонидаги шахсий буюмлар сақланиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Транспорт воситаларини олиб келиш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс:

табiiй офатлар (зилзила, довул, сув тошқини ва ҳоказолар) вақтида транспорт воситалари шикастланганлиги;

транспорт воситалари уларни сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиладиган ҳудуддан чиққандан кейин берилган транспорт воситаларини сақлашга тегишли даъволар учун жавоб бермайди.

2-савол. Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш асослари ва тартиби.

МЖТКнинг 291-модда. Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш асослари ва тартиби белгиланган бўлиб,

Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш қонунчилик билан ваколат берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунга қадар амалга оширилиши мумкин, чунончи:

а) транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ушбу Кодекс 54-моддасининг иккинчи қисмида (транспорт воситаларининг ҳаракатланишига чекловлар бузилиши қисмида), 90¹-моддасида, 125-моддасининг учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида, 125¹-моддасининг иккинчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг иккинчи қисмида, 128^б-моддасида (агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига халақит берса), 131-моддасида, 135-моддасида (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси, ҳайдовчиларнинг малака оширишдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификати ёнида мавжуд бўлмаганлиги ҳоллари бундан мустасно), 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 137-моддасида, 194-моддасида (ички ишлар органи ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабини бажармаслик қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир

этганда, шунингдек қонунчиликда тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда — ички ишлар органлари томонидан;

б) Қуролли Кучларнинг ва чегара қўшинларининг транспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчилар ва бошқа шахслар йўл ҳаракати қоидаларини бузганда — ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан;

в) ушбу Кодекснинг 60, 70¹, 78, 79, 81, 82, 84, 90, 90¹, 92, 94-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан;

в¹) ушбу Кодекснинг 78-моддасида, 79-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 84-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 90-моддасининг биринчи қисмида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан;

г) ушбу Кодекснинг 90¹, 198, 227 — 227²⁷-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан;

д) ушбу Кодекснинг 164, 166, 167, 168, 172, 173, 176, 186¹-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан;

е) ушбу Кодекснинг 196¹, 224, 224¹, 224²-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — чегара қўшинларининг мансабдор шахслари томонидан;

ж) ушбу Кодекс 210¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — ҳарбийлаштирилган соқчиликнинг мансабдор шахслари томонидан;

з) ушбу Кодекснинг 119 ва 132-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кичик ҳажмли кемалар инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан.

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши муносабати билан тегишли ҳудудларда ёки объектларда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этилган шароитларда транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан ушбу Кодекс 54-моддасининг иккинчи қисмида (транспорт воситаларининг ҳаракатланишига чекловлар бузилиши қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, транспорт воситаларини ушлаб туриш ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунига қадар амалга оширилади.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима солиш ҳақида қарор чиқарилган кундан эътиборан олтмиш кун ичида жарима тўланмаган тақдирда, транспорт воситаси жарима солиш тўғрисида қарор чиқарган ваколатли орган раҳбарининг ёзма кўрсатмасига биноан жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси юзасидан иш юритиш тугагунига қадар ушлаб турилади.

Қонунчилик бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ва чегара қўшинларининг транспорт воситаларидан ташқари) сақлаб туриш жойларига олиб бориш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

9-мавзу: Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг йўл-транспорт ҳодисалари бўйича ҳаракатлари.

Маъруза машғулот –2 соат

Режа:

1. Йўл-транспорт ҳодисалари тушунчаси ва турлари.
2. Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдаги ҳаракатлари.

1.Йўл-транспорт ҳодисалари тушунчаси ва турлари

Замонавий техникаларнинг инсон ҳаётига кириб келиши билан транспорт воситаларининг ҳам тезлиги ўтган асрга солиштирганда сезиларли даражадага хавф солмоқда. Бу эса, ҳайдовчиларга бир вақтнинг ўзида қулайлик яратиш билан бирга, кўплаб йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлишига олиб келмоқда. Ҳозирги замонда йўлларда ҳаракатланишда қатнашчиларга транспорт воситалари юқори қувватга эга бўлган двигателлар билан жиҳозланганлиги, уларни юқори тезликда ҳаракатланиш имконини бермоқда. Катта тезлик ва массага эга бўлган транспорт воситалари атрофдигилар учун юқори хавф манбаига айланиб бормоқда. Транспорт воситалари билан юзага келган ҳолатлар, ҳодисаларнинг барчасини ҳам йўл-транспорт ҳодисаси деб бўлмайди. Сабаби, йўл-транспорт ҳодисаси бўлиши учун айнан транспорт воситаси ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўлда йўл-транспорт ҳодисаси юзага келган бўлишини талаб этади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тушунчасига тариф беришдан олдин куйидаги тушунчаларга тариф бериб ўтишни лозим топдик.

транспорт воситаси — одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма.

механик транспорт воситаси— двигатель билан ҳаракатга келтириладиган транспорт воситаси (мопеддан ташқари). Бу атама барча трактор ва ўзиюрар мосламаларга ҳам тааллуқлидир.

мопед— иш ҳажми 50 см³ гача, юқори тезлиги соатига 50 километрдан ошмайдиган двигатель билан ҳаракатга келтириладиган икки ёки уч ғилдиракли

транспорт воситаси. Осма двигателли велосипедлар ва юқоридаги таърифга эга бўлган бошқа транспорт воситалари ҳам мопедларга тенглаштирилади.

мотоцикл — кажавали ёки кажавасиз икки ғилдиракли механик транспорт воситаси. Аслаҳаланган ҳолатдаги вазни 400 килограммдан ошмайдиган уч ва тўрт ғилдиракли механик транспорт воситалари, шунингдек двигателининг иш ҳажми 50 см³ дан ёки энг юқори конструктив тезлиги соатига 50 километрдан ортиқ бўлган скутер, квадроцикл, электроскутерлар ҳам мотоциклларга тенглаштирилади.

арава — от (ёки бошқа ҳайвонлар)га қўшиб тортиладиган ёки одам мушак кучи билан ҳаракатга келтириладиган двигатель билан жиҳозланмаган, юк ташишга мўлжалланган қурилма.

транспорт воситасининг эгаси— транспорт воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс.

ҳайдовчи— йўлларда транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс. Бошқаришни ўргатувчи, от аравани бошқараётган, ҳайвонларни миниб ҳаракатланаётган ёки уларни етаклаб бораётган, чорва моллари (пода)ни ҳайдаб бораётган шахслар ҳайдовчига тенглаштирилади.

йўл ҳаракати— одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи.

йўл— транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган ер бўлаги ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл автомобиль ва шаҳар электр транспорти йўлларини ҳамда тротуарларни ўз ичига олади.

йўл ёқаси— йўлнинг қатнов қисмига у билан бир сатҳда бевосита туташган, қоплама тури билан фарқ қиладиган ёки йўл ҳаракати қоидасида билан белгиланган 1.1 йўл чизиғи ёрдамида ажратилган, ушбу қоидаларга мувофиқ ҳаракатланиш, тўхташ ва тўхтаб туриш учун мўлжалланган бўлаги.

Тарихдан маълумки йўл-транспорт ҳодисаси натижасида 1896 йил 30 майда Нью-Йоркда биринчи жароҳатланиш билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган, ушбу ҳодисада автомашинани бошқариб келаётган Генри Уэлс билан велосипедчи Эвелина Томас тўқнашган ва натижада (велосипедчини оёғи синган). 1896 йил 17 августда эса Лондонда автомобиль ҳаракати натижасида биринчи ўлим билан боғлиқ ЙТХ содир бўлган. Унда соатига 12,8 километр тезликда «учиб келаётган» автомашина 44 ёшли мисс Бриджит Дрисколлни босиб кетган, лекин у бахтсиз ҳодиса деб топилган. Ушбу даврда йўл-транспорт ҳодисасига берилган тариф ва унга жазо қўлланилиши назарда тутилмаган эди. Ҳозирги кунда эса йўл-транспорт ҳодисаларини бартараф этиш масаласи жамиятимизда энг асосий муоммоларнинг бири дейишимиз мумкин.

Йўл транспорт ҳодисаси— транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлиши ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланиши ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодисага айтилади. Яъни, йўл-транспорт ҳодисасини ҳисобга олиш учун иккита факторни талаб этади. Улар кўйидагилар:

биринчидан, инсонларнинг ўлими, тан жароҳат олиши ёки катта миқдордаги моддий зарарнинг келиб чиқиши;

иккинчидан, бирон-бир транспорт воситасининг ҳаракатда бўлганда юзага келадиган ҳодисани келтиришимиз мумкин.

Барча йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқиши, содир этилишининг сабаб ва шароитларига қараб куйидаги турларга бўлиб ўрганилади:

тўқнашув– транспорт воситаларининг қарама-қарши томондан, бир йўналишда ёки ён томондан ҳаракатланаётган вақтдаги бир-бири билан тўқнашуви, шунингдек, темир йўл транспорти билан автомобиль транспортининг тўқнашуви ва бир йўналишда кетма-кет ҳаракатланиб келаётган транспорт воситаларининг бири тўсатдан тўхтаганда бошқа транспорт воситасининг унга урилиши ҳам йўл-транспорт воситасининг тўқнашув турига киради;

ағдарилиб кетиш– ҳаракатланаётган транспорт воситаси бошқа транспорт воситаларига ёки тўсиқларга урилмасдан ўз турғунлигини йўқотиб, йўлнинг қатнов қисмига ёки унинг четига ағдарилишига айтилади. Масалан, тезлиги юқори бўлган транспорт воситасининг йўлнинг қайрилиш қисмида турғунлигини йўқотиб, қатнов қисмидан пастга ағдарилишини кўрсатиб ўтиш мумкин;

тўхтаб турган транспорт воситасига урилиши– ҳаракатланаётган транспорт воситасининг ҳаракатланмаётган, яъни гилдиракнинг ва транспорт воситасининг ҳаракати тўхтаган транспорт воситасига урилишига айтилади. Бу турдаги йўл-транспорт ҳодисасида тўхтаб турган транспорт воситасининг ичида ҳайдовчи ёки йўловчи бўлиши унинг тўхтаб турганлигини инкор этмайди. Фақат тўсатдан маълум бир сабабларга кўра тўхтаган транспорт воситасига бошқа транспорт воситасининг урилиши тўхтаб турган транспорт воситасига урилиш йўл-транспорт ҳодисаси ҳисобланмайди;

тўсиқларга урилиши– транспорт воситаларининг қўзғалмайдиган тўсиқларга урилишига айтилади. Масалан, йўлнинг қатнов қисмларини ажратувчи тўсиқлар, светофор, дарахтлар, бекатлар ва бошқаларни келтириш мумкин;

пиёдаларни уриб юбориши ёки босиб кетиш– транспорт воситалари йўлнинг қатнов қисмида, йўл четида ҳаракатланаётган ва турган пиёдаларни уриши ёки пиёдаларнинг транспорт воситаларига урилиши, шунингдек, ташилаётган ҳар қандай юклар томонидан пиёдаларнинг шикастланишига айтилади. Бунда юкнинг қулаб кетиши, кучли тебираниши натижасида ҳам пиёдага зарар етиши мумкин;

велосипедчини уриб юбориши ёки босиб кетиш– транспорт воситаси велосипедчини босиши ёки уриб юборганда юзага келадиган ҳодисага айтилади;

аравани уриб юбориши – ҳаракатланаётган транспорт воситаси ҳаракатланаётган ёки тўхтаб турган аравани уриб юборишига айтилади. Бунда арабанинг ичида фуқаронинг бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар содир этилишини қайд этишимиз мумкин;

ҳайвонларни босиб кетиши ёки уриб юбориши– транспорт воситаси ёввойи ёки уй ҳайвонларини уриб юбориши ёки босиб кетишида юзага келадиган ҳодисага айтилади;

бошқа йўл-транспорт ҳодисалари– бу турдаги йўл-транспорт ҳодисаларига трамвайнинг рельсдан чиқиб кетиши натижасида транспорт воситасини ёки пиёдаларга зарар етказиши, йўловчининг транспорт воситасидан тушиб кетиши ёки танасининг маълум бир қисмини ташқарига чиқарганда бошқа транспорт воситаси томонидан йўловчига шикаст етказилиши каби ҳодисаларга айтилади.

Транспорт воситаси билан боғлиқ, лекин шу транспорт воситаси махсус ишларни бажаришга мўлжалланган бўлса ҳамда содир бўлган ҳодиса ушбу транспорт воситасининг ишлашга ажратилган ҳудудда ҳолат содир этилса, бундай ҳолатлар ўрганилиб чиқилади. Агарда ҳайдовчининг айби бўлмаганда, инсоннинг ўлими билан боғлиқ бўлган тақдирда ҳам *бахтсиз ҳодиса* деб топилади. Масалан, далада ишлаётган транспорт воситасининг иш фаолияти давомида бирон-бир инсоннинг жароҳат ёки ўлимига сабаб бўлган ҳолатларни келтириш мумкин. Агарда транспорт воситаси ёрдамида ҳайдовчи қасддан пиёдани ёки бошқа транспорт воситаси ҳайдовчисининг ўлимига ёки жараҳат олишига сабаб бўлса, бундай ҳолатлар қасддан содир этилган жиноятлар турига киритилади, транспорт воситаси эса, жиноят содир этиш қуроли ҳисобланади.

2. Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдаги ҳаракатлари.

ЙПХ ходими йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойига МДХ навбатчисидан тўлиқ маълумотлар (ҳодиса тури, жойи, ҳодиса иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, уларни қаердалигига ойдинлик киритиш, Шакл-2 китобидан рўйхатдан ўтган рақами ва бошқалар)ни олган ҳолда ҳодиса жойига зудлик билан етиб боради. Бази ҳоларда йўл-транспорт ҳодисасини содир бўлганлигини шахсан ўзи гувоҳи бўлиши ёки бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларидан эшитган ҳолда воқеа жойига етиб бориши мумкин. Бундай ҳолатда ЙПХ ходими зудлик билан ҳолат юзасидан МДХ навбатчисига ахборот бериши керак бўлади.

ЙПХ ходими содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси бўйича қўйидаги маълумотларни аниқлаши шарт:

- хабар берган шахсининг фамилияси, исми, шарифи, яшаш манзили ва телефон рақами;
- йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жой, вақти, тури ва ҳолати;
- жабрланувчилар ва уларга кўрсатилган тиббий ёрдам ҳақида маълумот;
- йўл-транспорт ҳодисасига алоқадор транспорт воситалари ҳақида маълумот;
- йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида маълумотга эга бўлган ва бевосита кўрган гувоҳлар ҳақида маълумот.

ЙПХ ходими йўл-транспорт ҳодисалари натижасида транспорт воситалари, йўл ва бошқа иншоотларга, ўзгаларнинг мол-мулкига зарар етказилган, шахсларнинг баданига енгил шикаст етказилган ҳолатларда:

–ҳодиса содир бўлган жойни махсус лента билан ўраб олиши;

–ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириб, бу ҳақида баённома тузиш ва ҳодиса жойининг чизмасини чизиши (А-3 форматдаги масштабли) керак бўлади.

ЙТХ содир бўлган жой чизмасида қайд этилиши шарт бўлган белгилар:

–транспорт воситасининг ҳодиса жойидаги турган ҳолатининг жойлашуви;

–тормоз, ғилдирак ва сидирилиш излари, уларнинг узунлиги, бошланиш, кескин бурилиш ва тугалланиш жойлари;

–транспорт воситасидан тушган тўкилмалар (шиша, елим синиқлари, тупроқ тўкилмалари, суюқликлар ва ҳ.к) жойлашуви;

–кўзғалмас ва урилиш нуқталари;

–излар ва тўкилмалар транспорт воситасининг йўналиши бўйича кўзғалмас нуқтага боғланган ҳолда узунлиги ҳамда йўл четига нисбатан бўлган масофаси ўлчами кўрсатилиши;

–ЙТХ содир бўлган жойга таъсири бўлган йўл белгилари қайд этилиши шарт;

–ҳодиса содир бўлган жой ва транспорт воситасини (жойлашган жойи ва техник шикастлари акс эттирилган ҳолда) фото (видео) суратга олиш;

–ҳодиса иштирокчилари ва гувоҳлардан тушунтириш хатларини олиши

–йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолган ҳайдовчилар бўлганда, уларни аниқлаш чораларини кўриши;

–ҳайдовчи транспорт воситасини алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик моддаси таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқарганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказиш учун туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасаларига, наркологик диспансер кўригидан ўтказиши ёки алкотестер ёрдамида текширувдан ўтказиши, агарда алкотестердан текширувдан ўтишдан бош тортган тақдирда бу ҳақда баённома тузиши лозим.

Агарда йўл-транспорт ҳодисаси натижасида бошқа транспорт воситалари ҳаракатининг тирбандлиги юзага келган тақдирда,ЙПХ ходими икки нафар холислар ва ҳодисаиштирокчилари билан бирга транспорт воситалари, ҳодиса излари, унга алоқадор бошқа ашёвий далилларнинг жойлашган жойини белгиланган тартибда, зудлик билан белгилаб олиб, юзага келган тирбандликни бартараф этган ҳолда йўлнинг қатнов қисмидаги ҳаракатни ташкил этиш чораларини кўриши шарт.ЙПХ ходими йўл-транспорт ҳодисаси бўйича тўпланган ҳужжатларни кўшимча терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб бориш ва якуний қарор қабул қилиш учун билдирги билан йўл ҳаракати хавфсизлиги терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсига тақдим этади.

Дипломатик иммунитетга эга бўлган шахсларнинг транспорт воситалари билан боғлиқ ҳодисалар юз берганда ҳужжатлар расмийлаштирилаётганда

(тиббий ёрдамга мухтож бўлмаса) ЙПХ ходими ҳайдовчига ушбу ҳодиса юзасидан ҳужжатларни расмийлаштиришда қатнашишни таклиф қилади, агар ҳайдовчи ёки йўловчилардан бирортаси ҳужжатларни расмийлаштиришда қатнашишни рад этса, ҳодиса иштирокчилари тўғрисидаги керакли маълумотларни ёзиб олади ва кетишига рухсат беради. Бундай ҳолларда ҳодиса рўй берган жойни кўздан кечириш баённомасида ҳайдовчининг қатнашмаганлиги сабаби ёзиб қўйилиши ҳамда баённомани тузувчи ва икки нафар холис имзо қўйиши лозим.

Эслатма: Агарда йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиси чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлганда, бундай ҳолатларда йўл-транспорт ҳодисасини расмийлаштириш умумий тартибда амалга оширилади.

Баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш ёхуд ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойга етиб келган ЙПХ ходими тергов-тезкор гуруҳи келгунга қадар кўйидаги ҳаракатларни амалга оширади

- ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилинишининг олдини олиш мақсадида ҳодиса жойини махсус лента билан ўраб олиши ва бир вақтнинг ўзида навбатчилик қисмига хабар бериши;

- ҳодисага алоқадор ва бу тўғрисида маълумотга эга бўлган шахсларни аниқлаши ҳамда уларнинг ҳодиса жойида бўлишини таъминлаш чораларини кўриши;

- жабрланганлар сонини, улар жароҳатининг оғирлик даражасини аниқлаши, тез тиббий ёрдам чақиртириши ва келгунига қадар биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши, заруратга қараб тиббиёт муассасасига юборилишини ташкиллаштириши;

- жабрланувчиларнинг фамилияси, исми ва отасининг исмини, яшаш жойи (ишлаш жойи)ни аниқлаши;

- йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолган транспорт воситасининг эҳтимолдаги йўналишини, русумини, давлат рақамини, рангини, транспорт воситаси ва ҳайдовчининг алоҳида белгиларини аниқлаши, транспорт воситасини ушлаш чораларини кўриш мақсадида навбатчилик қисмига хабар бериши, транспорт воситасини кўрган шахслар доирасини аниқлаши;

- транспорт воситалари ҳаракатининг тирбандлиги юзага келишининг олдини олиш чораларини кўриши ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаши;

- ҳодиса жойига етиб келган тергов-тезкор гуруҳи раҳбарига ҳодиса бўйича ҳамда ишга алоқадор ашёвий далиллар ҳақида маълумот бериши ва унинг кўрсатмасига асосан ҳаракат қилиши;

- ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда халақит қилмаган ҳолда йўл ҳаракати қатнашчиларини ўтказиб юбориш чораларини кўриши лозим.

- ЙПХ ходимларига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш ёхуд ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш таққиланади.

Режа:

1-савол: Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда ҳайдовчининг мажбуриятлари.

2-савол: Пиёдалар ва йўловчиларнинг мажбуриятлари.

Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда ҳайдовчининг мажбуриятлари

Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда унга дахлдор ҳайдовчилар куйидагиларни бажаришлари шарт:

транспорт воситасини дарҳол тўхтатиши, авария ишораларини ёқиши ва авария сабабли тўхташ белгисини ўрнатиши, транспорт воситасини ва ҳодисага дахлдор буюмларни жойидан кўзгатмаслиги;

шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриши, тез тиббий ёрдам ва фавқулодда қутқарув хизматларини чақириши, шошилиш ҳолларда эса шикастланганларни яқин орадаги даволаш-профилактика муассасасига йўлакай транспорт воситасида жўнатиши, бунинг имкони бўлмаган ҳолларда ўз транспорт воситасида олиб бориши, у ерда ўз исми-шарифи, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиси ҳақида ахборот бериши (ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини ва транспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлик ҳужжатини кўрсатиши) ва ҳодиса рўй берган жойга қайтиб келиши;

агар бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатига тўсқинлик қилса қатнов қисмини бўшатиши. Қатнов қисмини бўшатиш ёки шикастланганларни ўз транспорт воситасида даволаш-профилактика муассасасига олиб бориш зарур бўлганда, йўл-транспорт ҳодисасига дахлдор ҳайдовчилар аввало транспорт воситаси, ҳодисага алоқадор буюмлар ва изларнинг ҳолатини гувоҳлар иштирокида дастлабки қайд этишни амалга ошириш, уларнинг йўқолмаслиги ва ҳодиса рўй берган жойни айланиб ўтишни ташкил қилишнинг барча чораларни кўриши;

ҳодиса ҳақида ИИОга хабар бериши, гувоҳларнинг исм-шарифини ва яшаш манзилини ёзиб олиб, ИИО ходимларининг келишини кутиши керак.

Агар йўл-транспорт ҳодисасида шикастланганлар бўлмаса ва ҳайдовчилар ҳодисага баҳо беришда ўзаро келиша олсалар, 2021 йил 27 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг **609-сонли** қарори билан **“Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сузрта қилиш тўғрисида”**ги қарорига асосан **йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани тўлдириши мумкин.**

Пиёдаларнинг мажбуриятлари

Пиёдалар тротуардан ёки пиёдалар йўлкасидан, улар бўлмаганда эса йўл ёқасидан юришлари керак. Ҳажми катта юкларни олиб кетаётган пиёдалар, шунингдек ногиронларнинг двигателсиз кажавасида ҳаракатланаётган шахсларнинг тротуар ёки пиёдалар йўлкасидан ҳаракатланиши бошқа

пиёдаларнинг ҳаракатланишига халақит бераётган бўлса, улар қатнов қисмининг четидан ҳаракатланишлари мумкин.

Тротуар, пиёдалар йўлкаси, йўл ёқаси бўлмаса ёки улардан юришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда пиёдалар велосипед йўлкасидан ёки қатнов қисмининг четидан (ажратувчи бўлаги бор йўлларда қатнов қисмининг ташқи четидан) бир қатор бўлиб юришлари мумкин. Қатнов қисмининг четида ҳаракатланаётган пиёдалар транспорт воситаларининг ҳаракатига қарама-қарши йўналишда юришлари керак. Ногиронларнинг двигателсиз кажавасида ҳаракатланаётган, мотоцикл, мопед, велосипед етаклаб кетаётган шахслар эса бундай ҳолларда транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши бўйлаб юришлари керак.

Пиёдалар йўлкасида, тротуарда, йўл ёқасида пиёдаларнинг ҳаракатланишига халақит берадиган қурилма ва тўсиқлар ўрнатиш тақиқланади. Пиёдаларнинг ташкилий жамланмасига йўлнинг қатнов қисмида бир қаторда тўрт кишидан ортиқ бўлмасдан, фақат транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши бўйлаб ўнг томондан юришга рухсат этилади. Жамланманинг олди ва орқасида чап томондан қизил байроқча, қоронғи вақтда ёки етарлича кўринмаслик шароитида эса олдинда оқ, орқада қизил рангли чироқ кўтарган кузатувчилар бўлиши керак. Болалар гуруҳини тротуарлар ва пиёдалар йўлкаларидангина, улар бўлмаганда эса йўл ёқасидан фақат кундузи ва катта ёшдагилар кузатувида олиб юришга рухсат этилади.

Пиёдалар йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойларидан, шунингдек ер ости ва ер усти ўтиш жойларидан, улар бўлмаганда эса чорраҳаларда тротуар чизиклари ёки йўл ёқаси бўйлаб кесиб ўтишлари керак.

Пиёдаларга кўринадиган оралиқда ўтиш жойи ёки чорраҳа бўлмаса, ажратувчи бўлаксиз ва тўсиқсиз йўллардан йўлнинг икки томони яхши кўринадиган жойидан, қатнов қисмининг четига нисбатан тўғри бурчак остида кесиб ўтишларига рухсат этилади. Йўл ҳаракати тартибга солинган жойларда пиёдалар тартибга солувчининг ёки пиёдалар светофорларининг, улар бўлмаганда эса транспорт светофорларининг ишораларига амал қилишлари керак.

Ҳаракат тартибга солинмайдиган пиёдалар ўтиш жойларида, пиёдалар яқинлашиб келаётган транспорт воситаларигача бўлган масофани ва уларнинг тезлигини чамалаб кўриб, ўтиш ўзлари учун хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг йўлнинг қатнов қисмига чиқишларига рухсат этилади. Шунингдек, улар йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойларидан ташқарида кесиб ўтишда транспорт воситаларининг ҳаракатланишига халақит бермасликлари, яқинлашиб келаётган транспорт воситаларининг йўқлигига ишонч ҳосил қилмасдан туриб, кўринишни чекловчи, тўхтаб турган транспорт воситаси ёки бошқа бирор тўсиқ панасидан чиқмасликлари керак. Йўлнинг қатнов қисмида, шунингдек пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланаётган пиёдаларга телефондан фойдаланиш, теле-, видеомаҳсулотларни кўриш, радио-аудиомаҳсулотларни эшитиш, китоб ёки даврий матбуот ўқиш, ҳамда эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиш тақиқланади. Пиёдалар

тўхтаб турган автобус ва троллейбуснинг орқа томонидан, трамвайнинг эса олди томонидан йўлни кесиб ўтишлари шарт.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлмаса йўлнинг қатнов қисмига чиққан пиёдалар ушланиб қолмасликлари ва тўхтамасликлари керак. Ўтишга улгурмаган пиёдалар қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимларини ажратувчи чизикда тўхташлари лозим. Кейинги ҳаракатланиш хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг ва светофор ёки тартибга солувчининг ишораларини ҳисобга олган ҳолда ўтишни давом эттиришлари мумкин. Ялт-ялт этувчи кўк рангли ёки кўк ва қизил рангли чироқ-маёқчаси ва маҳсус товушли ишораси ёқилган транспорт воситалари яқинлашиб келаётган бўлса, пиёдалар қатнов қисмидан ўтмасликлари, унда ҳаракатланаётганлари эса, бу транспорт воситаларига йўл беришлари ва зудлик билан қатнов қисмини бўшатишлари керак.

Йўналишли транспорт воситаларини фақат қатнов қисмидан баланд жойлашган кутиш майдончаларида, улар бўлмаганда эса, тротуар ёки йўл ёқасида кутишлари керак. Қатнов қисмидан баланд жойлашган майдончалар билан жиҳозланмаган бекатларда йўналишли транспорт воситалари тўла тўхтагандан сўнг унга чиқиш учун қатнов қисмига чиқишга рухсат этилади. Ундан тушгандан кейин ушланиб қолмасдан қатнов қисмини бўшатишлари шарт. Қатнов қисми бўйлаб бекатларга бораётган ёки ундан қайтаётган пиёдалар ушбу Йўл ҳаракати қоидаларнинг 18 - 21-бандлариталабларига амал қилишлари керак.

Йўловчиларнинг мажбуриятлари

Йўловчилар транспорт воситасига фақат у тўла тўхтагандан сўнг тротуар ёки йўл ёқаси томондан чиқишга ва тушишга мажбурдирлар.

Йўловчиларнинг транспорт воситаларидан тротуар ёки йўл ёқаси томондан тушиши ёки уларга чиқишининг иложи бўлмаган ҳолларда, агар бу ҳаракат хавф туғдирмаса ёки бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига халақит бермаса йўлнинг қатнов қисми томонидан амалга оширилиши мумкин.

Йўловчиларга қуйидагилар тақиқланади:

транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда хайдовчини бошқаришдан чалғитиш ва унга халақит бериш;

ҳаракатланаётган бортли юк автомобилларида тик туриш, бортларда ёки ундан юкоридаги юк устида ўтириш;

транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда унинг эшикларини очиш;

транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда салондан тана қисмларини (қўлдан ташқари) чиқариш.

Режа:

**Йўл –транспорт ҳодисаси содир бўлганда қуйидаги ҳужжатлар тузилади.
Ушбу ҳужжатларни амалий тузиш.**

- 1.Йўл транспорт ҳодисаси руй берган жойни кўздан кечириш ҳақида баённома;
- 2.Транспорт воситасининг техник ҳолатини кўздан кечириш бўйича баённома;
3. Йўл транспорт ҳодисаси бўлган жойни кўздан кечириш чизмаси;
- 4.Тарафлардан ҳолат юзасидан тушунтириш хатлари;
- 5.Ҳодиса юзасидан бошлиқ номига билдирги;
- 6.Далолатнома;
- 7.Олиб қўйиш далолатномаси.

НАМУНА

**Йўл транспорт ҳодисаси руй берган жойни кўздан кечириш ҳақида
Б А Ё Н Н О М А**

« 10 » декабрь 2022 йил.

Тошкент шаҳар

Кўздан кечириш соат 10:00 да бошланди
соат 11:00 да тугади.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ЙПХ 4 батальон 2-сафарбар гурӯҳи
инспектори лейтенант О.Ў.Ботиров

_____ соат 10:30 дақиқада хабарни (топшириқни) МДХ
катта навбатчиси майорБ.М. Мамановдан олиб

(кимдан ва нима ҳақида)

етиб келди Тошкент шаҳар Миробод
тумани

(йўл- транспорт ҳодисаси бўлган жойни кўздан кечириш

Кичик Ҳалқа Автмообиль Йўли кўчаси, 14-ўй
қаршиси

учун келган жоининг аниқ ўрни кўрсатилади)

ЖҚБ Т.Т.Толипов ва эксперти
М.М.Мадалиевлар

(жиноят қидирув ходими, мутахассис, эксперт,

_____ иштирокида

ходими ва бошқалар)

ва ҳолислар 1) Тошкент шаҳар Сергели тумани, Ўрикзор кўчаси, 11-ўйда
истиқомат

(исми, шарифи, турар жой-манзилгохи)

қилувчи 1990 йилда тугилган Болтаев Ботир
Ботирович

2) Тошкент шаҳар Сергели тумани, Ўрикзор кўчаси, 25-уйда
истиқомат

(ходиса иштирокчилари, кўрганлари)

қилувчи 1990 йилда тугилган Азимов Ботир
Жўраевич

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 135, 137-моддаларига асосланиб, йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган жойни кўздан кечирдим, шу ҳақида Ўз.Р.ЖПКнинг 141-моддасига биноан мазкур баённомани туздим.

Кўздан кечириш аввал юқорида номлари қайд этилган шахсларга барча ҳаракатларда қатнашиш ва бу ҳаракатлар муносабати билан баённомага киритилиш лозим бўлган баёнот бериш ҳуқуқлари борлиги тушунтирилди.

Ҳолислар 1) Б.Б.Болтаев

2) Ж.Б.Азимов

Ўз.Р.си ЖПКнинг 73-74-моддаларига мувофиқ, фактни тасдиқлаш, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойни кўздан кечириш натижалари ва мазмунини белгилашдаги бурчлари изохланади.

_____ /имзо/ _____ /имзо/ _____

_____ (ҳолислар имзоси)

Мутахасис эксперти

М.Мадалиев _____ га

ЎзР.ЖПКнинг 67-69-моддасида кўзда тутилган унинг ҳуқуқлари ва бурчлари тушунтирилди ҳамда унга ўз мутахассислик бурчини бажаришдан бош тортса ёки четга чиқса жавобгар бўлиши огоҳлантирилди

_____ (мутахассис имзоси)

Кўздан кечириш (майдон, аҳоли пункти) Кичик Ҳалқа Автмообиль Йўли
кўчаси _____

_____ кўздан
кечириш бошланиб

4Ҳово ҳарорати

С да 30° иссиқ _____

очик

_____ (очик, қуёшли, булутли, ёмғирсиз,

_____ ёмғирда, қор ёққанда)

Об-хаво _____ күндүзги ёруғлик _____
ёруғликда ўтказилди
Ҳодиса _____ тури
тўқнашув _____

(тўқнашув, тўнтарилиш, тўхтаб турган транспорт воситасига,

тўсиққа, пиёдага. велосипедчига, от-аравага-урилиш.

ёки бўлак ҳодисалар)

Кўздан кечиришда қуйидагилар
А Н И Қ Л А Н Д И

Йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган жой _____ Тошкент шаҳар Миробод
тумани _____

_____ Кичик Ҳалқа Автмообиль Йўли кўчаси, 14-уй қаршиси
(аҳоли пунктнинг аниқ номи кўрсатилади)

Кеча, йўл, элементлари _____ автомобиль қатнов
қисми _____

(кўпроқ осма йўл, виадук, эстакада транспорти бекати,

пиёда ўтиш жойи, чорраҳада ҳаракатни тартибга солувчи

бошқарилмайдитан чорраҳа, шлагбаумли темир, йўл, ўтиш жойи,

шлагбаумсиз темир йўл ўтиш жойи, метр баландликдаги кўтарма)

Йўлнинг таърифи _____ асфальтланган 4 қаторлик ҳаракат белгиланган
йўл _____

Йўлнинг узунлиги қиялиги градуси _____ текис
йўл _____

(кўтарилиш, тушиш)

Йўлнинг кўндаланг қиялиги ргадуси _____ тўғри
йўл _____

(йўлнинг юқори чети чапдан, ўнгдан)

Қайрилиш _____ тўғри йўл _____ қайрилиш радиуси _____ тўғри йўл _____
(ўннга, чапга)

_____ м.да
Қоплама _____ тури _____ асфальт-бетон _____
(цемент- бетон, асфальт-бетонли, тошли, шағали)

_____ тош йул (тошли, бурсчаткали, клинкерли ва бошқалар)

_____ гилдирак излари _____ “Спарк” рўсумли давлат рақами 01 О 101 00 автомобилнинг

_____ орқа гилдирагида тўгаган ва бошланиш нуқтаси йўлнинг четидан

(излар тури, юза хажмли, катнов йулига уларнинг жойлашиши, йўл _____ 4 метр масофада жами 11 метрлик четида, зовурда, йўлдан ташқарида, проектор кенглигини йўналиши,

_____ проектор сурати, гилдиракда қолдирган ўзига хос белгилари,

_____ суриб кетиш излари, ён томонга сирғалиш)

Тормозланиш излари _____ “Спарк” рўсумли давлат рақами 01 О 101 00 автомобилнинг _____ орқа гилдирагида тўгаган ва бошланиш нуқтаси йўлнинг четидан

(уларнинг катнов йўлига ва белги чизикларига нисбатан жойлаштириш, излар ёппасига)

_____ ёки узилиб проектлар сурати билан из тушиши ва бошқалар тормозланиш

_____ изининг узунлиги)

Кўриш _____ жараёнида _____ баённомага _____ илова _____ қилиб _____ ЙТХ _____ маълумотномаси, чизма _____ ва фотожадвал

(схема, ЙТХ бўйича маълумотнома, режа фотосуратга олинди ва нусхалар тайёрланди)

_____ тузилди.

Илмий-техник воситалари қўлланилди _____ 20 метрлик рўлетка, CANON фотоаппарати

(фотоаппарат, объектив, ёритгич лампаси, рулетка, секундомер ва бошқалар)

**Ҳайдовчи транспорт воситасини ҳодиса рўй беришдан олдинги техник
ҳолати ҳақидаги аризаси**

**ҳайдовчилар томонидан ҳодисага қадар транспорт
воситаларида** _____

**носозликлар ёки бошқа белгилар аниқланмаганлиги маълум
қилинди**

_____ Кўздан кечиришда қатнашган шахслар ҳамда
ҳайдовчиларнинг воқеа жойини кўздан кечириш юзасидан, баённома (схема)
тузишди шунингдек транспорт воситасининг бузуқлиги асосидан ариза ва
мулоҳазалари

**иштирокчилар томонидан қўшимча ва эътирозлар келиб
тўшмади**

_____ Транспорт воситаси
сақланиш учун қаерга кимга топшириди **транспорт воситалар**

**Миробод туман “Мўйнов” МЧЖга қарашли жарима майдонга сақлаш
учун топширилди.** _____

Ҳайдовчининг (эгаси) транспорт воситасини аниқлаш учун имзоси

_____/имзо

Ф.И.О./ _____

Баённома **инспектори катта лейтенант Б.Б.Ботиров** ўқиб
эшиттирилди.

(ким томонидан)

Терговчи (суриштириш олиб борувчи ЙХХБ ходими)

инспектори катта лейтенант О.Ў.Ботиров

(исми, шарифи) (унвони)

Кўздан кечиришда қатнашган ҳайдовчилар имзоси: _____/имзо **ФИО**/

Ҳолислар:/имзо


ФИО/_____

_____ /имзо

ФИО/_____

Кўздан кечиришда қатнашганлар имзоси:

Эслатма: Транспорт воситаси кўздан кечириш ва унинг техник ҳолатини текшириш бўйича баённома, изларни, ашёвий далилларни, зарур бўлганда тулароқ ёзиш, шунингдек ҳодиса рўй берган жойни кўздан кечириш ҳадидаги баённомага илова қилинади.



**Транспорт воситасининг техник ҳолатини кўздан кечириш бўйича
Б А Ё Н Н О М А**

2022 й. «__» _____

Тошкент шаҳри

Мен, _____

_____ (лавозими унвони, исми, шарифи)

Транспорт воситасини кўздан кечириш учун етиб келди ва Ўзбекистон
Республикаси ЖПКнинг 135-137-моддаларига
асосан _____

—

—

Холислар: 1.

_____ (исми, шарифи)

2. _____

_____ (исми, шарифи)

Ҳайдовчилар: 1.

_____ (исми, шарифи, манзилгоҳи,

турар жойи)

2. _____

_____ (исми, шарифи, манзилгоҳи,

турар жойи)

Иштирокида

_____ (транспорт воситасининг тури: енгил, юк, автобус, микроавтобус,
транмвацй, тиркамали, транктор, мотоцикл)

Маркаси _____, кузов № _____, двигатель № _____, номер
белгиси _____

Тегишли бщлган автомобилни (прицепни) кўздан кечирдим

Кўздан кечириш

(нима сабабдан)

_____ўтказилди.

ЖПКнинг 73-74-моддасида кўрсатилган, кўриш учун келган холислар ва қатнашчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништирилди.

1. Кўздан кечиришда қуйидагилар аниқланди:

Ташқи бузилиш

—

2. Транспорт воситасида излар ва бошқа мужассам далилларнинг мавжудлиги

(бармоқ излари, қон ишлари)

3. Ўқлар ва ғилдираклар

сони _____

_____4. Олдинги ва орқа ғилдираклар

кенглиги _____

_____5. Ғилдирак

размери _____

_____6. Ғилдирак протекторининг

сурати _____

(оддий, комбинация қилинган, юқори ўтиш қувватига эга)

_____7. Ғилдиракнинг

ҳолати _____

(протектор суратининг ейилиши, уларда шикастланишнинг мавжудлиги ва бошқалар)

8. Машинанинг юк билан банд бўлиш

даражаси _____

9. Юкнинг хусусияти, унинг ўлчамлари ва бойланиш усули _____

10. Юкнинг

шикастланиши _____

11. Спидометр

кўрсатиши _____

12. Тормоз системаси монометрининг

кўрсатиши _____

13. Қўл тормози дастаги ва узатиш қутисининг

ҳолати _____

_____ Транспорт воситасининг техник ҳолатини текшириб:

Рул бошқармасининг

ҳолати _____

Тормоз системасининг ҳолати:

2.1. _____

(педалнинг эркин юриш катталиги, тормозларнинг

бир текис ҳаракати, тормозда юриш метрда)

Ёки _____

Суюқлик ва ҳавонинг йўқолиши, прицеп ва бошқаларда тормоз ишлайдими _____

2.2. Қўл тормози _____

(тормоз дастаги охириги ҳолатгача қанчагача тортилмайди, тормозланиш йўли метрда)

ёки автомобиль км/соат тезликда қўл тормозида тормозланиши ёки автомобиль қўл тормозида

тўла юк билан 16% (9.0) автопоезд 8% қияликда қўл тормозида ушлаб
туриладими?)

3. Сигнал приборларининг ёритгичлари

ҳолати _____

4. Олди ва ён ойналарининг ҳолати, ойна ювгичларнинг ва орқани кўриш
ойналарининг мавжудлиги ҳамда тузилиши

5. Ҳар бир ғилдиракда ҳаво босими

6. Бўлак агрегат ва механизмларда бузилишларнинг хусусияти

Транспорт воситаси ҳодиса рўй бергандан кейинги турган
жой _____

_____ (_____
ҳодиса рўй берган ерда, ЙПХда, ички ишлар идорасида автохўжаликда, бегона
кишилар унга теккан-тегмаганлигини кўрсатиш ва бошқалар)

___Кўздан кечириш ва транспортни текшириш

_____ (фотосурат олинди ёки сурати чизилди, из белгилари олинди ва
бошқалар)

_____ (олинган ва ишга қўшиб қўйилган)

Мужассам

далиллар _____

(санаб ўтиш)

___Кўздан кечириш _____

ёруғликда

(кундузи, сунъий, ёритилмаган)

Ўтказилди _____ соат _____ дақиқада бошланди, _____ соат _____ дақиқада тугади.

12

Кўздан кечириш ва транспортни техник ҳолатини аниқлаш юзасидан баённома бўйича қатнашганларнинг, шу жумладан ҳайдовчиларнинг аризалари ва мулоҳазалари _____

Баённома

тузди: _____

–

(лавозими, унвони, имзоси)

Кўздан кечиришда қатнашган ҳайдовчилар:

1. _____ (_____) (исми, шарифи) (ИМЗО)

2. _____ (_____) (исми, шарифи) (ИМЗО)

Ҳолислар:

1. _____ (_____) (исми, шарифи) (ИМЗО)

2. _____ (_____) (исми, шарифи) (ИМЗО)

Экспертлар:

1. _____ (_____) (исми, шарифи) (ИМЗО)

2. _____ (_____) (исми, шарифи) (ИМЗО)

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Фамилияси: _____

Исми: _____

Отасининг исми: _____

Туғилган санаси ва жойи: _____

Доимий рўйхатда туриш

манзили: _____

Яшаш манзили: _____

Иш жойи: _____

Телефон рақамлари: _____

Мен ёлгон гувоҳлик берганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддаси билан жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилдим.

(имзо)

Мен 20__йил _____куни _____соат _____тахминан__:_ларда, фуқаро _____га тегишли, техник соз ҳолатдаги давлат рақами _____ бўлган _____ русумли автомобилни, _____нафар йўловчи (Ф.И.О.) ва _____килограмм юк билан (ёки йўловчисиз ва юксиз ҳолда), ишончнома (ёки бошқа тегишли ҳужжат) асосида, Тошкент шаҳар _____тумани _____кўчаси бўйлаб, _____кўчаси томондан _____кўчаси томонга тахминан _____км|соат тезликда бошқариб бориб, _____ва _____кўчалари кесишган чоррахага светофорни яшил ишорасида кириб бордим. Шунда менга нисбатан чап томондан чоррахага светофорни қизил ишорасида кириб келган давлат рақами _____бўлган _____русумли автомобил олд томони билан мени бошқарувимдаги автомобилни чап ён томонига тўқнашув содир қилди. Бу вақтда ер қопламаси асафальт, қуруқ ҳолатда, тунги вақт, чорраха шаҳар электр чироклари билан сунъий равишда ёритилган эди. Тўқнашув натижасида мен (ёки йўловчилар) тан жароҳати олмадим ва ҳеч қандай тиббий муассасага мурожаат қилмадим.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим.

Ф.И.О. _____ (имзо)

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ
бошлиғи полковник

_____га

Б И Л Д И Р Г И

Ушбу орқали Сизга шуни маълум қиламанки, бугун Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ МДХ томонидан берилган йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги хабарга кўра Тошкент шаҳар _____ тумани _____ ва _____ кўчалари кесишган чоррахага етиб бордим. Ҳодиса жойида давлат рақами _____ бўлган _____ русумли ва давлат рақами _____ бўлган _____ русумли автомобиллар ўртасида тўқнашув содир бўлганлиги, тўқнашув натижасида ҳеч ким тан жароҳати олмаганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан мен томонимдан ҳолислар ва ҳайдовчилар иштирокида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Шунингдек, мен томондан ҳодиса жойи атрофидаги бинолар кўздан кечирилди _____ ва ушбу биноларда ҳодиса жойига қараган қузатув камералари йўқлиги (*агарда қузатув камералари аниқланса, ушбу бинонинг номи кўрсатилиши шарт*) аниқланди.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ
ЙПХБ _-дивизион -
__сафарбар гуруҳи
инспектори сержант
Ф.И.О.

(имзо) (сана)

ДАЛОЛАТНОМА

«01» январь 2022 йил.

Тошкент шаҳри.

Мен Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ЙПХ 2 батальон 2-сафарбар гуруҳи инспектори катта лейтенант Б.Б.Ботиров, МДХ Шакл-2 китобидан № _____ -сон билан рўйхатдан ўтган хабар бўйича

Холислар:

1) Тошкент шаҳар Сергели тумани, Ўрикзор кўчаси, 11-ўйда истиқоматқилувчи 1990 йилда туғилган Болтаев Ботир Ботирович

2) Тошкент шаҳар Сергели тумани, Ўрикзор кўчаси, 25-ўйда истиқоматқилувчи 1990 йилда туғилган Азимов Ботир Жўраевич

иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 39², 135, 137-моддаларига асосланиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойни кўздан кечирдим,

2022 йил 01 январь куни _____ туман, _____ кўчада содир бўлган йўл транспорт ҳодисаси жойига чиқдим.

Холисларга УР ЖПКнинг 74-моддасилда курсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди.

1. _____ **Б.Б.Болтаев**

2. _____ **Б.Ж.Азимов**

2021 йил 01 январь куни Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ МДХ томонидан берилган йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги хабарга кўра Тошкент шаҳар _____ тумани _____ ва _____ кўчалари кесишган чорраҳага етиб бордим. Ҳодиса жойида давлат рақами _____ бўлган _____ русумли ва давлат рақами _____ бўлган _____ русумли автомобиллар ўртасида тўқнашув содир бўлганлиги, тўқнашув натижасида ҳеч ким тан жароҳати олмаганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан мен томонимдан холислар ва ҳайдовчилар иштирокида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Шунингдек, мен томондан ҳодиса жойи атрофидаги бинолар кўздан кечирилди ва ушбу биноларда ҳодиса жойига қараган кузатув камералари йўқлиги (агарда кузатув камералари аниқланса, ушбу бинонинг номи кўрсатилиши шарт) аниқланди. Ҳодиса жойини кўздан кечириш даврида, транспорт воситалари ҳодиса жойидан олиб қўйилган ҳолатда эди, транспорт воситалари мен томондан кўздан кечирилди.

Баённома иштирокчиларга уқиб эшиттирилди, иштирокчилар томонидан

Холислар:

1. _____

2. _____

Ҳайдовчи: _____

Ҳайдовчи: _____

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ЙПХ

2 батальон 2-сафарбар гуруҳи инспектори

лейтенант

Б.Б.Ботиров

**О Л И Б Қ Ў Й И Ш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

2022 йил “ _____ ” _____

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ЙПХ 2-батальон 2-сафарбар гуруҳи инспектори катта лейтенант Б.Б.Ботиров, МДХдан Шакл-2 китобидан № _____ сон билан рўйхатдан ўтган хабар асосида, холислар:

1.

_____ ва

2.

_____ яшовчилар иштирокида,
2022 йил “ _____ ” _____ тумани, _____ уй
қаршисида

_____ содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 90-92-моддаларига асосланиб

_____ олдим ва мазкур далолатномани туздим.

Нарсани олиб қўйишдан олдин ҳолисларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди.

1. _____ 2. _____

Далолатнома мазмуни иштирокчиларга ўқиб эшиттирилди, уларга Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 92-моддасига асосан, шу баённомага киритилиши лозим бўлган ўз мулоҳазаларини айтишга ҳақли эканликлари тушунтирилди. _____

Холислар:

1. _____ 2. _____

Тақдим қилувчи:

Баённомани туздим:

Б.Б.Ботиров

ходисаси бўйича

ФОТОЖАДВАЛ



Ҳодиса жойининг умумий кўриниши



_____ русумли, _____ давлат рақам белгили
автомашинадан қолган тормоз изининг кўриниши

Инспектор /имзо/ Ф.И.О.



Транспорт воситаларининг тўқнашув ҳолатини кўриниши



Ҳодиса жойидаги тўқилмалар

Инспектор /имзо/ Ф.И.О.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани мазмуни ва расмийлаштириш тартиби.

2021 йил 25 август куни Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киртиш тўғрисида имзоланган **ЎРҚ-711** сонли Қонунига кўра, **“Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”**ги **ЎРҚ-155**-сонли Қонун ва 2021 йил 27 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг **609-сонли** қарори билан **“Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”**ги қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу қонун ва қарор билан тан жароҳати билан боғлиқ бўлмаган йўл-транспорт ҳодисаларини соддалаштирилган тартибда ички ишлар органи ходимлари иштирокисиз расмийлаштириш тартиби жорий этилди.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчилар томонидан дарҳол жойнинг ўзида ички ишлар органи ходимларининг иштирокисиз ихтиёрий равишда икки нусхада тузилади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома бланкаси суғурталовчи томонидан мустақил равишда ёки босмаҳона усулида Вазирлар Маҳкамасининг 609-сонли қарорида келтирилган қоидаларнинг 7-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ тайёрланади.

Суғурта қилдирувчи суғурталовчининг дастурий таъминоти (мобил иловаси)дан йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома бланкасини мустақил равишда чоп этиб олиш ҳуқуқига эга.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани тузиш Вазирлар Маҳкамасининг 609-сонли қарорида келтирилган қоидаларнинг 8-иловасида келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани тузиш учун қуйидаги асослар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши шарт:

-йўл-транспорт ҳодисаси жабрланувчига енгил тан жароҳати етказилишига ёхуд йўл ҳаракатини тартибга солувчи воситалар ёки бошқа мол-мулк шикастланишига олиб келмаган бўлса;

-йўл-транспорт ҳодисасида иштирокчи бўлган ҳайдовчилардан бири ўз айбига тўлиқ иқдор бўлса;

-йўл-транспорт ҳодисаси пиёда иштирокисиз содир этилган бўлса;

-йўл-транспорт ҳодисаси иккита транспорт воситаси (шу жумладан, тиркамали транспорт воситалари) тўқнашуви натижасида рўй берган ҳамда фақат ушбу транспорт воситаларига шикаст етказилган бўлса;

-транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги йўл-транспорт ҳодисаси содир этилгунига қадар суғурта қилинган бўлса;

-йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчиларда ҳайдовчилик гувоҳнома, транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома (ишончнома талаб этилмайдиган ҳоллар бундан мустасно), йўл варақаси (қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда) мавжуд бўлиб, мазкур ҳужжатларнинг амал қилиш муддати ўтмаган бўлса;

-йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари бўлган ҳайдовчиларда мастлик ҳолати бўлмаса;

-йўл-транспорт ҳодисаси натижасида транспорт воситаларининг шикастланиши ҳолатлари, шунингдек, транспорт воситаларининг шикастланган қисмлари тавсифлари ва рўйхати йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари ўртасида келишмовчиликларни (низоларни) келтириб чиқармаса.

Ушбу бандда кўрсатилган асослардан биттаси мавжуд бўлмаган тақдирда, тузилган йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда ёхуд суғурталовчи томонидан ишни кўриб чиқиш жараёнида айбдор тараф ўзгарганлиги факти аниқланган тақдирда (айбдорлик видеоёзувлар ёхуд кўрик ва (ёки) мустақил экспертиза натижалари асосида яққол намоён бўлганда) суғурталовчи йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани ва унга илова қилинган ҳужжатларни, шунингдек, кўрик ва (ёки) мустақил экспертиза натижаларини (айбдор тараф ўзгарганлиги факти аниқланган ҳолларда) ўша куннинг ўзида ички ишлар органларига юборади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани кўриб чиқиш чоғида айбдор тараф ўзгарганлиги факти аниқланиши ва бошқа тарафнинг айбини тасдиқловчи материаллар ёки видеоёзувлар ёхуд ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган кўрик ва (ёки) мустақил экспертиза натижалари бўлмаганда суғурталовчининг йиғилган ҳужжатларни ички ишлар органларига юбориши суғурталовчи суғурта товонини тўлашни асоссиз рад этган деб баҳоланади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома ушбу банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолда юборилганда, ички ишлар органлари уч иш кўни мобайнида хабарнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқади ва йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан хабарнома тузишни рад этувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топилганда хабарнома ҳамда унга илова қилинган материаллар ва ҳужжатларни суғурталовчига қайтариб юборади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома ҳайдовчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилган суғурталовчиларга қуйидаги материаллар ва ҳужжатлар илова қилинган ҳолда уч иш кўни ичида юборилади:

йўл-транспорт ҳодисаси жойининг (автотранспорт воситалари тўқнашган жойининг (вазият ўзгартирилмаган ҳолдаги), транспорт воситаларининг фотосурати ва (ёки) видеоёзуви, транспорт воситаларининг шикастланган қисмларининг фотосурати ва (ёки) видеоёзуви;

ҳайдовчиларнинг суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш тўғрисидаги аризалари;

йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдаги ёки унга яқин жойдаги наркологик диспансерда ёхуд соғлиқни сақлаш органлари томонидан белгиланган туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасасида йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида хабарнома тузилган пайтдан эътиборан тўрт соат ичида ҳайдовчиларнинг мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширув ўтказилганлиги тўғрисидаги баённома;

йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларининг, транспорт воситалари рўйхатдан, ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжатларининг кўчирма нусхалари, шунингдек суғурта полисининг кўчирма нусхалари.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномада йўл-транспорт ҳодисаси натижасида транспорт воситаларининг шикастланиши ҳолатлари, шунингдек, транспорт воситаларининг шикастланган қисмлари тавсифлари ва рўйхати бўйича йўл-

транспорт иштирокчилари ўртасида келишмовчиликлар (низолар) йўқлиги ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади. Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарноманинг кўчирма нусхаси суғурталовчига ушбу Қоидаларда келтирилган материаллар ва ҳужжатлар илова қилинган ҳолда суғурталовчининг дастурий таъминоти (мобиль иловаси) орқали электрон шаклда юборилиши мумкин.

Транспорт воситалари эгалари йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган транспорт воситаларини кўриқдан ва (ёки) мустақил экспертизадан ўтказиш учун сўров олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида суғурталовчининг сўровига кўра тақдим этиши шарт.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида хабарнома тузилган ҳолатларда йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган транспорт воситаларини кўриқдан ёки мустақил техник экспертизадан ўтказиш ушбу Қоидаларда кўрсатилган тартибда ва шартларда амалга оширилади. Транспорт воситаларининг эгалари транспорт воситаларини суғурталовчининг ёзма розилигисиз ёки суғурталовчи суғурта товонини тўлаш тўғрисида ёхуд уни тўлашни рад этиш ҳақида қарор қабул қиладиган кунга қадар таъмирлашга ёки утилизация қилишга ҳақли эмас.

Суғурталовчи йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома, унга илова қилинган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш календарь кун ичида суғурта товонини тўлаш тўғрисида ёки уни тўлашни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида хабарнома тузилганда жабрланувчининг транспорт воситасига етказилган зарар суғурта пулининг 35 фоизидан ошмаслиги керак. Бунда етказилган зарар миқдори йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги хабарнома суғурталовчига тақдим этилганидан сўнг ошган тақдирда, суғурталовчи суғурта суммасининг фақат ушбу миқдордан ортиқ бўлмаган қисмини суғурта товони сифатида тўлайди».

Ҳайдовчилар йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома тузилганидан кейин тўрт соат ичида мастлик ҳолатини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтиш чораларини кўрмаган бўлса ёки йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани суғурталовчига узрли сабабларсиз ўз вақтида тақдим этмаган бўлса, суғурталовчи зарар етказган шахсга (суғурта қилдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсга) ўзи тўлаган суғурта тўлови миқдорини регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома



1. ЙТХ содир бўлган жой _____

(республика, вилоят, шаҳар, туман, шаҳарча, кўча, уй)

2. ЙТХ содир бўлган сана _____

кун, ой, йил

соат, дақиқа

3. Зарар кўрган Т/в соми _____

4. ЙТХ иштирокчиларининг маънавий ҳолати текширилгани _____

Ҳа Йўқ
кўрсаткич белгиланган

5. ЙТХ гувоҳлари: _____

(фамилияси, исми, отасининг исми, яқини маълум)

6. ИИО (ДЙХХХ) ходими томонидан расмийлаштирилгани _____

Ҳа Йўқ
кўрсаткич белгиланган

Кўраш яқини рақами _____

«А» транспорт воситаси *

7. Т/в нинг русуми, маркаси _____

Т/в кузови/шассисининг рақами _____

Т/в двигатели рақами _____

Т/в нинг давлат рўйхатидаги олинш рақами _____

Т/в ни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома _____

серия рақам

8. Т/в эгаси _____

(фамилияси, исми, отасининг исми (коридор алоқасига тўлиқ исми))

Манзил _____

9. Т/в ҳайдовчиси _____

(Фамилияси, исми, отасининг исми)

Туғилган санаси _____

кун, ой, йил

Манзил _____

Телефон _____

Ҳайдовчилик гувоҳномаси _____

серия рақам

Тонфа _____

A B C D BE CE DE берилган сана

Т/в эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиши ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжат _____

(исполнение, иккунга шартномаси, йўл паракеси ва бошқалар.)

10. Сугурталовчи _____

(исполнение, иккунга шартномаси, йўл паракеси ва бошқалар.)

Сугурта полиси _____

серия рақам

Амал қилиш санаси _____

кун, ой, йил

Т/в шикаст етказилишидан сугурталангани _____

Ҳа Йўқ

11. Бошланғич зарба етказилган жой _____

(→) билан кўрсатиш



12. Т/в нинг шикастланиши ҳолатлари, шикастланган қисмлари тавсифлари ва рўйхати _____

13. Эътирозлар _____

«А» т/в ҳайдовчисининг имзоси _____

«А» 14. ЙТХ ҳолатлари (кўрсаткич белгиланган) «В»

- 1 Т/в автотурагоҳ, тўхташ жойи, йўл чети ва бошқаларда ҳаракатсиз ҳолатда турган
- 2 Ҳайдовчи ЙТХ жойида бўлмаган
- 3 Автотурагоҳда ҳаракатланган
- 4 Автотурагоҳдан, тўхтаб туриш жойидан, тўхташ жойидан, ховлидан, иккинчи даражали йўлдан ҳаракатланиб чиққан
- 5 Автотурагоҳга, тўхтаб туриш жойига, тўхташ жойига, ховлига, иккинчи даражали йўлга ҳаракатланиб кирган
- 6 Тўрига ҳаракатланган (маневр қилмаган)
- 7 Чорраҳада ҳаракатланган
- 8 Айланма ҳаракатли чорраҳага чиққан
- 9 Айланма ҳаракатли чорраҳа бўйлаб ҳаракатланган
- 10 Бир хил йўналишда бир каторда ҳаракатланган т/в билан тўқнашган
- 11 Бир йўналишда ҳаракатланиб бошқа бўлакдаги т/в билан тўқнашган (бошқа каторда)
- 12 Ҳаракат йўналишини ўзгартирган (бошқа бўлакка тизилиши)
- 13 Қуниб ўтган
- 14 Ўнга бурилган
- 15 Чапга бурилган
- 16 Бурилиши амалга оширган (кайрилиб олинган)
- 17 Орқага ҳаракатланган
- 18 Йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиши бўлагига чиққан
- 19 Иккинчи (тўқнашган) т/в чап томонида бўлган
- 20 Иمتиёз белгиларга амал қилмаган
- 21 Тўхтаган ёки тўхтаб турган т/вга тўқнашув содир этган (урилиш)
- 22 Светофорнинг тақиқловчи ишорасига тўхтаган (турган) т/вга тўқнашув содир этган
- _____ Белгиланган катачалар сонини кўрсатиш

15. ЙТХ чизмаси _____

«В» транспорт воситаси *

7. Т/в нинг русуми, маркаси _____

Т/в кузови/шассисининг рақами _____

Т/в двигатели рақами _____

Т/в нинг давлат рўйхатидаги олинш рақами _____

Т/в ни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома _____

серия рақам

8. Т/в эгаси _____

(фамилияси, исми, отасининг исми (коридор алоқасига тўлиқ исми))

Манзил _____

9. Т/в ҳайдовчиси _____

(Фамилияси, исми, отасининг исми)

Туғилган санаси _____

кун, ой, йил

Манзил _____

Телефон _____

Ҳайдовчилик гувоҳномаси _____

серия рақам

Тонфа _____

A B C D BE CE DE берилган сана

Т/в эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиши ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжат _____

(исполнение, иккунга шартномаси, йўл паракеси ва бошқалар.)

10. Сугурталовчи _____

(исполнение, иккунга шартномаси, йўл паракеси ва бошқалар.)

Сугурта полиси _____

серия рақам

Амал қилиш санаси _____

кун, ой, йил

Т/в шикаст етказилишидан сугурталангани _____

Ҳа Йўқ

11. Бошланғич зарба етказилган жой _____

(→) билан кўрсатиш



12. Т/в нинг шикастланиши ҳолатлари, шикастланган қисмлари тавсифлари ва рўйхати _____

13. Эътирозлар _____

«В» т/в ҳайдовчисининг имзоси _____

- 1. ЙТХ жойи чизмаси - йўл тўлиқ кўрсаткичи билан.
- 2. «А» ва «В» т/в дарвинг ҳаракат йўналиши.
- 3. «А» ва «В» т/в дарвинг тўқнашга жойи.
- 4. «А» ва «В» т/в дарвинг тўқнашувдан сўнгги ҳолат.
- 5. Йўл белгилари, ёнги чизиқлар, светофорлар, йўл кўрсаткичи.

16. ЙТХ иштирокчилари ўртасида келишимовчиликлар (шартномалар) йўқлигини тасдиқлаш

«А» т/в ҳайдовчиси _____ «В» т/в ҳайдовчиси _____

(имзо) (имзо)
Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома яқин яншилар органи (ДЙХХХ) ходимларининг иштирокисиз тўдирилди. Иккала ҳайдовчи томонидан имзолангандан сўнг ва шикастларни аксарта бўлгандан кейин биланкага ўзгартириш қилмасан.

1.ЙТХ

ҳолати _____

2.Т/в кимнинг бошқарув остида бўлган
Т/вни бошқариш ҳуқуқига эга

Т/в

бўлган бошқа шахс

3.Т/в бошқаришга яроқлими (ҳаракатлана оладими)?

йўқ

Агар яроқсиз бўлса, т/в нинг турган жойи

4. Изох:

_____ **Фотосурат ва видеоёзувлар илова**
қилинади

_____ (тўлдирилган сана) _____ (имзо)
20 й.() _____ 20— й. _____ (фамилияси, исми отасининг исми)
_____)

(тўлдирилган сана) (имзо) (фамилияси, исми отасининг исми)

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани тўлдириш тартиби:

1.Йўл транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномага маълумотлар кўк сиёҳдаги
ручка билан тўлдирилади.

2.Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома икки нусхада тўлдирилади.

3.Йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган жой ва транспорт воситасининг
шикастланиши (ҳаракатсиз бўлган тўсиқлар, йўл белгилари ва бошқалар)
фотосурат ҳамда (ёки) видеоёзувлар туширилади.

4.Йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари ЙТХ содир этилган кундан бошлаб
3 иш куни ичида йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани суғурта қилган
суғурталовчига юбориши шарт.

**Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани тузиш учун бир
вақтнинг ўзида қуйидагилар асос бўлади:**

йўл-транспорт ҳодисаси жабрланувчига енгил тан жароҳати етказилишига
ёхуд йўл ҳаракатини тартибга солувчи воситалар ёки бошқа

мол-мулк шикастланишига олиб келмаган бўлса; йўл-транспорт ҳодисасида иштирокчи бўлган ҳайдовчилардан бири ўз айбига тўлиқ иқрор бўлса; йўл-транспорт ҳодисаси пийёда иштирокисиз содир этилган бўлса;

йўл-транспорт ҳодисаси иккита транспорт воситаси (шу жумладан тиркамали транспорт воситалари) тўқнашув натижасида рўй берган

ҳамда фақат ушбу транспорт воситаларига шикаст етказилган бўлса; транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги йўл-транспорт ҳодисалари содир этилгунига қадар суғурта қилинган бўлса;

йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчиларда ҳайдовчилик гувоҳномаси, транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги

гувоҳнома, ишончнома (бундан ишончнома талаб этилмайдиган ҳоллар бундан мустасно), йўл варақаси (қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда) мавжуд бўлиб, мазкур ҳужжатларнинг амал қилиш муддати ўтмаган бўлса; йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари бўлган ҳайдовчиларда мастлик ҳолати бўлмаса;

йўл-транспорт ҳодисаси натижасида транспорт воситаларининг шикастланиши ҳолатлари, шунингдек транспорт воситаларининг шикастланган

қисмлари тавсифлари ва рўйхати йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари ўртасида келишмовчиликларни (низоларни) келтириб чиқармаса.

Юқорида кўрсатилган асослардан биттаси мавжуд бўлмаган тақдирда, тузилган йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Изоҳ.

ЙТХ – йўл транспорт ҳодисаси

Т/в – транспорт воситаси

10-Мавзу: Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ахборот диспетчерлик маркази фаолиятини ташкил этиш.

1-савол. МАДХ-АДХнинг вазифалари.

2-савол. МАДХ-АДХ навбатчиларининг вазифалари

Йўл-патруль хизмати куч ва воситаларини бошқариш йўл-патруль хизмати бўлинмалари командирлари томонидан МАДХ (Марказий ахборот диспетчерлик хизмати)-АДХ (Ахборот диспетчерлик хизмати) орқали амалга оширилади.

МАДХ-АДХ ўз фаолиятини ахборот-компьютер маркази билан узвий ҳамкорликда амалга оширади, йўл-патруль хизмати бўлинмалари ҳаракатини мувофиқлаштириш, йўл ҳаракатини компьютерлашган бошқарув тизими ишини таъминлайди, транспорт оқими йўналишини кузатишни амалга оширади ва уларнинг тўхтовсиз ҳаракатини таъминлайди.

МАДХ-АДХ Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг навбатчилик қисмларининг тезкор бошқарувида бўлади.

Қуйидагилар МАДХ-АДХнинг вазифалари ҳисобланади:

- тезкор вазиятни билиш, мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш;
- назоратнинг таъсирчанлигига эришиш, нарядда турган ходимларга нисбатан талабчанлик қилиш ва уларнинг масъулиятини ошириш;
- хизмат вазифаларини бажаришда ташаббус кўрсатиш, қонунийликка, давлат ва хизмат сирларига қатъий риоя этиш;
- содир этилган ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар ва аризаларга нисбатан тезкор ва юксак масъулият билан муносабатда бўлиш;
- ишни холисона ва ҳушёрликда олиб бориш, фуқароларга ҳушмуомала ва эътибор билан муносабатда бўлиш;
- иш маданиятига амал қилиш, доимо жамоа тузилмалари ва фуқароларнинг ёрдамига таяниш.

МАДХ-АДХ зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун суткалик наряд белгиланади.

МАДХ-АДХ штатидаги ходимлар сони тўлиқ бўлмаганда ёки ходимларнинг бетоблигида ёхуд меҳнат таътилида бўлганда йўл-патруль хизмати бўлинмаси командири зарур тайёргарлик ва кўникмага эга бўлган кичик ҳамда катта офицерлар таркибидан навбатчиликка тайинлади.

МАДХ-АДХда суткалик наряддан ташқари тан жароҳати ёки ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойга зудлик етиб бориши учун тергов-тезкор гуруҳи навбатчилиги ҳам ташкиллаштирилиши мумкин.

МАДХ-АДХ навбатчи нарядлари ўз фаолиятида навбатчилик қисмларининг ишини ташкил этишга доир ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида қабул қилинган идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга амал қиладилар.

Қуйидагилар МАДХ-АДХ навбатчиларининг вазифалари ҳисобланади:

- хизмат кўрсатилаётган ҳудудда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларига доир ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва уларга баҳо бериш;
- йўлларда ҳаракатланишнинг узлуксизлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бўлинманинг куч ва воситаларига тезкор раҳбарлик қилиш, транспорт оқими ҳаракатини тартибга солиш, ҳаракатда юзага келган тирбандликни бартараф этиш чораларини кўриш, йўлларни қазий билан боғлиқ ишлар бажарилиши шартларига риоя этилишини назорат қилиш;
- йўл-транспорт ҳодисаси ва ҳуқуқбузарликларга доир хабарлар ҳамда аризаларни қабул қилиш ва ҳисобга олиш;

➤ ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш ҳамда одам ўлими билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари бўйича ҳодиса жойига тергов-тезкор гуруҳининг чиқариш чораларини кўриш;

➤ оғир оқибатлар келиб чиққан йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисида тегишли ташкилотларга хабар қилиш;

➤ олиб қочилган ёки йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолган транспорт воситалари қидирувини ташкил этиш, уларни ўрнатилган тартибда рўйхатга олиш;

➤ йўл-патруль хизмати нарядини ички ишлар органларининг бошқа нарядлари ҳамда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик қилишини ташкил этиш;

➤ йўл-патруль хизмати ходимларига қурол, махсус техника воситаларини тарқатиш ва қабул қилиб олиш ҳамда қайд этиб бориш, МАДХ-АДХда сақланадиган буюм ва ашёларнинг бутлигини таъминлаш;

➤ ички тартиб қоидаларига, бўлинма жойлашган бинода ёнғин хавфсизлиги ва санитария қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

➤ йўл-патруль хизмати бўлинмаси командири йўқлигида фуқароларни ва уларнинг муружаатларини қабул қилиш, талабларига кўра шикоят ва таклифлар дафтарини бериш;

➤ ички идоравий ҳужжатлар асосида махсус режалар ва бошқа шартли номлар остидаги тадбирлар режасига асосан жалб этилган куч ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Хизматни ўташ жадвалини тасдиқлаш, суткалик наряддаги ходимларни алмаштириш тартибини белгилаш, зарур ҳолларда уларни навбатчиликдан четлатишга фақатгина йўл-патруль хизмати бўлинмаси командири ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари бошлиқлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

МАДХ-АДХ нарядларининг суткалик хизмати йигирма тўрт соат давомийлигида ташкил этилиши лозим. Суткалик нарядда турган ходимларга овқатланиш ва қисқа муддат дам олиш учун навбатма-навбат танаффус берилиши, ҳар бир ходим учун танаффус вақти 3 сменада – 6 соат, 4 сменада – 4 соат бўлиши лозим. Иш вақтидаги дам олиш вақти ҳисобга киритилмайди.

МАДХ-АДХ штатидаги ходимларга сменадан кейин тегишлича 48 соатлик ёки 72 соатлик, йўл-патруль хизмати бўлинмаси бўйича навбатчилик қилган бошқа ходимларга 48 соатлик дам олиш вақти берилади.

Суткалик нарядларни алмаштириш вақти йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари бошлиқлари томонидан белгиланади.

Режа:

1-савол. МАДХ-АДХдаги хизматга оид ҳужжатлар.

2-савол.МАДХ-АДХдаги бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги.

МАДХ-АДХда қуйидаги хизматга оид ҳужжатлар бўлиши шарт:

- йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами;
- Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), ҳарбий автомобиль инспекцияси, хавфсизлик хизмати, фавқулодда вазиятлар, фуқаро мудофааси идоралари навбатчилик қисмлари, ободонлаштириш, автомобиль транспорти ташкилотлари, тиббиёт муассасалари, авария-қутқариш хизматлари билан алоқа боғлаш схемаси;
- махсус тадбирлар режалари, шахсий таркибни хабардор қилиш ва тўплаш схемаси;
- давлат рақам белгиларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларга бириктирилган сериялари рўйхати;
- халқаро автомобиль қатнови учун очиқ бўлган автомобиль йўллари рўйхати;
- патруль хизмати йўналишлари дислокацияси ҳамда постлар жойлашган манзиллар тўғрисида маълумотлар;
- жўнатиладиган ва қабул қилиб олинмаган кўрсатмалар учун йиғма жилд;
- патруллик йўналишларида хизмат олиб бораётган ходимларнинг ахборотларини қайд қилиш китоби;
- патруль автомобильларининг хизматга чиқиши ва қайтиб келишини қайд қилиш китоби;
- қуроллар ва махсус техника воситаларини бериш ва қабул қилиб олиш китоби;
- кўча ва йўлларнинг қатнов қисмидаги носозликлар, ҳаракатни тартибга солиш техника воситаларининг шикастланганлигини ҳисобга олиш китоби;
- махсус техника воситалари созлигини текшириш ва уларнинг шикастланганлигини ҳисобга олиш китоби;
- навбатчи қайдлари учун китоб;
- йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш китоби;
- олиб қочилган ёки йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолган транспорт воситаларини ҳисобга олиш китоби;
- шикоят ва таклифларни қайд этиш китоби.

2-савол.МАДХ-АДХдаги бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги.

Йўл-патруль хизмати бўлинмаларининг патруль-пост хизмати билан ўзаро ҳамкорлик қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

➤ террористик-қўпоровчилик фаолияти, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, ўқотар курол ва ўқ-дорилар, диний экстремистик мазмундаги адабиётлар ҳамда варақаларни ташиш ёки бошқа хавфли жиноий хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги ҳолатни аниқлаш;

➤ маълумотни МАДХ-АДХга етказиш;

➤ олинган маълумотни қайд этиш, масъул раҳбар ходимлар ва юқори турувчи орган (Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари) навбатчилик қисмини хабардор этиш, юзага келган тезкор вазиятга баҳо бериш, ундан келиб чиққан ҳолда эълон қилинадиган тадбирларни белгилаш, махсус режаларни эълон қилиш;

➤ эълон қилинган тадбир бўйича хизмат ўташ тартибини белгилаш;

➤ юзага келган тезкор вазиятни инобатга олган ҳолда куч ва воситаларни тақсимлаш;

➤ ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилаш.

➤ Олинган тезкор маълумотларни қайд этиш, масъул раҳбар ходимларга ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг навбатчилик қисмига етказиш, ЙҚХХ бўлинмаларининг куч ва воситаларини бошқариш, ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан ҳамкорликни олиб бориш МАДХ томонидан амалга оширилади.

➤ МАДХ-АДХ ўз фаолиятини замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади, йўл-патруль хизмати бўлинмаларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқариш ва жамоат тартибини муҳофаза қилишнинг компьютерлаштирилган бошқарув тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди, транспорт оқими йўналишини кузатишни амалга оширади ва уларнинг тўхтовсиз ҳаракатланишини таъминланиши ташкил этади.

➤ Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмлари, йўл-патруль хизмати бўлинмаларининг командирлари, МАДХнинг шохобчалари, мобил гуруҳлар ва йўл-патруль хизмати экипажлари, ППХ бўлинмалари ва таянч пунктлари билан тўғридан-тўғри, зарурат ҳолларда махсус тадбирлар режаларига мувофиқ Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари ҳамда қўшни давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан тезкор алоқада бўлади.

➤ МАДХ-АДХ йўл-патруль хизмати бўлинмаларининг ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишларни ташкиллаштиради.

➤ Йўл-патруль хизмати бўлинмалари ўз жавобгарлиги секторида йўл ҳаракати хавфсизлиги ва жамоат тартибини, автомобиль йўллари, уларга туташган ҳудудларда ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни таъминлайди. Бунда МАДХ-АДХ шохобчалари, бошқа йўл-патруль хизмати бўлинмалари, ички ишлар органларининг навбатчилик қисмлари, таянч пунктлари ва ППХ бўлинмалари ҳамда содир этилган жиноятларни ҳолатларига қараб Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик

хизматининг чегара қўшинлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва тезкор алоқада бўлади.

➤ ППХ ва йўл-патруль хизмати мобил гуруҳлари экипажлардан иборат бўлиб, улар хизмат ўташ ҳудудларида йўл ҳаракати қоидаларини бузган, транспорт билан боғлиқ жиноятлар, ҳодиса жойидан яширинган ҳайдовчиларни ҳамда содир этилаётган бошқа жиноятларни ППХ, профилактика инспекторлари, жиноят қидирув ходимлари билан биргаликда фош этиш чораларини кўради.

➤ Ҳар бир содир этилган жиноят ҳақида зудлик билан МАДХ-АДХга хабар қилади, доимий равишда тезкор алоқани ушлаб, бошқа мобил гуруҳлар, жавобгарлик ҳудудида жойлашган навбатчилик қисмлари, таянч пунктлари, ППХ бўлинмалари ҳамда тасдиқланган режага мувофиқ ички вазифаларни бажариш қўшинлар корпуси бўлинмалари билан ҳамкорлик амалга оширилади. Мобил гуруҳ МАДХ-АДХ ва унинг отрядлар жавобгарлик минтақаларида жойлашган шохобчалари билан доимий равишда тўғридан тўғри тезкор алоқани таъминлайди.

➤ Йўл-патруль хизмати экипажи ўз жавобгарлиги минтақасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ишларини ташкил қилишда МАДХ-АДХ, мобил гуруҳ, бевосита командирлари, қўшни экипажлар, зарурат туғилганда ички ишлар органларининг навбатчилик қисмлари, таянч пунктлари, ППХ экипажлари билан ахборот алмашиш йўли билан ҳамкорлик қилади, доимий равишда тезкор алоқани ушлаб туради, тезкор қидирув тадбирларини ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган биргаликдаги режага асосан, ҳаракатни амалга оширади.

11-мавзу . Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳузуридаги рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларининг фаолиятини ташкил этиш

Маъруза–2 соат

Режа:

1. Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрловчи ва қайта тайёрловчи ўқув юртларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш.

2. Ҳайдовчиларни йўл ҳаракати қоидалари бўйича имтиҳонларга киритиш ҳамда транспорт воситаларини бошқаришга рухсат бериш тартиби.

1-савол. Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрловчи ва қайта тайёрловчи ўқув юртларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш.

Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларни тайёрловчи ва қайта тайёрловчи ўқув юртларини рўйхатга олиш

Автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланмоқчи бўлган барча ўқув юртлари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимлари (РИБ) ва туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлинмалари (ТРИБ) томонидан ҳисобга олинади.

Ўқув юртлари ҳисобга олиниши учун уларнинг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасига ёзма равишда мурожаат этади.

ЙХХББнинг кўрсатмасига асосан текширув комиссияси томонидан ушбу ўқув юртарининг моддий-техника ва ўқув-методик базаси атрофлича кўриқдан ўтказилади.

Давлат таълим муассасаси ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўз фаолияти бошлангунга қадар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг хулосасини олади. Давлат таълим муассасаси ЙХХББга ўзи қарашли бўлган давлат органи орқали белгиланган тартибда мурожаат қилади.

Хулоса чиқарилгунга қадар ЙХХББ қарори асосида текширув комиссияси томонидан ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасасининг моддий-техника ва ўқув-методик базаси ҳар томонлама кўриқдан ўтказилади.

Текширув комиссияси таркиби ҳудудий Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, ҳокимликлар, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари қошидаги ҳаракат хавфсизлиги комиссияси, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлигининг ҳудудий бўлинмалари вакилларида иборат бўлади.

Комиссия ишига ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги бошқа мутахассислар, шу жумладан бошқа таълим муассасаларининг ўқитувчилари, шунингдек тасарруфида таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар вакиллари ҳам жалб қилиниши мумкин.

Комиссия томонидан текширилаётган таълим муассасасининг қуйидаги талабларга жавоб бериши ўрганиб чиқилади:

камида 48 кв м майдонга эга бўлган ўқув хоналари мавжудлиги, қишда иситилиши ва ёритилганлиги;

ўқув транспорт воситаларини сақлаш учун майдонча ва уларни тузатиш учун алоҳида усти ёпиқ жой мавжудлиги;

ўқув хоналари моддий-техника базасининг Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ таъминланганлиги;

таълим муассасасининг иш режасига киритилган автомобилни бошқариш бўйича амалий машғулотларни тўлиқ ўтказиш учун етарли даражада ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминланганлиги;

муҳандис-педагоглар, инструкторлар ҳамда ишлаб чиқариш усталарининг маълумоти ва билим даражаси, шунингдек ўқув хоналарининг ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дарсларини ўтказишга тайёрлиги;

ҳайдовчиликка номзодларга амалий бошқаришни ўргатиш учун белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозланган ёпиқ майдонча, автодром мавжудлиги ёки ундан фойдаланиш тўғрисида шартнома борлиги;

ўқув транспорт воситаларининг техник ҳолати, уларнинг қўшимча тепки (педал)лари ҳамда таниқлик белгилари билан жиҳозланганлиги ва бошқа масалалар.

Таълим муассасасининг унга мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ўқув хоналари, улардаги жиҳозлар ва машқ автомобилларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Таълим муассасасининг ушбу Низом талабларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилиши яқунлари бўйича далолатнома тузилади ва ҳудудий ЙҲХБ бошлиғи томонидан тасдиқланиб, ЙҲХББга тақдим этилади.

Далолатнома тўрт нусхада тузилади ва ҳудудий ЙҲХБда, рўйхатдан ўтказиш-имтиҳон бўлимида (кейинги ўринларда РИБ деб аталади) ёки ЙҲХББнинг туманлараро РИБларида (кейинги ўринларда ТРИБ деб аталади), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларида ҳамда таълим муассасасининг ўзида сақланади.

Комиссия қарори натижалари бўйича ЙҲХББ хулоса чиқаради. Ушбу хулоса икки нусхада тузилади.

ЙҲХББ томонидан давлат таълим муассасасига берилган ҳужжатнинг биринчи нусхаси ҳисобга қўйиш учун ҳудудий ЙҲХБга юборилади. Иккинчи нусхаси тасарруфида таълим муассасаси бўлган давлат органига юборилади.

Таълим муассасаларини ҳудудий ЙҲХБларда ҳисобга қўйиш таълим муассасасининг номи, манзили, банк реквизитлари, уставни тасдиқлаш (рўйхатдан ўтказиш) тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори рақами, тайёрланадиган ҳайдовчиларнинг тоифалари кўрсатилган ҳолда алоҳида журналда юритилади.

Таълим муассасаларини ҳисобга олиш журнали Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши ва белгиланган муддатлар мобайнида ҳудудий ЙҲХБда сақланиши керак.

Таълим муассасалари раҳбарлари ҳудудий ЙҲХБ билан ўқув гуруҳларининг сонини, назарий ва амалий машғулотларнинг бошланишини ва ўқиш муддатини келишиб олади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш гуруҳларида номзодлар сони 25 кишидан зиёд бўлмаслиги керак.

Ўқув гуруҳларининг рўйхати машғулотлар бошланишидан аввал ҳудудий ЙҲХБга тақдим этилади. Рўйхат РИБ (ТРИБ) томонидан ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш китобида қайд этилади.

ЙҲХБларида белгиланган тартибда ҳисобга олинган таълим муассасаларининг ўқув моддий-техника базаси ва фаолияти ҳар йили камида бир марта атрофлича, ҳар бир ўқув гуруҳларининг ўқув жараёни эса ҳар ойда камида бир марта текширилади. Текширув натижалари бўйича далолатнома тузилиб, иш фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этмасдан келаётган таълим муассасаларига тақдимнома юборилади.

Агар таълим муассасаси кўрсатмада кўрсатилган муддат мобайнида камчиликларни бартараф этмаса, ушбу таълим муассасаларининг янги ўқув гуруҳларини ЙҲХБ РИБ (ТРИБ)да рўйхатдан ўтказиш тўхтатилади.

Янги ўқув гуруҳларини рўйхатдан ўтказиш кўрсатмада кўрсатилган камчиликлар таълим муассасаси томонидан бартараф этилгандан кейин тикланади.

Ҳудудий ЙҲХБ РИБ (ТРИБ)ларида ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасалари бўйича назорат-кузатув жилди юритилади. Унга ўқув юртларининг моддий-техника базаси, ўқув автомобилларининг рўйхати, амалий машғулот ўтказиладиган йўналишли

харитасининг нусхаси, ўқув гуруҳларини текшириш ҳақидаги маълумотлар, текшириш далолатномалари, йил давомида амалга оширилган ишларнинг таҳлили ва бошқалар тикиб борилади.

Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларни тайёрловчи ва қайта тайёрловчи ўқув юртларини фаолиятини назорат қилиш.

Автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи барча таълим муассасаларининг фаолиятини назорат қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи барча таълим муассасалари ва уларнинг тегишли мувофиқлаштирувчи ва юқори ташкилотлари:

ҳайдовчи кадрларни ўқитиш сифатини яхшилаш ва таълим-тарбия тадбирларини амалга оширадilar;

таълим муассасаларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, автомобилотранспорт воситаларини ва шаҳар электр транспорти воситаларини тузатиш ва техник қаровини таъминлаш ишларини назорат қиладilar;

ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни мукамаллаштириш учун илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва тавсияномалар тайёрлашда иштирок этадилар;

таълим муассасаларида ходимларни, муҳандис-ўқитувчилар, амалий бошқарув усталари ва бошқа мутахассис ходимларнинг малакаларини ошириш, аттестасиядан ўтказиш ишларини амалга оширадilar;

таълим муассасаларининг ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда эришилган ютуқларини ўрганадилар ва тарғиб қиладilar.

Раҳбар ходимлар, ўқитувчи-муҳандислар ва ишлаб чиқариш усталарининг асосий вазифалари малака тавсифномаларида акс эттирилиб, тасдиқланган қоида ва йўриқномаларда ифода этилади.

Лаборатория-тажриба машғулотларини ўтказиш учун ишлаб чиқариш усталари лавозимига олий ва ўрта махсус автомобилотранспорт мутахассислигига ва амалий ишлаб чиқариш тажрибасига эга шахслар тайинланади.

Автомобилотранспорт воситасини ёки шаҳар электр транспортини бошқариш бўйича амалий машғулотлар инструктори лавозимига билими ўрта маълумотдан кам бўлмаган, тегишли тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш бўйича узлуксиз беш йил («Д» тоифасидаги транспорт воситаси бўйича - узлуксиз етти йил) стажга, шунингдек автомобилотранспорт воситасини ёки шаҳар электр транспорти воситасини бошқаришни ўргатиш услуги бўйича курсларни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳномага эга бўлган шахслар тайинланади.

Автомобилотранспорт воситаларининг ва шаҳар электр транспорти воситаларининг тузилиши ва уларни тузатиш, техник қаровини ўтказиш фанларидан дарс берувчилар автотранспорт мутахассислиги бўйича олий ёки ўрта-махсус маълумотга эга бўлишлари керак. Йўл ҳаракати қоидалари, автотранспортни бошқариш асослари ва йўл ҳаракати хавфсизлиги фанларидан дарс берувчи ўқитувчилар, қўшимча равишда, автомобилотранспорт воситаларини ва

шаҳар электр транспорти воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишлари шарт.

Таълим муассасаларининг ходимлари, муҳандис-ўқитувчилари, амалий бошқарув усталари ҳамда бошқа мутахассис ходимлари таълим муассасаларининг мувофиқлаштирувчи ва юқори ташкилотлари томонидан касбий яроқлилиги бўйича камида 3 йилда бир марта аттестасия синовларидан ўтказилади ва натижалари ҳудудий ЙҚХБ РИБ(ТРИБ)ларга тақдим этилади. Хусусий мулк асосида ташкил этилган ва мувофиқлаштирувчи ёки юқори ташкилотлари мавжуд бўлмаган таълим муассасаларининг тегишли мутахассис ходимлари касбий яроқлилиги ЙҚХБ РИБ(ТРИБ)лари томонидан белгиланган тартибда ҳар йили ўтказиладиган текширишлар давомида аниқланади.

Мулкчилик шаклларида қатъи назар, йўловчилар ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари бир йилда бир марта, юк ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилар эса - ҳар икки йилда бир марта 30 соатлик дастур асосида машғулот ўтишлари шарт.

2-савол. Ҳайдовчиларни йўл ҳаракати қоидалари имтиҳонларига киритиш ҳамда транспорт воситаларини бошқаришга рухсат бериш тартиби.

«А», «В» ва «С» тоифалардаги автоматотранспорт воситаларини, шунингдек трамвайлар ва троллейбусларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олишни истаган шахслар тайёргарликдан ўтишлари керак, «Д» ва «Е» тоифали автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олишни истаган шахслар эса ЙҚХББ билан келишилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрловчи таълим муассасаларида қайта тайёргарликдан ўтишлари шарт.

Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун фуқаролар доимий ёки вақтинчалик турар жойларидаги, мажбурий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчилар эса хизмат жойларидаги ҳудудий ЙҚХБ РИБ(ТРИБ)ларида топширадилар.

Алоҳида ҳолатларда (фавқулодда ҳолатлар юз берган вақтда, таълим муассасалари олиш жойларидан узоқ масофада жойлашган ҳудудларда ва ҳоказо), истисно тариқасида, қабул қилиш жойи ёки муддати ЙҚХБ раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

"А", "В", "С" ва "Д" тоифаларидаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалари ҳудудий ЙҚХБ РИБ (ТРИБ)ларида назарий ва амалий имтиҳонларни, трамвай, троллейбусларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалари эса назарий имтиҳонларни топширган шахсларга берилади.

«В» ёки «ВД» тоифали транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахслардан «С» тоифали ҳайдовчиларни қайта тайёрлашда, «В», «С», «ВС» тоифали транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахслардан «Д» тоифасига ҳайдовчиларни қайта тайёрлашда назарий ва амалий имтиҳонлар топширилади. Ҳайдовчиларни «Е» тоифасига қайта тайёрлашда фақат амалий имтиҳон топширилади.

Шахс, агар транспорт воситасини охириги уч йил мобайнида бошқарган бўлса, «Д» тоифасига қайта тайёрлашга ва имтиҳонлар топширишга қўйилади

Назарий имтиҳонда топширувчининг йил ҳаракати қоидалари ва ўқув дастурида назарда тутилган фанлар бўйича билими текширилади.

Амалий имтиҳонда қайси тоифали транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини бериш учун олинаётган бўлса, топширувчининг фақат шу тоифадаги транспорт воситасини бошқариш бўйича малакаси текширилади.

Амалий имтиҳонлар таълим муассасаси томонидан тақдим этилган тегишли тоифадаги транспорт воситасида олинади. Бунда "Д" тоифали транспорт воситасида имтиҳон олиш ўрта (узунлиги 8,0-9,5 м.) ёки катта сифимли (узунлиги 10,5-12,0 м.) автобусларда ўтказилади.

Амалий имтиҳон олинadиган транспорт воситаларининг техник ҳолати ҳудудий ЙХХБнинг имтиҳон олувчи ходими томонидан кўздан кечирилиб, белгиланган талабга жавоб бериши текширилиши керак.

Трамвай ва троллейбус ҳайдовчилигига ўқиётган шахслардан амалий имтиҳонлар олишда ҳудудий ЙХХБ РИБ (ТРИБ)лари ходими қатнашиши шарт.

Олий ва Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини касбий йўналиши автототранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш учун тасдиқланган ягона ўқув дастурига киритилган фанларни тўлиқ ўқитилишини тақозо этган ихтисосликлар бўйича тугатган шахсларга "В" ёки "ВС" тоифали гувоҳномасини олиш учун имтиҳонлар топширишга рухсат этилади.

Ўқув муддати якунида мототранспортни бошқаришни ўрганувчи 16 ёшга; енгил ва юк автомобилларини бошқаришни ўрганувчи 18 ёшга; трамвай, троллейбус, автобуслар ва микроавтобусларни бошқаришни ўрганувчи 21 ёшга тўлган шахсларга ҳудудий ЙХХБ РИБ (ТРИБ)да топширишга рухсат этилади. Ушбу Низомнинг 56-бандида кўрсатилган ҳолат бундан мустасно.

Махсус товушли ва ёруғлик сигналлари билан жиҳозланган ёки хавфли юкларни ташийдиган транспорт воситаларини бошқариш учун охириги уч йил, шунингдек шаҳарлараро ва халқаро йўналишда қатнайдиغان автобусларни ва микроавтобусларни бошқариш учун охириги беш йил мобайнида тегишли тоифадаги транспорт воситаларида ҳайдовчи бўлиб ишлаган шахсларга рухсат этилади.

Тижорат асосида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш учун енгил автомобилларни бошқаришга рухсат транспорт воситаларини охириги уч йил мобайнида узлуксиз бошқарган шахсларга берилади. Уларнинг фаолияти муддатини белгилашда меҳнат дафтарчасидан кўчирма, автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, ижара шартномаси ёки ишончнома асос бўлади.

"С" ёки "Д" тоифаларга оид транспорт воситаларини бошқариш учун номзод бўлган аёлларга юк автомобилларини ёки автобусларни бошқариш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан белгиланган маълум чеклашлар (автомобилларнинг юк кўтариши 2,5 тоннадан, автобусда йўловчиларнинг сони 14 кишидан ошмаслиги керак) асосида рухсат этилади.

«СЕ» ва «ДЕ» тоифалардаги транспорт воситалари таркибларини бошқариш ҳуқуқи охириги икки йил мобайнида тегишли тоифалардаги транспорт воситаларини бошқаришнинг узлуксиз ҳайдовчилик стажига эга бўлган ва таълим муассасасида қайта тайёргарликдан ўтган ҳамда ҳудудий ЙХХБнинг РИБ (ТРИБ)да амалий имтиҳонни муваффақиятли топширган шахсларга берилади.

«ДЕ» тоифасидаги транспорт воситалари таркибини бошқариш ҳуқуқини олиш учун «Д» тоифасига эга бўлган ҳайдовчилардан амалий имтиҳонлар бўғимли автобусларда олинади.

«Д» тоифасидаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи охириги уч йил мобайнида «В» ёки «С» тоифасидаги транспорт воситаларини бошқаришнинг узлуксиз ҳайдовчилик стажига эга бўлган, таълим муассасаларида қайта тайёргарликдан ўтган ҳамда ҳудудий ЙХХБнинг РИБ (ТРИБ)да назарий ва амалий имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга берилади.

Тижорат асосида йўловчилар ташиш бўйича транспорт хизматлари кўрсатадиган, ҳайдовчининг ўрнидан ташқари тўрттадан ортиқ ўтириш ўринларига эга бўлган, бироқ «Д» тоифасига тегишли бўлмаган енгил автомобилларни бошқаришга охириги беш йил мобайнида тегишли тоифали автотранспорт воситаларини узлуксиз бошқарган ҳайдовчилар қўйиладилар.

Шаҳарлараро ва халқаро йўналишда йўловчилар ташийдиган автобуслар ва микроавтобусларни бошқаришга охириги беш йил мобайнида «Д» тоифали автотранспорт воситаларини узлуксиз бошқарган ҳайдовчилар қўйилади.

Ҳар қандай транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган шахслар, 12 ойдан кўп вақт транспорт воситасини бошқармаган бўлсалар, иш берувчи томонидан улар ҳудудий ЙХХБ РИБ (ТРИБ)ларига назарий ва амалий топшириш учун юборилади. Имтиҳонларни ижобий топширган шахслар ташкилотларда камида 30 соатлик амалий бошқариш бўйича кўникма (стажировка)дан ўтганидан кейин, уларга транспорт воситаларини мустақил бошқаришига рухсат этилади.

Агар трамвай ҳайдовчилари 12 ойдан кўп вақт шу тоифали транспорт воситаларида ҳайдовчи сифатида ишламаган бўлсалар, ДЙХХХ РИБ (ТРИБ)ларда назарий, ташкилот аттестасия комиссияси томонидан уларнинг касбий билими ва бошқариш тажрибаси текширилиб, амалий имтиҳон олингандан сўнг, белгиланган йўналишларда (70-140 соатлик) амалий бошқарувдан ўтганларидан кейингина трамвайни мустақил бошқаришларига рухсат этилади.

Автомобил транспортда шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда йўловчилар ташиш фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган ҳайдовчилар юридик шахсларда белгиланган муддат ва йўналишларда («Д» тоифали транспорт воситаларида ҳайдовчилик тажрибасига эга бўлган ҳайдовчилар учун - 60 соат, ҳайдовчилик тажрибасига эга бўлмаган ҳайдовчилар учун - 224 соат) амалий бошқарувдан ўтганларидан кейингина тегишли тоифадаги автомобилларни мустақил бошқаришларига рухсат этилади.

Барча транспорт воситалари ҳайдовчилари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган муддатда, тижорат асосида йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилар эса бир йилда бир марта мажбурий равишда тиббий кўрикдан ўтишлари шарт.

Агар ҳудудий ЙХХБ органлари ёки транспорт ташкилотларидаги мансабдор шахсларда ҳайдовчининг соғлигига нисбатан шубҳа туғилган бўлса, унга белгиланган муддатдан олдин касбига лаёқати бўйича тиббий кўрикдан қайта ўтиш учун йўлланма берилиши мумкин.

Агар ҳайдовчи касбига лаёқати бўйича тиббий кўриқдан қайта ўтишдан бўйин товласа ёки у тиббий комиссия томонидан транспорт воситаларини бошқаришга нолайик деб топилса, унга доир ҳужжатлар ҳудудий ЙҚХБ ходими томонидан, белгиланган тартибда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш масаласини кўриб чиқиш учун суд идораларига юборилади.

Ҳайдовчини тиббий кўриқдан қайта ўтказиш ҳақида қарор ҳудудий ЙҚХБ бўлинмаларининг бошлиғи ёки гуруҳларининг катта инспектори, улар бўлмаганида эса ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан қабул қилинади.

Ҳайдовчиларни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилинади. Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарганлиги учун ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун маҳрум қилиш муддатидан қатъи назар, мажбурий тиббий кўриқдан ўтишлари ҳамда назарий ва амалий топширишлари лозим.

Бу ҳолда комиссиясининг қарорига мувофиқ ҳайдовчиликдан маҳрум қилинган бошқариш ҳуқуқига оид бирор тоифа бўйича, "Д" тоифаси мавжуд бўлган ҳолатларда айнан "Д" тоифа бўйича амалий олинади.

Биринчи маротаба ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш учун мурожаат қилган барча хорижий фуқароларга ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш ушбу Низомда назарда тутилган умумий қоидалар асосида амалга оширилади.

Семинар машғулоти 2соат

Режа:

1-савол: Ҳайдовчилик гувоҳномаларни алмаштириш ва йўқотиб қўйилганлари ўрнига бошқасини бериш тартиби.

2-савол: Яроқсиз ҳолга келган ҳайдовчилик гувоҳномаси ва (ёки) унинг талони алмаштир тартиби.

1-савол: Ҳайдовчилик гувоҳномаларни алмаштириш ва йўқотиб қўйилганлари ўрнига бошқасини бериш тартиби.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси ва (ёки) унинг талони белгиланган тартибда ариза, эски ҳайдовчилик гувоҳномаси ва (ёки) унинг талони ҳайдовчининг имтиҳон варақаси ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини берган ҳудудий ЙҚХБ тасдиқномаси, тиббий маълумотнома ҳамда фуқаронинг паспорти ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат тақдим этилганидан сўнг алмаштирилади.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси алмаштирилганида унинг талони алмаштирилиши шарт.

Транспорт воситаларини охириги 12 ой давомида бошқарган шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномалари тегишли имтиҳонларсиз алмаштирилади.

Қуйидагилар транспорт воситаларини 12 ой мобайнида бошқарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб ҳисобланиши мумкин:

а) ишлаётган ҳайдовчилар учун меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки ишлаётган жойида унга бириктирилган автотранспорт тури кўрсатилган маълумотнома (буйруқдан кўчирма);

б) шахсий транспорт ҳайдовчилари учун уларга тегишли бўлган транспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги қайд этиш гувоҳномаси;

в) ишончнома ёки ижара шартномаси билан автомобил бошқарган шахслар учун автомобил рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги қайд этиш гувоҳномаси ва уни бошқариш учун нотариал идора томонидан тасдиқланган ишончнома ёки ижара шартномаси.

Транспорт воситасини охириги 12 ой давомида бошқармаган шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномалари назарий ва амалий имтиҳон топширганларидан сўнг алмаштирилади.

Бунда бир неча тоифадаги транспорт воситаларини бошқаришга рухсати бўлган шахслардан имтиҳон комиссиясининг қарорига кўра "В" ёки "С" тоифали транспорт воситасида, "Д" тоифали автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлган шахслардан эса фақат "Д" тоифасидаги транспорт воситасида амалий имтиҳон олинади.

"С", "ВС", "Д", "СД", "СДЕ", "СЕ", "ДЕ" тоифаларига тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаларига эга бўлган ва охириги 12 ой мобайнида транспорт воситасини бошқармаган, қўшимча "А" ёки "В" тоифаларини олиш учун мурожаат қилган шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштиришда, улардан назарий имтиҳон ҳамда гувоҳномада мавжуд тоифалардан биттаси бўйича ("Д" тоифали автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлган шахслардан эса айнан "Д" тоифасидаги транспорт воситаси бўйича), шунингдек сўралаётган "А" ёки "В" тоифадаги транспорт воситаси бўйича амалий имтиҳон олинади. Олинган барча имтиҳонлар натижаси имтиҳон комиссияси баённомасига киритилади.

Эски намунадаги "В" "Ёлланиб ишлаш ҳуқуқига эга эмас" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси "В" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасига назарий ва амалий имтиҳон топширилганидан сўнг алмаштирилади.

Бир неча тоифали транспорт воситаларини бошқаришга рухсати бўлган шахс ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштиришда ўз хоҳишига кўра мавжуд тоифалардан бирортасини ёки тиббий кўрик хулосасига кўра белгиланган тоифалардан рухсат этилганини олиши мумкин.

Бунда амалий имтиҳон ўз хоҳиши билан қолдирган (ёки тиббий кўрик хулосасига кўра рухсат этилган) транспорт воситаси тоифаси бўйича олинади ва берилаётган ҳайдовчилик гувоҳномасида фақат ушбу тоифага рухсат белгиси қўйилади. Ҳайдовчининг аввал эга бўлган тоифаларини қайта тиклаш ушбу Низомнинг 59-62-бандларидаги талабларга мувофиқ, унинг аризаси асосида амалга оширилади.

2-савол. Яроқсиз ҳолга келган ҳайдовчилик гувоҳномаси ва (ёки) унинг талони алмаштирилади.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси алмаштирилганда янги берилаётган гувоҳноманинг "Алоҳида белгилар учун" ажратилган катагига биринчи мартаба олган эски гувоҳноманинг серияси, тартиб рақами ва берилган куни ёзиб қўйилади.

Тиббий кўрик маълумотномаси ва ҳайдовчининг имтиҳон варақаси барча реквизитлар тўлдирилганидан сўнг янги ҳайдовчилик гувоҳномаси билан бирга эгасига қайтариб берилади.

Йўқолган (ўғирланган, ёнғин, табиий офат оқибатида ва бошқа ҳолларда) ҳайдовчилик гувоҳномаси (ёки унинг талони) дубликати ҳайдовчининг аризаси,

имтиҳон варақаси, тиббий маълумотнома, зарур ҳолларда, ўқишни тамомлаганлиги ҳақидаги таълим муассасасининг гувоҳномаси ёки ҳудудий ЙХХБ РИБ (ТРИБ)ларининг тасдиқномаси асосида берилади.

Ҳайдовчилик гувоҳномасининг дубликати расмийлаштириш давомида бир ой муддат билан вақтинчалик рухсатнома берилади. Тасдиқловчи ҳужжатлар олингунга қадар вақтинчалик рухсатнома муддатини яна бир ойгача узайтириш мумкин.

Истисно тариқасида, ҳудудий ЙХХБ бошлиғининг рухсати билан, яшаш жойи ўзгариши, хизмат сафари, даволаниш ва бошқа сабабларга кўра Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган фуқароларга ҳайдовчилик гувоҳномаларининг дубликатлари, ҳудудий ЙХХБнинг РИБ (ТРИБ)лари картотекалари бўйича қайта текширувдан сўнг, муддатдан олдин ёзиб берилиши ҳам мумкин.

Йўқолган ҳайдовчилик гувоҳномасининг дубликати назарий ва амалий имтиҳонлар топширилганидан ҳамда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳайдовчилик гувоҳномалари картотекаси бўйича текширилганидан сўнг берилади.

Ўғирланган, ёнғин, табиий офат оқибатида ва бошқа шу каби сабабларга кўра йўқолган ҳамда дахлдор ваколатли идораларнинг ҳужжатлари билан тасдиқланган ҳолатлар бундан мустасно.

Гувоҳноманинг дубликати расмийлаштирилаётган вақтда берилган вақтинчалик рухсатнома алоҳида дафтарга қайд этилади ва гувоҳнома нусхаси берилгандан кейин ушбу рухсатнома асос бўлган ҳужжатларга тикилади.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси ўрнига дубликат гувоҳнома берилганидан кейин, йўқолган гувоҳнома топилган тақдирда, у ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва ҳудудий ЙХХБ РИБ (ТРИБ)ларга йўқ қилиб юбориш учун топширилиши керак.

Ески нусхадаги ҳайдовчилик гувоҳномалари янги нусхадаги ҳайдовчилик гувоҳномаларига умумий асосларда алмаштирилади.

Узлуксиз ҳайдовчилик меҳнат фаолияти 10 йилдан ортиқ бўлган "ВС" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини "ВСЕ" тоифага алмаштириш "Е" тоифага 10 соат тиркамали автомобилда кўшимча амалий бошқаришни ўтганликлари ҳақида таълим муассасаларидан берилган маълумотнома ва ҳайдовчининг меҳнат дафтарчасидан кўчирма асосида назарий ва амалий имтиҳон топширганларидан сўнг амалга оширилади.

Халқаро ҳайдовчилик гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автотототранспорт воситаларини бошқариш учун ҳақиқий ҳисобланади. Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенсия (Вена, 1968 йил 8 ноябр) талабларига жавоб берадиган миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган таржимаси мавжуд бўлганда ҳақиқий ҳисобланади.

Хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳамда халқаро, ҳукуматлараро ташкилотлар ваколатхоналари ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари бошлиқлари ва бошқа ходимларининг (дипломатик ва маъмурий-техник ходимларнинг), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида аккредитасия қилинган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллариининг Йўл ҳаракати тўғрисидаги

конвенсия (Вена, 1968 йил 8 ноябр) талабларига жавоб бермайдиган миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ЙҚХББга мурожаат қилиш шарти билан алмаштирилади. Хорижий фуқароларнинг ушбу тоифаси ҳайдовчилик гувоҳномалари имтиҳонлар топширилмасдан алмаштирилади.

Тегишли битим мавжуд бўлган тақдирда нодавлат нотижорат ташкилотларининг хорижий ходимларига миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ЙҚХББга мурожаат қилиш ва тиббий кўрикдан ўтиш шарти билан Ўзбекистон Республикасининг ҳайдовчилик гувоҳномаларига алмаштирилиши мумкин. Хорижий фуқароларнинг ушбу тоифаси ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириш имтиҳонлар топширилгандан кейин амалга оширилади.

Бошқа хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий давлатларда олган ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштиришдан олдин улар ЙҚХББ орқали Ташқи ишлар вазирлигида текширилади. Текшириш натижасида тасдиқ олинган шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномалари, улар тиббий кўрикдан ўтиб, назарий ва амалий имтиҳонларни топширганларидан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларига алмаштирилади.

12-мавзу . Автотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби

Маъруза машғулот –2 соат

Режа:

1. Автотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича амалга оширилган ислоҳатлар.
2. Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби.
3. Автомототранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни топшириш тартиби.

1-савол. Автотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича амалга оширилган ислоҳатлар.

Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш фаолиятининг ҳуқуқий асоси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги «Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 683-сон қарорига асосан амалга оширилади.

Ушбу фаолият Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3127-сон қарорини бажариш юзасидан, Ўзбекистон Республикасида автоматотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2017 йилнинг 1 сентябридан бошлаб,

жисмоний ва юридик шахсларга автототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини шаффоф ва рақобатдошлик асосида оширилган тўлов ставкаси бўйича, «Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси» АЖ ахборот тизимида аукцион ўтказиш орқали, шунингдек уларнинг буюртманомалари асосида автотранспорт воситалари учун харидоргир харф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича босқичма-босқич бериш тартиби жорий қилинди.

Ушбу ВМнинг 683-сон қарори билан қуйидагилар тасдиқланган.

Автототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом ***1-иловага*** мувофиқ;

Жисмоний ва юридик шахсларга автотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича беришда «Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси» АЖ ахборот тизимида аукцион ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом ***2-иловага*** мувофиқ;

Жисмоний ва юридик шахсларга автотранспорт воситалари учун харидоргир харф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича бериш тартиби тўғрисидаги низом ***3-иловага*** мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидаги тартиб ўрнатилди:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати бўлинмалари, жисмоний ва юридик шахсларга автотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аукцион ўтказиш йўли билан оширилган тўлов ставкалари бўйича беришда, биржа томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловлардан озод қилинади;

автотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аукцион ўтказиш йўли билан оширилган тўлов ставкалари бўйича беришда, тўловдан келиб тушган маблағларнинг 80 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, 20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларини моддий рағбатлантириш ва бошқа харажатлар Махсус жамғармасига йўналтирилади;

жисмоний ва юридик шахсларга автотранспорт воситалари учун харидоргир харф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича бериш ставкалари Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказиладиган, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик баравари миқдорида белгиланади;

мазкур банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилмаган, рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тўлов ставкаларининг тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджетига ўтказиладиган суммаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади;

автотранспорт воситалари учун харидоргир харф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича бериш тартиби Жисмоний ва юридик шахсларга автотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов

ставкаси бўйича беришда «Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси» АЖ ахборот тизимида аукцион ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-илоvasи 1 — 3-тоифаларида кўрсатилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларига нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда, «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотлар тизими ҳамда марказий маълумотлар базаси билан, маълумотлардан фойдаланиш имконияти тоифаларини сақлаган ҳолда, автомобилотransпорт воситаларининг рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаларини ҳисобга олиш реестрини юритиш бўйича дастурий таъминотни босқичма-босқич интеграциялаштиришнинг янада оширилишини таъминлаш;

йўл ҳаракати хавфсизлигининг ҳудудий бошқармалари ҳамда рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлинмалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Бош бошқармасини икки ой муддатда, автотransпорт воситалари учун оширилган тўлов ставкалари бўйича аукционга қўйилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари тўғрисидаги маълумотларни ёритиш учун катта форматдаги интерактив экранлар билан жиҳозлаш;

ушбу қарорни бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларини моддий рағбатлантириш ва бошқа харажатлар Махсус жамғармаси ҳисобидан амалга ошириш;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда, мазкур қарорнинг талабларини автомобилотransпорт воситалари эгалари ва аҳолига, улар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борган ҳолда, шу жумладан телерадиоканалларда видеоролик ҳамда ҳаракатланувчи сатрларни ташкил этиш йўли билан етказиш вазифалари юклатилган.

«Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси» АЖ 2017 йилнинг 1 сентябр ойдан автотransпорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари билан оширилган тўлов ставкалари бўйича, ўз маблағлари ҳисобидан, шаффоф ва рақобатдошлик асосида аукцион ўтказишнинг онлайн режимидаги махсус электрон ахборот-савдо тизимини ишлаб чиқсин ва жорий қилинди.

2-савол. Автомилотransпорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби.

Автомилотransпорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

транспорт воситасининг эгаси — автомобилотransпорт воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс;

автомилотransпорт воситаларини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш — автомобилотransпорт воситасини вақтинчалик ҳисобга қўйиш, рўйхатдан ўтказиш ҳақида вақтинчалик гувоҳнома ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш;

рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси (кейинги ўринларда — РЎДРБ деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилтранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарори билан тасдиқланган автомобилтранспорт воситасига уни давлат рўйхатидан ўтказишни ҳисобга олиш учун ҳудудий кодлар ва давлат рақамлари белгиларининг типларига мувофиқ бериладиган махсус рақамли белги;

оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан рўйхати тасдиқланган ва уларни бериш оширилган тўлов ставкалар тўланишини назарда тутувчи I, IA, III ва IIIA типдаги рақамлар комбинациясидаги РЎДРБ;

харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ЙХХДХ органларининг рўйхатдан ўтказиш-имтиҳон қилиш бўлинмалари томонидан бериладиган харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган I, IA, III ва IIIA типдаги РЎДРБ;

автомобилтранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш — автомобилтранспорт воситасини доимий ҳисобга қўйиш, автомобилтранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги гувоҳнома ва РЎДРБни бериш;

рўйхатга олиш жойи — автомобилтранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи ЙХХДХ органининг жойлашган жойи;

автомобилтранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказиш — тегишли ҳуқуқий асослар мавжуд бўлганда автомобилтранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

автомобилтранспорт воситасини қайта жиҳозлаш — бошқа модел ва модификациялар агрегат ва узеллари, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи деталлардан фойдаланган ҳолда автомобилтранспорт воситаси таркибий қисмлари элементлари ва тузилишига ўзгартиришлар киритиш;

рўйхатдан ўтказиш ҳаракатлари — қонунчиликка мувофиқ ЙХХДХ органлари томонидан автомобилтранспорт воситаларини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларни ҳисобдан чиқариш, шунингдек автомобилтранспорт воситаларини рўйхатга олиш ҳақида гувоҳнома ва РЎДРБни беришдан иборат давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳаракатлар комплекси;

рўйхатдан ўтказиш ҳужжати — унинг йўл ҳаракатида иштирок этишига ҳуқуқ берилганлигини тасдиқловчи автомобилтранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш ҳақида гувоҳнома, шунингдек автомобилтранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш картаси;

транспорт воситаси — одамлар, юкларни ташиш учун ёки махсус ишларни бажариш учун мўлжалланган қурилма. Мазкур Низомнинг мақсадларидан келиб чиқиб, транспорт воситалари автотранспорт (шунингдек электромобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар) ва мототранспорт (мотоцикл, мопед, мотороллер, скутер ва электроскутер, трицикл, квадроцикллар ва бошқалар) воситаларига бўлинади.

«TRADE-IN» — илгари фойдаланишда бўлган автотранспорт воситасини тегишли тоифадаги (енгил, енгил тижорат ёки юк автомобили, автобус, махсус

техника) янги ёки эски маҳаллий ишлаб чиқаришга оид автотранспорт воситасига нархларидаги фарқни тўлаган ҳолда алмаштириш;

расмий дилер(дистрибьютор) — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида янги автотранспорт воситаларини реализация қилиш бўйича ишлаб чиқарувчи билан тегишли дилерлик (дистрибьюторлик) келишувига эга юридик шахс.

Рўйхатдан ўтказиш ҳаракатлари ҳудудий ЙХХДХ органлари — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларининг рўйхатга олиш-имтиҳондан ўтказиш бўлимлари, туман, туманлараро рўйхатга олиш-имтиҳондан ўтказиш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

ЙХХХ органларида двигатели 50 ва ундан ортиқ куб.см иш ҳажмига эга бўлган ёки конструкциявий тезлиги соатига 50 ва ундан ортиқ километр бўлган автототранспорт воситалари, электродвигателининг қуввати 4 кВт ва ундан ортиқ ёки соатига 40 ва ундан юқори тезликка эга бўлган электромобиллар (электромотоцикллар, электроскутерлар ва бошқалар), шунингдек, тиркама ва ярим тиркамалар давлат рўйхатидан ўтказилади.

Автототранспорт воситаларининг тузилмаси техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги меъёр талабларига мос келиши керак.

ЙХХДХ органларида қуйидаги транспорт воситалари давлат рўйхатидан ўтказилмайди:

ёпиқ жойларда ва қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган умумий йўлларда фойдаланишга мўлжалланмаган технологик транспорт воситалари (трактор, трактор тиркамалари, қурилиш-йўл ва мелиоратив техникаси, ўзюрар ва қишлоқ хўжалиги машиналари);

фақат конларда, шахта ва карьерларда қўлланиладиган махсус транспорт воситалари;

трамвай ва троллейбуслар;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига тегишли бўлган ҳарбий транспорт воситалари.

Кўрсатилган транспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган тартибда тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан амалга оширилади.

Автототранспорт воситасининг эгаси ёки унинг вакили автототранспорт воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар пайдо бўлиши, ўтиши, чекланиши ва тугатилиши кунидан ёки транспорт воситасининг ҳуқуқий ҳолати ўзгаришидан бошлаб ўн календарь кун ичида мазкур Низомнинг 14 ва 15-бандларига мувофиқ тегишли ҳудудий ЙХХДХ органига техник кўрикдан ўтказиш учун автототранспорт воситасини, унинг техник ҳолатидан қатъи назар ва мазкур Низомда назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этган ҳолда мурожаат қилиши зарур. Агар ЙХХДХ органларига мурожаат қилиш муддатининг охиригача куни дам олиш, байрам (иш куни бўлмаган) кунларга тўғри келса, ундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тугаган куни ҳисобланади.

Автомобилтранспорт воситасини автомобилтранспорт воситаси рўйхатдан ўтган жойдаги ҳудудий ЙХХДХ органларида техник кўриқдан ўтказиш имконияти унинг носозлиги, автомобилтранспорт воситаси эгаси соғлигининг ҳолати, ҳайдовчилик гувоҳномасининг мавжуд эмаслиги ёки унинг автомобилтранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлмаса, автомобилтранспорт воситасининг техник кўриқдан ўтиши ҳудудий ЙХХДХ органи томонидан автомобилтранспорт воситаси турган жой бўйича амалга оширилиши керак. Бу ҳолатда техник кўриқдан ўтказиш натижалари тегишли ҳудудий ЙХХДХ органи ходимлари томонидан алоҳида автомобилтранспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш далолатномасида қайд этилади.

Автомобилтранспорт воситасини қайта рўйхатдан ўтказишга олиб келувчи барча ҳолатларда у ЙХХДХ органи томонидан белгиланган тартибда техник кўриқдан ўтказилади. Автомобилтранспорт воситаси ҳудудий ЙХХДХ органи томонидан тип, марка, модель, РЎДРБ, идентификацияловчи шасси (рама), кузов ва двигателлар рақамларининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга тўғри келиши предмети юзасидан техник кўриқдан ўтказилади.

Автомобилтранспорт воситасининг бошқа шахсга ўтказилиши ҳақидаги битимлар нотариус томонидан тасдиқланиши давомида автомобилтранспорт воситасининг рақам агрегатлари ва бошқа техник параметрларнинг рўйхатдан ўтказиш маълумотларига мос келиши юзасидан мурожаат қилувчилар томонидан текширилади ва бу ҳақида шартномада акс эттирилади. Расмий дилерлар томонидан «TRADE-IN» дастури бўйича илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномасини расмийлаштиришдан олдин автомобилтранспорт воситаси рақам агрегатлари ва бошқа техник параметрларнинг рўйхатдан ўтказиш маълумотларга мос келиши юзасидан текширилиши учун сотиб олувчининг танловига кўра ҳохлаган ҳудудий ЙХХХ органларига тақдим этилиши зарур.

Бунда автомобилтранспорт воситасини кўриқдан ўтказиш натижалари бўйича кўриқдан ўтказиш маълумотлари ҳудудий ЙХХДХ органи ходимлари томонидан бериладиган маълумотномага кўриқдан ўтказган мансабдор шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, кўриқдан ўтказиш санаси кўрсатилган ҳолда ва мансабдор шахснинг имзоси билан белгиланган намунадаги штамп босилиши йўли билан қайд қилинади. Штамп ўн календарь кун мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказиш ҳаракатларини амалга оширишда, шунингдек нотариус томонидан битимларнинг тасдиқланишидан олдин кўриқдан ўтказилишида автомобилтранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларидаги маълумотлар ЙХХДХ органи томонидан олиб қочилган ва ўғирланган автомобилтранспорт воситалари бўйича маълумотлар базаси билан таққосланади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчиликка мувофиқ автомобилтранспорт воситаси бошқа шахсга ўтказилишига тақиқ ёки хатловнинг мавжудлиги юзасидан текширилади.

Бунда автомобилтранспорт воситасини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномани «ягона дарча» тамойили асосида расмийлаштириш мақсадида нотариуслар томонидан автомобилтранспорт воситасини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги битимлар тасдиқланишида автомобилтранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларидаги маълумотлар ЙХХДХ органининг олиб қочилган ва

ўғирланган автомобилотранспорт воситалари бўйича маълумотлар базаси билан интеграция қилиш орқали таққосланади.

Юк ташувчи автомобилотранспорт воситалари, автобус ва микроавтобусларга нисбатан рўйхатдан ўтказиш ҳаракатлари амалга оширилганда ҳудудий ЙҚХДХ органлари мудофаа ишлари бўйича бўлимларни белгиланган тартибда ҳисобга қўйиш ёки ҳисобдан чиқариш учун хабардор қилишади.

Кўтарувчи механизмлар билан жиҳозланган автомобилотранспортларга (автокран) нисбатан рўйхатдан ўтказиш ҳаракатлари, улар «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан ҳисобга қўйилгандан (ҳисобдан чиқарилгандан) сўнг амалга оширилади. Давлат рўйхатидан ўтган транспорт воситалари ва уларнинг эгалари тўғрисидаги маълумотлар қонунда белгиланган тартибда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, суд ҳамда қонунчилик билан ваколат берилган бошқа органларга тақдим этилиши мумкин.

Ҳудудий ЙҚХДХ органлари рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлимларининг рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш, автомобилотранспорт воситаларининг техник ҳолати ва тузилишининг хавфсизлик талабларига жавоб беришни баҳолаш бўйича ишларини ташкил этиши, шунингдек иш юритишни олиб бориши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Автомобилотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳудудий ЙҚХДХ органлари томондан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

а) ЙҚХДХ органларида рўйхатдан ўтказилмаган янги автомобилотранспорт воситаси олинганда;

б) Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига киритилган автомобилотранспорт воситалари ва улар тиркамалари ва ярим тиркамаларининг эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимида божхона рўйхатидан ўтказишда;

в) илгари ЙҚХДХ органларида рўйхатдан ўтган автомобилотранспорт воситасининг эгаси ўзгарганда;

г) автомобилотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтган жойини ўзгартиришни талаб қилувчи, автомобилотранспорт воситаси эгасининг яшаш (турар) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолатларда.

Автомобилотранспорт воситаси унинг эгасининг — жисмоний ёки юридик шахснинг номига давлат рўйхатидан ўтказилади.

Юридик шахс тузмасдан фаолиятини амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган автомобилотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу Низомда жисмоний шахсларнинг автомобилотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Жисмоний шахсларнинг автомобилотранспорт воситалари уларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойи бўйича, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган бўлмаса — вақтинча турган жойи бўйича давлат рўйхатидан ўтказилади.

Бунда рўйхатдан ўтказиш автомобилотранспорт воситаси эгасининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар, ҳар бир ҳудудда автомобилотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга давлат

рақами белгиларини бериш учун масъул этиб белгиланган ҳудудий ЙХХХ органларида ҳам амалга оширилиши мумкин;

Автотранспорт воситасини 18 ёшга тўлмаган жисмоний шахс номига, мототранспорт воситасини эса 16 ёшга тўлмаган жисмоний шахс номига давлат рўйхатидан ўтказишда, уларнинг номидан қонуний вакиллари (ота-оналари, фарзандликка олувчилари, васий ёки ҳомийлари) иштирок этади.

Муомалага лаёқатсиз жисмоний шахс номига автомототранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш, агар муомалага лаёқатсиз шахсда автомототранспорт воситасига бўлган мулк ҳуқуқи белгиланган тартибда мерос ёки ҳадя натижасида пайдо бўлган бўлса амалга оширилади.

Агар ҳадя шартномаси, суд қарори ёки мерос тўғрисидаги гувоҳномада бир автомототранспорт воситасининг эгаси сифатида бир неча шахслар кўрсатилган бўлса, автомототранспорт воситаси уларнинг келишувига кўра улардан бирининг номига давлат рўйхатидан ўтказилади. Автомототранспорт воситалари эгаларининг, автомототранспорт воситасини улардан бирининг номига давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги келишуви нотариус томонидан тасдиқланади, автомототранспорт воситалари эгаларининг ҳудудий ЙХХДХ органларига шахсан мурожаат қилиш ҳолатлари бундан мустасно. Юридик шахсларнинг автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномасида кўрсатилган жойлашган жой (почта манзили) бўйича амалга оширилади. Юридик шахс мақомига эга бўлмаган юридик шахсларнинг филиаллари, алоҳида бўлинмалари ихтиёрида бўлган автомототранспорт воситалари юридик шахсларнинг мурожаатларига кўра юридик шахсларнинг мазкур филиаллари, мазкур бўлинмалари жойлашган жойлари бўйича рўйхатга қўйилиши мумкин.

Аккредитациядан ўтган ёки қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган дипломатик ваколатхоналар ёки консуллик муассасаларига; халқаро ташкилотларга, уларнинг ваколатхоналарига ва филиалларига (халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотларни киритган ҳолда); чет давлатларнинг ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларига, уларнинг ваколатхоналари ва филиалларига; мухбирлар ва мухбирлик пунктларига (бюро, офис); савдо ваколатхоналарига, чет эл банклари ва тижорат ташкилотлари ваколатхоналарига, шунингдек доимий муассасаларга тегишли бўлган автомототранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик корпусга хизмат кўрсатиш бюроси ёрдамида давлат рўйхатидан ўтказилади.

3-савол: Автомототранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни топшириш тартиби:

Автомототранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун унинг эгаси ёки вакили ҳудудий ЙХХДХ органларига мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган қуйидаги ҳужжатларни топширади:

автомототранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг белгиланган намунадаги аризаси;

автомототранспорт воситаси эгасининг ёки унинг вакили шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

автомототранспорт воситасининг аввалги эгасига берилган автомобилототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома;

автомототранспорт воситасига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига белгиланган миқдордаги йиғимларни тўлаганлик тўғрисида ва ЙХХДХ органларининг рўйхатга олиш билан боғлиқ хизматларини тўлаганлик ҳақидаги банк тўлов ҳужжати (йиғимлар ва тўловлардан озод этилган шахслар бундан мустасно).

Автомототранспорт воситасини аввал берилган (аввал қўлланилган) РЎДРБни қайта бериш билан давлат рўйхатидан ўтказиш учун мазкур Низомнинг 31-бандига мувофиқ автомобилототранспорт воситасининг янги эгаси ёки унинг вакили томонидан ҳудудий ЙХХДХ органларига қуйидаги қўшимча ҳужжатлар тақдим этилади:

жисмоний шахслар учун — яқин қариндошликни тасдиқловчи ҳужжат ёки умумий мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома ёки меросга бўлган эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома;

юрidik шахслар учун — аризачининг автомобилототранспорт воситаси аввалги эгаси олдида ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи ҳужжат ёки аризачи автомобилототранспорт аввалги эгасининг иштирокчиси (таъсисчи, аъзоси) бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки автомобилототранспорт аввалги эгаси аризачининг иштирокчиси (таъсисчи, аъзоси) бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Автомототранспорт воситаси эгасининг ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга қуйидагилар киради:

а) жисмоний шахслар учун — жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун — фуқаролик паспорти;

ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун — туғилганлик ҳақида гувоҳнома;

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари учун — ички ишлар органларининг прописка тўғрисидаги ёки ҳарбий қисмларнинг уй ажратиш тўғрисидаги маълумотномасини илова қилган ҳолда ҳарбий қисм ёки ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки ҳарбий билет (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билетлари бундан мустасно);

чет эл фуқаролари учун — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ички ишлар органининг доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлиги жойи тўғрисидаги белгиси қўйилган чет эл фуқаросининг миллий паспорти ёхуд дипломатик паспорт ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитацияни ўтаётганликни тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

фуқаролиги бўлмаган шахслар учун — фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ички ишлар органларининг доимий яшаш жойи ёки вақтинча

турган жойи бўйича рўйхатга олинган жойи ҳақидаги белгиси қўйилган Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси;

жисмоний шахсларнинг вакиллари учун:

нотариус томонидан тасдиқланган жисмоний шахсларнинг вакили ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки жисмоний шахс қонуний вакили ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат;

вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатлар);

юридик шахслар учун:

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

юридик шахснинг раҳбари (директор, раис) томонидан имзоланган ва унинг муҳри билан тасдиқланган (тадбиркорлик субъектларидан муҳр билан тасдиқлаш талаб қилинмайди) юридик шахс вакили ваколатларини тасдиқловчи ишончнома. Юридик шахснинг эркинликлари ифодалаган ҳолатларда, ишончноманинг ўрнига унинг раҳбари томонидан уни ушбу лавозимга тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда (тадбиркорлик субъектларидан муҳр билан тасдиқлаш талаб қилинмайди) тақдим этилади.

вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатлар).

Автомобил транспорт воситасига бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларга қўйидагилар қиради:

меросга бўлган ҳуқуқ ёки мулк ҳуқуқлар тўғрисида нотариус томонидан берилган гувоҳнома;

суднинг қонуний кучга кирган қарори;

нотариус томонидан тасдиқланган автомобил транспорт воситасини бошқа шахсга бериш тўғрисида шартнома (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, рента ва бошқалар);

махсус савдо ташкилоти (автомобил транспорт воситалари ташкилоти — ишлаб чиқарувчиси, унинг вакили ёки воситачи (дистрибьюторлик, дилерлик) ташкилотлар ҳамда «TRADE-IN» дастури бўйича юридик шахс) томонидан бериладиган ҳисоб-маълумот, «UzAuto Motors» АЖ автомобилларига бериладиган электрон ҳисоб-маълумот;

«TRADE-IN» дастури бўйича илгари фойдаланишда бўлган автотранспорт воситаси олди-сотди шартномаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги «Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан ташкил этилган аукционларда автомобил транспорт воситаларига эга бўлишни тасдиқловчи аукцион натижалари тўғрисидаги баённома;

юқори турувчи давлат органининг автомобил транспорт воситасини бир тизим ичида текинга бериш тўғрисидаги қарори (буйруғи, фармойиши);

юридик шахснинг юқори турувчи бошқарув органининг юридик шахснинг устав жамғармасига (устав капиталига) автомобил транспорт воситасини киритиш

тўғрисида ёки шу юридик шахснинг иштирокчисига (таъсисчи, аъзо) юридик шахснинг автомобилоттранспорт воситасини дивиденд сифатида тўлаш тўғрисидаги қарори (иштирокчилар (таъсисчилар, аъзолар) умумий йиғилишининг баённомаси, ёки ягона иштирокчининг қарори);

давлат божхона хизмати органи томонидан берилган юк божхона декларацияси;

шахснинг автомобилоттранспорт воситасини оммавий ўйинда (лотереяда) ютганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

давлат органининг транспорт воситасини мукофот (ҳадя) сифатида тақдим этганлиги тўғрисидаги қарорининг нусхаси;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳужжат.

Яқин қариндошликни тасдиқловчи ҳужжатга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки яқин қариндошликни тасдиқловчи ваколатли орган томонидан берилган бошқа ҳужжат киради. Аризачининг автомобилоттранспорт воситасининг аввалги эгаси олдида ҳуқуқий ворислигини тасдиқловчи ҳужжатга аризачи-юридик шахснинг устави ёки таъсис шартномаси киради.

Аризачи юридик шахс автомобилоттранспорт воситасининг аввалги эгаси-юридик шахс иштирокчиси (таъсисчиси, аъзоси, акционери) эканлигини тасдиқловчи ҳужжатга охиргисининг устав таъсис шартномаси ёки акциядорлар реестри киради. Автомилоттранспорт воситасининг аввалги эгаси-юридик шахс аризачи-юридик шахснинг иштирокчиси (таъсисчи, аъзо, акциядор) эканлигини тасдиқловчи ҳужжатга охиргисининг устави ёки таъсис шартномаси ёхуд акциядорлар реестри киради. ЙХХДХ органларида илгари рўйхатга қўйилмаган янги автомобилоттранспорт воситасини ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритилган ва давлат божхона хизмати органи томонидан юк божхона декларацияси берилган автомобилоттранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказишда мазкур Низомнинг 16-банди тўртинчи хатбошида кўрсатилган автомобилоттранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этиш талаб этилмайди.

Автомилоттранспорт воситаси суд қарори асосида давлат мулкига қаратилганда, давлат фойдасига рад этиш божхона режимига расмийлаштирилганда ёки эгаси йўқ деб топилиб жойлардаги ижро ҳокимияти органининг қарорига кўра давлат фойдасига ўтганда, башарти аукционда сотиш мобайнида унинг рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномаси мавжуд бўлмаса ёки йўқотилган бўлса, унинг рўйхатга олиниши аукционда автомобилоттранспорт воситасини сотиб олганликни тасдиқловчи аукцион натижалари тўғрисидаги баённома асосида амалга оширилади.

Автомилоттранспорт воситасининг рўйхатда туриш жойини ўзгартиришга олиб келадиган автомобилоттранспорт воситаси эгасининг яшаш (турар) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгариши муносабати билан транспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказишда, мазкур Низомнинг 16-банди бешинчи хатбошида келтирилган автомобилоттранспорт воситасига бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилмайди.

Автомототранспорт воситаларини рўйхатга олиш ёки уни рўйхатга олишни асосли рад этиш ЙХХДХ органларида мурожаат қилган куннинг ўзида амалга оширилади.

ЙХХДХ органлари томонидан автоматотранспорт воситасини давлат рўйхатига қўйиш ёзма шаклда қўйидаги ҳолатларда рад этилиши мумкин:

- а) мазкур Низомда белгиланган тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаганда;
- б) автоматотранспорт воситасини рул бошқаруви ўнг томонда жойлашган ҳолда тақдим этганда;
- в) ЙХХДХ органларида фойдаланувга яроқсизлиги туфайли ҳисобдан чиқарилган автоматотранспорт воситасини тақдим этганда;
- г) конструкцияси ёки конструкциясига киритилган ўзгартиришлар техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида белгиланган тартибда нормаларга жавоб бермайдиган ҳолатларда автоматотранспорт воситасини тақдим этганда;
- д) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан бериладиган рухсатсиз мустақил равишда эҳтиёт қисмлар ва агрегатлардан тайёрланган ва йиғилган автоматотранспорт воситасини тақдим этганда;
- е) автоматотранспорт воситасига ташкилот — ишлаб чиқарувчилар томонидан қўйилган идентификация тамғасини яшириш, сохталаштириш, ўзгартириш, йўқ қилиш аломатлари ёхуд тақдим этилган ҳужжатларнинг сохталаштирилиши, тақдим этилган ҳужжатларда ёки рўйхатга доир ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган маълумотларга автоматотранспорт воситаси ва рақам агрегатларининг номувофиқлиги аниқланганда;
- ж) автоматотранспорт воситасининг, рақам агрегатларининг қидирувда эканлиги ёки тақдим этилган ҳужжатларнинг йўқолганлиги (ўғирланганлиги) тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда;
- з) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ автоматотранспорт воситасининг тасарруф этилишига тақиқ ёки унинг хатлаб қўйилиши мавжуд бўлганда.

Автомототранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакили автоматотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказишга рад этиш асосларини бартараф этган тақдирда, автоматотранспорт воситасини давлат рўйхатига қўйиш тўғрисида ариза билан қайтадан мурожаат қилишга ҳақли. Автомототранспорт воситалари давлат рўйхатидан ўтказилганда унинг эгаларига ҳудудий ЙХХДХ органлари томонидан РЎДРБ ва автоматотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисида гувоҳнома берилади. Илгари берилган автоматотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва РЎДРБ, шунингдек чет эл ҳужжатлари ва рўйхатдан ўтиш рақамли белгилари олиб қўйилади (улар мавжуд бўлганда).

Давлат рўйхатидан ўтказилган автоматотранспорт воситаларининг РЎДРБ ва автоматотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳномалар эгаларига уларнинг шахсини идентификация қилиш (бармоқ изларини сканер қилиш ва бошқалар) йўли билан топширилади ва электрон қайд этилади. Автомототранспорт воситаси эгасининг яшаш (турар) жойи ўзгарганлиги муносабати билан автоматотранспорт воситасининг давлат рўйхатини амалга

оширган ҳудудий ЙХХДХ органи мустақил равишда ушбу автотототранспорт воситасини ҳисобдан чиқаришни бу ҳақдаги тегишли маълумотни рўйхатдан ўтган автотототранспорт воситаларининг Ягона маълумотлар базасига киритиш йўли билан амалга оширади.

Автотототранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш мобайнида ЙХХДХ органи белгиланган намунадаги автотототранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш картасини очади, унга агрегат рақамлари, автотототранспорт воситасининг бошқа техник параметрлари, автотототранспорт воситаси эгаси тўғрисида маълумотлар, унинг яшаш (турар) жойи ва бошқа зарур маълумотлар киритилади.

Транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш картасига рўйхатдан ўтказишда қўйдаги маълумотлар ҳам киритилади:

автотранспорт воситасини 18 ёшга тўлмаган жисмоний шахс номига, мототранспорт воситасини эса 16 ёшга тўлмаган шахс ёки муомалага лаёқатсиз шахс номига рўйхатдан ўтказишда — автотототранспорт воситасининг эгаси қонуний вакиллари: ота онаси, фарзандликка олувчилар, васий ва ҳомийлар тўғрисида;

ҳадя шартномасида ёки мерос гувоҳномасида автотототранспорт эгаси сифатида кўрсатилган шахслардан бирининг номига автотототранспортни рўйхатдан ўтказишда — автотототранспорт воситасининг бошқа эгалари тўғрисидаги маълумотлар;

Ушбу бўлим қоидалари транспорт воситаларини вақтинчалик рўйхатга қўйиш, қайта рўйхатга олиш ва бошқа шахснинг ихтиёрига бериш билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда транспорт воситалари билан битимларни ҳисобга олиш тартибига, мазкур Низомнинг тегишли бўлимларида кўрсатилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, қўлланилади.


Мустақил таълим учун топшириқ: _____

1.Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги «Автотототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 683-сон қарорини ўқиб ўрганиш.

Семинар машғулоти режаси:

Ушбу ўқув машғулоти “*Кичик гуруҳларда ишлаш*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



Гуруҳларга топшириқлар:

1. Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишда рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш.
2. Автомототранспорт воситаларини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш.
3. Бошқа шахсларга ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган автоматотранспорт воситалари билан келишувларни ҳисобга қўйиш тартиби.
4. Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби.
5. Автомототранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш тартиби.
6. Жисмоний ва юридик шахсларга автотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича беришда «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ ахборот тизимида аукцион ўтказиш тартиби.

**Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишда
рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш**

РЎДРБ:

автотранспорт воситаларига, тиркама ва ярим тиркамалардан ташқари — транспорт воситасининг олд ва орқа қисмларида мустаҳкамлаш учун бир жуфт РЎДРБ;

мототранспорт воситалари, тиркама ва ярим тиркамаларга — транспорт воситасининг орқа қисмига жойлаштириш учун битта РЎДРБ берилади.

РЎДРБ ундаги рақамларнинг ўсиб бориш тартибига қатъий мувофиқ равишда берилади, оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ ва автотранспорт воситаси эгасининг аризасига асосан харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун бериладиган РЎДРБ бундан мустасно:

оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ «Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси» АЖ (кейинги ўринларда биржа деб аталади) ахборот тизимида рақобатли жараёнда қолиб бўлганларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларига, шунингдек харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган РЎДРБни олишга ариза берган автотранспорт воситалари эгаларига берилади;

юримдик шахсларга, давлат ташкилотлари ва устав фондида 50 фоиздан ортиқ давлат улуши бўлган юримдик шахслардан ташқари — I, IA ёки IE, IAE типли РЎДРБ;

жисмоний шахсларга — III, IIIA ёки IIIE, IIIAE типли РЎДРБ.

Илгари фойдаланишда бўлган РЎДРБ омборга яна кирим қилиниши ва белгиланган тартибда сарфланиши (берилиши) мумкин.

Берилган РЎДРБ, шу жумладан оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ ва харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ автотранспорт воситаси эгасининг мулки ҳисобланмасдан, улардан қатъиян мақсадли фойдаланилиши учун унга тақдим этилади.

Худудий ЙХХДХ органларида оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун мавжуд ва берилган РЎДРБ ҳақидаги маълумот интерактив экранда очиқ кўринишда акс эттирилиши ва вақти-вақти билан янгилаб борилиши керак. Ўхшаш маълумотлар биржанинг ахборот тизимида ҳар бир худудий ЙХХХ органи бўйича маълумотлар онлайн режимида мажбурий янгиланган ҳолда алоҳида бўлиши лозим.

Автотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказишда олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) оширилган тўлов ставкалари бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ ва харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ транспорт воситасининг аввалги эгасининг аризасига кўра худудий ЙХХДХ органига ўн икки ой муддатга сақлаш учун топширилиши мумкин. РЎДРБни сақлаганлик учун тўлов ундирилмайди.

Ушбу муддат давомида шахснинг транспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиши муносабати билан оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ ва харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга

бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ бериш ҳақида аризаси мавжуд бўлмаганда, сақланиб келинаётган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ ва харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБ белгиланган тартибда олиб қўйилади ва омборга кирим қилинади.

Автотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказишда олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБнинг ва харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкалари бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБнинг алмаштирилишига олиб келса, автотранспорт воситасининг аввалги эгасининг хоҳишига кўра ушбу РЎДРБлар сақлаб қолинади ва такроран берилади:

а) жисмоний шахслар учун — ушбу шахсга ёхуд унинг яқин қариндошига (ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобоси, бувиси, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-укалари ва опа-сингилларига), шунингдек умумий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга ва меросхўрларга тегишли бўлган бошқа автотранспорт воситасига;

б) юридик шахслар учун — рўйхатдан ўтказиб берилаётган бошқа автотранспорт воситасига ўша юридик шахсга — автотранспорт воситасининг аввалги эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси (юридик шахс номи қайта ўзгарганда, бирлашганда, қўшилганда, бўлинганда, ажралиб чиққанда ёки қайта ташкил этилганда) ёки юридик шахс томонидан — унинг иштирокчисига (таъсисчисига, аъзосига) ёхуд юридик шахснинг иштирокчиси (таъсисчиси, аъзоси) ҳисобланган юридик шахсга — автотранспорт воситасининг аввалги эгаси.

Олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) РЎДРБлар автотранспорт воситасининг аввалги эгаси томонидан сақланмаганда, улар кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказилганда автотранспорт воситаси янги эгасининг аризасига асосан ўша автотранспорт воситасида сақланади.

Оширилган тўлов ставкалари бўйича автотранспорт воситалари учун олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) РЎДРБлар автотранспорт воситаларининг эгалари томонидан сақланмаганда, белгиланган тартибда ҳудудий ЙХХХ органлари томонидан олиб қўйилади ва биржанинг ахборот базасида очиқ савдога белгиланган тартибда уларни кейинчалик бериш учун чиқарилади. Бунда ҳудудий ЙХХДХ органи оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун янги РЎДРБларни белгиланган тартибда илгари фойдаланилган ўхшаш ҳарф ва рақамлар комбинацияси ўрнига тайёрланишини таъминлайди.

Олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) РЎДРБлар, шу жумладан харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун, улар автотранспорт воситалари эгалари томонидан сақланмаган ҳолатларда ҳудудий ЙХХДХ органлари томонидан олиб қўйилади ва белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Бошқа ҳудудларнинг ҳудудий кодларига эга бўлган олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) РЎДРБлар, шу жумладан оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар ва харидоргир ҳарф ва рақамлар

комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар ҳудудий ЙХХДХ органлари томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади. Бошқа ҳудудларнинг ҳудудий кодларига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар йўқ қилинганлиги ҳақида олдинги ҳисоб жойи бўйича ҳудудий ЙХХДХ органи 5 кун мобайнида ёзма равишда хабардор қилинади.

Бунда аввалги эгасининг аризасига кўра олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) бошқа ҳудудларнинг ҳудудий кодларига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар ва харидорғир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар автотранспорт воситаси ҳисобдан чиқарилгандан сўнг автотранспорт воситасини ҳисобдан чиқарган ЙХХДХ органи томонидан РЎДРБнинг ҳудудий кодларига мувофиқ тегишли ҳудудий ЙХХДХ органига қайтарилади.

Мазкур Низомнинг 30 ва 31-бандларига (учинчи хатбоши бундан мустасно) мувофиқ олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) РЎДРБлар, оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБлар ва харидорғир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган оширилган тўлов ставкаси бўйича автотранспорт воситалари учун РЎДРБларни такроран бериш фақат улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ бўлганда, шу жумладан РЎДРБнинг ҳудудий кодига, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтиш жойига мувофиқ бўлганда, шунингдек РЎДРБ бериш учун белгиланган тегишли тўловлар амалга оширилганидан сўнг йўл қўйилади.

Олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) РЎДРБлар такроран берилганда оширилган тўлов ставкаси тўлови назарда тутилмаган ҳолда РЎДРБни бериш учун тўлов ставкасининг 50 фоизи миқдорида тўлов суммаси белгиланади.

Олдин берилган (илгари фойдаланишда бўлган) РЎДРБлар мазкур Низомнинг 31-банди биринчи хатбошига мувофиқ такроран берилганда, оширилган тўлов ставкаси назарда тутилмаган РЎДРБлар учун тўлов суммаси РЎДРБни бериш учун тегишли тўлов ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

Автомототранспорт воситаларини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш

Автомототранспорт воситаларини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ҳудудий ЙХХДХ органлари томонидан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш божхона режимига олиб келинган автоматототранспорт воситалари давлат божхона хизмати органлари томонидан расмийлаштирилганда;

б) автоматототранспорт воситаси тажриба намуналари синовларидан ўтказилганда;

в) автоматототранспорт воситасининг лизинг (сублизинг) шартномасига асосан автоматототранспорт воситаси лизингга (сублизингга) берилганда;

в¹) расмий дилерлар томонидан «TRADE-IN» дастури бўйича илгари фойдаланишда бўлган автотранспорт воситаси сотиб олинганда;

г) автоматототранспорт ҳужжатларининг қонунийлигига шубҳа ёки бошқа аниқлик киритилиши талаб этилаётган ҳолат пайдо бўлганда;

д) автомобилотранспорт воситаси эгасининг яшаш (турган) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, автомобилотранспорт воситасининг вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш жойини ўзгартириш талаб этилганда;

е) автомобилотранспорт воситаси билан эгасининг яшаш (турган) жойи олти ойдан кўп бўлган муддатга вақтинчалик ўзгарганда, шунингдек нотариус томонидан тасдиқланган шартнома, ишончнома бўйича вақтинчалик ўтказилиши билан боғлиқ ҳолда автомобилотранспорт воситаси у рўйхатдан ўтган ҳудудий ЙХХДХ органи ташқарисига чиқиб кетганда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган ва вақтинчалик олиб кириш божхона режимига расмийлаштирилган автомобилотранспорт воситасини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун эгаси ёки унинг вакили ҳудудий ЙХХДХ органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юк божхона декларацияси;

транспорт воситаси эгасининг ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига белгиланган миқдордаги йиғимнинг ва ЙХХДХ органларининг рўйхатдан ўтказиш ҳаракатларини амалга оширишдаги хизматлари учун тўловларнинг тўланганлиги ҳақида банк тўлов ҳужжати (йиғим ва тўловлардан озод этилган шахслар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган ва вақтинчалик олиб кириш божхона режимига расмийлаштирилган автомобилотранспорт воситасини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш вақтинчалик олиб кириш рухсатномасида кўрсатилган муддатга амалга оширилади.

Автомобилотранспорт воситаларининг синовлардан ўтказилаётган тажриба намуналарини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ҳудудий ЙХХДХ органи томонидан қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

автомобилотранспорт воситасининг тажриба намунаси эгасининг ёки унинг вакилининг аризаси;

автомобилотранспорт воситаси эгасининг ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;

ҳудудий ЙХХДХ органи томонидан расмийлаштирилган алоҳида автомобилотранспорт воситасининг тажриба намунасини техник кўрикдан ўтказиш далолатномаси;

автомобилотранспорт воситаси тажриба намунасининг тўхташ жойи тўғрисида маълумотлар.

Автомобилотранспорт воситаларининг тажриба намуналарини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш синовдан ўтказиш муддатига амалга оширилади.

Вақтинчалик рўйхатдан ўтказилган автомобилотранспорт воситасининг тажриба намунасига вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддатига автомобилотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома ва «ТАЖРИБА» типдаги РЎДРБ берилади.

Лизингга (сублизингга) берилаётган автомобилотранспорт воситасини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун эгаси ёки унинг вакили ҳудудий ЙХХДХ органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

автомототранспорт воситасининг эгаси ёки унинг вакилининг белгиланган намунадаги аризаси;

автомототранспорт воситаси эгасининг ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;

автомототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаси ёки ихтисослаштирилган савдо корхонаси томонидан бериладиган ҳисоб-маълумотнома;

автомототранспорт воситасининг лизинг ёки сублизинг шартномаси (қонунчиликда белгиланган ҳолатларда — нотариус томонидан тасдиқланганлиги);

ЙХХДХ органларининг рўйхатдан ўтказиш ҳаракатларини амалга оширишдаги хизматлари учун белгиланган миқдордаги тўловларнинг тўланганлиги ҳақида банк тўлов ҳужжати (тўловларни тўлашдан озод этилган шахслар бундан мустасно).

Расмий дилерлар томонидан «TRADE-IN» дастури бўйича илгари фойдаланишда бўлган автотранспорт воситаси сотиб олинганда, вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун расмий дилер вакили ҳудудий ЙХХХ органларида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

расмий дилернинг аризаси;

расмий дилер вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган расмий дилер вакилининг ишончномаси;

расмий дилер билан автотранспорт воситасининг эгаси ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси;

автотранспорт воситасининг РЎДРБ ва рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси.

«TRADE-IN» дастури бўйича сотиб олинган илгари фойдаланишда бўлган автотранспорт воситаси расмий дилер томонидан ДЙХХХ органларида вақтинчалик рўйхатдан ўтказишда маълумотнома берилади (вақтинчалик рўйхатдан ўтказилган автотранспорт воситасига РЎДРБ ва рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома берилмайди).

Мазкур маълумотнома автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини бермайди (расмий дилернинг жойлашган манзилига ёки автотранспорт воситасини сақлаш жойига етиб олиш бундан мустасно).

Расмий дилерлик ташкилоти томонидан илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун уларни ЙХХХ органларида вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш вақтида йиғим тўланмайди.

Бир шахс томонидан бошқа шахсга лизинг ёки сублизинг шартномаси доирасида вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш учун олинган автототранспорт воситасини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш, тузилган автототранспорт воситасининг лизинг (сублизинг) шартномаси талабларидан келиб чиқиб, лизинг берувчи ёки лизинг олувчи номига лизинг (сублизинг) шартномасида кўрсатилган муддатга амалга оширилади. Агар лизинг шартномасида лизинг олувчи номига автототранспорт воситасини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ҳақида бир хилдаги қоидалари мавжуд бўлмаса, унда автототранспорт воситаси лизинг берувчи номига рўйхатдан ўтказилади.

Автомототранспорт воситасини лизинг берувчига вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш лизинг берувчининг яшаш (турган) жойи бўйича, лизинг олувчига эса — лизинг олувчининг яшаш (турган) жойи бўйича амалга оширилади.

Лизингга (сублизингга) берилаётган автоматотранспорт воситасини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш лизинг (сублизинг) шартномасида кўрсатилган муддатга автоматотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома берилиши билан амалга оширилади.

Лизингга (сублизингга) берилаётган вақтинчалик рўйхатдан ўтказилган транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш картасига автоматотранспорт воситасини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддатининг тугаши, лизинг (сублизинг) шартномасининг рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Лизинг, «___» _____ 20__ йилдаги «___ -сон лизинг (сублизинг) шартномасига асосан вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш _____ гача» деган ёзув киритилади.

Лизинг олувчига автоматотранспорт воситаси мулк ҳуқуқи асосида ўтишини назарда тутувчи лизинг (сублизинг) шартномасининг амал қилиш муддати тугаши билан автоматотранспорт воситаси лизинг (сублизинг) шартномаси ва лизинг берувчининг автоматотранспорт воситасига бўлган мулк ҳуқуқининг лизинг олувчига ўтганлиги ҳақидаги тасдиқловчи хати асосида лизинг олувчининг номига давлат рўйхатидан ўтказилади.

Лизинг олувчига автоматотранспорт воситасига бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиши назарда тутилмаган лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугаши билан лизинг олувчига автоматотранспорт воситаси фақат нотариус томонидан тасдиқланган автоматотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш шартномаси (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, рента ва бошқалар) асосида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Лизинг олувчи номига рўйхатдан ўтказилган автоматотранспорт воситасининг лизинг берувчига қайтариб берилишини назарда тутувчи лизинг шартномасини бекор қилган ҳолда, кўрсатилган автоматотранспорт воситаси лизинг шартномасининг бекор қилинганлиги ҳақида хужжат ёки автоматотранспорт воситасини лизинг берувчига қайтарилишини назарда тутувчи суд ёки бошқа органлар ижро хужжатининг нусхаси илова қилинган ҳолда лизинг берувчининг аризасига асосан лизинг берувчи номига рўйхатдан ўтказилади.

Давлат рўйхатидан (вақтинчалик рўйхатдан) ўтказиш учун тақдим этилган автоматотранспорт воситаларининг хужжатлари ЙХХДХ органларида уларнинг асли эканлигига ёки улардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғдирса ёхуд бошқа аниқлик киритилиши лозим бўлган ҳолатлар мавжуд бўлса, лекин шу билан бирга мазкур Низомнинг 22-бандида кўрсатилган автоматотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказишга рад қилиш учун асослар мавжуд бўлмаса, олти ойдан ошмаган муддатга вақтинчалик рўйхатга олинади.

Кўрсатилган автоматотранспорт воситаларини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш мазкур Низомнинг 16, 34 ёки 36-бандларига мувофиқ тақдим этилган хужжатлар асосида амалга оширилади.

Вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати давомида ЙХХДХ органлари бошқа ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорликда тақдим қилинган хужжатларни текшириш бўйича тегишли тадбирларни амалга оширади. Шубҳалар тасдиқланганда ва рўйхатдан ўтказиш учун асослар пайдо бўлганда ЙХХДХ

органлари аввалги эгасига автомобилотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлигини тиклаб бериб, автомобилотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлигини бекор қилади ёхуд қонунчиликда белгиланган бошқа чораларни кўради. ЙХХДХ органларининг шубҳалари тасдиқланмаганда ёки автомобилотранспорт воситасининг вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати тугаганда, у автомобилотранспорт воситаси эгасининг ЙХХДХ органлари томонидан рўйхатдан ўтказишдаги ҳаракатлари учун ундириладиган тўловсиз умумий асосларга кўра рўйхатдан ўтказилади.

Автомобилотранспорт воситасининг вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш жойи ўзгартирилиши талаб этилаётган автомобилотранспорт воситаси эгасининг яшаш (турган) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, автомобилотранспорт воситасини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун эгаси ёки унинг вакили ҳудудий ЙХХДХ органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- автомобилотранспорт воситасининг эгаси ёки унинг вакилининг белгиланган намунадаги аризаси;
- автомобилотранспорт воситаси эгасининг ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;
- автомобилотранспорт воситаси эгасининг яшаш (турган) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (яшаш жойи бўйича пропискага қўйилганлиги белгиси билан паспорт, юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар);
- ЙХХДХ органларининг рўйхатдан ўтказиш ҳаракатларини амалга оширишдаги хизматлари учун белгиланган миқдордаги тўловларнинг тўланганлиги ҳақида банк тўлов ҳужжати (тўловларни тўлашдан озод этилган шахслар бундан мустасно). Ушбу асос бўйича автомобилотранспорт воситасини вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш, тегишли асосларнинг мавжуд ҳолатларидан ташқари, олдинги вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддатини ўзгартирмаган ҳолда амалга оширилади.

Автомобилотранспорт воситаси билан эгасининг яшаш (турган) жойи олти ойдан кўп бўлган муддатга вақтинчалик ўзгарганда, шунингдек автомобилотранспорт воситаси у рўйхатдан ўтган ҳудудий ЙХХДХ органидан ташқарисига вақтинча чиқиб кетганда, автомобилотранспорт воситаси қуйидаги ҳужжатларни тақдим этган ҳолда вақтинчалик рўйхатдан ўтказилади:

автомобилотранспорт воситасининг эгаси ёки унинг вакилининг белгиланган намунадаги аризаси;

автомобилотранспорт воситаси эгасининг ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;

автомобилотранспорт воситаси эгасининг яшаш (турган) жойи вақтинчалик ўзгарганлик ҳолатларини тасдиқловчи ҳужжатлар (яшаш жойи бўйича пропискага қўйилганлиги белгиси билан паспорт, хизмат сафари тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар), нотариус томонидан тасдиқланган ва автомобилотранспорт воситасини вақтинчалик фойдаланишга олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалари) (шартнома, ишончнома ва ҳ.к.);

ЙХХДХ органларининг рўйхатдан ўтказиш ҳаракатларини амалга оширишдаги хизматлари учун белгиланган миқдордаги тўловларнинг тўланганлиги ҳақида банк тўлов ҳужжати (тўловларни тўлашдан озод этилган шахслар бундан мустасно).

Бошқа шахсларга ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган автомобилотранспорт воситалари билан келишувларни ҳисобга қўйиш

Нотариуслар, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда эса консуллар томонидан ҳам тасдиқланган автомобилотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ишончномалари, ижара, текинга фойдаланиш ва автомобилотранспорт воситаларини гаровга қўйиш шартномалари, автомобилотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтиш жойи бўйича тегишли ҳудудий ЙХХДХ органларида автомобилотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказмасдан ҳисобга қўйилади.

Автомобилотранспорт воситаларини бегоналаштириш билан боғлиқ бўлмаган битишувларни ҳисобга олиш юридик шахслар томонидан ўз ходимларига берилган автомобилотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларга ҳамда энгил автомобилларни ва мототранспорт воситаларини ижарага бериш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар ҳамда жисмоний шахслар ўртасида энгил автомобилларни ва мототранспорт воситаларини, шунингдек каршеринг ташкилотларининг йўловчилар автотранспорти ва мототранспорт воситаларини жисмоний ва юридик шахсларга ўттиз кунгача муддатга қисқа муддатли ижарага бериш юзасидан оддий ёзма шаклда тузиладиган ижара шартномаларига нисбатан қўлланилмайди.

Мазкур Низомнинг 45-бандида кўрсатилган ҳужжатларни ҳисобга қўйиш учун нотариус ва консуллар томонидан уларнинг электрон шакллари ҳудудий ЙХХДХ органларига юборилади ёки ЙХХДХнинг автомобилотранспорт воситаларини ҳисобга қўйишни рўйхатдан ўтказиш Ягона автоматлаштирилган тизимига киритилади.

Мазкур Низомнинг 45-бандида назарда тутилган ҳужжатларни ҳисобга қўйиш ҳисобга қўйиладиган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни автомобилотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш картасига киритиш йўли билан амалга оширилади, унга ҳужжатнинг электрон шакли илова қилинади.

Мазкур Низомнинг 45-бандида кўрсатилган ҳужжатларни рўйхатга қўйиш юк ташувчи автотранспорт воситалари, автобуслар ва микроавтобусларга нисбатан мудофаа ишлари бўйича бўлимни хабардор қилмасдан ЙХХДХ органи томонидан, кўтариш механизмлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларига (автокран) нисбатан эса «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Мазкур Низомнинг 45-бандида кўрсатилган ҳужжатларни ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғимларни ва ЙХХДХ органларининг рўйхатдан ўтказиш ҳаракатларини амалга оширишдаги хизматлари учун йиғимларни ундирмасдан амалга оширилади.

Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказиш

Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказиш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

а) мулкдор — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, шунингдек мулкдор — юридик шахс қайта ташкил этилганда ёки номланиши ўзгарганда;

б) автоматотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш жойини ўзгартиришни талаб қилмаган ҳолатда автоматотранспорт воситаси эгасининг яшаш (турган) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда;

в) юридик шахсларга тегишли юк автотранспорт воситаларининг, автобус ва микроавтобусларининг сақлаб туриладиган жойи ўзгарганда;

г) автоматотранспорт воситаларининг ранги ва (ёки) рақам агрегати ўзгарганда;

д) автоматотранспорт воситаси қайта жиҳозланганда;

е) автоматотранспорт воситасини ёки РЎДРБни рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси яроқсиз ҳолга келганда, шикастланганда ёки йўқолганда.

Мулкдор — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, шунингдек мулкдор — юридик шахс қайта ташкил этилганда ёки номланиши ўзгарганда, автоматотранспорт воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш учун мулкдор ёки унинг вакили ҳудудий ЙХХДХ органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

автоматотранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг белгиланган намунадаги аризаси;

автоматотранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

мулкдор — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганлигини (ФХДЁ органларининг ёки хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимининг маълумотномаси), шунингдек мулкдор — юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ёки номланиши ўзгарганлигини (юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида маълумот ва юридик шахснинг бошқарув органи қарори) тасдиқловчи ҳужжат;

рўйхат ҳаракатларини амалга ошириш мобайнидаги ЙХХДХ органларининг хизматлари учун белгиланган миқдордаги тўловларни тўлаганликни тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати (тўловлардан озод этилган шахслардан ташқари).

Мулкдор — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, шунингдек мулкдор — юридик шахс қайта ташкил этилганда ёки номланиши ўзгарганда автоматотранспорт воситасининг рўйхатга олиш картасига тегишли ўзгартиришлар киритилади, илгари берилган автоматотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома эса автоматотранспорт воситаси эгаси ҳақида янги маълумотларни кўрсатган ҳолда алмаштирилади.

Автоматотранспорт воситаси эгасининг рўйхатдан ўтган жойини ўзгартиришни талаб этмайдиган автоматотранспорт воситаси эгасининг яшаш (турган) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда автоматотранспорт воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш учун мулкдор ёки унинг вакили ҳудудий ЙХХДХ органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

➤ автотототранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг белгиланган намунадаги аризаси;

➤ автотототранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

➤ автотототранспорт воситаси эгасининг яшаш (турган) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжат (яшаш жойи бўйича прописка тўғрисидаги белги билан паспорт, юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар);

➤ рўйхатдан ўтказиш ҳаракатларини амалга ошириш мобайнидаги ЙХХДХ органлари томонидан ундириладиган белгиланган миқдордаги тўловларни тўлаганликни тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати (тўловлардан озод этилган шахслардан ташқари).

Автотототранспорт воситаси эгасининг рўйхатдан ўтган жойини ўзгартиришни талаб этмайдиган автотототранспорт воситаси эгасининг яшаш (турган) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, автотототранспорт воситасининг рўйхатга олиш картасига тегишли ўзгартиришлар киритилади, илгари берилган автотототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома эса автотототранспорт воситаси эгасининг янги яшаш (турган) жойи ёки жойлашган жойини (почта манзилини) кўрсатган ҳолда алмаштирилади.

Юридик шахсларга тегишли юк автотранспорт воситаларининг, автобус ва микроавтобусларнинг сақлаб туриладиган жойи ўзгарганда автотранспорт воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш учун мулкдор ёки унинг вакили ҳудудий ЙХХДХ органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

➤ автотранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг белгиланган намунадаги аризаси;

➤ автотототранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

➤ рўйхатдан ўтказиш ҳаракатларини амалга ошириш мобайнидаги ЙХХДХ органлари томонидан ундириладиган белгиланган миқдордаги тўловларни тўлаганликни тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати (тўловлардан озод этилган шахслардан ташқари).

Автотототранспорт воситаларининг ранги ва (ёки) номер агрегати ўзгарганда автотранспорт воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш учун мулкдор ёки унинг вакили ҳудудий ЙХХДХ органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

➤ автотототранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг белгиланган намунадаги аризаси;

➤ автотранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

➤ рақам агрегатларининг қонуний олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ҳисоб-маълумотнома, нотариус томонидан тасдиқланган олди-сотди шартномаси);

➤ автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича махсус корхонада рақам агрегатларининг алмаштирилганлигини ва (ёки) рангнинг ўзгартирилганлигини (ранг ўзгартирилганда) тасдиқловчи ҳужжат;

➤ рўйхатдан ўтказиш ҳаракатларини амалга ошириш мобайнидаги ЙҚХДХ органлари томонидан ундириладиган белгиланган миқдордаги тўловларни тўлаганликни тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати (тўловлардан озод этилган шахслардан ташқари).

Транспорт воситасининг ранги ва (ёки) рақам агрегати ўзгарганда автомобилотранспорт воситасининг рўйхатга олиш картасига тегишли ўзгартиришлар киритилади, илгари берилган автомобилотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома эса транспорт воситасининг янги ранги ва (ёки) рақам агрегатини кўрсатган ҳолда алмаштирилади.

Автотранспорт воситаси қайта жиҳозлаганда уни қайта рўйхатдан ўтказиш қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

➤ автомобилотранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг белгиланган намунадаги аризаси;

➤ автотранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

➤ рақамли агрегатлар (ҳисоб-маълумотнома, нотариус томонидан тасдиқланган олди-сотди шартномаси) ва автотранспорт воситаси қайта жиҳозланганда ишлатилган бошқа деталларнинг олинганлигининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

➤ ЙҚХДХ томонидан берилган автотранспорт воситаларини қайта жиҳозлашга рухсати бўлган автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича махсус корхонада қайта жиҳозлашни амалга оширганликни тасдиқловчи ҳужжат;

➤ газ баллон ускуналарини автотранспорт воситасига қонунчиликда белгиланган тартибда ўрнатиш далолатномасининг нусхаси ва газ баллонларнинг мувофиқлик сертификатининг нусхаси (газ баллон ускунаси ўрнатилган ҳолда қайта жиҳозланган автотранспорт воситалари учун);

➤ ушбу автотранспорт воситасида қайта жиҳозлашни амалга ошириш учун ЙҚХХ томонидан берилган рухсатноманинг нусхаси (тегишли гувоҳномага эга бўлган автотранспорт воситасини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган корхоналарда автотранспорт воситаси қайта жиҳозланган ҳолатлар бундан мустасно);

➤ рўйхатдан ўтказиш ҳаракатларини амалга ошириш мобайнидаги ЙҚХДХ органлари томонидан ундириладиган белгиланган миқдордаги тўловларни тўлаганликни тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати (тўловлардан озод этилган шахслардан ташқари).

Автотранспорт воситасини қайта жиҳозлашни амалга оширганда автомобилотранспорт воситасининг рўйхатга олиш картасига тегишли ўзгартиришлар киритилади, илгари берилган автомобилотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома эса транспорт воситасининг янги рақам агрегатини кўрсатган ҳолда алмаштирилади.

Автомототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси яроқсиз ҳолга келганда, шикастланганда ёки ўғирланганда ва (ёки) РЎДРБ, оширилган тўлов ставкали автотранспорт воситалари учун РЎДРБ, автотранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган РЎДРБлар яроқсиз ҳолга келганда, шикастланганда ёки ўғирланганда автотранспорт воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш қўйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

автомототранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг белгиланган намунадаги аризаси;

автомототранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

автомототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома яроқсиз ҳолга келганда (у яроқсиз ҳолга келганда);

шикастланган РЎДРБ, оширилган тўлов ставкали автотранспорт воситалари учун РЎДРБ, автотранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган РЎДРБлар (улар шикастланганда);

ички ишлар органларининг автоматотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг ва (ёки) РЎДРБ, оширилган тўлов ставкали автотранспорт воситалари учун РЎДРБ, автотранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган РЎДРБлар ўғирланганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси;

рўйхатдан ўтказиш ҳаракатларини амалга ошириш мобайнидаги ЙХХДХ органлари томонидан ундириладиган белгиланган миқдордаги тўловларни тўлаганликни тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати (тўловлардан озод этилган шахслардан ташқари).

Автомототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси яроқсиз ҳолга келганда, шикастланганда ёки ўғирланганда автоматотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш картаси маълумотлари асосида ҳудудий ЙХХДХ органлари автоматотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг дубликатини берадилар.

РЎДРБ, оширилган тўлов ставкали автотранспорт воситалари учун РЎДРБ, автотранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган РЎДРБлар шикастланганда автотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш маълумотлари асосида ҳудудий ЙХХДХ органлари уларнинг дубликатини берадилар. РЎДРБ, оширилган тўлов ставкали автотранспорт воситалари учун РЎДРБ, автотранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган РЎДРБларнинг дубликати ҳудудий ЙХХДХ органининг талабномасига асосан тайёрланади. Дубликатлар олингунгача тегишли тўловлар ундирилмаган ҳолда илгари ишлатилган яроқли РЎДРБлар ишлатилиши мумкин. РЎДРБ, оширилган тўлов ставкали автотранспорт воситалари учун РЎДРБ, автотранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган РЎДРБлар йўқолганда ёки ўғирланганда автотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш маълумотлари асосида ҳудудий ЙХХДХ органлари янги РЎДРБ берилишини таъминлайдилар.

РЎДРБ, оширилган тўлов ставкали автотранспорт воситалари учун РЎДРБ, автотранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган РЎДРБлар дубликатини йўқолган ёки ўғирланганларининг ўрнига берилишига йўл қўйилмайди.

Оширилган тўлов ставкали автотранспорт воситалари учун РЎДРБ, автотранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган РЎДРБлар топилганда ҳудудий ЙХХДХ органлари топилган оширилган тўлов ставкали автотранспорт воситалари учун РЎДРБ, автотранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган РЎДРБларнинг автотранспорт воситаси эгасининг аризасига асосан белгиланган тартибда берилишини таъминлайдилар. Амалга оширилган рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар (автомототранспорт воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳноманинг дубликатини, дубликат ёки янги РЎДРБни бериш) автоматотранспорт воситасининг рўйхатга олиш картасига киритилади, автоматотранспорт воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома, (ёки) РЎДРБ, оширилган тўлов ставкали автотранспорт воситалари учун РЎДРБ, автотранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган РЎДРБлар тўғрисидаги маълумотлар йўқолган ёки ўғирланган тақдирда ҳам Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ахборот марказига юборилади.

Автомототранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш

Автомототранспорт воситаси қуйидаги ҳолатларда ҳудудий ЙХХДХ органининг ҳисобидан чиқарилади:

расмийлаштирилган юк божхона декларациясига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан автоматотранспорт воситаси товар сифатида четга чиқарилганда;

автомототранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш жойини ўзгартиришни талаб қилмайдиган ҳолатда автоматотранспорт воситаси эгасининг яшаш (турган) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда;

автотранспорт воситаси кейинги фойдаланувга яроқсиз деб ҳисобланганда.

Расмийлаштирилган юк божхона декларациясига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан автоматотранспорт воситаси товар сифатида четга чиқарилганда автоматотранспорт воситасини ҳисобдан чиқариш қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширилади;

автомототранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг белгиланган намунадаги аризаси;

автомототранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

расмийлаштирилган юк божхона декларацияси;

автомототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома.

Автомототранспорт воситаси унинг чет давлат ҳудудига чиқарилганлиги муносабати билан ҳисобдан чиқарилганда, олдинги РЎДРБ ДЙХХХ органлари томонидан вақтинчалик (бир марталик қоғозли транзит) йўл ҳаракатида иштирок этиш учун рухсат этилган автоматотранспорт воситалари учун РЎДРБларга алмаштирилади, автоматотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги

гувоҳномада ҳисобдан чиқаришнинг сабаблари, белгиланган манзил ва ҳисобдан чиқариш санаси тўғрисидаги маълумотлар ёзиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасига вақтинчалик олиб келинган халқаро автотранспорт воситаларини уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб кетилиши муносабати билан ҳисобдан чиқарганда аризачиларга автотототранспорт воситасини ҳисобдан чиқарганлик тўғрисидаги белги билан автотототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома берилади, шунингдек чет давлатларнинг рўйхатдан ўтган автотототранспорт воситаларининг РЎДРБлари қайтариб берилади, улар мавжуд бўлмаганда — вақтинчалик (бир марталик қоғозли транзит) йўл ҳаракатида иштирок этиш учун рухсат этилган автотототранспорт воситалари учун РЎДРБлар берилади.

Автотототранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш жойини ўзгартиришни талаб қилмайдиган ҳолатда автотототранспорт воситаси эгасининг яшаш (турган) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда автотототранспорт воситасини ҳисобдан чиқариш ҳудудий ЙХХДХ органи томонидан автотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтган янги жойи бўйича Рўйхатдан ўтган автотототранспорт воситаларининг ягона маълумотлар базасига тегишли маълумотларни киритган ҳолда амалга оширилади.

Автотранспорт воситаси кейинги фойдаланувга яроқсиз деб ҳисобланганда уни ҳисобдан чиқариш қўйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

автотототранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг белгиланган намунадаги аризаси;

автотототранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

автотототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома;

автотототранспорт воситасини кейинги фойдаланувга яроқсиз деб топиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги буйруқ (фақат юридик шахслар учун);

автотототранспорт воситаси жойлашган жой бўйича ҳудудий ЙХХДХ органининг тегишли ходими томонидан расмийлаштирилган алоҳида автотототранспорт воситасини техник кўриқдан ўтказганлик тўғрисида далолатнома;

Кейинги фойдаланувга яроқсиз деб ҳисобланган автотототранспорт воситаси ҳисобдан чиқарилганда автотототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома ва ушбу автотототранспорт воситасининг РЎДРБи олиб қўйилади, мазкур Низомнинг 29 — 31-бандларида назарда тутилган РЎДРБни сақлаб қолиш ҳолатлари бундан мустасно.

Транспорт воситасини ҳисобдан чиқариш ёки уни ҳисобдан чиқаришни асосли рад этиш мурожаат этилган кунда амалга оширилади.

Транспорт воситаси қўйидаги ҳолатларда ҳисобдан чиқарилмайди:

мазкур Низомнинг 58 ёки 60-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

автотототранспорт воситасига туширилган идентификация тамғасининг яширилиши, сохталаштирилиши, ўзгартирилиши, йўқ қилиниши аломатлари ёхуд тақдим этилган ҳужжатларнинг сохталаштирилиши, тақдим этилган ҳужжатларда ёки рўйхатга доир ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган маълумотларга

автомототранспорт воситаси ва рақам агрегатларининг номувофиқлиги аниқланганда;

автомототранспорт воситаси, рақам агрегатларининг қидирувда эканлиги ёки тақдим этилган ҳужжатларнинг йўқолганлиги (ўғирланганлиги) тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда;

қонунчиликка мувофиқ автоматотранспорт воситасининг тасарруф этилишига тақиқ ёки унинг хатлаб қўйилиши мавжуд бўлганда;

васийлик ва ҳомийлик органининг ёки белгиланган ёшга етмаган ёхуд муомалага лаёқатсиз автоматотранспорт воситаси эгасининг қонуний вакилларининг рухсати бўлмаганда;

туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан илгари автоматотранспорт воситаси учун берилган рухсат мавжуд бўлмаганда;

лизинг берувчининг розилиги мавжуд бўлмаганда — лизингга тақдим этилган автоматотранспорт воситалари учун.

Автомототранспорт воситаси эгаси ёки унинг вакили автоматотранспорт воситасини ҳисобдан чиқаришнинг рад этиш асосларини бартараф этган тақдирда, автоматотранспорт воситасини ҳисобдан чиқариш тўғрисида ариза билан қайтадан мурожаат қилишга ҳақли. Автомототранспорт воситаси ҳисобдан чиқарилганда автоматотранспорт воситасининг рўйхатга олиш картасига ҳисобдан чиқаришнинг сабаблари тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган автоматотранспорт воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома ва (ёки) автоматотранспорт воситасининг РЎДРБни йўқолганда, уларнинг ЙХХДХ органларида мавжудлиги текширилгандан сўнг, автоматотранспорт воситасининг рўйхатга олиш картасига автоматотранспорт воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома ва (ёки) автоматотранспорт воситасининг РЎДРБни йўқолганлиги тўғрисида тегишли ёзув киритилади. Бунда ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган автоматотранспорт воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома ва (ёки) автоматотранспорт воситасининг РЎДРБни тўғрисидаги маълумотлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ахборот марказига юборилади.

Зарурат бўлганда, автоматотранспорт воситасининг эгасига ўрнатилган тартибда автоматотранспорт воситасининг рақам агрегатлари ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисидаги тегишли маълумотнома берилади.

ЙХХДХ органларида рўйхатга олиш ҳаракатларини амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатларнинг сақланиш муддати 5 йилни ташкил этади (автомототранспорт воситаларини ва РЎДРБни беришни рўйхатга олиш китоби ва автоматотранспорт воситаларини рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномалардан ташқари).

Автомототранспорт воситаларини ва РЎДРБни беришни рўйхатга олиш китоби ва автоматотранспорт воситаларини рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг сақланиш муддати 75 йилни ташкил этади.

I, IA, III ва битта ҳарфли сериядаги 999 та жуфт рақамларни ичига олган IIIA типдаги РЎДРБнинг ҳар бир янги партияси битта ҳудудий ЙХХДХ органи (битта РИБ ёки битта ТРИБ) томонидан белгиланган намунадаги алоҳида журнални юритган ҳолда берилади. Амалдаги харидоргирлигига қараб илгари ишлаб чиқилган партиялар орасидан, шу жумладан ишлаб чиқарилиши амалга оширилмаган

қўшимча РЎДРБлар ишлаб чиқарилиши мумкин. РЎДРБнинг берилиши ўрнатилган тартибда ҳудудий ЙХХДХ органи томонидан белгиланган намунадаги махсус журнални юритган ҳолда амалга оширилади. РЎДРБлар белгиланган тартибда ҳудудий ЙХХДХ органлари томонидан уларнинг берилишига қадар қатъий навбат асосида ортиб борилган тартибда сақланади.

13-мавзу . Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби

Маъруза машғулот –2 соат

Маъруза режаси:

1-савол. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари.

2-савол. Жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишни ташкил этиш тартиби.

1-савол. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунихамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, автототранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш тартибини янада соддалаштириш, юридик ва жисмоний шахсларга қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги **125-сонли** қарори чиқарилди.

Ушбу йўналишда бугунги кунда қўллаб ислоҳатлар олиб борилмоқда жумладан Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йили 28 июнь куни «Автотранспорт воситаларидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **ПК-298-сонли қарорни** имзолади ва ушбу қарор билан қуйидагилар белгиланди.

1 сентябрдан ишлаб чиқарилганига 10 йилгача бўлган жисмоний шахсларга тегишли енгил автомобилларни техник кўриқдан ўтказиш ихтиёрий бўлади.

Ишлаб чиқарилганига 11 йилдан 14 йилгача бўлган енгил автомобиллар 2 йилда 1 марта, 15 йил ва ундан ортиқ бўлган енгил автомобиллар эса 1 йилда 1 марта мажбурий техник кўриқдан ўтказилади.

Енгил автомобилларни техник кўриқдан ўтказиш муддатлари ўзгариши бўйича тушунтириш: 1 сентябрдан кучга киради. Бу йўловчиларни тижорат асосида фуқароларни ташиш учун фойдаланиладиган транспорт воситаларига тааллуқли эмас.

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари маъқулланди:

жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаларида мажбурий техник кўриқдан ўтказишда ҳаракатланувчи мобиль техник назорат линияларидан фойдаланиш тартибини жорий этиш;

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги автотранспорт воситаларини тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар томонидан мажбурий техник кўриқдан ўтказишда ҳаракатланувчи мобиль техник назорат линияларидан фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2022 йил 31 декабрга қадар давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари жамоат хавфсизлиги хизматлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари учун биттадан ҳаракатланувчи мобиль техник назорат линияларини харид қилсин ва фойдаланишга киритилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати учун ҳаракатланувчи мобиль техник назорат линияларини харид қилиш ҳамда малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда ходимларни ўқитиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий бўлинмаларининг транспорт воситалари мазкур идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилади.

Қуйидагиларни назарда тутувчи Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқланди:

жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган автотототранспорт воситалари, электромобиллари ва уларнинг тиркамаларини, шунингдек, трамвай ва троллейбусларни техник кўриқдан ўтказиш тартиби;

транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш-техника базаси жойлаштириладиган хона ва майдонларга доир талаблар;

транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш муддатлари ва даврийлиги.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги **2021 йил 1 июлга** қадар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда автотранспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига ахборот хавфсизлиги талабларини инобатга олган ҳолда, Давлат йўл

ҳаракати хавфсизлиги хизматининг «Техник кўрик» автоматлаштирилган ахборот тизимига кириш имкониятини яратиш чораларини кўрилди.

Куйидагилар белгиланди:

тадбиркорлик субъектлари «Техник кўрик» автоматлаштирилган ахборот тизимига тўлиқ интеграция қилингунга қадар техник кўриқдан ўтган ва техник соз деб топилган ҳар бир транспорт воситасига тадбиркорлик субъектлари томонидан уларнинг техник ҳолати ҳақида далолатнома берилади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан бериладиган далолатнома Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида техник кўриқ натижаларини қўшимча техник кўриқ ўтказмаган ҳолда «Техник кўриқ» автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш учун асос бўлади;

тадбиркорлик субъектлари мобиль диагностика станцияларидан фақат тадбиркорлик субъектларининг стационар (турғун) диагностика станциялари мавжуд бўлмаган узоқ ҳудудларда фойдаланади.

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб хорижий давлатларга чиқадиган транспорт воситаларидан ташқари барча транспорт воситаларига техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талонларни бериш амалиёти бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирилди.

Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда куйидаги умумий қоидалар белгиланган.

Мазкур Низом «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ автотранспорт воситалари, электромобиллари ва уларнинг тиркамаларини, шунингдек, трамвай ва троллейбусларни мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини белгилайди.

Транспорт воситаларининг мажбурий техник кўриги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар томонидан мазкур Низомга мувофиқ ўтказилади.

Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарининг мувофиқлигини баҳолаш учун ЙХХХ органлари томонидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг техника базалари, шунингдек, хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги транспорт воситалари фақат тадбиркорлик субъектлари томонидан техник кўриқдан ўтказилади.

Куйидагилар техник кўриқдан ўтказишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши бўйича самарали назоратни ташкил этиш;

транспорт воситалари техник ҳолати ва ускуналарининг йўл ҳаракати хавфсизлигининг техник регламентлари ёки стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш;

транспорт воситаларининг сонини, ҳолатини, амалда мавжудлигини, тегишлилигини ва рўйхатдан ўтказиш бўйича бошқа маълумотларини аниқлаштириш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан профилактика ишларини ташкил этиш;

йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш.

Юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган, белгиланган тартибда ЎХХХ органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари мажбурий техник кўриқдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига, халқаро (давлатлараро, ҳукуматлараро) ташкилотлар ва уларнинг ваколатхоналарига, шунингдек, ушбу ваколатхоналар ва ташкилотларнинг ходимларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига тегишли бўлган транспорт воситалари ушбу Низомга мувофиқ умумий асосларда техник кўриқдан ўтказилади. Техник кўриқдан ўтказилган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низом асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг «Техник кўриқ» автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиб борилади.

Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўриқдан ўтказилиши керак:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланувчи енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўриндиклар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари — бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганига олти йилдан кўп бўлмаган юридик шахсларга тегишли транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари), шунингдек, ишлаб чиқарилганига ўн бир йилдан ўн тўрт йилгача (ўн тўртинчи йили ҳам) бўлган жисмоний шахсларга тегишли М1 тоифадаги транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилганига олти йилдан ортиқ бўлган юридик шахсларга тегишли транспорт воситалари, ишлаб чиқарилган вақти аниқ бўлмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари), шунингдек, ишлаб чиқарилганига ўн беш йил ва ундан ортиқ бўлган жисмоний шахсларга тегишли М1 тоифадаги транспорт воситалари

(мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — бир йилда бир марта;

г) тиркамалар техник кўриқка транспорт воситаси — шатакчи учун белгиланган муддатларда.

Ишлаб чиқарилганига ўн йилгача (ўнинчи йили ҳам) бўлган жисмоний шахсларга тегишли М1 тоифадаги транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) техник кўриқдан ихтиёрий равишда ўтказилади.

Мазкур Низомнинг 5-банди «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриғи:

биринчи марта — 1 март — 30 июнда;

иккинчи марта — 1 сентябрь — 31 октябрда ўтказилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бошқа транспорт воситаларининг техник кўриғи 1 январь — 31 декабрда ўтказилади.

Ишлаб чиқарилганлигидан қатъи назар транспорт воситаларини ЙҚХХ органларида рўйхатдан ўтказишда (қайта рўйхатдан ўтказишда), уларнинг агрегат рақамлари техник ҳужжатларга мослиғи текширилади.

Транспорт воситалари техник кўриқка белгиланган муддатлардан олдин тақдим этилиши мумкин.

Транспорт воситалари ЙҚХХ органлари томонидан техник кўриқдан ўтказилганлиғи учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиғи томонидан Молия вазирлиғи билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган миқдорда йиғим ундирилади. Биринчи (олдинги) техник кўриқда носоз деб топилган транспорт воситалари такрорий техник кўриқдан ўтказилганлик учун йиғим ундирилади.

Техник кўриқ ўтказилганлиғи учун йиғим суммаси тегишли маҳаллий бюджетга ўтказилади. Жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказганлик учун тўлов миқдори тадбиркорлик субъектлари томонидан мустақил равишда белгиланади ҳамда келиб тушадиган маблағлар тўлиқ ҳажмда унинг тасарруфида қолади.

2-савол. Жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишни ташкил этиш тартиби.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари рўйхатдан ўтказилган (вақтинча рўйхатдан ўтказилган) ҳудудда ёки эгаларининг хоҳишига кўра экстерриториаллик тамойили асосида бошқа ҳудудларда ўтказилади.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини навбатдаги техник кўриқка қўйиш санаси жорий техник кўриқ пайтида белгиланади.

Транспорт воситалари эгалари транспорт воситаларини навбатдаги техник кўриқка белгиланган муддатдан кечиктирмай тақдим этишлари шарт.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш:

ЙҚХХнинг диагностика станцияларида (жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги транспорт воситалари бундан мустасно);

ҳаракатланувчи мобиль техник назорат линияларида (кейинги ўринларда — мобиль станциялар);

техник хизмат кўрсатиш станцияларида (шартнома асосида);

тадбиркорлик субъектларининг техник базасида (жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги транспорт воситалари).

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун ЙХХХнинг диагностика станциялари, мобиль станциялар ва тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон аккредитация маркази давлат унитар корхонаси томонидан белгиланган тартибда техник жиҳатдан малакалилиги маъқуллашдан ўтказилган, транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун зарур технологик жиҳозлар билан таъминланган ишлаб чиқариш-техника базасига эга бўлиши зарур.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш-техника базаси:

а) қуйидагиларга мувофиқ бўлиши зарур:

М1 тоифадаги транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлигига қўйиладиган талабларга;

автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ баллон ускуналари уланмаларининг герметиклиги ва ишончилигини синовдан ўтказиш ҳамда уларнинг баллонларини текшириш учун — Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган сиқилган табиий газда (кейинги ўринларда — СТГ), суюлтирилган нефть газида (кейинги ўринларда — СНГ) ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларининг хавфсизлигига қўйиладиган талабларга;

б) зарур техник диагностика воситаларига эга бўлиши лозим, шу жумладан:

ўқига тушадиган максимал оғирлик 3500 килограммгача бўлган транспорт воситаларининг тормоз тизимини текшириш учун тормоз тизимининг техник диагностика воситаларига;

пневматик ва пневмогидравлик тормоз узатмаларида сиқилган ҳаво босими ва герметикликни (босим тушишини) назорат қилиш воситаларига;

автоматик бошқарувга эга бўлган М1 тоифали транспорт воситаларининг тормоз тизимини текшириш учун тормоз йўлаги мавжуд бўлишига;

тиркамаларни улаш мосламасининг босиб туриш қурилмасига;

руль бошқарувидаги умумий люфтни ўлчаш приборига;

руль бошқаруви ва подвескаси деталларидаги люфтларни текшириш тестерига;

чироқлар ёруғлигини бошқариш ва кучини назорат қилиш приборига;

шиналарни техник диагностика қилиш воситаларига;

газ анализаторига — учқундан ўт олдириш двигателларига эга транспорт воситаларининг ишлаб бўлинган газларида ифлослантирувчи моддаларнинг мавжудлигини аниқлаш приборига;

тутун ўлчаш приборига — сиқилишдан ўт олдириш двигателларига эга транспорт воситаларининг ишлаб бўлинган газларида тутунни аниқлаш приборига;

двигатель айланиш частотаси ва мой ҳароратини ўлчаш приборига;

шовқинни ўлчаш приборига;

ойналарнинг ёруғлик ўтказишини текшириш приборига;
компрессорга;
қинчали манометрга;
зарур компьютер техникасига.

Айрим техник диагностика воситалари хавфсиз фойдаланиш бўйича талабларга мувофиқ бўлиш шarti билан универсал техник воситаларга алмаштирилиши мумкин. Қўлланиладиган барча ўлчов воситалари тасдиқланган типда бўлиши, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ текширувдан ўтган бўлиши шарт. ЙХХХнинг диагностика станциялари ва техник хизмат кўрсатиш станцияларининг ишлаб чиқариш-техника базаси текшириладиган транспорт воситасининг тоифасига кўра (М1, М2, М3, N1, N2, N3, O1, O2, O3, O4) мазкур банд талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун мобилъ станцияларнинг базаси қуйидаги зарур техник диагностика воситаларига эга бўлиши лозим:

ўқига тушадиган максимал оғирлик 3500 килограммгача бўлган транспорт воситаларининг тормоз тизимини текшириш учун тормоз тизимининг техник диагностика воситаларига;

пневматик ва пневмогидравлик тормоз узатмаларида сиқилган ҳаво босими ва герметикликни (босим тушишини) назорат қилиш воситаларига;

газ ёнилғисида ишлайдиган транспорт воситаларида газ сизиб чиқишини аниқловчи (течеискатель) ускунасига;

руль бошқарувидаги умумий люфтини ўлчаш приборига;

руль бошқаруви ва подвескаси деталларидаги люфтларни текшириш тестерига;

чироклар ёруғлигини бошқаришни ва кучини назорат қилиш приборига;

шиналарни техник диагностика қилиш воситаларига (штангациркуль);

газ анализатори — учқундан ўт олдириш двигателларига эга транспорт воситаларининг ишлаб бўлинган газларида ифлослантирувчи моддаларнинг мавжудлигини аниқлаш приборига;

тутун ўлчаш прибори — сиқилишдан ўт олдириш двигателларига эга транспорт воситаларининг ишлаб бўлинган газларида тутунни аниқлаш приборига;

двигатель айланиш частотаси ва мой ҳароратини ўлчаш приборига;

шовқинни ўлчаш приборига;

ойналарнинг ёруғлик ўтказишини текшириш приборига;

қинчали манометрга;

зарур компьютер техникаси ва видеокузатув камераларига.

Айрим техник диагностика воситалари хавфсиз фойдаланиш бўйича талабларга мувофиқ бўлиш шarti билан универсал техник воситаларга алмаштирилиши мумкин.

Электромобилларни техник кўриқдан ўтказиш учун ДЙХХХнинг диагностика станциялари, мобилъ станциялари ва тадбиркорлик субъектлари қўшимча равишда қуйидаги техник диагностика воситалари билан жиҳозланган бўлиши лозим:

аккумулятор батареясининг кучланишини ва ток кучини аниқлаш тестри;
электр узатгич симларининг техник ҳолатини аниқлаш тестри;
электромобилнинг техник ҳолатини диагностика қилиш компьютер техникаси
(дастурий таъминоти билан).

Транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш-техника базаси жойлаштириладиган хона ва майдонларга доир талаблар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ белгиланади.

Транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишга тегишли мутахассисликка эга бўлган ёки диагностика қилиш технологияси, диагностика жиҳозларининг тузилиши ва ишлаш принциплари, диагностика воситаларини қўллаган ҳолда техник ҳолатни текшириш методлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича талабларни ўрганган шахслар қўйилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишни бошлашдан олдин Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари жамоат хавфсизлиги хизматлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларини яратилган шароитлар мазкур Низом талабларига мувофиқлиги ва фаолиятни амалга оширишга тайёр эканлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Тадбиркорлик субъектларининг хатига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

тадбиркорлик субъектлари уставининг нусхаси;

транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишни ташкил этиш учун тегишли технологик жиҳозлар билан таъминланган ишлаб чиқариш-техник базаси Ўзбекистон аккредитация маркази давлат унитар корхонаси томонидан берилган маъқуллаш тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг транспорт воситаларига ўрнатиладиган газ баллонларини техник текшириш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатномасининг нусхаси.

Мазкур Низомнинг 20-бандига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатлар ҳудудий ЙҲХБлар томонидан уч кундан кўп бўлмаган муддатда ўрганилиб, камчиликлар бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида тақдим этилади.

ЙҲХХ тақдим этилган ҳужжатлар асосида тадбиркорлик субъектини жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун зарур шароитларга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳисобини юритиш реестрига киритиб, Ички ишлар вазирлигининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштиради ҳамда бу ҳақда тадбиркорлик субъектини хабардор қилади.

Реестр аҳолини жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун зарур шароитларга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳақида хабардор қилиш мақсадида юритилади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан мазкур Низомнинг 20-бандига кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, ҳудудий

ЙХХБ икки иш куни ичида тадбиркорлик субъектларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш тўғрисида хабар беради. Тадбиркорлик субъектлари мазкур Низомнинг 20-бандига мувофиқ худудий ЙХХБга такроран хабарнома юбориш ёки ЙХХХ мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) бўйича белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини (жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги транспорт воситалари бундан мустасно) техник кўриқдан ўтказишда ЙХХХ органларига транспорт воситасининг эгаси ёки унинг ваколатли вакили томонидан қуйидаги ҳужжатлар кўрсатилади:

паспорт (ID-карта) ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси;

транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

газ ёнилғисида ишлашга қайта жиҳозланган транспорт воситасига ўрнатилган газ баллонининг сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификати нусхаси;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг газ баллонларини синовдан ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси мавжуд бўлган ташкилот томонидан газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг газ баллонлари синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатнома.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун транспорт воситасининг эгаси ёки унинг ваколатли вакили тадбиркорлик субъектлари ходимига (операторига) мурожаат қилади ва қуйидаги ҳужжатларни кўрсатади:

тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси;

транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (техник паспорт, техник талон);

газ ёнилғисида ишлашга қайта жиҳозланган транспорт воситасига ўрнатилган газ баллонининг сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификати нусхаси.

Транспорт воситасининг тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларга мувофиқлиги «Техник кўриқ» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали текширилади ва маълумотлар мос келган тақдирда, белгиланган тартибда техник кўриқдан ўтказишга рухсат этилади.

Транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш тадбиркорлик субъектлари ходими (оператори) томонидан мазкур Низомнинг 5-бобида назарда тутилган тартибда текширилади. Транспорт воситаларига ўрнатилган СТГ ва СНГ тизимларининг герметиклиги ҳамда агрегатлари ва узеллари уланган жойларининг ишончлилиги тадбиркорлик субъектлари томонидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентга мувофиқ синовдан (опрессовка) ўтказилади.

Техник кўриққа тақдим этилган транспорт воситасининг эгаси томонидан қонунчилик ҳужжатларининг талабларини бузиш (кўрсатилган ҳужжатларни, агрегатларнинг идентификация рақамларини сохталаштириш ва бошқалар), транспорт воситаси қидирувдалиги ҳолатлари аниқланган тақдирда ҳамда агрегат рақамлари техник ҳужжатларга мос келмаса, транспорт воситаси йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиси бўлганлигига шубҳа уйғонса, тадбиркорлик субъектининг вакили бу ҳақда дарҳол ички ишлар органларига хабар бериши шарт.

Тадбиркорлик субъектлари қайта рўйхатдан ўтказилганда, номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганда бу ҳақида етти иш кунда ҳудудий ЙҲХБларни хабардор қилиши шарт. Тадбиркорлик субъектлари томонидан расмийлаштирилган жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги транспорт воситасини техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисида далолатнома ўн кун ичида ҳақиқий ҳисобланади ва техник кўриқдан ўтказиш натижаларини расмийлаштириш «Техник кўриқ» автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Мустақил таълим учун топшириқ: Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **125-сонли** қарорини мазмунини мустақил ўрганиш.

Семинар машғулот –2 соат

Режа:

Ушбу ўқув машғулотини “*Кичик гуруҳларда ишлаш*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



Гуруҳларга топшириқлар

1. Жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишни ташкил этиш тартибини тушунтириб беринг?

2. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари айтинг?

3. Юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби қандай.

4. Техник кўриқни ўтказишнинг умумий тартибига қўйилган талаблар.

5. Транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун мобиль станцияларнинг базаси қандай зарур техник диагностика воситаларига бўлиши лозим.

Юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишни ташкил этиш тартиби

Техник кўриқ транспорт воситалари рўйхатдан ўтказилган (вақтинча рўйхатдан ўтказилган) жойда:

зарур шарт-шароитларга (техник диагностика ускуналарига, кўтариш мосламаларига ёки қараб чиқиш учун чуқурчаларга, назорат-ўлчаш асбобларига, асфальт ёки бетон билан қопланган бир текис горизонтал майдончага) ва малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотларда;

техник хизмат кўрсатиш станцияларида;

ЙҚХХнинг мобиль диагностика станцияларида транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

Ушбу маблағ Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармасига йўналтирилади.

ЙҚХХнинг диагностика станцияларида;

мобиль станцияларда ўтказилади.

Юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш жойлари ЙҚХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланади.

Ташкилотларда техник кўриқ бошлангунга қадар барча диагностика асбоб-ускуналари текширилиши ва иш ҳолатига келтирилиши зарур.

Техник кўриқни ташкил этиш техник кўриқни ўтказиш жойи, санаси ва вақти, кўриққа қўйилаётган транспорт воситаларининг сони тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган жадвални тузган ҳолда режалаштирилади.

Жадвал ЙҚХХ ҳудудий органлари томонидан юридик шахсларнинг буюртманомалари ва диагностика станцияларининг техник имкониятлари, об-ҳаво, ишлаб чиқариш шароитлари ва бошқа шароитлар ҳисобга олинган ҳолда тузилади. Бир кунда техник кўриққа қўйиладиган транспорт воситалари сони мавжуд диагностика ва назорат-ўлчаш ускуналарининг кунлик унумдорлигидан келиб чиқиб белгиланади.

Техник кўриқни ўтказиш жадвали ва уни ўтказиш бўйича келгуси йил учун комиссия таркиби ҳар йили 15 декабргача Тошкент шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг тегишли туман (шаҳар)

ҳокимларининг қарори билан тасдиқланади. Бунда комиссия таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари, трамвай-троллейбус парклари, бошқа давлат органлари вакиллари киритилади.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлим, бўлинмалари) йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) вакиллари комиссия раиси ҳисобланади.

ЙҚХХ ҳудудий органи томонидан юридик шахсларга техник кўрик ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юборилади ва унга транспорт воситалари гуруҳларининг ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ёки алоҳида транспорт воситасининг ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда техник кўрик далолатномаси бланклари илова қилинади.

Техник кўрик далолатномалари талаб этиладиган маълумотлар кўрсатилган ҳолда (техник ҳолат тўғрисидаги маълумотлардан ташқари) транспорт воситалари рўйхатига мувофиқ тўлдирилади. Транспорт воситалари гуруҳининг техник кўриги далолатномасида кўрсатилган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар ЙҚХХнинг тегишли органларида ҳисобга олиш маълумотлари билан таққосланади.

Техник кўрик ташкилотларда, диагностика станцияларида (мобиль станцияларида) ва техник хизмат кўрсатиш станцияларида иш вақтида, техник назорат постларида иш кунларининг кундузги ва тунги вақтларида ёки ҳафтанинг дам олиш кунларидан бирида ўтказилади. Бошқа юридик ёки жисмоний шахсларга ижарага берилган транспорт воситалари ижарага берувчида ёхуд улар вақтинча турган жой бўйича рўйхатга олинган жойдаги ЙҚХХ органларида ижарага берувчи учун белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтказилади.

Юридик шахслар техник кўрик бошланишидан камида ўн кун олдин ЙҚХХнинг ҳудудий органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юридик шахснинг раҳбари ёки транспорт бўйича масъул бўлган шахс томонидан имзоланган, юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган (тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслардан муҳр билан тасдиқлаш талаб қилинмайди) техник кўрик далолатномасининг бир нусхаси;

техник кўриқдан ўтказганлик учун йиғимнинг белгиланган суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириғи, квитанция);

мукамал таъмирлашда, хизмат сафарида бўлган, ижарага берилган ёки сотишга қўйилган транспорт воситалари сонини тасдиқловчи маълумотлар;

газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларига ўрнатилган газ баллонларининг амалдаги давлат стандартларига мослиги ҳақидаги сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари нусхалари;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг газ баллонларини синовдан ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси мавжуд бўлган ташкилот томонидан газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг газ баллонлари синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатномалар нусхалари.

Техник кўриқни ўтказишнинг умумий тартиби

Ҳар қайси транспорт воситасининг техник кўриги рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада (техник паспортда, техник талонда) кўрсатилган маълумотларга транспорт воситаси тури, маркаси, модели, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари, шасси (рама), кузов ва двигателнинг идентификациялаш рақамларининг мувофиқлигини текширишдан бошланади. Ҳар қайси транспорт воситасининг техник ҳолати ва жиҳозлари техник регламентлар, стандартлар талабларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва нормаларига мувофиқлиги жиҳатидан текширилади. Газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишда газ баллонларининг фойдаланиш муддати, ишлаб чиқарилган йили, завод рақами, газ баллонларини синовдан ўтказиш муддатлари, газ баллони анжомларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги ҳам текширилади.

Тиркамалар ва ярим тиркамалар техник кўриқдан автопоезд таркибида ҳам, алоҳида турган ҳолатида ҳам ўтказилади. Техник кўриқдан ўтган транспорт воситаларига ушбу Низомга 2, 3 ёки 4-иловаларга мувофиқ шаклда далолатнома тузилади. Техник кўриқдан ўтказилган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар «Техник кўриқ» автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади.

Хорижий давлатларга чиқадиган транспорт воситаларига транспорт воситаси техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги талонга ЙҲХХ органининг ходими белгиланган намунада штамп қўяди, созлиги тўғрисида «SOZ» сўзини қайд этади, имзо билан тасдиқлайди ва техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисида ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шаклда талон беради.

Техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги талонни (ёки дубликатни) берганлик учун йиғим ундирилмайди.

Техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги талон навбатдаги техник кўриқ ўтказилгунгача сақланади.

Транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш жойига олиб бориш имкони бўлмаган тақдирда, жисмоний ва юридик шахслар белгиланган муддатларда ЙҲХХнинг ҳудудий органига ёзма шаклда ариза ва ушбу Низомнинг 23 ва 24-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этади (хайдовчи гувоҳномаси, техник кўриқдан ўтказиш учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат ва тиббий маълумотнома бундан мустасно).

Бунда ЙҲХХнинг ҳудудий органи ходими «Техник кўриқ» автоматлаштирилган ахборот тизимига носозлик тўғрисидаги маълумотларни киритади.

Носозлик бартараф этилгандан кейин транспорт воситаси эгаси уни мазкур Низом талаблари асосида техник кўриққа қўяди.

Техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги талон йўқолганда (ёки яроқсиз ҳолга келганда), юридик ёки жисмоний шахс — транспорт воситаси эгасининг ёзма шаклдаги аризасига кўра талон дубликати берилади. Бунда транспорт воситасининг техник ҳолати текширилмайди ва уни навбатдаги техник кўриқдан ўтказишга қўйиш муддати ўзгармайди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг рухсатномасини олиш талаб қилинадиган

радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларга эга бўлган транспорт воситаларида тегишли рухсатноманинг мавжудлиги текширилади.

Махсус ва тезкор хизматларнинг транспорт воситаларида махсус рангли ва овозли сигналлар қурилмаларининг мавжудлиги, созлиги ва қонунийлиги, шунингдек, транспорт воситасининг ранг-график бўйлаш схемаларининг техник регламентлар ёки стандартлар талабларига мувофиқлиги текширилади. Консервацияга қўйилган транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишда уларнинг бутлиги текширилади. Транспорт воситасининг соз ҳолатдалигига шубҳа туғдирадиган сабаблар мавжуд бўлганда, транспорт воситасининг ғилдиракларини юксизлантириш учун тагликлардан қўзғатмаган ҳолда унинг двигатели ва трансмиссиясининг ишлаши текширилади.

Жисмоний шахснинг транспорт воситасини (носозлиги ёки бошқа сабаблар туфайли) техник кўриқдан ўтказиш жойига олиб бориш имконияти бўлмаган тақдирда, рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, ҳисобдан чиқариш учун ёки бошқа ҳолатларда транспорт воситаси эгасининг ёзма шаклдаги аризасига қўра ЙҚХХнинг ҳудудий органи ходими томонидан транспорт воситаси турган жойда алоҳида транспортни кўриқдан ўтказиш далолатномаси тузилган ҳолда техник кўриқдан ўтказилиши мумкин.

Далолатнома берилган вақтидан бошлаб 30 кун мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Техник ҳолати ва жиҳозлари йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларидан ҳатто биттасига жавоб бермайдиган транспорт воситаси носоз ҳисобланади ва ундан фойдаланиш ман этилади. Техник кўриқдан ўтказишда ЙҚХХ органлари томонидан техник жиҳатдан носоз деб топилган транспорт воситасининг, шунингдек, техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари камчиликлар ва носозликлар бартараф этилгунга қадар ЙҚХХ органлари томонидан белгиланган тартибда ечиб олинади.

Бундай транспорт воситаси олдинги техник кўриқдан ўтказилган вақтдан бошлаб йигирма кундан кечикмай, ушбу Низомда белгиланган тартибда такрорий техник кўриқдан ўтказилади. Бундай ҳолатда техник ҳолатни текшириш фақат олдинги кўриқдан ўтказишда йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлмаган кўрсаткичлар бўйича ўтказилади. Транспорт воситаси олдинги кўриқдан ўтказиш вақтидан бошлаб 20 кундан ортиқ бўлган муддатда такрорий кўриқдан ўтказишга қўйилган тақдирда, техник ҳолатни текшириш тўлиқ ҳажмда ўтказилади. Техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги муҳрларни ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шаклда тайёрлаш ва ЙҚХХнинг ҳудудий органларини ушбу муҳрлар билан таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги талон қатъий ҳисобда турадиган бланка ҳисобланади, уларни сақлаш, сарфлаш ва ҳисобга олиш белгиланган тартибда ЙҚХХ органлари томонидан амалга оширилади.

Талон бланкаларини тайёрлаш харажатлари марказлаштирилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги

департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари транспорт воситаларини мазкур Низом талабларига мувофиқ ҳолда сифатли техник кўриқдан ўтказилишини таъминлаш учун масъул бўладилар.

14-мавзу: “Автомобилтранспорт воситаси конструкциясини ўзгартириш ва қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби

Режа:

1-савол: Автомобилтранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарномани тақдим этиш ва автомобилтранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг мазмун моҳияти.

2-савол: Автомобилтранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарномани тақдим этиш тартиби.

1-савол. Автомобилтранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарномани тақдим этиш ва автомобилтранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг мазмун моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон Фармонида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 30 ноябрдаги “Автомобилтранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятини бошлаганлик ёки тугатилганлик ҳақида хабарномани тақдим этиш ва автомобилтранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 758-сонли қарори чиқарилди. Ушбу қарорга мувофиқ:

Қуйидагиларни назарда тутувчи Автомобилтранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарномани тақдим этиш ва автомобилтранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқланган:

автомобилтранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома тақдим этиш тартиби;

автомобилтранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби;

автомобилтранспорт воситасини қайта жиҳозлаш ва (ёки) автомобилтранспорт воситаси ва (ёки) унинг қисмини тайёрлашни амалга оширишдаги рухсат этувчи талаблар.

Вазирлар Маҳкамасининг рус тилида қабул қилинган «Сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» 2015 йил 11 ноябрдаги 326-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилтранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома ва автомобилтранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 22 февралдаги 138-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ушбу қарор 2021 йил 1 январдан бошлаб кучга кириши белгиланган.

Автомобилтранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарномани тақдим этиш ва автомобилтранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низомда куйидагилар белгилаб берилган.

Мазкур Низом автомобилтранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарномани тақдим этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан автомобилтранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартибини белгилайди.

мурожаат этувчи — автомобилтранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарномани тақдим этган тадбиркорлик субъекти, автомобилтранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома олиш учун мурожаат қилинганда эса — мазкур автомобилтранспорт воситасининг эгаси (юридик ёки жисмоний шахс);

автомобилтранспорт воситасини қайта жиҳозлаш — бошқа модел ва модификацияларнинг агрегат ва узеллари, эҳтиёт қисмлари ва бутловчи деталларидан фойдаланган ҳолда, автомобилтранспорт воситаси конструкцияси ва таркибий қисмларининг элементларига ўзгартиришлар киритиш;

автомобилтранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома (кейинги ўринларда — рухсатнома) — автомобилтранспорт воситаси эгасининг аризасига асосан қайта жиҳозлашнинг аниқ тури бўйича бир марталик фаолиятни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектига бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат;

автомобилтранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома — тадбиркорлик субъектига автомобилтранспорт воситасини қайта жиҳозлаш ва (ёки) автомобилтранспорт воситаси ва (ёки) унинг қисмларини тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат;

автомобилтранспорт воситасининг (қисмининг) таркибий қисмлари ва уни жиҳозлаш предметлари — автомобилтранспорт воситасининг конструкциясига ўрнатиладиган ва фойдаланиладиган, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари татбиқ этиладиган агрегатлар, узеллар ва деталлар;

тадбиркорлик субъекти — мазкур Низомда белгиланган тартибда ЙҲХББни хабардор этган ҳолда, автомобилотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш ва (ёки) автомобилотранспорт воситаси ва (ёки) унинг қисмларини тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ташкилот стандарти (Ts) — автомобилотранспорт воситасини қайта жиҳозлашнинг аниқ тури ва (ёки) аниқ марка ва моделдаги автомобилотранспорт воситаси ва (ёки) унинг қисмларини тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектига белгиланган тартибда берилган ҳужжат;

фойдаланишга оид ҳужжатлар — автомобилотранспорт воситасидан фойдаланишда қўллаш учун мўлжалланган ҳужжатлар.

Автомилотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта жиҳозлашнинг мазкур турини амалга ошириш учун давлат реестрида кўрсатилган, қайта жиҳозлашнинг мазкур тури давлат реестрида мавжуд бўлмаган ҳолларда берилган рухсатнома асосида амалга оширилади.

Бунда автомобилотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш деб ҳисобланадиган ўзгаришлар рўйхати мазкур Низомга **1-иловага** мувофиқ белгиланади.

Рақамланган агрегатни (двигатель, шасси, кузов, рама) айна шу марка ва моделдаги автомобилотранспорт воситасиники билан алмаштириш ёки тайёрловчи ташкилотларнинг фойдаланишга оид ҳужжатларида назарда тутилган автомобилотранспорт воситасининг бошқа қисмини (қисмларини) алмаштириш автомобилотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш ҳисобланмайди.

Бунда рақамланган агрегат (двигатель, шасси, кузов, рама) айна шу марка ва моделдаги автомобилотранспорт воситасиники билан алмаштирилгандан кейин мазкур автомобилотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилади.

Тайёрловчи ташкилотнинг фойдаланишга оид ҳужжатларида назарда тутилган автомобилотранспорт воситасининг бошқа қисмини (қисмларини) алмаштиришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши зарур.

Автомилотранспорт воситасини тайёрловчи ташкилот томонидан рақамланган агрегатларга қўйилган маркировканинг ўзгариши ёки йўқолишига олиб келадиган тарзда қайта жиҳозлашга йўл қўйилмайди.

Тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган автомобилотранспорт воситасидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Рухсат этувчи талаблар ва шартлар

Қуйидагилар автомобилотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш ва (ёки) автомобилотранспорт воситаси ва (ёки) унинг қисмини тайёрлашни амалга оширишда рухсат этувчи талаблар ва шартлар ҳисобланади:

қонун ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш;

ЙҲХББ билан келишилган тегишли ташкилот стандарти (Ts) талабларига, қонун ҳужжатлари ва экология соҳасидаги норматив ҳужжатлар, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мажбурий риоя қилиш;

тегишли ҳаракатни ва (ёки) белгиланган фаолиятни бажариш ёки амалга ошириш учун ишлаб чиқариш-техника базасининг (бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкалари, технологик жихозлар, тайёргарликдан ўтган ходимлар) мавжуд бўлиши;

ёнғин хавфсизлигига, автотранспорт воситасининг сақланишига, техника хавфсизлигига риоя қилишга оид талабларни бажариш;

фақат тегишли ҳужжатлари (эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, тақдим этилган автотототранспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки автотототранспорт воситаси мазкур шахсга тегишли эканлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат) мавжуд бўлган автотототранспорт воситаси эгаларига хизмат кўрсатиш;

давлат реестрида кўрсатилган доирада тегишли ҳаракатни бажариш ва (ёки) белгиланган фаолиятни амалга ошириш.

2-савол:Автотототранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарномани тақдим этиш тартиби.

Автотототранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарномани тақдим этиш тартиби

Тадбиркорлик субъектлари автотототранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлиги ёки тугатганлиги ҳақида 15 кун муддат ичида Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ЙҚХББни мазкур Низомга 2-иловадаги схемага мувофиқ хабардор қилади.

Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХПнинг давлат хизматларидан фойдаланишда, тадбиркорлик субъектида электрон рақамли имзо бўлиши шарт.

Автотототранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида ЙҚХББни хабардор қилиш учун мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги хабарнома тўлдирилади.

ЙҚХББ хабарномаларни ҳисобга олади ва автотототранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаган ёки тугатган тадбиркорлик субъектларининг давлат реестрини юритади.

Давлат реестрида қуйидаги маълумотлар бўлиши шарт:

солиқ тўловчининг идентификация рақами;
тадбиркорлик субъектининг тўлиқ ва қисқартирилган номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли;

фаолиятини бошлаган санаси ва Реестр рақами;

тадбиркорлик субъекти фаолиятининг ихтисослашуви;

почта манзили, телефони тўғрисидаги маълумотлар;

фаолият бўйича масъул шахсининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

масъул шахсининг маълумоти (диплом рақами, санаси ва мутахассислиги).

ЙҚХББ автотототранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолият бошланганлиги ёки тугатилганлиги ҳақида

Давлат хизматлари марказлари ва ЙҲХББ ўртасида ЭРИни қўллаган ҳолда, махсус яратилган тизим орқали идоралараро хабардор қилинади.

Мурожаат этувчидан мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги хабарномада назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Хабарнома ва унга илова этиладиган ҳужжатлар тўғрисидаги зарур маълумотлар ЙҲХББ томонидан унинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларида жойлаштирилади.

ЙҲХББни автоматотранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолият бошланганлик ёки тугатилганлик ҳақида хабардор қилишда тадбиркорлик субъекти мазкур Низомда назарда тутилган талаблар ва шартларга амал қилиши лозим. Тадбиркорлик субъекти хабарномани белгиланган тартибда расмийлаштиригандан сўнг ўзининг ЭРИси билан тасдиқлайди. Давлат хизматлари кўрсатилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматлари кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлати хизматлари кўрсатилгани учун йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Йиғим суммаси қўйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

30 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

28,125 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади.

Хабарномада тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Бундай ҳолатда тадбиркорлик субъектининг тегишли босқичда хабарномани тўғирлаб ёки тўлдириб, қайта юбориш имконияти мавжуд бўлади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

Тадбиркорлик субъекти давлат хизматларидан фойдаланишдан ўзи ҳақидаги маълумотлар ЙҲХББ томонидан тегишли давлат реестрига киритилгунга қадар

бош тортиш ҳуқуқига эга. Тадбиркорлик субъекти давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг хабарномаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Тадбиркорлик субъекти (унинг ишончли вакили) томонидан барча ҳужжатлар тўғри ва тўлиқ тўлдирилган ҳолда Давлат хизматлари маркази, «Лицензия» ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ЙХХББга электрон шаклда юборилади.

Тадбиркорлик субъекти (унинг ишончли вакили) Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг хабарномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўғри ва тўлиқ тўлдирилиб, тадбиркорлик субъекти (унинг ишончли вакили) томонидан тасдиқлангандан сўнг барча ҳужжатлар бир соат мобайнида ЙХХББга электрон шаклда юборилади.

ЙХХББ масъул ходими хабарнома келиб тушган вақтдан бошлаб 15 иш кўни ичида:

келиб тушган хабарнома ва унга илова этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган тақдирда, тадбиркорлик субъекти билан биргаликда маълумотлар тўлиқ бўлишини;

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги «Аккредитация маркази» ДУК томонидан берилган газ баллон ускуналари уланмаларининг герметиклиги ҳамда ишончилигини синовдан ўтказиш бўйича лабораториянинг техник жиҳатдан малакали эканлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхасини олиш бўйича сўровномани юбориб, жавоби олиншини;

тадбиркорлик субъектининг автотранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлиги ёки тугатганлиги бўйича маълумотларни давлат реестрига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинишини;

маълумотларнинг давлат реестрида қайд этилишини таъминлайди.

Бунда мазкур давлат ташкилотлари вужудга келиши мумкин бўлган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

Автотранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаган ёки тугатган тадбиркорлик субъектларининг давлат реестри ЙХХББнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларда жойлаштирилади.

Режа:

1-савол. Автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби.

2-савол. Автомототранспорт воситаси қайта жиҳозланган деб тан олинадиган ўзгаришлар рўйхати куйидагилар.

1-савол. Автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби.

Рухсатнома бериш тартиби

Рухсатнома ЙҚХББ томонидан мазкур Низомга 4-иловадаги схемага мувофиқ 1 йил муддатга берилади.

Тадбиркорлик субъектига автоматотранспорт воситасини қайта жиҳозлаш учун рухсатнома ЙҚХББга автоматотранспорт воситаси эгасининг (юримдик ёки жисмоний шахсининг) мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ шаклда куйидаги хужжатларни илова қилинган ҳолда тақдим этиладиган аризасига асосан берилади:

эгасининг шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси — жисмоний шахслар учун (фуқаролик паспорти, 16 ёшга тўлмаганлар учун — туғилганлик ҳақида гувоҳнома, ҳарбий хизматчилар учун — ҳарбий қисм ва ҳарбий муассаса қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳнома ёки ҳарбий гувоҳнома (ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳарбий гувоҳномалари бундан мустасно), чет эл фуқаролари учун — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки чет эл фуқаросининг ички ишлар органлари томонидан доимий ёки вақтинча яшаш жойи ҳақида белги қўйилган миллий паспорти, фуқаролиги бўлмаган шахслар учун — фуқаролиги бўлмаган шахсининг шахсини тасдиқловчи Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси);

автомототранспорт воситасининг рўйхатдан ўтиш гувоҳномаси (техник паспорт, техник талон) ёки автоматотранспорт воситасини унинг эгасига тегишли эканлигини тасдиқловчи бошқа хужжат нусхаси.

Ишлаб чиқарилганига 20 йил ва ундан ортиқ муддат ўтган автоматотранспорт воситаларини қайта жиҳозлашга йўл қўйилмайди.

Автомототранспорт воситаларининг кузов ва двигателларини худди шу русумдаги кузов ва двигателларга алмаштириш бундан мустасно.

Автомототранспорт воситаларининг кузов ва двигателларини худди шу русумдаги кузов ва двигателларга алмаштиришга рухсатнома олиш учун аризага юқоридаги хужжатлардан ташқари автоматотранспорт воситасининг узоқ муддат фойдаланилганлиги сабабли эскириб, яроқсиз ҳолатга келиб қолган бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, зарур шарт-шароитларга ва техник диагностика воситаларига эга бўлган хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари ёки ҳудудий ДЙҚХХнинг диагностика станцияларида автоматотранспорт воситасининг техник ҳолати текширилганлиги бўйича маълумотнома, шунингдек, автоматотранспорт воситасининг олд, орқа ва икки ён томон кўринишини тасвирловчи фотосуратлар тақдим этилади.

Автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлаш учун тадбиркорлик субъекти унинг эгаси томонидан танланиши мумкин, бу ҳақда аризада кўрсатилади.

Мурожаат этувчидан мазкур Низомнинг 25-бандида назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Рухсатнома олиш учун зарур маълумотлар ЙҚХББ томонидан унинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар ЙҚХББга мурожаат этувчи томонидан бевосита, почта алоқаси воситасида ёки мурожаат этувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

Рухсатнома олиш учун ЙҚХББга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, мазкур рўйхат ҳужжатлар қабул қилинган сана ҳақида белги қўйган ҳолда мурожаат этувчига дарҳол берилади (юборилади).

ЙҚХББ аризани мазкур Низомнинг 25-бандида назарда тутилган ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб ўн беш иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади.

Мурожаат этувчининг аризада кўрсатилган хизматларни бажара олиш имкониятини баҳолаш (аризада кўрсатилган ҳолларда), шунингдек, рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ЙҚХББ томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Мурожаат этувчига рухсатнома бериш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда ЙҚХББ ушбу қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кеч бўлмаган муддатда:

мазкур Низомга 6-иловага мувофиқ шаклда рухсатномани расмийлаштиради;
мурожаат этувчига рухсатнома беради (юборади) ёки уни ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилади;

қайта жиҳозлаш ўтказилгандан кейин қайта рўйхатдан ўтказиш учун мазкур автотототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаларига рухсатноманинг нусхасини юборади.

Рухсатнома бериш куйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

мурожаат этувчи томонидан мазкур Низомнинг 25-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилиши;

тадбиркорлик субъекти томонидан рухсат этувчи талаблар ва шартларга риоя этилмаслиги;

мурожаат этувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги;

мазкур Низомнинг 31-бандига мувофиқ тайёрланган тадбиркорлик субъектининг аризада кўрсатилган хизматларни бажара олиш имкониятини баҳолаш натижаларига кўра тайёрланган ЙҚХББнинг асосланган салбий хулосаси.

Рухсатнома беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмас деган вазлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

Рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда мурожаат этувчига ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва мурожаат этувчи кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, такроран мурожаат қилиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган рад этиш ҳақидаги хабарнома юборилади (берилади).

Мурожаат этувчи рухсатнома беришни рад этиш ҳақида ёзма хабарнома олгандан кейин ўн кун муддатда рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли.

Рухсатнома беришда рад этиш учун асос бўлган сабаблар мурожаат этувчи томонидан белгиланган муддатда бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, рухсатнома бериш ёки унинг берилишини рад этиш ЙҚХББ томонидан мурожаат этувчининг рад этиш сабабларини бартараф этганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ЙҚХББ томонидан мурожаат этувчига аввал ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда баён этилмаган рад этиш сабабларини кўрсатишга йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно.

Мазкур Низомнинг 34-бандида кўрсатилган муддат тугагандан кейин берилган такрорий ариза янги берилган ҳисобланади ва ЙҚХББ томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

Мурожаат этувчи рухсатнома бериш рад этилганлиги, шунингдек, ЙҚХББ мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Тегишли давлат реестрига киритилган тадбиркорлик субъекти ўзи томонидан қайта жиҳозланган автотранспорт воситаси эгасига қайта жиҳозлаш амалга оширилганлиги ҳақида ёзув киритилган ва тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахси томонидан имзоланиб, унинг муҳри билан тасдиқланган маълумотномани беради.

Мазкур маълумотнома қайта жиҳозланган автотранспорт воситасини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) учун асос ҳисобланади, бунда ушбу тадбиркорлик субъекти фаолияти тури давлат реестрида кўрсатилган бўлса.

Аризани кўриб чиқиш, рухсатномани бериш, қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш ва дубликатини бериш учун йиғим ундирилмайди.

Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Автотранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлагани ёки тугатгани, шунингдек, ўзи ва тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларда ўзгаришлар бўлганлиги ҳақида тегишли тартибда ЙҚХББни хабардор қилмаслик қонунчиликда белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигига сабаб бўлади.

Давлат хизматлари марказлари ва ЙҚХББ ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Низом талабларининг тегишли бандлари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий мониторингни амалга оширади.

Тадбиркорлик субъектлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

2-савол. Автомототранспорт воситаси қайта жиҳозланган деб тан олинадиган ўзгаришлар рўйхати куйидагилар.

Автомототранспорт воситасини бир турдан бошқа турга ўзгартириш:

енгил турдан фургон турига;
енгил турдан пикап турига;
енгил турдан юк турига (бортли, бортли-тентли);
енгил турдан махсус турга;
енгил турдан рефрижератор турига;
микроавтобус турдан юк-фургон турига;
микроавтобус туридан юк-бортли турга;
микроавтобус туридан юк-бортли-тентли турга;
микроавтобус туридан юк-йўловчи турига;
микроавтобус туридан махсус турга;
автобус туридан юк-фургон турига;
автобус туридан юк-бортли турга;
автобус туридан юк-бортли-тентли турга;
автобус туридан юк-йўловчи турига;
автобус туридан махсус турга;
юк-бортли турдан махсус турга;
юк-бортли турдан ўзи ағдарувчи турга;
юк-бортли турдан юк-фургон турига;
юк-бортли турдан юк-бортли-тентли турга;
юк-бортли турдан рефрижератор турига;
махсус турдан юк-бортли турга;
махсус турдан ўзи ағдарувчи турга;
махсус турдан юк-фургон турига;
махсус турдан юк-бортли-тентли турга;
махсус турдан рефрижератор турига;
ўзи ағдарувчи турдан махсус турга;
ўзи ағдарувчи турдан юк-бортли турга;
ўзи ағдарувчи турдан юк-бортли-тентли турга;
ўзи ағдарувчи турдан юк-фургон турига;
ўзи ағдарувчи турдан рефрижератор турига;
ўтирма тортувчи турдан ўзи ағдарувчи турга;
ўтирма тортувчи турдан юк-бортли турга;
ўтирма тортувчи турдан юк-бортли-тентли турга;
ўтирма тортувчи турдан махсус турга;
ўтирма тортувчи турдан рефрижератор турига;

рефрежиратор туридан махсус турга;
рефрежиратор туридан ўзи ағдарувчи турга;
рефрежиратор туридан юк-фургон турига;
рефрежиратор туридан юк-бортли-тентли турга;
рефрежиратор туридан юк-бортли турга;
бетон қорғич туридан юк-бортли турга;
бетон қорғич туридан юк-бортли-тентли турига;
бетон қорғич туридан юк-фургон турига;
бетон қорғич туридан ўтирма тортувчи турга;
бетон қорғич туридан рефрежиратор турига.

Автомототранспорт воситасининг кузови ҳамда деталларини ўзгартириш:

юкхонанинг (бортнинг) габарит ўлчамларини ўзгартириш (кўтариш, узайтириш);

юкхона эшикларининг икки ёнга вертикал очилишига рухсат бериш;
чет элда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар кузовини алмаштириш;
автотранспорт воситаларининг ташқи кўринишига (кузов) ўзгартириш(лар)
киритиш (масалан, «Сартива-3» русумли автомобилни «Сартива-4» русумига);

автотранспорт воситасининг двигателини ўзгартириш;
ярим тиркамани тиркамага ўзгартириш;
қўшимча ёқилғи сиғими (бак) ўрнатиш;
қўшимча ўриндиқ ўрнатиш ёки камайтириш (олиб ташлаш);
автотранспорт воситасига ишлаб чиқарган корхона томонидан кўзда тутилмаган антенна, сирена, рация ўрнатиш;

эхтиёт (захира) ғилдирагини белгиланмаган жойда (орқа эшикка) ўрнатиш;
автотранспорт воситасининг конструкциясида кўзда тутилмаган ёритиш чироқлари (ксенон лампа) ўрнатиш;

транспорт воситаларига ялт-ялт этувчи чироқ-маёқча ва (ёки) махсус товушли ишоралар берувчи мосламалар ўрнатиш;

автотранспорт воситасига газ баллон ва жиҳозларини ўрнатиш.

Мустақил таълим учун топшириқ: _____

Автомототранспорт воситаси қайта жиҳозлаш учун расмийлаштириш учун куйидаги хужжатларни тўлдириш бўйича кўникмаларга эга бўлиш.

**Автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш
тўғрисида
АРИЗА**

_____ га рухсат
_____ беришингизни сўрайман

(қайта жиҳозлаш тури, маркаси, тури ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами
белгиси, қайта жиҳозлашни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектининг номи
ва жойлашган манзили)

Аризага илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати:

(Автомототранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг қисмининг
йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома ва
автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби
тўғрисидаги низомнинг **25-банди** талабларига мувофиқ)

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (имзо)

20__ йил «__» _____

Изоҳ. Ариза жисмоний шахс томонидан фамилияси, исми, отасининг исми, шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари кўрсатилган ҳолда тўлдирилади.

15-мавзу: Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланиш тартиби.

1-савол. Жисмоний ва юридик шахсларга автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби.

2-савол. Рухсатномани ЯИДХП орқали қайта расмийлаштириш тартиби.

Асосий тушунчалар:

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати;

рухсатнома — ариза берувчига ваколатли орган томонидан QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳужжат шаклида бериладиган автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома;

ЯИДХП — Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали.

Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) ишлари рухсатнома ва тасдиқланган давлат стандартига мувофиқ автотранспорт воситаси эгаси томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Автотранспорт воситаси орқа ойнасининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги чекланмаган даражада ўзгартириш (қорайтириш), шунингдек, олд ойнасининг тепа қисми тусини 14 см дан кўп бўлмаган полоса шаклида ёруғлик ўтказувчанлиги чекланмаган даражада ўзгартириш (қорайтириш) учун рухсатнома талаб этилмайди.

Рухсатнома бир йил муддатга берилади.

Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) оид давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан кўрсатилганда, ушбу хизмат учун йиғимлар Вазирлар Маҳкамасининг «Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 18 июлдаги 547-сон қароридан кўрсатилган миқдорларда тўланади;

«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) оид давлат хизмати учун йиғимлар давлат хизмати ЯИДХП орқали кўрсатилганда, Вазирлар Маҳкамасининг «Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 18 июлдаги 547-сон қароридан белгиланган миқдорларнинг 90 фоизи тўланади.

Бунда ушбу тўловлар суммаси қуйидагича тақсимланади:

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

88,75 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармасига ўтказилади.

Давлат хизмати ЯИДХП орқали мазкур Регламентга 1-иловада келтирилган схема асосида, ваколатли орган томонидан тўғридан-тўғри кўрсатилганда 1.1-иловада келтирилган схема асосида кўрсатилади.

2-савол. Рухсатномани ЯИДХП орқали қайта расмийлаштириш тартиби

Рухсатнома қуйидаги ҳолатларда ЯИДХП орқали қайта расмийлаштирилади:

автотранспорт воситасини ҳисобга олиш маълумотларига ўзгартириш киритилганда (қайта жиҳозлаш, давлат рақам белгиси ва рўйхатга олиш гувоҳномаси ўзгартирилганда);

автотранспорт воситасининг мулкдори ўзгарганда;

эгасининг маълумотларида ўзгариш бўлганда (жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, юридик шахс қайта ташкил этилганда, унинг жойлашган жойи (почта манзили) ёки номланиши ўзгартирилганда) қайта расмийлаштирилади.

Рухсатнома аввал берилган рухсатноманинг амал қилиш муддатигача қайта расмийлаштирилади.

Автотранспорт воситасининг мулкдори ўзгарганда янги мулкдор ихтиёрига мувофиқ аввалги рухсатноманинг қолган амал қилиш муддатига қўшимча тўловларсиз қайта расмийлаштирилади.

Рухсатнома ЯИДХП орқали қуйидаги тартибда қайта расмийлаштирилади:

ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ҳамда электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради;

сўровномага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ахборот тизимлари ёрдамида автоматик равишда текширилади;

сўровномада хато маълумотлар кўрсатилган тақдирда, сўровнома автоматик равишда рад этилади ва бу ҳақда ариза берувчига онлайн тарзда электрон шаклда жавоб қайтарилади;

ваколатли орган икки соат давомида QR-код (матрик штрихли код) қўйилган, қайта расмийлаштирилган рухсатномани ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборади;

ариза берувчининг рухсатномани қўшимча тўлов эвазига рухсатноманинг бошқа турига ўтказишига йўл қўйилмайди.

Тизимга автотранспорт воситасини ҳисобга олиш (электрон) маълумотларига (рухсатноманинг серияси, рақами, берилган жойи, вақти ва амал қилиш муддати) автоматик тарзда тегишли ўзгартиришлар киритилади.

ЯИДХП орқали рухсатномани қайта расмийлаштириш бўйича давлат хизмати кўрсатилгани учун тўлов ундирилмайди.

Семинар машғулоти 2 соат

Режа:

1-савол. Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш учун Давлат хизматини кўрсатиш тартиби.

2-савол. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш тартиби

1-савол. Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш учун Давлат хизматини кўрсатиш тартиби.

Давлат хизмати ваколатли орган томонидан «Автомобилотранспорт» автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда кўрсатилади.

Ариза берувчи тўғридан-тўғри ваколатли органга мурожаат қилганда, ваколатли орган масъул ходими томонидан ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган сўровномани ариза берувчи номидан тўлдиради.

Агар ариза берувчи давлат хизматидан ЯИДХП орқали фойдаланмоқчи бўлса, у ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ҳамда ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Сўровномага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ахборот тизимлари ёрдамида автоматик равишда текширилади.

Сўровномада хато маълумотлар кўрсатилган тақдирда, сўровнома автоматик равишда рад этилади ва бу ҳақда ариза берувчига онлайн режимда автоматик тарзда электрон шаклда жавоб қайтарилади.

Тизим орқали сўровномага киритилган маълумотларнинг тўғрилиги тасдиқлангач, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 июлдаги 547-сон қарорига мувофиқ рухсатнома бериш учун тўлов ставкалари асосида электрон тўлов варақаси (инвойс) шакллантирилади.

Ариза берувчи томонидан рухсатнома учун тўлов 10 кун муддатда амалга оширилади.

Тўлов белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда (тўлов тўлиқ амалга оширилмаган тақдирда) ва/ёки сўровномада маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда, сўровнома автоматик равишда рад этилади ҳамда бу ҳақда ариза берувчига онлайн режимда автоматик тарзда электрон шаклда жавоб қайтарилади.

Бошқа асосларга кўра рухсатнома бериш рад этилишига йўл қўйилмайди.

Ваколатли орган ариза берувчи томонидан тўлов амалга оширилгач, икки соат давомида автоматик равишда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган рухсатномани расмийлаштиради ҳамда ариза берувчига ёки унинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборади.

Ариза берувчи рухсатноманинг амал қилиш муддатидан қатъи назар, туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналардан фойдаланишдан воз кечган тақдирда, амалга оширилган тўлов қайтарилмайди.

Тизимга автотранспорт воситасини ҳисобга олиш (электрон) маълумотларига автоматик тарзда тегишли ўзгартиришлар киритилади (рухсатноманинг серияси, рақами, берилган жойи, вақти ва амал қилиш муддати).

2-савол. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш тартиби

Ариза берувчи.

1. Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома олиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтиш.

2. Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш бўйича сўровномани тўлдириш ва юбориш.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлик хизмати «Автомобилотранспорт» автоматлаштирилган ахборот тизими.

1. Сўровномага киритилган маълумотларнинг тўлиқлигини текшириш.

2. Сўровномада маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган ёки тўлов тўлиқ амалга оширилмаган тақдирда, сўровномани рад этиш.

Давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими. Сўровномага киритилган маълумотларнинг тўлиқ ва тўғрилиги тасдиқлангач, электрон тўлов варақаси (инвойс)ни шакллантириш.

Ариза берувчи. Рухсатнома учун тўловни амалга ошириш. 10 кун мобайнида.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлик хизмати «Автомобилтранспорт» автоматлаштирилган ахборот тизими.

1. QR код (матрик штрихли код) қўйилган рухсатномани автоматик равишда расмийлаштириш ҳамда уни ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юбориш.

2. Автотранспорт воситасини ҳисобга олиш электрон маълумотларига тегишли ўзгартиришлар киритиш.

16-мавзу: Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун дипломатик иммунитетга ега бўлган шахсларнинг жавобгарлиги

Режа:

1-савол. Ўзбекистон Республикасида дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузганда йўл-патруль хизмати ходимларининг ҳаракатлари.

2-савол. ЙПХ ходимлари ҳайдовчига транспорт воситаси кабинаси (салони) дан чиқишни таклиф қилишлари мумкин бўлган ҳолатлар.

1-савол. Ўзбекистон Республикасида дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузганда йўл-патруль хизмати ходимларининг ҳаракатлари.

Ушбу фаолият Дипломатик алоқалар тўғрисида 1961 йил 18 апрелдаги Вена Конвенциясининг 41-моддаси 1-бандига, Консуллик алоқалари тўғрисида 1963 йил 24 апрелдаги Вена Конвенциясининг 55-моддаси 1-бандига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 17-моддаси иккинчи қисмига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2012 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларга тенглаштирилган ташкилотлар ходимларига нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” **рўйхат рақами 2338 қарори**, (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 7, 5 ва 22-сонли қўшма қарорлари асосида чиқарилган) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ташқи ишлар вазири 2012 йил 13 февраль, 7-сонли;

Ички ишлар вазири 2012 йил 13 февраль, 5-сонли

Олий суд раиси 2012 йил 13 февраль, 22-сонли қарорлари

Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг, шунингдек уларга тенглаштирилган ташкилотларнинг (дипломатик ваколатхоналар) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахслар

бўлган маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар ҳисобланмайди.

Қонунийлик, қонун олдида барчанинг тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига мувофиқ дахлсизликдан фойдаланувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этишлари лозим. Дахлсизликдан фойдаланувчи шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш бундай шахсларга ва улар вакили бўлган дипломатик ваколатхоналарга нисбатан комплекс таъсир чораларини қабул қилиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл-патруль хизмати ходимларининг ҳаракатлари Дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишлари аниқланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл-патруль хизмати ходимлари (ЙПХ) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ҳамда бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади.

Дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар ЙПХ ходимлари билан алоқага киришган ҳолларда ўз мақомидан қатъий назар, аккредитация карточкаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда транспорт воситасининг дипломатик ваколатхонага тегишлилигини кўрсатувчи бошқа ҳужжатларни ЙПХ ходимларига тақдим этишга мажбур. Бунда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси ва ҳуқуқбузар шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар эгасига қайтариб берилади.

Дахлсизликдан фойдаланувчи шахс транспорт воситасини бошқараётиб алкоғолли ичимликдан, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда бўлган деб ҳисоблаш учун етарли асослар бўлса, ЙПХ ходими бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳайдовчини вақтинча транспорт воситасини бошқаришдан четлаштиради, ҳайдовчининг розилигига кўра, белгиланган тартибда алкоғолли ичимлик, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастликни аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтишни таклиф қилади. Ушбу ҳолат бўйича ҳудудий ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига ва Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига (ТИВ) тегишли дипломатик ваколатхонани дарҳол хабардор этиш учун маълум қилинади.

Бунда тинтув ёки текширув деб баҳоланиши мумкин бўлган талаблар (транспорт воситасининг капоти ёки багаж бўлмасини очиш) қўйилмаслиги лозим. Дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар ЙПХ ходимларининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабларини бажармаган ҳолларда, транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиси, ҳуқуқбузарликни содир этиш вақти, санаси ва жойи албатта кўрсатилган ҳолда тегишли далолатнома тузилади. Далолатнома ЙПХ ходимлари ва икки ҳолис томонидан имзоланади.

Дахлсизликдан фойдаланувчи шахс бошқараётган транспорт воситаси билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) факти бўйича материалларни

расмийлаштириш вақтида, агар у тиббий ёрдамга муҳтож бўлмаса, ЙПХ ходими унга ушбу жараёнда иштирок этишни таклиф қилади. Агар ҳайдовчи ёки йўловчилардан бирортаси иштирок этишни хоҳламаса, ЙПХ ходими ЙТХ иштирокчилари тўғрисидаги зарур маълумотларни ёзиб олади. Бундай ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомага ҳайдовчи йўқлигининг сабаби тўғрисида ёзиб қўйилади ҳамда баённома уни тузувчи ва икки холис томонидан имзоланади.

Қўидагилар дахлсизликдан фойдаланувчи шахс бошқараётган транспорт воситаларини тўхтатиш учун асос ҳисобланади:

ҳайдовчилар ёки йўловчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши;

агар транспорт воситасининг ҳаракатланиш хусусияти ҳайдовчининг бошқариш қобилиятига шубҳа туғдирса (йўналишининг ва / ёки тезликнинг кескин ўзгариши);

транспорт воситасининг техник носозлигидан далолат берувчи белгиларнинг мавжудлиги;

транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари кўринишини яширувчи бирор-бир воситалардан фойдаланиш мавжудлиги (уларнинг белгиланмаган жойга мустаҳкамланиши ёки бошқача предметлар билан ёпилиши);

транспорт воситаси, ҳайдовчи ёки йўловчиларнинг ЙТХни, жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишга алоқадорлиги тўғрисида далолат берувчи маълумотларнинг мавжудлиги;

ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатни чеклаш ёки тақиқлаш тўғрисидаги қарорларини бажариш;

давлат стандарти нормаларига мувофиқ бўлмаган кўзгусимон ёки туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан фойдаланиш, «СМД», «D», «UN» ва «X» серияли давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгилари бўлган транспорт воситалари бундан мустасно.

Ушбу банднинг иккинчи – саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлмаганда транспорт воситаларини тўхтатиш ман этилади.

2-савол. ЙПХ ходимлари ҳайдовчига транспорт воситаси кабинаси (салони) дан чиқишни таклиф қилишлари мумкин бўлган ҳолатлар.

ЙПХ ходимлари қўидаги ҳолларда ҳайдовчига транспорт воситаси кабинаси (салони) дан чиқишни таклиф қилишлари мумкин:

транспорт воситасининг техник носозлигини ёки юк ташиш қоидалари бузилишларини бартараф этиш учун;

ҳайдовчининг алкоғолли ичимлик, гиёванд модда таъсиридан ва ўзгача тарзда мастлик ҳолатида деб ҳисоблаш учун етарли асослар бўлганда;

ҳайдовчилар ёки йўловчилар маъмурий ҳуқуқбузарлик ва/ёки жиноятлар содир этишда гумон қилинганда.

ЙПХ ходимларининг дахлсизликдан фойдаланувчи шахсларга нисбатан муносабатлари қонунийликка қатъий риоя этиш, ўз вазифаларини аниқ бажариш, шунингдек ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришдаги

принципиаллик ушбу шахсларга эътибор, хайрихоҳлилик ва ҳурмат кўрсатиш билан асосланиши лозим.

ЙПХ ходимлари дахлсизликдан фойдаланувчи шахсларга мурожаат қилишда қўлни бош кийимга қўйиб ўзини таништириши, ўз лавозими, махсус унвони ва фамилиясини айтиши, транспорт воситасини тўхтатиш сабабини маълум қилиши лозим.

ЙПХ ходимлари дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар билан сўзлашишда хотиржам ва вазмин бўлишлари лозим, уларнинг тортишувга киришиши, ўзини йўқотиши, қўполликка қўполлик билан жавоб қайтариши мумкин эмас.

Низоли вазиятлар, эътирозлар пайдо бўлганда ёки дахлсизликдан фойдаланувчи шахснинг талабига кўра ЙПХ ходими кўкрак нишонининг тартиб рақамини айтади ва хизмат гувоҳномасини қўлидан чиқармай кўрсатади. Бу ҳақда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомага ёзиб қўйилади ва қўшимча материаллар баённомага қўшиб қўйилади.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)

Режа:

1. Дахлсизликдан фойдаланувчи шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш.

2. Ҳуқуқбузарлик содир этган дахлсизликдан фойдаланувчи шахсларга нисбатан қўлланиладиган таъсир чоралари.

1-савол. Дахлсизликдан фойдаланувчи шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш ва уларга таъсир чоралари қўллаш тартиби.

Дахлсизликдан фойдаланувчи шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш ва уларга таъсир чоралари қўллаш дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома ва бошқа ҳужжатлар ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан эътиборан бир сутка давомида ТИВнинг Дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармасига (Дипхорижхизмат) тегишли дипломатик ваколатхонани хабардор қилиш учун юборилади.

Суд ёки бошқа ваколатли орган ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарор қабул қилади. Суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо кўрсатилган қарор қабул қилингандан сўнг бундай қарор Дипхорижхизмат орқали тегишли дипломатик ваколатхонага ижро этиш учун юборилади.

Дипхорижхизмат йўл ҳаракати қоидаларини бузган дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар тўғрисида маълумотлар базасини ташкил этади, унга бундай шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида келиб тушаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар ва суд ёки бошқа ваколатли органнинг қарорлари киритилади.

Дипхорижхизмат суд ёки бошқа ваколатли органнинг қарорини бажариш талаби баён этилган ноталарни тегишли дипломатик ваколатхоналарга юборади ва уларни умумлаштиради.

Содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жарима Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда тўланади.

Дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузган тақдирда, шунингдек суд ёки бошқа ваколатли орган қарорини бажаришни рад этса ёки бўйин товласа, тегишли дипломатик ваколатхоналар ёки дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар Дипхорижхизматга транспорт хизмати (автомобилни рўйхатга қўйиш, рўйхатдан чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини бериш ва алмаштириш, техник кўрикдан ўтказиш ва бошқалар) кўрсатишни сўраб мурожаат қилганда, бундай хизматлар маъмурий жазолар ижро этилмагунга қадар кўрсатилмайди.

Дипхорижхизмат дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун суд ёки бошқа ваколатли орган қарорини ижро этилишини назорат қилади.

2-савол. Ҳуқуқбузарлик содир этган дахлсизликдан фойдаланувчи шахсларга нисбатан қўлланиладиган таъсир чоралари.

Ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлидаги таъсир чоралари ҳам қўлланади:

-бир йил давомида йўл ҳаракати қоидалари уч маротабадан кўп бузилганда, ҳуқуқбузарга бириктирилган транспорт воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари Дипхорижхизмат томонидан ТИВ тегишли бўлинмаси билан келишилган ҳолда олти ойгача бўлган муддатга олиб қўйилиши мумкин ёки тегишли дипломатик ваколатхона бошлиғи ТИВга тушунтириш ишлари учун чақиртирилади;

-давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларидан маҳрум қилинган шахс мазкур автомобилдан бошқа давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари билан фойдаланган тақдирда, ушбу факт ЙПХ ходимлари томонидан расман ҳужжатлаштирилади ва Дипхорижхизматга топширилади, Дипхорижхизмат бундай йўл ҳаракати қоидалари бузувчисининг Ўзбекистон Республикасида бўлиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги таклифни ТИВ раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритади;

-мазкур Йўриқноманинг 7-банди еттинчи хатбошисида кўрсатилган таъсир чоралари қўллангандан сўнг бир йил давомида йўл ҳаракати қоидаларини бузиш тақдирини содир этилса, ТИВ тўғридан-тўғри (Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатдаги дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари орқали) тегишли давлатнинг ташқи ишлар вазирлигига ушбу давлат дипломатик ваколатхонасининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилишини таъминлаш бўйича чоралар кўришни сўраб Нота юборади. Бошқа ҳолларда ТИВ тегишли давлат ташқи ишлар вазирлигини йўл ҳаракати қоидалари бузувчисини аккредитациядан маҳрум қилиш нияти тўғрисида хабардор қилади;

-Дипхорижхизмат даврий равишда дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисида барча дипломатик ваколатхоналарга батафсил статистик маълумотларни ўз ичига олган умумлаштирилган тематик ахборотнома юборади;

-ТИВ, зарур бўлганда, Дипломатик маълумотномада ва бошқа манбаларда йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарималарни мунтазам равишда

тўламайдиган дахлсизликдан фойдаланувчи шахсларнинг «қора рўйхат»ини эълон қилади.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолати махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техник воситалари ёрдамида аниқланган ҳолда транспорт воситасининг эгаси маъмурий жавобгарликка тортилади.

Дипломатик ваколатхонага тегишли транспорт воситасидан фойдаланган ҳолда содир этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолати махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техник воситалари ёрдамида аниқланган ҳолларда дипломатик ваколатхонага тегишли транспорт воситасининг эксплуатацияси учун мутасадди шахс маъмурий жавобгарликка тортилади.

Транспорт воситасининг мулкдори махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ўзига тегишли транспорт воситасидан фойдаланган ҳолда йўл ҳаракати қоидаларининг бўзилиши учун жавобгарликдан озод этилади, башарти:

-маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан келтирилган шикоятни кўриб чиқиш давомида ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда тегишли транспорт воситасига эгалик қилган шахс аниқланса;

-мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари натижасида унинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса.

ТИВ барча дипломатик ваколатхоналарга бундан буён дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилгани учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган маъмурий жазо қўлланиши тўғрисида циркуляр Нота юборади.

17-мавзу: Олиб қочилган, ўғирланган ва йўл-транспорт ҳодисаси содир этган транспорт воситаларининг қидирувини ташкил етиш.

Режа:

1-савол. Автотранспорт воситаларини ўғирлаш, олиб қочиш ва йўл транспорт ҳодисаси содир этиб воқеа жойидан яшириниш билан боғлиқ жиноятлар тушунчаси ва моҳияти.

2-савол. Автотранспорт воситаларини ўғирлаш, олиб қочиш ва йўл транспорт ҳодисаси содир этиб воқеа жойидан яшириниш билан боғлиқ жиноятларни фош этишда ЙҚХХ ходимларининг иштироки.

1-савол. Автотранспорт воситаларини ўғирлаш, олиб қочиш ва йўл транспорт ҳодисаси содир этиб воқеа жойидан яшириниш билан боғлиқ жиноятлар тушунчаси ва моҳияти.

Бизга маълумки, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида инсоният олдида турган энг долзарб

муаммолардан бири бўлган. Чунки, ҳар бир содир этилган жиноят, ҳар бир ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши маълум даражада шахсга, унинг қонуний манфаатларига, жамият ва давлат тараққиётига, нормал ҳаёт тарзига салбий таъсир этади, моддий ёки маънавий зарар етказди. Айниқса, жамиятимиз ривожланиши билан бир қаторда, жиноятчиликнинг ҳам ўсиб, такомиллашиб бораётганлиги, уларга қарши кураш самарадорлигини оширишда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва очиш билан боғлиқ асосий фаолиятини тубдан янгилаш, уни замон талаблари даражасига олиб чиқиш ва такомиллаштиришни давр талаби деб баҳолаб, уни амалга ошириш чораларини кўришимиз зарур. Албатта, юқорида қайд этилган талаблар бевосита ички ишлар органлари ходимларининг транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятларига қарши кураш билан боғлиқ вазифаларига ҳам бевосита таълуқлидир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятларининг бугунги кунда амалиётда кўпга содир этилаётганлиги, ички ишлар органлари олдида ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш вазифасини кучайтириш талабини кўяди.

Сўнгги йилларда содир этилган транспорт воситаларни олиб қочиш жиноятлари билан боғлиқ статистик маълумотларни таҳлил қилишимиз, бевосита ушбу турдаги жиноятларнинг ҳозирги замон ҳолатига ҳуқуқий баҳо беришимизга имкон яратади. Жиноятга оид статистик маълумотларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги муҳим аҳамияти шундаки, белгиланган ҳудудда маълум вақт оралиғида қайси турдаги жиноятлар нисбатан кўпроқ содир этилса, ички ишлар органлари ходимлари ҳам ана шу турдаги жиноятларни олдини олиш, уларга қарши курашни кучайтириш мақсадида кўшимча куч ва воситаларни жалб қилади ҳамда тегишли чораларни кўради.

Қисқача қилиб айтганда, жиноятга оид статистик маълумотлардан келиб чиқиб, ички ишлар органлари ходимларининг бўлғуси фаолиятлари режалаштирилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасидаги жиноий ҳолат, оператив вазият ва бўлғуси жиноятчиликка қарши кураш масалалари ҳал қилинади. Биз ҳам, транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятининг ҳозирги замон ҳолатини баҳолашимизда бевосита Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг статистик маълумотларидан фойдаланамиз. Қуйида транспорт воситаларни олиб қочиш жиноятини сўнгги йилларда сони ва ҳолати, шунингдек бошқа маълумотларни келтириб ўтамиз.

Шу ўринда, автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятларини дунёнинг ривожланган давлатларида содир этилиш тўғрисидаги статистик маълумотларни келтириб ўтсак. 2020 йил давомида АҚШда 737 780 та, Бразилияда 251 851 та, Ҳиндистонда 165 690 та, Францияда 161 512 та, Германияда 50 440 та, Россияда 55 680 та ҳамда Японияда 35 959 та автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятлари қайд этилган¹. Бу кўрсаткичлар албатта мазкур турдаги жиноятни дунёнинг ривожланган давлатларини ҳам четлаб ўтмаётганлигини, ушбу жиноятга қарши курашни барча давлатларни ҳам ўйлантираётганлигини кўришимиз мумкин.

Аммо статистик маълумотларга кўра, Россия Федерациясида 2021 йилда 2020 йилга нисбатан автотранспорт воситасини ўғирлаш ва олиб қочиш жинояти 33% га камайган².

Мазкур турдаги жиноятларни олдини олиш бўйича хорижий тажриба ўрганилганда Россия Федерациясида ҳозирги вақтда автотранспорт воситаларини мажбурий суғуртасидан ташқари “КАСКО” номли суғурта компанияси мавжуд бўлиб, ушбу компания автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишдан химоя қилиш учун ихтиёрий суғуртани йўлга қўйган³.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур турдаги жиноят айрим ҳудудларда ошган. Хусусан, Республикамизда ушбу жиноят 2017 йилда 225 та қайд этилган бўлиб, шундан 15 таси яъни 6,47 % жиноят, 2018 йил 161 та қайд этилган бўлиб, шундан 9 таси яъни 5,49 % жиноят, 2019 йил 124 та қайд этилган бўлиб, шундан 2 таси яъни 1,49 % жиноят, 2020 йил 155 та қайд этилган бўлиб, шундан 9 таси яъни 5,45 % жиноят ҳамда 2021 йил 228 та қайд этилган бўлиб, шундан 3 таси, яъни 1,44 % жиноятлар фош этилмай қолган. Автотранспорт воситасини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятини Республикамиз вилоятлари кесмида таҳлил қиладиган бўлсак 2021 йил якунига кўра жами 10 та вилоятда мазкур турдаги жиноят 2020 йилга нисбатан ошган. Масалан, автотранспорт воситасини ўғирлаш ва олиб қочиш жинояти 2021 йилда 2020 йилга нисбатан Тошкент вилоятида 30% га (33 тадан 43 тага), Тошкент шаҳрида 40% га (35 тадан 49 тага), Жиззах вилояти 200%га (1 тадан 3 тага), Навоий вилояти 1000% га (1 тадан 11 тага), Фарғона вилояти 20% га (30 тадан 36 тага), Андижон вилояти 54,55% га (11 тадан 17 тага), Наманган вилояти 226,67% га (6 тадан 22 тага), Сурхандарё вилояти 75% га (4 тадан 7 тага), Қашқадарё вилояти 233,33% га (3 тадан 10 тага) ҳамда Хоразм вилоятида 500% га (1 тадан 6 тага) ошган бўлса, мазкур жиноят Республика бўйича 47,10% га яъни 155 тадан 228 тага ошганлигини кўришимиз мумкин. Энг ачинарлиси 2020 йил автотраспорт воситасини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятининг 9 таси фош этилмай қолган бўлса, 2021 йил 3 та автотранспорт воситасини ўғирлаш ва олиб қочиш жинояти фош этилмаган⁵.

Биз юқорида содир этилган жиноятларга оид статистик маълумотлар, Ички ишлар органларида жиноятчиликка қарши курашда муҳим аҳамият касб этиши, яъни, бевосита ҳудудда содир этилган жиноятларга оид статистик маълумотлардан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органларининг бўлажак фаолиятлари режалаштирилиши хусусида тўхталиб ўтган эдик. Ушбу фикрни маълум бир жиноят мисолида тушунтирадиган бўлсак, яъни бирон бир жиноятнинг (*масалан, транспорт воситаларини олиб қочиш*) қайси вақтда кўпроқ содир этилиши, кимлар томонидан содир этилиши, асосан қаерларда, содир этилади ва бошқа шу каби маълумотлар ўрганилиб, бу маълумотлардан келиб чиққан ҳолда Ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш вазифаси белгиланса, албатта, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги юқори даражаларга кўтарилади.

Жиноятчиликка қарши курашиш тарихи гувоҳлик беришича, оғир ва ўта оғир жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва фош этиш, яширинган жиноятчиларни қидириб топиш фақат ошкора жиноят процессуал ва бошқа воситалар етарли бўлмасдан, бошқа самарадор воситаларни қўллаш тақазо этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун нафақат содир этилган жиноятларни

фoш этиш, балки жиноий ҳодиса ва жараёнларни ривожланиши устидан назорат ўрнатиш муҳим вазифа ҳисобланади. Жиноятчиликка қарши курашнинг илмий жиҳатдан замонавий ташкил қилиш даражаси ички ишлар органлари турли хизмат ва бўлинмаларнинг узлуксиз ҳамкорлигини тақозо этади. Бу жиноятларнинг олдини олиш, очиш, яширинган жиноятчиларни қидириш ва ушлаш учун комплекс чораларнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади. Ҳамкорликнинг аҳамияти шу билан белгиланадики, Ички ишлар органи тизими олдида турган жиноятчиликка қарши кураш мақсадида фақатгина ўзларининг аниқ функциянал вазифалари уюшқоқлиги ва ҳаракат усуллари билан ажралиб турадиган турли хил органлар, хизматлар ва бўлинмаларнинг биргаликда келишилган ҳаракатлари билан эришиши мумкин. Уларнинг доимий ва мустақкам ҳамкорлигисиз жиноятчиликка қарши курашда комплекс чораларни ташкилий сурада амалга ошириши мумкин эмас. Демак, ички ишлар органлари тизими доирасидаги органлар, хизматлар ва бўлинмалар ҳамкорлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширишда объектив зарурат бўлиб ҳисобланади.

Шаҳар, туман ички ишлар органлари томонидан айрим жиноятларнинг олдини олиш, очиш, жиноятчиларни қидириш ва ушлаш жараёнида ҳамкорликни ташкил қилиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш барча учун умумий, бироқ топширилган вазифаларни муваффақиятли бажариш мақсадида амалга ошириладиган жиноят қидирув аппаратлари, навбатчилик қисми, тергов, ДЙҲХХ, ЖТСБ, ҲПБ ва бошқа бўлинмаларнинг биргаликдаги ва келишилган ҳаракатларидан иборатдир. Бундай ҳамкорлик аниқ ифодаланган тезкор-тактик хусусиятга ва ички ишлар органларининг қуйи бўғинлари фаолиятига таалуклидир.

Автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш катта шаҳарларга хос жиноят туридир. Бунга шаҳарларда автомобиллар ва транспорт воситаларининг жадал ривожланиб бориш жараёни, одамлар ҳаётида автомобиллар аҳамиятининг ортиб бориши, ушбу катта қийматга эга мулкка жиноий қизиқишнинг юқорилиги шароит яратмоқда. Автотранспорт воситаларининг турли тажовузлардан ҳимояланмаганлиги айрим ҳолларда олиб қочиш учун уринишни келтириб чиқариши мумкин.

Автотранспорт воситаларини олиб қочишга қарши курашнинг муҳим йўналиши ушбу ҳуқуқбузарликлар профилактикасидадир. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Бинобарин, уни комплекс кўриб чиқиш, таркибий элементларини ажратиш, уларни турли асослар бўйича таснифлаш, интегротив баҳолаш, яъни тизимли таҳлилга хос кўплаб жиҳатларнинг аҳамияти каттадир.

Автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг олдини олиш фаолиятига уларнинг содир этилишига шароит яратувчи ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш; жиноят содир этишини кутиш мумкин бўлган шахсларни аниқлаш; бундай шахсларни назорат қилиш ва тегишли олдини оловчи чоралар кўришни ташкил этиш, автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишга уринишларни бартараф этиш бўйича комплекс чоралар киради.

Мазкур жиноятларнинг олдини олиш самарадорлигининг асосини жиноий қасд юзага келиши ёки амалга ошишига йўл қўймаслик имконини берувчи тезкор-қидирув ва бошқа маълумотлар ташкил этади. Автотранспорт воситаларига тажовузларга қарши курашдек кўп қиррали муаммони муваффақиятли ҳал

этишнинг имкониятларидан бири, ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятини жадаллаштириш билан бир қаторда, мазкур жинойтларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар ҳақидаги ахборот, ҳайдовчилар орасида ҳуқуқий тарғибот ва тушунтириш ишларининг даражасини сезиларли даражада ошириш, автомобиль ишқибозларини жамоат тартибини сақлаш жараёнига кенг жалб этиш ҳисобланади.

ЙПХ инспектори (катта инспектори)нинг асосий вазифалари:

хизматга тушаётган вақтда қидируа бўйича хабарнома (олиб қочилган транспорт воситалари, эгалланган давлат рақами белгилари, ва бошқа)ларни олиб, уни ён дафтарчасига ёки электрон ахборот-излов базаси бўйича планшетларига киритиш ва йўл ҳаракатини назорат қилиш хизмат вазифаларини бажариш жараёнида, қидирилаётган транспорт воситаларини аниқлашда фаол чоралар кўриш;

маълум бўлган ҳар қандай ҳодиса (қидирувда бўлган транспорт воситаси, давлат рақами белгиси ўғирланган ва бошқа) бўйича МДХ-АДХ (унинг филиаллари) ва шаҳар-туман ИИБ навбатчисига маълум қилиш ва улардан олган кўрсатмаларга мувофиқ ҳаракат қилиш;

ЙТХ жойига биринчи етиб келган бўлса, унда яширинган транспорт воситасининг эҳтимолдаги йўналиши, русуми, давлат рақами белгиси, ранги, транспорт воситаси ва ҳайдовчининг алоҳида белгиларини аниқлаш мақсадида, ҳодиса гувоҳларини тергов-тезкор гуруҳи келгунга қадар ҳодиса жойида бўлишини таъминлаш ҳамда ашёвий далиллар, излар, мол-мулк ва ҳодисага алоқадор бошқа нарсаларнинг сақланишини ва қайд қилиш чораларини кўриш;

излаш ва тўсиқ қўйиш борасидаги «Тўсиб ушлаш» махсус режаси ҳаракатга келтирилгани ҳақида ахборот келиб тушиши билан, зудлик билан режада кўрсатилган жойни эгаллаш ва бу ҳақида навбатчилик қисмига хабар бериш;

пост ва патруллик йўналишида, мунтазам ЙПХ масканида (блок-пост, тўсиқ пост) хизмат ўтаётганида қидирувда бўлган транспорт воситаларининг русуми, ранги ва ўзига хос алоҳида белгилари бўйича ўхшаш транспорт воситаларини тўхтатиш ҳамда уни русуми, давлат рақами белгиси, шасси (рама), кузов ва двигатель рақамларини транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси (талони), рўйхатлаш ҳужжатларидаги ёзувлар билан солиштириш;

жинойтларни фош этиш, айниқса, турли жинойт содир этиб, қидирувда юрган шахсларни аниқлаш мақсадида, тўхтатилган транспорт воситалари йўловчилари шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш, ҳайдовчи ёки юкни кузатиб бораётган шахс билан биргаликда транспорт воситасини ва юкларни ташқи кўздан кечириш ҳамда ушбу ишларни амалга оширишда ахборот-коммуникация технология (ахборот-излов базаси ва бошқа)ларидан фойдаланган ҳолда текшириш;

қидирувда бўлган транспорт воситаси, давлат рақами белгиси ва бошқа жинойтга алоқадор транспорт воситалари аниқлаганда, бу ҳақида дарҳол МДХ-АДХ (унинг филиаллари) ва шаҳар-туман ИИБ навбатчисига хабар бериш, аниқ вазиятларни ҳисобга олиб, ўзининг шахсий хавфсизлиги ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчилари хавфсизлигини таъминлаб, транспорт воситасини ва унда бўлган шахсларни бевосита ўзи ёки бошқа ходимлар ва жамоатчилик ёрдамида ушлаш чораларини кўриш ҳамда навбатчилик қисмига доимий равишда ўз ҳаракатлари тўғрисида ахборот бериб туриш;

ЙПХ маскани, блок-постда хизмат ўтаётганида куннинг қоронғи вақтида (алоҳида кўрсатма бўлганда кундузи ҳам) ҳаракатланаётган транспорт воситалари ҳисобини юритиш, бунда алоҳида китобда ва видео кузатув воситаларида транспорт воситаларининг ўтган вақти (ҳар ярим соат оралиғида, яъни 9.00-9.30-10.00-10.30 ва бошқа), русуми, давлат рақами белгиси, йўналиши (аҳоли яшаш пункти номи) қайд этилишини ташкиллаштириш (блок- постларида ушбу вазифа ички ишлар органлари бошқа хизмат ходимларига юклатилиши мумкин);

пост ва патруллик йўналишида, мунтазам ЙПХ масканида (блок-пост, тўсик пост) хизмат ўтаётганида навбатчилик қисмлари томонидан берилган хабарномаларга алоҳида эътибор бериш ва бу йўналишдаги ишларнинг доимий назоратини амалга ошириш.

«Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун ва шу асосида ишлаб чиқилган Вазирликнинг тегишли меъёрий ҳужжатларида кўрсатилган тартибда махсус воситалардан, шунингдек транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш воситаларидан фойдаланади.

Автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишни тезкор-қидирув профилактик чораларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш, ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдиган шахслар ва автомобиль ишқибозлари орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини ўтказиш;

– ички ишлар органларининг тегишли шаҳар (туман)да автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тармоқларда ишловчиларнинг ижтимоий-психологик ҳолати, ҳайдовчилар ва автосервис ходимларини тайёрлаш билан боғлиқ аҳволдан хабардорлигини ошириш.

ЙҚХБ профилактик фаолиятида ушбу жиноятни тайёрлаётган ёки содир этишга ҳаракат қилаётган шахсларнинг ўз вақтида аниқланишини таъминловчи тадбирлар муҳим ўрин тутди. Бундай шахсларга қуйидагилар қиради:

– автотранспорт воситаларини, эҳтиёт қисмларини ёки автодеталларни ўғирлаганлик ва олиб қочганлик, автотранспорт воситаларини қасддан йўқ қилганлик ёки шикастлаганлик учун илгари судланган ёки бошқа турдаги жавобгарликка тортилган шахслар;

– ўғирлик, босқинчилик, талончилик, безориликнинг бошқа турлари учун судланганлар (шахсий автотранспорт воситаларига эга бўлган ёки уларни бошқариш кўникмаларига эга бўлганлар);

– турмуш тарзи ёки жамиятдаги хатти-ҳаракати мазкур жиноятларни содир этиши мумкин деб ҳисоблашга имкон берувчи, ҳайдовчилик ёки унга яқин мутахассисликка эга бўлганлар (механиклар, авточилангарлар, таъмирчилар);

– ғайриижтимоий асосда гуруҳларга бирлашаётган ҳамда автотранспорт воситаларига «носоғлом» қизиқиш намоён этадиган, эҳтиёт қисмлари сотиладиган, техника таъмирланадиган жойларда кўпинча пайдо бўладиган вояга етмаганлар ва ёшлар (жумладан ўқимайдиган ва ишламайдиганлар);

– яқка тартибдаги транспорт воситаларининг эгаларига норасмий таъмирлаш хизматлари кўрсатадиган, автотранспорт воситаларининг эҳтиёт қисмларини олиб сотиш билан шуғулланадиган шахслар.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида лозим даражадаги ижтимоий фикрни шакллантириш усуллари билан бири ҳуқуқий тарғибот усуллари билан ҳуқуқий тарбиялашдир.

Амалиётнинг кўрсатишича, айрим фуқаролар, айниқса ёшлар мазкур жиноятлар (айниқса автотранспортни олиб қочганлик) учун жавобгарлик чораларидан хабардор эмаслар. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб ушбу ҳаракат воситаларини нотўғри сақлаш ҳамда уларнинг олиб қочилишига олиб келиш фактларини кўрсатиш, ушбу объектларга жиноий тажовузлар содир этилишига тўсқинлик қилувчи чораларни, жумладан муайян қурилмаларни тавсия этиш зарур.

Автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишга оид айрим ҳолатлар ҳақида ва уларнинг оқибатлари тўғрисида хабар бериш лозим. Шунингдек, ҳайдовчи ўзига ёки бошқа ҳайдовчига тегишли транспорт воситаси олиб қочилган тақдирда нима иш қилиши кераклигини тушунтириш зарур. Амалиётда ички ишлар органлари турли хизматлари ходимларининг қуйидагиларни текшириш шаклидаги профилактик ишлари ижобий натижа берди:

– автотранспорт воситаларининг махсус ташкил қилинган турар жойлардан ташқарида (кўчалар, майдонлар, ховлилар ва шу кабиларда) сақланиш ҳолати;

– транспортнинг автохўжаликларда, якка тартибдаги уй эгаларининг гаражларида, шунингдек техник хизмат кўрсатиш станциялари ва пулли турар жойларда сақланиш ҳолати;

– “йўналишдаги» автотранспортнинг ҳолати.

Автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг муваффақиятли ўтказилиши, аввало, уларни сақлаш муаммосига оид вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ. Масалан, кўриқланадиган автотураржойларда ўринларнинг кўпайиши, шаҳарлараро, туманлараро кўриқланадиган автотураржойларни ташкил қилиш мазкур жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишнинг олдини олишга қаратилган чоралар орасида техник хусусиятга эга чоралар, жумладан техник ҳимоя воситалари – транспорт воситаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга тўсқинлик қилувчи мосламалар ўрнатилишини тарғиб қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай воситаларнинг самарадорлиги уларнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ – уларнинг айримлари автомобилга кириш учун енгил бўлмас тўсиқ яратади, бошқалари двигателни ишга туширишга тўсқинлик қилади, яна бошқалари бошқарув рулидан фойдаланишга ёки тезликни ўзгартириш тизимидан фойдаланишга имкон бермайди.

Амалиётнинг кўрсатишича, ҳозирги вақтда автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочишга қарши курашни ахборот-таҳлилий таъминлаш катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

2-савол. Автомототранспорт воситасининг агрегат қисмлари ва ҳайдовчилик ҳужжатларида сохталик аломатлари аниқланган ҳолларда ЙПХ инспекторлари томонидан амалга ошириладиган ишлар тартиби.

Транспорт воситасини харид қилиш, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларда сохталик аломатлари, агрегат рақамлари, транспорт

воситасини қайд этиш гувоҳномаси, ҳисоб варақаси ва бошқа ҳужжатларга ёзилганлари билан фарқ қилиши, эговлаш ёки зарб бериш билан рақамлари ўзгартирилганлик аломатлари бўйича ҚР ИИБ-ИИББ-ИИБ ЙҲХБлари РИБ-ТРИБ қидирув инспекторлари ёки ушбу вазифалар юклатилган ходим томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси талаблари ва унда кўрсатилган муддатларда терговга қадар текширув ўтказилади. Тўпланган ҳужжатлар қонуний қарор қабул қилиш учун ҳудудий туман-шаҳар ИИБларига юборилади. Иш бўйича тергов ҳаракатларини олиб борган ҳудудий ИИБ масъул ходими қабул қилинган яқуний қарор ҳақида уни қабул қилган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан ЙҲХХни хабардор этиши шарт.

Транспорт воситаси ЙҲХХ рўйхатига қўйилаётган вақтида унинг бошқа давлатларда олиб қочилганлиги ва бошқа ҳолатлар аниқланган тақдирда уни аниқлаган ходим томонидан автомобиль далолатнома асосида жарима майдонига жойлаштирилади. Ҳолат бўйича ЖҚБ, ЙҲХХ, Ахборот маркази ва Эксперт-криминалистика масъул ходимлари иштирокида терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилиб, яқунлари бўйича қонуний қарор қабул қилинади ва ушбу автомобиль олиб қочилган жойдаги ҳудудий ИИБларига (жиноят иши юритилган) сўровнома оборилиб, унда автомобиль топилганлиги ва унинг кейинги тақдири ҳақида сўралади.

Сўровномага жавоб келгунга қадар автомобиль уни тегишли ҳужжатлар асосида сотиб олган охирги эгаси номига «Бошқа шахсларга сотмаслик шарти билан» деган ёзув транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига ёзилиб муҳр босилган ҳолда ЙҲХХ рўйхагига олинади. Автомобилнинг кейинги тақдири у олиб қочилган жойдаги ҳудудий ИИБ-ларидан келган жавоб хатлари ва амалдаги қонунчилик талаблари асосида ҳал этилади.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан транспорт воситасини харид қилиш, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларда сохталаштириш аломатлари, агрегат рақамлари, транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси, ҳисоб варақаси ва бошқа ҳужжатларга ёзилганлари билан фарқ қилиши, эговлаш ёки зарб бериш билан рақамлари ўзгартирилганлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, ҳужжатлар олиб қўйилади. Аниқланган ҳолатни қайд этиш мақсадида, ўрнатилган тартибда ҳолислар иштирокида далолатнома тузилади ва транспорт воситасининг ҳайдовчиси (ҳужжатни эгаси)дан тушунтириш хати олинади.

Текширув тайинлаш учун дастлабки йиғилган материаллар шаҳар-туман ИИБ бошлиғига маълум қилинади.

Текширув агрегат ва қисмлари рақамидаги сохталаштириш ҳамда уларни транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасидага ёзув билан фарқ қилиши ҳолатлари бўйича транспорт воситаси доимий ҳисобда турган, ҳайдовчилик ва қайд этиш ҳужжатлари бўйича эса сохталаштириш аломатлари аниқланган жойдаги туман-шаҳар ИИБлари томонидан амалга оширилади.

Текширув жараёнида транспорт воситаси эгасидан агрегат ва қисмларнинг олинишини шарт-шароити, жойи, вақти ва олдинги эгалари, таъмирлашда қатнашган шахслар ҳақида сўраб-суриштирилади. Зарурат туғилганда ташкилот, корхона ва муассасаларда агрегат ва қисмлар қонуний олинганлигини тасдиқловчи маълумотнома, далолатнома ва ўзга ҳужжатларнинг нусхалари сўраб олинади.

Агрегат ва қисмларининг бирламчи рақамларини аниқлаш ҳамда хужжатларнинг ҳақиқийлигини текшириш учун экспертиза тайинланади, уни ўтказиш ҚР ИИБ-ИИББ-ИИБларнинг эксперт-криминалистика бўлимлари ёхуд бошқа экспертиза муассасаларига топширилади. Транспорт воситаларининг агрегат ва қисмларида аниқланган бирламчи рақамлар ҚР ИИБ-ИИББ-ИИБ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахборот марказлари ҳисобидаги олиб қочилган транспорт воситалари билан таққосланиб текширилади.

Бир ой муддат ичида агрегат ва қисмлар рақамидаги сохталаштириш ҳамда уларнинг рақами транспорт воситасининг қайд этиш гувоҳномасидаги ёзув билан фарқ қилиши ҳолатлари текшируви натижалари бўйича агрегат ва қисмларини қонуний олинганлиги, транспорт воситаларини рўйхатга қўйиш ва улардан фойдаланишни давом эттириш мумкинлиги тўғрисида хулоса чиқарилади. Хулоса ва йиғилган текширув материаллари транспорт воситаси рўйхатда турган ҚР ИИБ-ИИББ-ИИБ ЙҚХБнинг рўйхатлаш ва имтихон олиш бўлимларида сақланади.

Ҳайдовчилик ёки транспорт воситаларини қайд этиш хужжатларини сохталаштириш ҳолатлари текшируви натижаси юзасидан жиноят-процессуал қонунчилигида кўзда тутилган муддатда жиноят ишини кўзғатиш ёки рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Қидирилаётган транспорт воситалари топилган ва ушланган ҳолларда амалга ошириладиган ишларнинг тартиби

Қидирилаётган транспорт воситаси топилганда у ички ишлар органи ходими томонидан ушланади ва қўриқланади. Бунда далилий ахамията эга бармоқ ва бошқа буюмларнинг изларини сақлаш бўйича тегишли чоралар қўрилади. Тергов-тезкор гуруҳи келгунга қадар транспорт воситасини бошқа жойга олиб қўйиш, жиноятчилар томонидан қолдирилган из ва ашёвий далиллар йўқ қилинишига олиб келадиган ҳаракатларни ўтказиш тақиқланади.

Транспорт воситасини ушлашда қатнашаётган ички ишлар органлари ходимлари ва бошқа шахслар уни бошқараётган шахснинг ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган хавфлар ҳақида огоҳлантирилади.

Транспорт воситаларини ушлаш ва ЙТҚ жойидан яширинган шахсларни аниқлаш бўйича материалларни расмийлаштириш жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қидирилаётган транспорт воситаси топилганда, ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисми томонидан топилган жойига тергов-тезкор гуруҳининг чиқиши ташкиллаштирилади. Терговчи мутахассислар (эксперт-криминалистика мутахассиси ва кинолог) иштирокида жойни ва транспорт воситасини кўздан кечирилади.

Қидирилаётган транспорт воситаси ва у топилган жойни кўздан кечириш баённомаси ҳамда транспорт воситасини қўриқлашга топширилганлиги ҳақидаги далолатнома зудлик билан қидирув ташаббускорига жўнатади.

Қидирилаётган транспорт воситаси ушланганда қидирувни амалга ошираётган ички ишлар органининг навбатчилик қисми ЙҚХБнинг МДХ-АДХ ва унинг филиаллари, жалб қилинган барча хизмат ва бўлимлар, шу қаторда ИИБ-ИИББ-ИИБ Ахборот марказини қидирув тўхтатилганлиги ҳақида дарҳол хабардор этади.

Топилган ёки ушланган транспорт воситаси кўздан кечирилгандан сўнг қонуний эгасига қайтарилгунга қадар, терговчи (суриштирувчи)нинг қарорига

асосан, шаҳар-туман ИИБ хўжалик ишлари бўйича масъул ходимга далолатнома асосида унинг жавобгарлигида сақлашга топширилади.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)

Режа:

1-савол. Излаш ва тўсиқ қўйиш тадбирларининг «Тўсиб ушлаш» режаси эълон қилинганда ЙПХ ходимларларининг вазифалари.

2-савол. Автомототранспорт воситасининг агрегат қисмлари ва ҳайдовчилик ҳужжатларида сохталик аломатлари аниқланган ҳолларда ЙПХ инспекторлари томонидан амалга ошириладиган ишларнинг тартиби.

1-савол. Излаш ва тўсиқ қўйиш тадбирларининг «Тўсиб ушлаш» режаси эълон қилинганда ЙПХ ходимларларининг вазифалари.

«Тўсиб ушлаш» махсус режаси олиб қочилган транспорт воситаларини, ЙТХ содир этиб яширинган транспорт воситалари, уларнинг ҳайдовчиларини, давлат рақами белгиларини эгаллаш жиноятларини фош этишга жалб қилинган хизматлар билан биргаликда ҚР ИИБ-ИИББ-ИИБ ЖҚББ, ЙҲХБ, ППХ ва ЖТСБ ҳамда бошқа сохавий хизмат масъул ходимлари томонидан жойлардаги шаҳар-туман ИИБларининг транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятлар таҳлили асосида, уларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда, ҚР ИИБ-ИИББ-ИИБларининг фармойиши асосида тузилган ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилади.

Режани ишлаб чиқишга Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ бошлиқларнинг биринчи ўринбосарлари масъул ҳисобланади.

«Тўсиб ушлаш» махсус режаси транспорт воситаси олиб қочилганлиги ёки ҳайдовчига тажовуз қилиш натижасида жиноятчилар транспорт воситасига эгалик қилганлиги, давлат рақами белгиси эгалланганлиги ҳамда ЙТХ, жойидан ҳайдовчи транспорт воситасида яширинганлиги ҳақида ариза ёки хабар тушганда, жиноят содир этилган вақтдан ўтган вақтни ҳисобга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари тезкор навбатчиси томонидан эълон қилиниб ҳаракатга келтирилади. Шундан сўнг, ЙҲХБ МДХ-АДХ ва шаҳар-туман ИИБ тезкор навбатчилари зудлик билан «Тўсиб ушлаш» махсус режаси ҳаракатга келтирилганлигини барча шахсий таркибга эълон қилиб, режа асосида иш тутишади.

Агар транспорт воситаси олиб қочилганлиги ёки ҳайдовчига тажовуз қилиш натижасида жиноятчилар транспорт воситасига эгалик қилганлиги, давлат рақами белгиси эгалланганлиги ҳамда ЙТХ жойидан ҳайдовчи транспорт воситасида яширинганлик ҳақида ариза ёки хабар тушганда, жиноят содир этилган вақти ўн кун муддатдан ўтиб кетганлиги аниқланган тақдирда, «Тўсиб ушлаш» махсус режаси ҳаракатга келтирилмайди, лекин ушбу жиноят ҳодисаси ҳақида барча шахсий таркиб хабарнома тарзида хабардор қилинади ҳамда транспорт воситаси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш чоралари кўрилади.

«Тўсиб ушлаш» махсус режасини ишлаб чиқишда қуйидагилар инобатга олинади:

тезкор харитага ҚР ИИБ-ИИББ-ИИБ худуди ва кўшни худудларда қидириладиган транспорт воситаларининг ҳаракатланиш эҳтимоли бор йўналишларни ва уни босиб ўтиш мумкин бўлган вақтни кўрсатиб белгиланиши;

қидириладиган транспорт воситасини ушлаш бўйича, хизмат олиб бориладиган ўзининг худудидаги патруль-пост нарядларини ва кўшни худуд ички ишлар органлари навбатчилик қисмларини, мавжуд алоқа воситаларидан фойдаланиб, транспорт воситаси билан боғлиқ бўлган жиноятлар содир этилган вақт билан навбатчилик қисмига келиб тушган ахборотнинг вақтини, фарқини ҳисобга олиб, минтақалараро излашга ҳамда у топилган ёки ушлангандан сўнг қидирув тўхтатилганлиги ҳақида хабардор этиш тарҳи тузилиши;

қидириладиган транспорт воситаси, ҳайдовчиси ҳаракатланиши мумкин бўлган йўналишларни тўсиш учун маҳаллий шароит ва ҳар бир худудни ўзига хос хусусиятини, вақтни, мавжуд бўлган куч ва воситаларнинг сонини инобатга олиб кўшимча пост ва патруль экипажларни қўйиш тартиби;

тергов-тезкор ва тезкор-қидирув гуруҳлари олиб борадиган ишларнинг тартиби (тезкор-қидирув гуруҳлари ЖК, ЙХХХ ва бошқа хизмат ходимлари ҳисобидан тузилади. Ҳар бир гуруҳ патруль автомобилида ўзига ажратилган минтақада иш олиб боради).

«Тўсиб ушлаш» махсус режаси бўйича амалга оширилган тадбирлар ҳақида уни эълон қилган навбатчи назорат китобини тўлдиради. Унда тадбирга жалб қилишан жой, вақт, кучлар ва натижаси кўрсатилади.

«Тўсиб ушлаш» махсус режаси асосида ўтказиладиган ўқув машғулотлари қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

шахсий таркибнинг, хизматларнинг ўзаро ҳамкорлигини ўрганиш;

тезкор навбатчилар томонидан «Тўсиб ушлаш» махсус режаси ўз вақтида ва тезкорлик билан эълон қилиниши;

тергов-тезкор гуруҳининг ўз вақтида ва тўлиқ таркибда ҳодиса жойига етиб бориши;

уларнинг тезкорлигига ва жиноятни ўз вақтида фош этишга қаратилган ҳаракатларнинг бажарилиши;

режада кўрсатилган ва биринчи навбатда ёпилиши лозим бўлган кўча ва йўлларни тезкорлик билан ёпиш;

мунтазам ИПХ масканлари блок ва тўсиқ постларда хизмат олиб бораётган ходимларнинг ўз вазифаларини масъулият билан бажариши;

режада белгиланган тезкор-қидирув ва излаш гуруҳларининг ташкил этилиши ва уларнинг, яъни тезкор девон ва ишчи гуруҳларнинг ўз вазифаларини юқори даражада бажариши;

«Тўсиб ушлаш» махсус режаси ҳаракатга келтирилганда тезкор навбатчилар фаолиятига баҳо бериш.

«Тўсиб ушлаш» махсус режаси асосида ўтказилган ўқув машғулотини натижалари бўйича уни ўтказган масъул ходимлар томонидан батафсил маълумотнома тайёрланади ва ҚР ИИБ-ИИББ-ИИБ бошлиғига ахборот берилади. Ўқув машғулотини давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади ва бу бўйича ҳар бир соҳавий хизматлар раҳбарларига аниқ вазифалар белгиланади.

«Тўсиб ушлаш» махсус режаси асосида ўқув машғулотлари туман- шаҳар ИИБлари томонидан ўтказилмайди. «Тўсиб ушлаш» махсус режаси асосида ўқув машғулотлари фақат ҚР ИИБ-ИИББ-ИИБ бошлиқлари, Вазирлик ходимлари

томонидан эса Вазир ёки унинг ўринбосарлари розилиги билан улар томонидан тасдиқланган режа-топишириқ асосида ўтказилади.

Ўқув машғулоти давомида Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида фуқароларнинг розилиги билан ўзлари ва уларга тегишли транспорт воситаларидан фойдаланилади.

Машғулотнинг «ўқув» эканлиги шахсий таркибдан сир сақланади ва у имкон қадар ҳақиқий ҳолатга яқинлаштирилган ҳолда ўтказилади. У бўйича юритиладиган ҳужжатлар махфий ҳисобланмайди. Масъул ходимлар ўқув машғулоти давомида фақат Республикамизда амалда бўлган қонун ва Ички ишлар вазирлигининг буйруқлари талаблари доирасида ҳаракат қилишлари керак.

Ўқув машғулоти давомида танлаб олинган транспорт воситаси ушланган тақдирда уни ўтказган ходимлар ва фуқароларни турли баҳоналар билан туман-шаҳар ИИБларига олиб бориш, ушлаб туриш ва сўроқ қилиш қатъиян тақиқланади. Бу каби камчиликларга йўл қўймаслик учун туман-шаҳар ИИБ бошлиқлари шахсан жавобгар ҳисобланади. Бу талабларга риоя қилмаган масъул ходим ва раҳбарларга нисбатаи хизмат текшируви ўтказилиб, интизомий чоралар кўрилади.

Ўқув машғулоти ўтказувчи масъул ходимлар томонидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, техник воситалар (видеокамера, аудио ёзув, фото ва бошқалар)дан фойдаланилади.

«Тўсиб ушлаш» махсус режаси асосида ўтказилаётган машғулотлар давомида қилинган молиявий харажатлар «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун ҳамда Вазирликнинг тегишли меъёрий ҳужжатларида кўрсатилган тартибда қопланади.

Ўқув машғулоти туман-шаҳар ИИБлари навбағчилик қисмларида рўйхатга олинганда, уни ўтказиш бўйича белгиланган режа-топишириқ нусхаси асосида «Ўқув машғулоти» белгиси қўйилади ва нусхаси тезкор-навбатчига тақдим этилади.

2-савол. Автомототранспорт воситаларини қидиришда ЙХХХ Қидирув бўлими ходимларининг асосий вазифалари.

Автомототранспорт воситаларини қидиришда олиб қочилган транспорт воситаларини ёки ЙТХ содир этиб яширинган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни имкон қадар аниқ ва асосли тўплаган ҳолда барча хизматларга етказилади. Агарда қидирувдаги транспорт воситасини шу туман ёки шаҳарда қидириб топилмаса бошқа вилоятларга яни республика бўйича хабарнома жўнатилади ҳамда мавжуд пост ва блок постларга тегишли топшириқлар берилади. уларнинг ҳайдовчиларини, давлат рақами белгиларини эгаллаш жиноятларини фош этишга жалб қилинган хизматлар билан биргаликда ҚР ИИБ-ИИББ-ИИБ ЖҚББ, ЙХХБ, ППХ ва ЖТСБ ҳамда бошқа соҳавий хизмат масъул ходимлари томонидан жойлардаги шаҳар-туман ИИБларининг транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятлар таҳлили асосида, уларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда, ҚР ИИБ-ИИББ-ИИБларининг фармойиши асосида тузилган ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилади.

Режани ишлаб чиқишга Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ бошлиқларнинг биринчи ўринбосарлари масъул ҳисобланади.

«Тўсиб ушлаш» махсус режаси транспорт воситаси олиб қочилганлиги ёки ҳайдовчига тажовуз қилиш натижасида жиноятчилар транспорт воситасига эгалик қилганлиги, давлат рақами белгиси эгалланганлиги ҳамда ЙТХ, жойидан ҳайдовчи

транспорт воситасида яширинганлиги ҳақида ариза ёки хабар тушганда, жиноят содир этилган вақтдан ўтган вақтни ҳисобга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари тезкор навбатчиси томонидан эълон қилиниб ҳаракатга келтирилади. Шундан сўнг, ЙХХБ МДХ-АДХ ва шаҳар-туман ИИБ тезкор навбатчилари зудлик билан «Тўсиб ушлаш» махсус режаси ҳаракатга келтирилганлигини барча шахсий таркибга эълон қилиб, режа асосида иш тутишади.

Агар транспорт воситаси олиб қочилганлиги ёки ҳайдовчига тажовуз қилиш натижасида жиноятчилар транспорт воситасига эгалик қилганлиги, давлат рақами белгиси эгалланганлиги ҳамда ЙТХ жойидан ҳайдовчи транспорт воситасида яширинганлик ҳақида ариза ёки хабар тушганда, жиноят содир этилган вақти ўн кун муддатдан ўтиб кетганлиги аниқланган тақдирда, «Тўсиб ушлаш» махсус режаси ҳаракатга келтирилмайди, лекин ушбу жиноят ҳодисаси ҳақида барча шахсий таркиб хабарнома тарзида хабардор қилинади ҳамда транспорт воситаси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш чоралари кўрилади.

18-мавзу: Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида тарғибот ва ташвиқот тадбирлари.

Маъруза машғулоти 2 соат

Режа:

1-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида тарғибот ва ташвиқот ишларининг аҳамияти.

2-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғибот ва ташвиқот қилишнинг усул ва услублари.

1-савол: Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида тарғибот ва ташвиқот ишларининг аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги кунини ўтказиш ва йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 701-сонли қарорида Вазирлар Маҳкамасининг бошқа бир қарори, яъни 2018 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 377-сон қарорига мувофиқ ҳафтанинг ҳар жума куни «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот кунини» этиб белгиланганлиги, ушбу кунда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш кўрсатиб ўтилган:

йўл ҳаракати иштирокчилари ўртасида йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини шакллантириш, уларнинг қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини оммалаштиришга қаратилган самарали тарғибот тадбирларини ўтказиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда фуқаролар билан йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя қилиш, шу жумладан, йўл-транспорт ҳодисалари энг кўп содир этиладиган ҳудудларда аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

кенг жамоатчилик иштирокида жойларда йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва бунга имконият яратаётган

шарт-шароитлар ҳамда уларни бартараф этиш борасида кўрилаётган чораларни танқидий муҳокама қилиш;

республика ва маҳаллий теле- ва радиоканалларда махсус телекўрсатув ва радио эшиттиришларни ташкил этиш орқали йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатлари, пиёдалар ва транспорт воситалари ҳайдовчиларининг айби билан юз берган йўл-транспорт ҳодисалари ҳамда бу борада уларнинг жавобгарлик масалаларини мунтазам ёритиб бориш орқали кенг жамоатчиликка профилактик таъсир кўрсатиш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги ва йўл-транспорт ҳодисалари профилактикаси масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида мақолалар, шарҳлар ва бошқа материаллар чоп этилишини ташкил этиш.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот куни» доирасида амалга оширилаётган тадбирларни назорат қилиш, мониторингини олиб бориш, шунингдек, ваколатли органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан амалга оширилиши белилаб ўтилди ва шунга мувофиқ «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот куни»ни ўтказиш бўйича дастур ҳамда «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот куни» доирасида тадбирларни ташкил этиш схемалари тасдиқланди.

Тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкиллаштиришдан мақсад йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, аҳолининг Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари» ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига риоя этишини таъминлаш ҳамда уларда ҳаракатланиш маданиятини шакллантиришдан иборат.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида тарғибот ва ташвиқот ишлари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятининг муҳим ажралмас қисми ҳисобланиб, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш тизимининг асосини ташкил этади.

Тарғибот ва ташвиқот ишлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва ушбу Йўриқномага асосан амалга оширилади.

Тарғибот ва ташвиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, шаҳар-туман ички ишлар бошқарма (бўлим)лари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлим (бўлинма, гуруҳ)лари томонидан ички ишлар органларининг бошқа хизматлари, давлат идоралари, меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликда юритилади.

Вазирлик Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш тадбирларини ўтказишда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси

ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларига амалий ёрдам кўрсатади, улар фаолиятини назорат қилиб боради.

Бу борада Вазирлик Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкиллаштириш, қуйи бўлинмалар фаолияти устидан ташкилий-услубий раҳбарлик ва назоратни амалга ошириш;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий ва илғор ҳорижий тажрибани умумлаштириш ва тарқатиш мақсадида чет эл мутасадди ташкилот ва идоралари билан ҳамкорлик қилиш;

- йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғиботи ва ташвиқотига доир Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ички ишлар вазирининг буйруқ ва кўрсатмалари тарғиботини ташкил этиб, мувофиқлаштириш;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғибот ва ташвиқот қилиш бўйича иш олиб борадиган хизмат ва гуруҳлар фаолиятини ташкиллаштириш мақсадида буйруқлар, қўлланмалар, йўриқномалар ишлаб чиқиш, бу борада амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрлаш;

- автомобиль йўлларида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилиш, натижалари бўйича чора-тадбирлар белгилаш, тегишли давлат ва жамоат идораларини, шунингдек, кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш;

- тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда жамоатчилик билан ишлашни ташкиллаштириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

- йўл ҳаракати қоидаларини тарғибот ва ташвиқот қилишни ташкиллаштириш соҳасида ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- йўл ҳаракати қоидаларини тарғибот ва ташвиқот қилиш бўйича давлат бошқаруви органлари билан биргаликда режа ишлаб чиқиш, шу асосда учрашувлар, семинарлар, йиғилишлар, матбуот анжуманлари, брифинглар, мусобақалар, кўрик-танловлар ўтказиш;

- таълим муассасалари билан биргаликда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, коллежлар ва бошқа ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда йўл ҳаракати қоидалари ўқитилишини ташкил этишда ҳамкорлик қилиш;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғибот ва ташвиқот қилиш бўйича кўргазмали куруллар, услубий қўлланмалар, эслатмалар, плакатлар, баннерлар, календарлар, роликлар тайёрлаш, нашр этириш ва намоёйиш этишни ташкиллаштириш;

- йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммолари бўйича оммавий ахборот воситаларига материаллар тақдим этиш ва улар билан профилактик тадбирларни ўтказиш борасида ҳамкорлик қилиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ва шаҳар-туман ички ишлар бошқарма (бўлим)лари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлим (бўлинма, гуруҳ)ларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғиботи ва ташвиқотига доир Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ички ишлар вазирининг буйруқ ва

кўрсатмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари талаблари ижро этилишини таъминлаш;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғибот ва ташвиқот қилишга доир қарорлар, фармойишлар, буйруқлар, кўрсатмалар, дастурлар, режалар, қўлланмалар, йўриқномалар талаблари ижро этилиши бўйича ҳисоботлар тайёрлаш ва Вазирлик Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасига тақдим этиш;

- автомобиль йўлларида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилиш, натижалари бўйича чора-тадбирлар ва таклифлар тайёрлаш, тегишли давлат идоралари ва жамоат ташкилотларини, шунингдек кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғибот ва ташвиқот қилиш соҳасида жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш;

- йўл ҳаракати қоидаларини тарғибот ва ташвиқот қилишни ташкиллаштириш соҳасида ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан ҳамкорлик қилиш;

- йўл ҳаракати қоидаларини тарғибот ва ташвиқот қилиш бўйича учрашувлар, семинарлар, йиғилишлар, матбуот анжуманлари, брифинглар, мусобақалар, кўрик-танловлар ўтказиб бориш;

- таълим муассасалари билан биргаликда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, коллежлар ва бошқа ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда йўл ҳаракати қоидалари ўқитилишини ташкиллаштириш;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғибот ва ташвиқот қилиш бўйича кўргазмали қуроллар, услубий қўлланмалар, эслатмалар плакатлар, баннерлар, календарлар, роликлар тайёрлаш, нашр этириш ва намойиш этишни ташкиллаштириш;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш;

- автокорхоналар ва шахсий транспорт воситалари ҳайдовчилари ҳамда мактабгача таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим мактабларида болалар ва ўсмирлар ўртасида йўл ҳаракати қоидалари бўйича суҳбатлар ўтказиш;

- янги ўқув йили арафасида ҳамда мавсумий равишда умумий ўрта таълим мактаблари, ўқув юртлари, мактабгача таълим ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар яқинидаги пиёдалар ўтиш жойлари, болалар ва аҳоли кўп тўпланадиган жойларда йўл ҳаракати тўғри ташкил этилишини ташкиллаштириш;

- болалар ва ўсмирлар иштирокидаги ҳар бир йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан текширув ўтказиш, унинг хулосаси асосида умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, коллеж ва мактабгача таълим муассасалари ва бошқа ўқув юртларида муҳокама ташкил этиш;

- умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицей, коллеж ва мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилган автомайдончаларни, хона ва бурчакларни жиҳозлашда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

- йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ўтказиладиган рейдлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

- шахсий транспорт воситалари ҳайдовчилари, пиёдалар ва болалар иштирокида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилиш ва улар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чора-тадбирларини белгилаш.

2-савол: Йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғибот ва ташвиқот қилишнинг усул ва услублари.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 9 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир тарғибот ва ташвиқот ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 100-сонли буйруғида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғибот ва ташвиқот қилишга доир фаолияти қандай ташкил қилиниши белгилаб берилган.

Йўлларда автотранспорт воситалари ва пиёдалар орасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар олиб борилишига қарамасдан, 2018 йилнинг иккинчи ярим йиллигида йўл-транспорт ҳодисалари сонининг кўпайганлиги йил якуни бўйича аниқланган таҳлилларда маълум бўлди.

Мисол тариқасида, Тошкент шаҳрини олсак, жорий 2018 йилнинг охиригача олти ойи давомида 415 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 29 тага, тан жароҳати олганлар эса 49 нафарга кўпайган. Мазкур ҳодисалар орасида тўқнашув ва пиёдаларни уриб юбориш турлари юқориликда қолмоқда.

Ушбу салбий ҳолатларни аҳоли орасида, айниқса ёшлар орасида содир бўлмаслигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлигини оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот қилиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

телевидение орқали йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғибот ва ташвиқот қилиш. Бунда телевидение билан ҳамкорликда махсус кўрсатув, рукн, лавҳа ва роликлар тайёрланиб, соҳага киритилаётган янгиликлар, амалга оширилаётган ишлар, ўтказилаётган профилактик тадбирлар, мусобақалар, йўл-транспорт ҳодисалари, қоидабузарликларни аниқлаш бўйича ўтказилган рейдлар ҳақида маълумотлар берилади;

радио орқали йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғибот ва ташвиқот қилиш. Бунда радиоканаллар билан ҳамкорликда махсус эшиттириш, рукн, хабар ва роликлар тайёрланиб, соҳага киритилаётган янгиликлар, амалга оширилаётган ишлар, ўтказилаётган профилактик тадбирлар, мусобақалар, йўл-транспорт ҳодисалари, қоидабузарликларни аниқлаш бўйича ўтказилган рейдлар, йўллардаги вазият ҳақида маълумотлар берилади;

Газета ва журналлар орқали йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғибот ва ташвиқот қилиш. Бунда газета ва журналлар таҳририятлари билан ҳамкорликда махсус рукн, мақола ва хабарлар тайёрланиб, соҳага киритилаётган янгиликлар, амалга оширилаётган ишлар, ўтказилаётган профилактик тадбирлар, мусобақалар, йўл-транспорт ҳодисалари, қоидабузарликларни аниқлаш бўйича ўтказилган рейдлар ҳақида маълумотлар берилади;

веб-сайтлар орқали йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғибот ва ташвиқот қилиш. Бунда Интернет нашрлари билан ҳамкорликда махсус рукн, мақола ва хабарлар тайёрланиб, соҳага киритилаётган янгиликлар, амалга оширилаётган ишлар, ўтказилаётган профилактик тадбирлар, мусобақалар, йўл-транспорт ҳодисалари, қоидабузарликларни аниқлаш бўйича ўтказилган рейдлар, йўллардаги вазият ҳақида маълумотлар берилади;

Йўл ҳаракати хавфсизлигини оғзаки усулда тарғибот ва ташвиқот қилиш вазирлик, идора ва ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда семинар, давра суҳбати ва учрашувларда соҳага киритилаётган янгиликлар, амалга оширилаётган ишлар, ўтказилаётган профилактик тадбирлар, мусобақалар, йўл-транспорт ҳодисалари, қоидабузарликларни аниқлаш бўйича ўтказилган рейдлар натижалари бўйича маърузалар ўқиш орқали амалга оширилади;

Йўл ҳаракати хавфсизлигини ёзма усулда тарғибот ва ташвиқот қилиш. Бунда йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғибот ва ташвиқот қилиш мақсадида дарслик, ўқув қўлланма, рисола ва саволномалар тайёрланиб, чоп этирилади;

Йўл ҳаракати хавфсизлигини кўرғазмали қуроллар орқали тарғибот ва ташвиқот қилиш. Йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғибот ва ташвиқот қилиш мақсадида плакат, баннер, буклет ва календарлар ишлаб чиқиш ҳамда чоп этириш. Уларни маъмурий бинолар, йўл ёқаларига жойлаштириш, ўтказилаётган профилактик тадбирлар, мусобақалар, учрашув ва суҳбатлар давомида тарқатиш;

Тарғибот ва ташвиқот ишларига ҳомий ташкилотлар жалб қилиш ва улар билан бу борада иш режалари ва ҳамкорлик қилиш бўйича шартномалар тузиш;

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги», «Диққат, темир йўл!», «Диққат, болалар!», «Таътил» «Диққат, пиёда!» ва бошқа тадбирлар ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2019 йил 16 апрель кунидаги 98-сон буйруғида ички ишлар органлари ходимларини соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги 377-сон “Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб – қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларига асосан, давлат органлари ва ташкилотларида ҳафтасига камида бир маротаба ходимларнинг жисмоний тарбия-оммавий тадбирларда иштирок этишини назарда тутадиган “**Саломатлик куни**” жорий этилиши, бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги 377-сон “Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, **ҳар ойнинг учинчи жума кунида “Автомобилсиз кун”** акцияси ўтказилиши ҳамда **ҳар ҳафтанинг жума куни “Йўл ҳаракати хавфсизлиги куни”** доирасида ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг оқибатларини тушунтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилиши ва доимий равишда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасини таъминлашга қаратилган махсус тадбирлар ташкил этилиши белгиланиб, вазирлик томонидан **ҳар ҳафтанинг жума куни “Йўл ҳаракати хавфсизлиги куни”** тадбирлари доирасида ходимларга шахсий автотранспорт воситаларидан фойдаланмасликни тавсия этилди. Ушбу буйруқ билан ҳар ҳафтанинг жума куни “Йўл ҳаракати хавфсизлиги куни” ва “Автомобилсиз кун” акцияси тадбирлари доирасида ходимларнинг шахсий автотранспорт воситаларидан фойдаланмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Режа:

1. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот куни»да амалга ошириладиган тадбирлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати жамоатчилик асосида кўмаклашувчи «Йўл посбон»ларининг фаолияти.

1-савол: «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот куни»да амалга ошириладиган тадбирлар.

**«Йўл ҳаракати хавфсизлиги куни»ни ўтказиш бўйича
ДАСТУР**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро этиш муддатлари
I. Ташкилий тадбирлар			
	«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот куни» давомида ҳудудларда амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш.	<p>1. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот куни» давомида амалга ошириладиган тадбирларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун масъул ходимларни белгилаш.</p> <p>2. Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари томонидан ўтказиладиган тадбирларни умумлаштириш ҳамда Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича вилоятлар ва Республика идоралараро комиссияларга тақдим этиб бориш.</p> <p>3. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар томонидан профилактика куни давомида амалга оширилаётган тадбирларни ва масъул ижрочилар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш амалга ошириш.</p> <p>1. Бириктирилган масъуллар томонидан «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот куни»ни ўтказиш.</p> <p>2. Ўтказилган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот куни» якуни бўйича амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш.</p> <p>3. Ҳар ой якунида тадбирда фаол иштирок этган фуқароларни ва масъулларни рағбатлантириш бўйича комиссия раисига таклиф киритиш.</p>	<p>3 кун</p> <p>Ҳар жума куни</p> <p>Доимий равишда</p>

2-савол: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига жамоатчилик асосида кўмаклашувчи “Йўл посбон”ларининг фаолияти.

Йўл посбонларининг фаолияти йўл ҳаракати хавфсизлигини ва йўл транспорт ҳодисалари профилактикасини таъминлашда, шунингдек, йўл ҳаракати иштирокчилари ўртасида, таълим муассасалари, автокорхоналар ва маҳаллаларда Йўл ҳаракати қоидалари асосларини тушунтириш ҳамда уларга риоя қилиш зарурлиги ҳақида тарғибот-ташвиқот тадбирларини олиб боришда ДЙҲХХ ходимларига жамоатчилик асосида кўмаклашувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ташкил этилади.

Йўл посбонларининг фаолияти ихтиёрийлик, ошкоралик, қонунийлик, жамоатчилик йўли билан ўзаро ёрдам кўрсатиш тамойиллари асосида ташкил этилади.

Йўл посбонлари фуқаролар билан муносабатда оғир, вазмин ва хушмуомала бўлишлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилишлари, қонун талабларига риоя этишлари лозим.

Йўл посбонлари куйидаги йўналишларида ДЙҲХХ ходимларига кўмаклашадилар:

- йўл ҳаракати хавфсизлигини, йўлларда ҳаракат иштирокчилари томонидан Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини таъминлашда ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларнинг олдини олишда;

- ҳайдовчилар ва йўловчиларда Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ва ҳуқуқий билимларини оширишда, Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик оқибатларини тарғиб қилишда;

- йўл ҳаракати хавфсизлиги кунини” доирасида амалга ошириладиган профилактик тадбирларни ўтказишда ва фуқаролар фаоллигини ошириш ишларида;

- ёшлар, айниқса вояга етмаганлар ўртасида йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилишда, уларда йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бўйича кўникмаларни шакллантириш борасида амалга оширилаётган тадбирларни ўтказишда;

- йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Давлат дастурлари ва бошқа дастурларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда ва бу борада жамоатчилик кўмагини шакллантиришда;

- йўл ҳаракати қоидаларига фуқаролар томонидан риоя қилинмаган ҳолларда тегишли орган билан биргаликда тушунтириш ишларини олиб бориш ва ташкил этишда;

- йўл ҳаракати иштирокчилари томонидан Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишларида, йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олишда, Йўл ҳаракати қоидаларини бузган шахслар билан ҳуқуқий-тарбиявий мазмундаги суҳбатларда ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа профилактика чора-тадбирларни амалга оширишда;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисалари профилактикаси билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот тадбирларини ташкил этишда;

- транспорт воситалари билан боғлиқ ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишда.

Қуйдагилар йўл посбонлари томонидан амалга оширилмайди:

- Транспорт воситаларини тўхтатиши ва ҳайдовчилардан тегишли ҳужжатларини кўрсатишини талаб қилиш;
- йўл ҳаракати қоидаларини бузган шахсларга нисбатан баённомаларни расмийлаштириши ва жарималарни ундириши;
- йўл ҳаракатини тартибга солувчи жезлдан фойдаланиши;
- фуқаролардан тушунтириш хати олиш, ички ишлар органлари номидан фаолият кўрсатиши.

Йўл посбонлари ушбу Низомда кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда гувоҳномадан фойдаланади ва нур қайтаргичли камзул (жилет)ни кийиб юриш мумкин.

Фаолияти салбий баҳоланган, қонун ҳужжатларига зид хатти-ҳаракатлар содир этган фуқаролар Йўл посбонлигидан чиқарилади.

Йўл посбонлари транспорт воситалари билан боғлиқ жиноят ёки бахтсиз ҳодисалар содир этганда бу ҳақида зудлик билан ички ишлар органлари ва бошқа тегишли ташкилотларга хабар беришлари лозим.

Йўл посбонларига қонунга ҳилоф топшириқларни бериш, таркибида маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари бўлган, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликка ёхуд жиноятга алоқадор маълумотлар бўлган ҳамда бевосита ички ишлар органлари ваколати доирасига кирувчи ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишни топшириш, уларни давлат ва хизмат сирига эга бўлган ҳужжатлар билан таништириш тақиқланади.

19-мавзу:Йўл-патрул хизмати ходимларининг фаолияти натижаларини баҳолаш тартиби.

Маъруза машғулоти 2 соат

Режа:

1-савол. Йўл-патруль хизмати ходимлари устидан текширувларни амалга ошириш тартиби.

2-савол. Йўл-патруль хизмати бўлинмалари фаолиятини таҳлил қилиш.

1-савол. Йўл-патруль хизмати ходимлари устидан текширувларни амалга ошириш тартиби.

ЙПХ ходимларининг пост ва патруллик йўналишларидаги фаолиятини ошқора ва ноошқора (яширин) текшириш ЙПХ бўлинмаси командири, ЙҚХБ ходимлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг кўрсатмасига асосан ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари томонидан амалга оширилади.

Текширувчилар хизмат олдида турган вазифалар, уни ташкиллаштириш ва ўташ тартиби, текширилиши лозим бўлган пост ва патруллик йўналиши минтақасидаги тезкор ҳолатни билишлари лозим.

Текширувчи ўзини таништириши, хизмат гувоҳномаси ва текшириш ҳуқуқини берувчи ёзма топшириқни кўрсатиши лозим. Текширувчи келганлиги тўғрисида ЙПХ ходимлари дарҳол МАДХ-АДХга хабар бериши керак.

ЙПХ ходимлари фаолияти ошкора текширувдан ўтказилаётганда текширувчилар қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларга аҳамият бериши лозим:

➤ ЙПХ ходимнинг ташқи кўриниши, экипировкаси (хизмат гувоҳномаси, қурол, электрошок воситаси, кузатув камераси (бодекамера), махсус воситалар, камзул (жилет), жезл, ҳуштак, хизмат ҳужжатлари ва ҳ.к.) борлигига;

➤ ходим хизмат вазифаларини, йўриқномада ва хизмат ўташ жараёнида олган хабарномаларни билишига ва уларни бажаришига;

➤ ходимнинг хизмат кўрсатаётган патруллик йўналиши ва пости минтақасидаги тезкор ҳолат, йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиши аҳволи ва ушбу участкада хизмат ўташни ўзига хос жиҳатларини билишига;

➤ ходимнинг ЙПХ фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва қўллай олишига;

➤ бириктирилган патруль автомобильнинг бор-йўқлигига, унинг созлиги ва ташқи кўринишига;

➤ патруль автомобильда хизмат олиб бораётган вақтида маъмурий баённомани видеорегистратор кўриш сектори доирасида расмийлаштиришига;

➤ ходимнинг махсус техника воситаларидан фойдаланиш қоидаларини ўзлаштирганлигига ва уни амалда қўллай билишига;

➤ пост ёки патруллик йўналишида ходимнинг ишни ташкиллаштирганлигига ва самарадорлигига;

➤ йўл ҳаракатида назоратнинг турлари ва усулларини тўғри танлаши, йўл ҳаракати қатнашчилари йўл қўяётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этишда тактик йўлларни қўллашига;

➤ жезл ва техник воситалар ёрдамида йўл ҳаракатини тартибга солишни таъминлай олишига;

➤ йўл ва тезкор вазиятнинг мураккаб шарт-шароитида ўзини тута олишига;

➤ ҳужжатларни сифатли ва тўлиқ расмийлаштиришига.

Текширувчи ошкора текшириш пайтида хизмат ўталиши бўйича аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чораларини кўриши ва ходим (наряд)га амалий ёрдам кўрсатиши лозим.

ЙПХ бўлинмаси командири ҳар бир наряднинг (сменада) камида бир маротаба ошкора текширилишини ташкиллаштириши лозим.

Ходимларнинг хизмат фаолияти устидан ноошкора текширувлар ЙПХ бўлинмаси командири ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ ўтказилади.

Ноошкора текширувларни ташкиллаштиришда фуқароларнинг шикоят ва аризалари, йўл ҳаракати иштирокчилари билан ўтказилган суҳбатлар ва яқка тартибдаги тарбиявий ишлар натижалари ҳисобга олиниши лозим. Ноошкора текширувлар жараёни видеокамера ёрдамида қайд этилиши мумкин.

Ноошкора текширувларда қуйидаги ҳолатлар ўрганилади:

ЙПХ ходимнинг постга ёки патруллик йўналишига келиши (постга ва патруллик йўналишига ўз вақтида келиши, хизмат жойида йўқлигининг сабаби ва ҳ.к.);

ходимнинг ташқи кўриниши (кузатув камераси (боде камера), электрошок воситаси, қўлкишани, жезли, планшети, ҳуштаги, кийим-бошнинг тозаллиги ва ҳ.к.);

патруль автомобильда хизмат олиб бораётган вақтида маъмурий баённомани видеорегистратор кўриш сектори доирасида расмийлаштириши;

йўлдаги вазият билан танишиши (йўлда ҳаракатни бошқаришнинг техник воситалари созилишига, йўлнинг ҳаракат қисми ва йўл белгиларининг ҳолатига эътибор бериши);

хизмат олиб бориши учун жойни қанчалик тўғри танлаганлиги;

ҳаракат иштирокчилари томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилишига муносабат билдириши;

транспорт воситаларини тўхтатиш усуллари (транспорт воситасини тўхтаётган пайтидаги ишоралари ҳайдовчига тушунарлилиги, ишоралар ўз вақтида берилиши, йўл ҳаракати қатнашчиларининг манёвр қилишига, кескин тормоз беришига, ҳаракатнинг бошқа қатнашчиларига халақит беришига мажбур бўлишига солиб қўйиши);

йўл ҳаракати қатнашчиси билан мулоқот жараёни (ҳайдовчининг олдида бориши, ўзини таништириши, фуқаролар билан хушмуомала ва эътиборли бўлиши, тўхтатиш мақсадлари ва сабабларини қисқа ва аниқ маълум қилиши);

шахсий хавфсизлик ва ҳаракат қатнашчиларининг хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши;

қоидани бузган ҳайдовчи асабийлашган ҳолларда ўзини қандай тутиши;

тамагирликка, қўполликка, асабийликка ва мумкин бўлмаган ишораларга, қўл силташларга ҳамда йўл-патруль хизматида ишлаш учун тайёр эмаслигини кўрсатадиган бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўйиш ҳолатлари;

ҳаракат қатнашчиларининг талаби билан уларга хизмат гувоҳномасини кўрсатиши,

ўз ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартибини тушунтириши;

йўл ҳаракати қоидаларини бузишни таҳлил қилиш учун қанча вақт сарфлаши;

йўл ҳаракати қоидаларини бузишни муҳокама қилиб бўлганидан кейин ҳарбийча салом бериши, ҳужжатларини эгасига қайтариб бериши, уларни маъмурий баённома тузмасдан намоёйишкорона чўнтагига солиши, ҳужжатларини олиш учун қаерга ва қачон мурожаат қилиши кераклигини ҳайдовчига маълум қилиши;

йўл ҳаракати қатнашчиларига хайрихоҳлик билдириши, уларга оқ йўл тилаши, зарур бўлса йўл шароитларини ҳамда йўлда учраши мумкин бўлган хавфли жойларни тушунтириши;

йўл ҳаракати қатнашчисидан совғалар, ҳар хил буюмлар ва нарсалар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқаларни олиши;

йўл ҳаракати қатнашчисига уйига олиб бориши учун буюм ва бошқа нарсалар бериб юбориши;

йўл-транспорт ҳодисаларнинг олдини олиш, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиниши ва йўл қўйилаётган нуқсонларга чек қўйиш учун хуштакдан, жезлдан, овоз кучайтиргичдан фойдаланиш маҳорати;

алоқа ва тартибга солиш воситаларидан ҳамда тезликни ўлчаш мосламаларидан фойдаланиши (тезликни ўлчаш мосламасини ишлатганида мосламадаги кўрсаткич билан ҳайдовчини таништириши, унинг талаби билан метрология текширувидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотни кўрсатиши ва ҳ.к.);

Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатларига чек қўйиш чоғида оғзаки танбехлар билан чекланиши, агар ўша жойнинг ўзида жарима солса, буни қандай ҳолларда амалга ошириши;

транспорт воситасининг ҳайдовчиси ходимнинг транспортни тўхтатиш ҳақидаги ишорасига бўйсунмай кетиб қолган ҳолатларда хатти-ҳаракатлари;

йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойда қандай иш тутиши;

йўллардаги вазият мураккаб бўлганда (қор ёки ёмғир ёққанда, қуюқ туман тушганида ва ҳ.к.) қандай иш тутиши;

йўлларда ҳаракатланишни назорат қилишда қатнашаётган жамоатчилар билан ҳамкорлик қилиши;

бўлинма командирига мурожаат этишда ҳарбийча салом бериши, постдаги вазият ҳақида ахборот бериши;

ЙПХ бўлинмаси командири ўзига бўйсунувчилар билан таҳлилни қандай олиб бориши, ишдаги камчиликларга эътиборини қаратиши, уларни бартараф этиш чораларини кўриши ва ҳ.к.

Ўтказилган ноошкора текширув натижаси ҳақида текширишни тайинлаган раҳбар номига, ушбу Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ, билдирги (хронометраж карточкиси унга илова қилинади) орқали ахборот берилади.

Раҳбар тақдим этилган билдиргига сипориш билан муносабат билдиради ва зарурат бўлса, хизмат текшируви ўтказиш бўйича қарор қабул қилади.

Текширувчи ноошкора текширув ўтказиш вақтида ходим томонидан хизмат интизоми ёки қонун бузиш ҳолатларини аниқлаган вақтида текширишни тўхтатиб, ходимнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйиши юзасидан чоралар кўриши шарт. Бундай ҳолатларда зарурат бўлса, қонун бузишга йўл қўйган ЙПХ ходими хизмат вазифасидан четлаштирилади, улардан ёзма равишда тушунтириш хати олинади ва унда кўрсатилган маълумотлар бўйича ўрнатилган тартибда текширув ўтказилади.

Текшириш яқунлари йўриқнома ўтказиш вақтида мунтазам равишда шахсий таркибга маълум қилинади, шунингдек ойига камида бир марта бўлинма шахсий таркибининг хизмат йиғилишида, қўпол камчиликларга йўл қўйган ходимлар эса йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг бошлиқлари иштирокидаги йиғилишларда муҳокама қилинади.

Йўл-патруль хизмати фаолиятини режалаштириш

ЙПХ фаолияти ўрнатилган тартибда таҳлиллар ва тезкор вазиятни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган жорий иш режаларига мувофиқ амалга оширилади. Режалар йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари бошлиқлари томонидан тасдиқланади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари бошлиқларининг розилиги билан ЙПХ бўлинмаси командири томонидан режага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

ЙПХ бўлинмаси таркибига кирувчи дивизион, отряд, мобил гуруҳларнинг иш режаси ЙПХ бўлинмаси командири томонидан тасдиқланади.

Режалар хизматнинг асосий вазифаларини амалга оширишга қаратилган тадбирларни, шунингдек хизмат фаолиятини яхшилашга, унинг фаолияти самарадорлигини оширишга, қонунийликка қатъий риоя этилишига, жанговар ва

хизмат тайёргарлигига, бўлинмада маънавий муҳитни яхшилашга доир масалаларни ўз ичига олиши лозим.

Режаларда белгиланган тадбирларнинг ижро этилиши аҳволи ЙПХ бўлинмаси командири ҳузурдаги йиғилишларда кўриб чиқилади. Режаларда белгиланган муддат тугалланиши билан ҳисобот (маълумотнома) тайёрланиб, режани тасдиқлаган раҳбарга ахборот берилади.

Режаларда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши устидан назорат ЙПХ бўлинмаси командири (хизмат бўйича ўринбосари), йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

2-савол. Йўл-патруль хизмати бўлинмалари фаолиятини таҳлил қилиш.

ЙПХ бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун аҳамиятга молик бўлган ахборотларнинг ҳисоби ва таҳлили қуйидаги тартибда олиб борилади:

- хизмат кўрсатаётган ҳудудлардаги йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар;
- транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятлар;
- ЙПХ ходимлари фаолиятида хизмат интизоми ва қонунийликни таъминлаш ҳолати;
- ташкилотлар, муассасалар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ЙПХ фаолиятини ташкиллаштириш ва йўл ҳаракати соҳасида хавфсизликни таъминлашга доир таклифлари.

Ходимларнинг иши фаолияти мобил гуруҳ командири томонидан ҳисобга олинади. Йўл ҳаракатини назорат қилиш борасидаги фаолият ЙПХ бўлинмаси командири томонидан ҳар ойнинг ва ҳар чоракнинг якунлари бўйича умумлаштирилади ҳамда таҳлил этилади.

Натижалар тезкор йиғилишларда, йўриқнома бериш чоғида шахсий таркибга маълум қилинади.

20-мавзу: Техник кўриқдан ўтмаган, носоз ва рухсатсиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш тартиби.

Маъруза машғулоти 2 соат

Режа:

1-савол: Транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш шартлари.

2-савол: Тегишли рухсатсиз қайта жиҳозланган транспорт воситалари.

1-савол. Транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш шартлари.

Техник носоз, рухсатномасиз қайта жиҳозланган ёки белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари ЙХХХ органлари томонидан ечиб олинади.

Ҳаракатланиш жараёнида тўхтатилган транспорт воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари фақат ушбу транспорт воситалари рухсатномасиз қайта жиҳозланганлиги ёки белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаганлиги ҳолатларида ечиб олинади.

Техник носоз транспорт воситаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 март “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 125-сон қарорига мувофиқ ечиб олинади ва икки нусхада техник кўриқдан ўтказиш далолатномаси тузилади. Ҳаракатланиш жараёнида тўхтатилиб рухсатномасиз қайта жиҳозланган ёки белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган деб топилган транспорт воситаси бўйича далолатнома тузилади.

Мазкур далолатномалар уларни аниқ тузиш вақти кўрсатилган ҳолда (санаси ва соати), ЙҚХХ органи ходими ҳамда транспорт воситасининг ҳайдовчиси (мулкдор, мулкдорнинг вакили) томонидан имзоланади, бир нусхаси транспорт воситасининг ҳайдовчисига (мулкдорга, мулкдорнинг вакилига) аниқланган техник носозликни ва рухсатномасиз қайта жиҳозланишларни бартараф этиш ёки ўрнатилган тартибда техник кўриқдан ўтказиш учун берилади ҳамда транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари ечиб олинади. Иккинчи нусхаси транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари билан ДЙҚХХ органи ходимида қолдирилади.

Техник носоз ёки рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситасининг ҳайдовчиси (мулкдор, мулкдорнинг вакили) томонидан ушбу камчиликлар жойида бартараф этилиши мумкин. Бунда транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари ечиб олинмайди.

ЙҚХХ органи ходими томонидан ҳаракатланишда тўхтатилган ва рухсатномасиз қайта жиҳозланган деб топилган транспорт воситасининг ҳайдовчиси (мулкдор, мулкдорнинг вакили) томонидан транспорт воситасини рухсатномасиз қайта жиҳозланган деб топилишига эътирози бўлган тақдирда, ушбу транспорт воситаси тегишли техник кўриқдан ўтказиш жойига олиб борилади ҳамда ЙҚХХ органи ходими ва транспорт воситасининг ҳайдовчиси (мулкдор, мулкдорнинг вакили) иштирокида ўрнатилган тартибда техник кўриқдан ўтказилади. Ушбу транспорт воситаси рухсатномасиз қайта жиҳозланган деб топилса ва аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилмаса, белгиланган тартибда далолатнома тузилиб, транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари ечиб олинади.

Техник носоз, рухсатномасиз қайта жиҳозланган ёки белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган транспорт воситасининг ҳайдовчисига (мулкдорга, мулкдорнинг вакилига), мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатиб ўтилган транспорт воситалари бундан мустасно, ушбу камчиликларни бартараф этиш жойигача далолатноманинг тузилган вақтидан бошлаб 24 соат мобайнида далолатномага асосан транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларисиз бошқариб боришга рухсат этилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари ечиб олинган қўйидаги транспорт воситаларининг ҳаракатланиши қатъиян ман этилади:

-тормоз тизими ёки руль бошқаруви техник талабларга жавоб бермайдиган;

-рухсатномасиз газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган;

-қоронғи вақтда ёки етарлича кўринмаслик шароитида фаралар ва орқа габарит чироқлари ёнмайдиган;

-ёмғир ёки қор ёғаётган вақтда ҳайдовчи томонидаги ойна тозалагичи ишламайдиган.

Низомда кўрсатиб ўтилган транспорт воситалари қаттиқ шатакда ёки эвакуатор ёрдамида техника хизмати кўрсатиш станциясига (устахонага) ёхуд юридик шахсларнинг транспорт воситаларини сақлаш жойларига техник носозликларни бартараф этиш учун олиб борилади. *Бунда, руль бошқаруви ёки орқа габарит чироқлари ёнмайдиган транспорт воситалари уларни бартараф этиши жойларига фақатгина эвакуатор ёрдамида олиб борилади.*

Транспорт воситасини техника хизмати кўрсатиш станциясига (устахонага) ёки сақлаш жойига олиб бориш учун қилинган харажатлар транспорт воситасининг ҳайдовчиси (мулкдор, мулкдорнинг вакили) томонидан амалга оширилади.

Техника хизмати кўрсатиш станцияларига (устахоналарга) олиб келинган транспорт воситасидаги техник носозлик ёки рухсатномасиз қайта жиҳозланишлар ушбу техника хизмати кўрсатиш станциялари (устахоналар) томонидан бартараф этилганда, улар томонидан транспорт воситаси ҳайдовчисига (мулкдорга, мулкдорнинг вакилига) транспорт воситасида аниқланган техник носозлик ёки рухсатномасиз *қайта жиҳозланишлар бартараф этилганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.*

Ушбу *маълумотнома далолатнома* билан бирга транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини қайтариб олиш учун тегишли ЙХХХ органларигача ёки сақлаш жойигача транспорт воситасини мазкур *маълумотнома тузилган вақтдан бошлаб 24 соат мобайнида давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларисиз бошқариб боришга* асос бўлади.

Техник носозликлар ёки рухсатномасиз қайта жиҳозланишлар мустақил равишда бартараф этилганда ва далолатноманинг тузилганидан 24 соатдан ортиқ вақт ўтган тақдирда, ҳайдовчининг (мулкдорнинг, мулкдор вакилининг) мурожаатига кўра ЙХХХ органлари томонидан транспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларисиз ЙХХХ органларигача бошқариб бориш учун *далолатноманинг муддати фақат бир марта 24 соатгача бўлган муддатга узайтирилади.* *Далолатномани узайтириши тўғрисидаги маълумотлар далолатноманинг орқа тарафига ДЙХХХ органининг ходими томонидан имзо ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда киритилади.* Далолатноманинг орқа тарафига техника хизмати кўрсатиш станциясининг (устахонанинг) номи ва бошқа реквизитлари, маълумотноманинг тартиб рақами ва берилган вақти (санаси ва соати) қайд этилиб, *маълумотномани берган шахс имзоси билан тасдиқланади ва муҳр қўйилади.*

Транспорт воситаларининг ечиб олинган давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари, тузилган далолатнома билан бирга камчиликлар аниқланган ҳудуддаги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларининг техника назорати бўлими (бўлинма)лари, диагностика станциялари ҳамда туман (шаҳар) ички ишлар бўлимларининг автотототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш меъёр ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўлими (бўлинма, гуруҳ)ларига топширилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларининг техника назорати бўлими (бўлинма)лари, диагностика станциялари ҳамда туман (шаҳар) ички ишлар бўлиmlарининг автoмoтoтранспoрт воситаларининг техник ҳoлати, улардан фoйдаланиш мeъёри ва қoидаларига риoя этилишини назoрат қилиш бўлими (бўлинма, гуруҳ)лари тoмoнидан ўз навбатида 24 сoат мoбайнида транспoрт воситаларининг ечиб oлинган давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари тузилган дoлoлатнoмага илoва қилинган ҳoлда транспoрт воситасининг дoимий рўйхатга oлинган жoйи бўйича ЙХХХ oрганларига юборилади. Агар транспoрт воситаси бoшқа ҳудудда вақтинчалик рўйхатга oлинган бўлса ҳайдовчининг хоҳишига кўра давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари ва дoлoлатнoма транспoрт воситасининг вақтинчалик рўйхатга oлинган жoйи бўйича ЙХХХ oрганларига юборилади.

Бoшқа ҳудудлардан келган транспoрт воситалари ҳайдовчилари аниқланган рухсатнoмасиз қайта жиҳoзланишларни улар аниқланган ҳудудда бартараф этишлари мумкин. Бунда, ечиб oлинган давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари транспoрт воситасининг дoимий (вақтинчалик) рўйхатга oлинган жoйи бўйича ЙХХХ oрганларига юборилмайди. Ҳайдовчига (мулкдорга, мулкдорнинг вакилига) ЙХХХ oрганлари ходимлари тoмoнидан бундай имкoният борлиги ҳақида тушунтирилади.

Ечиб oлинган транспoрт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари транспoрт воситасининг дoимий (вақтинчалик) рўйхатга oлинган жoйи бўйича ДЙХХХ oрганларига юборилмаслиги учун ҳайдовчи дoлoлатнoмага имзo чекиш вақтида бу ҳақда тегишли маълумoт киритади. Бунда, ДЙХХХ oргани ходими ечиб oлинган транспoрт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари қайтариб oлинадиган ДЙХХХ oрганлари дoлoлатнoмада кўрсатиб ўтади.

Аниқланган техник нoсoзликлар ва рухсатнoмасиз қайта жиҳoзланишлар 20 кунгача бўлган муддатда бартараф этилганда, транспoрт воситасининг фақат oлдин аниқланган техник нoсoзликлар ва рухсатнoмасиз қайта жиҳoзланишлари бартараф этилганлиги текширилади. 20 кундан oртиқ бўлган муддатда бартараф этилган тақдирда транспoрт воситасининг техник ҳoлатини текшириш тўлиқ ҳажмда ўтказилади.

Аниқланган техник нoсoзликлар ва рухсатнoмасиз қайта жиҳoзланишлари бартараф этилган ҳамда ўрнатилган тартибда техник кўриқдан ўтказилган транспoрт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари транспoрт воситасининг ҳайдовчисига (мулкдор, мулкдорнинг вакили) транспoрт воситасининг дoимий (вақтинчалик) рўйхатга oлинган жoйидаги ёхуд мазкур дoлoлатнoмада кўрсатилган ДЙХХХ oрганлари тoмoнидан қайтарилади, бу ҳақда дoлoлатнoмага белги қўйилади ҳамда транспoрт воситасининг ҳайдовчиси (мулкдор, мулкдорнинг вакили) тoмoнидан имзoланади.

2-савoл: Тегишли рухсатсиз қайта жиҳoзланган транспoрт воситалари.

Тегишли рухсатсиз қайта жиҳoзланган транспoрт воситалари куйидагилар.

1. Газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳoзланган.
2. Барча турдаги транспoрт воситаларини қайд этиш гувоҳнoмаларида кўрсатилганидан бoшқа турга қайта жиҳoзланган.

3. Фургон, бортли, тентли ва ўзияғдарар туридаги юк автомобиллари шассисига цистерналар ўрнатилган.

4. Фургон, цистернали, тентли ва ўзияғдарар туридаги юк автомобиллари шассисига бортли кузовлар ўрнатилган.

5. Фургон, цистернали, тентли ва бортли туридаги юк автомобиллари шассисига ўзияғдарар кузовлар ўрнатилган.

6. Цистернали, бортли, тентли ва ўзияғдарар туридаги юк автомобиллари шассисига фургон кузовлар ўрнатилган.

7. Цистернали, бортли, фургон ва ўзияғдарар туридаги юк автомобиллари шассисига тентли кузовлар ўрнатилган.

8. Бортли, ўзияғдарар, тентли, фургон ва цистернали туридаги юк автомобиллари шатакка олувчи транспорт воситалари турига қайта жиҳозланган.

9. Шатакка олувчи транспорт воситалари бортли, ўзияғдарар, фургон, тентли ва цистернали транспорт воситалари турига қайта жиҳозланган.

10. Тиркамаларга цистерна, фургон ёки ечилмайдиган (туширилмайдиган) махсус мосламалар ўрнатилган.

11. Юк автомобилларига ўзи юк кўтарувчи бортлар, чангаклар ва гидрокранлар ўрнатилган.

12. Бортли юк автомобиллари ва икки ўқли бортли тиркамаларнинг борти ўрнига ён тиргаклар ўрнатилган.

13. Юк, енгил транспорт воситалари ёки автобусларга олинмайдиган махсус мосламалар ўрнатилган.

14. Юк автомобиллари шассисига устахона, мебель, озик-овқатлар, саноат моллари ва бошқа юкларни ташиш учун фургон-кузовлар ўрнатилган.

15. Юк автомобиллари шассисига одам ташиш мўлжалланган фургон-кузовлар ўрнатилган.

16. Юк автомобиллари, яримтиркама ва тиркамалар контейнер ташувчи турига ўтказилган.

17. Юк автомобиллари, тиркама ва яримтиркамалар кузовларининг ўлчамлари (баландлиги, узунлиги, эни) ўзгартирилган.

18. Автобус ва микроавтобусларнинг ўриндиқлари олиб ташланган ёки ортиқча ўриндиқлар ўрнатилган.

19. Автобус ва микроавтобуслар юк ёки юк-йўловчи турига қайта жиҳозланган.

20. Фургон туридаги транспорт воситалари йўловчи ташиш турига қайта жиҳозланган.

21. Конструкциясида кўзда тутилмаган ностандарт юкхона ўрнатилган.

22. Юк автомобилларининг шассиси (рамаси) пайвандлаш (сварка) йўли билан узайтирилган.

23. Транспорт воситаларининг двигателлари ва кабиналари алмаштирилган.

24. Транспорт воситаларига бошқа русумдаги транспорт воситаларининг олди ёки орқа кўприклар ўрнатилган.

25. Юк автомобилларига қўшимча ёнилғи идиши ўрнатилган.

26. Юк автомобиллари, автобуслар ва микроавтобусларга ўлчамлари ёки унга чекланган оғирлик ушбу транспорт воситасининг турига мос келмайдиган шиналар ўрнатилган.

27. Шаҳарлараро қатнайдиған автобуснинг олдинги ўқиға нақши қайта тикланган шина, бошқа ўқиға эса иккинчи марта (2-даражали) таъмирлаш йўли билан тикланган шиналар ўрнатилган.

28. Енгил автомобиллар ва автобусларнинг (шаҳарлараро қатнайдиған автобуслардан ташқари) олдинги ўқиға иккинчи марта (2-даражали) таъмирлаш йўли билан тикланган шиналар ўрнатилган.

29. Тормоз тизимининг тузилиши ўзгартирилган, ишлаб чиқарган корхона талабига мос келмайдиган ёки бошқа қисмлар ўрнатилган.

30. Тўхтаб туриш тормозининг кулфловчи мосламаси олиб ташланган.

31. Бошқарув қурилмасидаги қисмлар тузилишида кўзда тутилмаган ўзгартиришлар киритилган.

32. Сони, тури, жойлашуви ва ишлаш тартиби транспорт воситасининг тузилиши талабига мос келмайдиган ташқи ёритқичлар ўрнатилган.

33. Ойна тозалагичлари олиб ташланган.

34. Транспорт воситасининг битта ўқиға диагонал ва радиал, шунингдек ҳар хил нақшли шиналар ўрнатилган.

35. Ишлаб чиқарилган газларни чиқариб ташлаш трубалари (глушитель) олиб ташланган.

36. Юргизгич тузилишига ўзгартириш киритилган, бошқа турдаги ёнилғида ишлатиш учун қўшимча мослама ва жиҳозлар ўрнатилган.

37. Транспорт воситасининг тузилишида кўзда тутилган орқа томонни кўрсатувчи кўзгу олиб ташланган.

38. Товуш мосламаси (сигнал) олиб ташланган.

39. Фалокат юз берган вақтида чиқиш жойлари маҳкамлаб ташланган.

40. Спидометрлари олиб ташланган.

41. Таркибида кўзда тутилган, ўзи юриб кетганда хавфсизликни таъминловчи орқа буфер, лой тўсгич ва сачратмагичлар бўлмаган.

42. Бошқа турдаги ёки қўшимча рессорлар ўрнатилган.

43. Шатак тиркама бўғими эҳтиёт занжирлар (пўлат арқон) билан жиҳозланмаган.

44. Тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларида ва тўла вазни 5 тоннадан ортиқ бўлган автобусларда тисарилишга қарши тиргак (бошмоқ) билан жиҳозланмаган.

45. Мотоциклларда кўзда тутилган оёқ тирагич, эгарида йўловчи учун кўндаланг тутқич олиб ташланган.

Мустақил таълим учун топшириқ: _____ **1-савол.** Транспорт воситасида аниқланган техник носозлик ёки рухсатномасиз қайта жиҳозланишлар бартараф этилганлиги тўғрисида маълумотноманинг мазмунини ва тузилиш тартибини ўрганиш.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ (2 соат)

Режа:

1-савол. Рухсатномасиз қайта жиҳозланган ёки белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олинганлиги тўғрисида далолатноманинг мазмуни.

2-савол. Транспорт воситасида аниқланган техник носозлик ва рухсатномасиз қайта жиҳозланишлар бартараф этилганлиги тўғрисида маълумотноманинг мазмуни .

1-савол. Рухсатномасиз қайта жиҳозланган ёки белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олинганлиги тўғрисида далолатноманинг мазмуни.

Техника хизмати кўрсатиш станцияларига (устахоналарга) олиб келинган транспорт воситасидаги техник носозлик ёки рухсатномасиз қайта жиҳозланишлар ушбу техника хизмати кўрсатиш станциялари (устахоналар) томонидан бартараф этилганда, улар томонидан транспорт воситаси ҳайдовчисига (мулкдорга, мулкдорнинг вакилига) транспорт воситасида аниқланган техник носозлик ёки рухсатномасиз қайта жиҳозланишлар бартараф этилганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

Ушбу маълумотнома далолатнома билан бирга транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини қайтариб олиш учун тегишли ЙҚХХ органларигача ёки сақлаш жойигача транспорт воситасини мазкур маълумотнома тузилган вақтдан бошлаб 24 соат мобайнида давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларисиз бошқариб боришга асос бўлади.

Техник носозликлар ёки рухсатномасиз қайта жиҳозланишлар мустақил равишда бартараф этилганда ва далолатноманинг тузилганидан 24 соатдан ортиқ вақт ўтган тақдирда, ҳайдовчининг (мулкдорнинг, мулкдор вакилининг) мурожаатига кўра ЙҚХХ органлари томонидан транспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларисиз ЙҚХХ органларигача бошқариб бориш учун далолатноманинг муддати фақат бир марта 24 соатгача бўлган муддатга узайтирилади. Далолатномани узайтириш тўғрисидаги маълумотлар далолатноманинг орқа тарафига ЙҚХХ органининг ходими томонидан имзо ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда киритилади. Далолатноманинг орқа тарафига техника хизмати кўрсатиш станциясининг (устахонанинг) номи ва бошқа реквизитлари, маълумотноманинг тартиб рақами ва берилган вақти (санаси ва соати) қайд этилиб, маълумотномани берган шахс имзоси билан тасдиқланади ва муҳр қўйилади.

Транспорт воситаларининг ечиб олинган давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари, тузилган далолатнома билан бирга камчиликлар аниқланган ҳудуддаги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларининг техника назорати бўлими (бўлинма)лари, диагностика станциялари ҳамда туман (шаҳар) ички ишлар бўлимларининг автотототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш меъёр ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўлими (бўлинма, гуруҳ)ларига топширилади.

**Рухсатномасиз қайта жиҳозланган ёки белгиланган муддатларда
техник кўриқдан ўтмаган транспорт воситасининг давлат рўйхатидан
ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тузилган сана: 20__ йил «__» _____ вақти _____
: _____
(соати, дақиқаси) _____ (худуд)

Ушбу
далолатнома _____

томонидан тузилди.

(ЙХХХ органи мансабдор шахсининг лавозими, унвони,
Ф. И. О.)

- | | |
|--|--|
| 1. Транспорт
воситасининг
маркаси,
моделли

— | 6. Шасси (рама) рақами _____
_____ |
| 2. Тури
_____ | 7. Двигатель рақами _____
_____ |
| 3. Ранги
_____ | 8. Кузовнинг рақами _____ |
| 4. Ишлаб
чиқарилган
йили _____ | 9. Транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасининг
серияси ва рақами

_____ |
| 5. Давлат
рўйхатидан
ўтказиш рақами
белгиси

_____ | 10а*. Газ ёнилғиси тури _____
_____ |
| 10б*. Газ
баллони ишлаб
чиқарилган йил
_____ | (суюлтирилган газ, сиқилган газ)
10в*. Газ баллони рақами _____ |
| 10г*. Газ
баллонидан
фойдаланиш
муддати _____ | 10д*. Газ баллони синовдан ўтказилган
сана _____ |
| 10е*. Газ баллонини навбатдаги синовдан ўтказиш | |

санаси _____

11. Транспорт воситасининг
тегишлилиги _____

(юридик шахсинг тўлиқ номи, жисмоний шахсинг Ф.И.О.)

12. Турган жойи (яшаш
жойи) _____

13**. Қуйидагилар
аниқланди: _____

14. Хулоса

(аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича)

15. Ечиб олинган давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари қайтариб
олинадиган ЙХХХ органи

(ЙХХХ органининг номи, манзили)

ЙХХХ органи ходими

(имзо, Ф.И.О.)

Далолатнома нусхасини олдим

(имзо, Ф.И.О., сана, вақт)

* 10-банд, агар транспорт воситаси газ ёнилғисида ишлаш учун қайта
жиҳозланган бўлса тўлдирилади.

** 13-бандда Техник кўриқдан ўтказишда ДЙХХХ органи томонидан
носоз деб топилган, шунингдек белгиланган муддатларда техник кўриқдан
ўтмаган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт
воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш
тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасида кўрсатиб ўтилган қайта
жиҳозланишлар ёки белгиланган муддатда техник кўриқдан ўтмаганлиги
кўрсатилади.

**2-савол. Транспорт воситасида аниқланган техник носозлик ва
рухсатномасиз қайта жиҳозланишлар бартараф этилганлиги тўғрисида
маълумотноманинг мазмуни .**

**Транспорт воситасида аниқланган техник носозлик ва рухсатномасиз
қайта жиҳозланишлар бартараф этилганлиги тўғрисида
_____ -сон МА Ё Л У М О Т Н О М А**

_____ да

(техник хизмат кўрсатиш станциясининг (устахона) номи)

_ га қарашли

(юридик шахснинг тўлиқ номи , жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

_____ русумли, _____ давлат
рўйхатидан ўтказиш

рақами белгили _____ да аниқланган _____
(транспорт воситасининг тури)

_____ (техник носозликлар ва рухсатномасиз қайта жиҳозланишлар)
бартараф этилди.

Раҳбар

_____ (масъул шахснинг имзоси, Ф.И.О)

20 ___ йил «___» _____ вақти ___:___ М. Ў.

Изоҳ. Ушбу маълумотнома далолатнома билан бирга транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини қайтариб олиш учун тегишли ДИХХХ органларигача ёки сақлаш жойигача транспорт воситасини мазкур маълумотнома тузилган вақтдан бошлаб 24 соат ичида давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларисиз бошқариб боришга асос бўлади.

Мустақил таълим учун топширик: ИИВнинг 2012 йил 4 апрель кунидаги “Техник кўриқдан ўтказишда ЙХХХ органлари томонидан носоз деб топилган, шунингдек белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 53-сонли буйруғини ўқиб ўрганиш.

21-мавзу: Автомобил йўллари ва йўл иншоотларини назорат қилиш ишларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тартиби.

Маъруза машғулот –2 соат

Режа:

1. Бир марталик пул ушланиши ва мукофоти тарзидаги чораларни қўллаш тартиби.

2. ЙХХХ ЙПХ ходимларининг фаолияти баҳоланмайдиган ҳолатлар.

1-савол. Бир марталик пул ушланиши ва мукофоти тарзидаги чораларни қўллаш тартиби.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 майдаги 377-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл-патруль хизмати ходимлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 26

декабрь куни “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл-патруль хизмати ходимларининг хизмат фаолияти натижаларини баҳолаш тартиби ва мезонлари тўғрисидаги низом”ни тасдиқлаш ҳақида 1044 сонли қарари қабул қилинди. Ушбу қарорнинг биринчи иловасида **“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл-патруль хизмати ходимларининг хизмат фаолияти натижаларини баҳолаш тартиби ва мезонлари тўғрисидаги низом”** тасдиқланди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл-патруль хизмати ходимларининг хизмат фаолиятини баҳолаш тартиби ва мезонларини, шунингдек, шунингдек, уларга нисбатан бир марталик пул ушланиши ва мукофоти тарзидаги иқтисодий таъсир чораларини қўллаш тартибини белгилайди.

Ҳар чораклик ишларни баҳолаш якунларига кўра, фаолияти қониқарсиз деб топилган ЙҚХХ ЙПХ ходимларига нисбатан таъсир чораси сифатида лавозим маошининг 50 фоизигача миқдорда бир марталик пул ушланиши қўлланилади.

Бир марталик пул ушланиши интизомий жазо чораси ҳисобланмайди ва унинг қўлланиши интизомий жазо чорасини қўллаш билан боғлиқ оқибатларга олиб келмайди.

Ҳар чораклик ишларни баҳолаш якунларига кўра, фаолияти самарали деб топилган ЙҚХХ ЙПХ ходимларига нисбатан лавозим маошининг 50 фоизигача миқдорда бир марталик пул мукофоти қўлланилади.

Ушбу пул мукофоти рағбатлантириш чораси ҳисобланмайди ва ходимнинг амалдаги интизомий жазоси мавжудлигига қарамасдан қўлланилади.

ЙҚХХ ЙПХ ходими томонидан хизмат интизоми бузилган тақдирда, уни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларининг Интизом устави билан тартибга солинади.

Бир марталик пул ушланиши ва мукофоти тарзидаги чораларни қўллаш тартиби

Бир марталик пул ушланишини ва мукофотини қўллаш тўғрисидаги қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида ташкил этиладиган ЙҚХХ ЙПХ ходимларининг бириктирилган секторларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини баҳолаш комиссияси томонидан қабул қилинади.

Комиссия ушбу Низомнинг 6-бандига асосан намунавий таркиб бўйича беш нафар аъзодан иборат бўлади.

Комиссия таркибига лавозими бўйича қуйидагилар киради:

комиссия раиси — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари;

комиссия раисининг ўринбосари — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари бошлиқлари;

комиссия аъзолари:

туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари;

ахборот-диспетчерлик хизмати бошлиғи — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларининг марказий ахборот-диспетчерлик хизмати бошлиқлари;

комиссия котиби — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари бошлиқларининг кадрлар бўйича ўринбосарлари.

Комиссия ўз мажлисларини ҳисобот чорагидан кейинги биринчи ойнинг 15-санасидан кечиктирмай ўтказди. Комиссия қарорлари комиссия раиси тасдиқлайдиган, аъзолари ва котиби имзолайдиган мажлислар баённомаларида акс эттирилади.

Комиссия мажлисларига тегишли ҳудудда жойлашган давлат бошқа органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, шу жумладан нодавлат-нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилиши мумкин.

Комиссиянинг фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Комиссия аъзолари ўз ваколатлари доирасида:

бириктирилган секторларда ЙҲХХ ЙПХ ходимлари фаолиятининг ҳолати ва натижаларини ўрганиш учун ишчи гуруҳлар тузади;

бириктирилган секторларда ЙҲХХ ЙПХ ходимлари фаолиятининг таҳлил қилинаётган даврдаги жорий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни таъминлайди;

таҳлил қилинаётган чорак мобайнида эришилган аниқ натижаларни кўрсатган ҳолда, бириктирилган секторларда ЙҲХХ ЙПХ ходимлари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни жойларга бориб эшитади;

бириктирилган секторларда ЙҲХХ ЙПХ ходимлари фаолиятининг самарадорлигини чорак якунлари бўйича баҳолайди ва уларнинг ишини яхшилаш чораларини кўради.

ЙҲХХ ЙПХ ходимларига нисбатан бир марталик пул ушланиши ва мукофоти тарзидаги иқтисодий таъсир чоралари ушбу Низомга 1-иловадаги схема бўйича қўлланилади.

ЙҲХХ ЙПХ ходимларига нисбатан бир марталик пул ушланиши тарзидаги иқтисодий таъсир чораси ушбу Низомга 2-иловада назарда тутилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда қўлланилади.

ЙҲХХ ЙПХ тегишли ходими аввал интизомий жазога тортилганлигига асосланиб, унга нисбатан бир марталик пул ушланиши тарзида иқтисодий таъсир чорасини қўллашга йўл қўйилмайди.

ЙҲХХ ЙПХ ходимларига бир марталик пуллик мукофоти ушбу Низомга 3-иловада назарда тутилган мезонларга риоя этган ҳолда тўланади.

2-савол. ДЙҲХХ ЙПХ ходимларининг фаолияти баҳоланмайдиган ҳолатлар.

ЙҲХХ ЙПХ ходимларининг фаолияти ушбу Низомга мувофиқ куйидаги ҳолатларда баҳоланмайди:

ЙҲХХ ЙПХ ходими секторга вақтинча бириктирилганда ёки тегишли участкада мажбуриятларини ватинча бажараётганда;

ЙҲХХ ЙПХ ходимини тегишли секторга бириктириш муддати (даврнинг давомийлиги) ҳисобот чораги муддатидан ошмаганда;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасаларини битиргандан сўнг ички ишлар органига хизматга қабул қилинган ЙҲХХ ЙПХ ходими тегишли секторга бириктирилганда — фаолиятни мураббийлар раҳбарлигида амалга ошириш даврида;

Белгиланган тартибда меҳнат таътилига чиқиши, узоқ муддатли махсус тадбирларга жалб қилиниши ёки соғлиги ҳолати бўйича (ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси асосида) хизмат вазифасини вақтинча бажара олмаган тақдирда.

Агар бир секторга икки ва ундан ортиқ ЙҲХХ ЙПХ ходими бириктирилса, уларнинг фаолиятини баҳолаш ва пул ушланиши ёки мукофоти тарзидаги чоралар уларнинг ҳар бирига нисбатан тенг қўлланилади. Ходим ўз фаолиятини мураббий раҳбарлигида амалга оширадиган ҳолатлар бундан мустасно.

Бириктирилган секторларда ЙҲХХ ЙПХ ходимларининг фаолияти дастлаб бир марталик пул ушланиши тарзидаги чораларни қўллаш мезонлари бўйича баҳоланади.

Агар ЙҲХХ ЙПХ ходимлари фаолиятида бир марталик пул ушланиши чораларини қўллаш мезонларига мос келадиган кўрсаткичлар бўлмаса, бундай ҳолатда комиссия томонидан бир марталик пул мукофоти тарзидаги чораларни қўллаш мезонлари бўйича баҳоланади.

ЙҲХХ ЙПХ ходимлари фаолиятида баҳолашнинг ҳар икки мезонига мос келадиган кўрсаткичлар бўлмаса, уларга нисбатан бир марталик пул ушланиши ва мукофоти тарзидаги чоралар қўлланилмайди.

Комиссия ҳар чораклик баҳолаш натижаларига кўра, бир марталик пул ушланиши ёки мукофоти тарзидаги чораларни қўллаш учун асос бўладиган хулосалар тайёрлайди.

Бир марталик пул ушланиши ва мукофоти миқдорлари асосланган ва баҳолаш мезонларига мос бўлиши керак.

ЙҲХХ ЙПХ ходимига нисбатан кетма-кет тўртта чоракда пул ушланиши тарзидаги чора қўлланилган тақдирда, унинг фаолиятидаги камчиликлар тўғрисидаги масала комиссия мажлисларида ва ички ишлар органларининг интизомий кенгашида муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг бир марталик пул ушланишини ва мукофоти тарзидаги чораларни қўллаш тўғрисидаги буйруқлари комиссияларнинг хулосалари асосида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-санасидан кеч бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Режа:

1-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракатини ташкил этишни назорат қилиш бўлими фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

2-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракатини ташкил этишни назорат қилиш бўлимларининг вазифалари ва ҳуқуқлари.

1-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракатини ташкил этишни назорат қилиш бўлими фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ва «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сон «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 11 июлдаги ПҚ–3127-сон «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон «Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2011 йил 26 декабрдаги 342-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракатини ташкил этишни назорат қилиш бўлим ва бўлинмалари (ЙҲТЭНКБ) фаолиятини белгилайди ҳамда туман (шаҳар)лар ички ишлар бошқарма (бўлим)лари (бундан буён матнда – туман (шаҳар)лар ИИБлари деб юритилади) йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлим (бўлинма, гуруҳ)лари (ЙҲХБ-ЙҲХГ) фаолиятига қўшимча вазифалар юклайди.

ЙҲХХ ЙҲТЭНКБ ҳамда туман (шаҳар)лар ИИБлари ЙҲХБ-ЙҲХГлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва ушбу *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2017 йил “Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракатини ташкил этишни назорат қилиш бўлим ва бўлинмалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига* асосан амалга оширади.

ЙҲХХ ЙҲТЭНКБлари ҳамда туман (шаҳар)лар ИИБлари ЙҲХБ-ЙҲХГлари фаолияти ҳудудий ҳокимликлар, йўл идоралари, темир йўл, автомобиль транспорти ва бошқа дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорликда йўл ҳаракати қатнашчиларига қулай шароитлар яратишга, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга, йўллар, улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларининг ўтказиш имкониятларини оширишга, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган.

2-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракатини ташкил этишни назорат қилиш бўлимларининг вазифалари ва ҳуқуқлари.

ЙХХХ ЙХТЭНҚБларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Йўллар, улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларини, автомобилга ёқилғи қуйиш шохобчаларини куриш, реконструкция қилиш ва тўлиқ таъмирлаш лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги 342-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўллари минтақасида хавфсизликни таъминлаш ва ташкил этиш қоидалари ҳамда катта ҳажмли ва оғир вазни юкларни автомобиль транспортида ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қоидалари билан белгиланган тартибда ҳаракат хавфсизлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ва келишиш;

йўллар, улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларида ҳаракат тўғри ташкиллаштирилганлигини назорат қилиш;

йўл шароити билан боғлиқ ҳолда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларини мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда доимий таҳлил қилиб, уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш;

йўлларда мавжуд ҳаракатланиш тартиби ва шароитларини ўрганиш, ўз ваколати доирасида тегишли чораларни кўриш ҳамда уларни такомиллаштириш борасида таклифлар тайёрлаб, мутасадди идора ва ташкилотларга тақдим этиш;

йўл ҳаракатини ташкиллаштириш самарадорлигини ошириш учун тақдим этилган янги техник-бошқарув воситаларини жорий этиш бўйича таклифларни ўрганиб чиқиш ва фикр билдириш;

йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини таҳлил қилиш, йўл шароити хавфли ҳисобланган ва етарлича ўтказиш қобилиятига эга бўлмаган йўл қисмларининг ҳолатларини ўрганиш, ташкиллаштирилган йўл ҳаракати тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш;

давлат ва ишчи комиссиялари таркибида йўлларни ва улардаги сунъий иншоотларни, темир йўл кесишмаларини фойдаланишга топшириш ишларида қатнашиш;

йўллар, улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларида олиб борилаётган барча ишларда автотранспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши тўғри ташкил этилганлигини назорат қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритиш;

дахлдор ташкилотлар ва илмий муассасалар томонидан ҳаракатни бошқаришнинг замонавий усулларини ишлаб чиқишда ва уларни амалиётга татбиқ этишда иштирок этиш;

йўлларда ҳаракатланишни ташкил этишнинг техник-бошқарув воситаларини лойиҳалаш, жорий қилиш ва ўрнатиш бўйича мурожаатларни ўрганиб чиқиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги йўл ҳаракатини тартибга солиш (бошқариш)нинг техник воситаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланувчи корхона (муассаса)га мазкур Низомнинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ лойиҳалаш ишларига топшириқлар бериш ҳамда уларни мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ қайд этиш;

берилган топшириқлар ижросини назоратга олиб, тугалланган ишларни қабул қилишда иштирок этиш;

тақдим этилган жамоат транспорти воситаларининг, шунингдек катта ҳажмли ва оғир вазнли ҳамда хавфли юкларни ташувчи юк автомобилларининг ҳаракатланиш йўналишларини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва келишиш;

келишилган йўналишларни мазкур Низомнинг 5, 6 ва 7-иловаларига мувофиқ алоҳида дафтарларда рўйхатга олиш;

йўл ҳаракатини бошқаришнинг стандартларда кўзда тутилмаган техник бошқарув воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишга оид ҳужжатларни кўриб чиқиб, рухсат бериш ёки рад этиш;

кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда (фавқулодда ҳолатлар ва табиий ҳодисалар сабабли йўллар, улардаги сунъий иншоотлар бузилиши, иссиқлик, газ ва электр коммуникацияларидаги аварияларда ҳамда бошқа шу каби ҳолатларда), ҳудудий йўл ташкилотлари томонидан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва ички ишлар органлари огоҳлантирилганда, ҳаракатни вақтинчалик чеклаш ёки тақиқлаш ишларида иштирок этиш;

йўл ҳаракатида юз берган ўзгаришлар (йўлнинг ёпилиши, очилиши, маълум масофа оралиғида ҳаракатни бошқача ташкил этилиши ва бошқалар) ҳақида ЙХХХнинг матбуот хизмати билан биргаликда оммавий ахборот воситалари орқали ҳайдовчиларга хабар берилишини ташкиллаштириш;

манфаатдор идора ва ташкилот вакиллари билан ҳамкорликда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмалари, ҳаракатланишни бошқаришнинг техник воситалари ҳолатини ҳар йили икки марта (баҳорда ва кузда) мавсумий кўриқдан ўтказилишида иштирок этиш;

ер ажратиш комиссияларига таклиф этилганда, объект учун ажратилаётган ер майдонига қонун ҳужжатлари талаблари асосида ҳаракат хавфсизлиги нуқтаи назаридан фикр билдириш;

туман ва шаҳарларга масъул этиб бириктирилган ходимларнинг электрон тизим орқали ер ажратиш комиссияларида иштирок этишини ва фаолиятини назорат қилиш; қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни бажариш.

ЙХХХ ЙХТЭНҚБларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

Йўллар, улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларини, автомобилга ёқилғи қуйиш шохобчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва тўлиқ таъмирлаш бўйича лойиҳаларни кўриб чиқиш жараёнида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

қурилиши тугалланган автомобиль йўллари, улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича ишчи ва давлат комиссияларининг таркибида қатнашиш;

ҳаракатланишни тартибга солиш ва бошқаришнинг техник воситаларини ўрнатиш лойиҳаларига (ёки уларни олиб ташлашга) топшириқ бериш, бажариш муддати ва сифатини назорат қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги йўл ҳаракатини тартибга солиш (бошқариш)нинг техник воситаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланувчи корхона (муассаса) фаолиятида аниқланган камчиликлар бўйича ваколати доирасида тегишли чора кўриш учун юқори ташкилотларга тақдимномалар киритиш;

оммавий тадбирларни ўтказиш пайтида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фармойишига асосан йўлларда ҳаракатни вақтинча чеклаш ёки тақиқлаш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили асосида аниқланган авария ўчоқларини бартараф этиш мақсадида ҳаракатланиш тезлигини чеклаш;

маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда йўл ва кўчаларнинг аниқ қисмларида ташкил этилган ҳаракатланиш тартибига ўзгартиришлар киритилганлиги, қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги тўғрисида, шунингдек йўл-транспорт ҳодисалари ва қоидабузарликлар содир этилаётган жойлар ҳақида кунлик назорат ишларини кучайтириш учун туман (шаҳар)лар ИИБлари ЙХХБ-ЙХХГларига ҳамда саф бўлинмалари командирларига мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ билдириш хати бериш;

йўллар, улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қоидалари бузилганда ёки йўлларнинг бирор қисмида ҳаракат хавфсизлигига раҳна солувчи ҳолат юзага келганида, уларни бартараф этишда тезкорлик билан чора-тадбирлар кўрилмаса, йўллар, улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларининг ҳолатига масъул бўлган мансабдор шахсларга камчиликларни бартараф этиш учун мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ ёзма кўрсатмалар бериш;

ёзма кўрсатма талаблари белгиланган муддатда ижро этилмаса, ўрнатилган тартибда чора кўрилиши учун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилганидан кейин ҳам камчиликлар бартараф этилмаса жамланган ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чиқариш ва аниқланган камчиликлар ҳақида тегишли вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарларига тақдимномалар киритиш, шунингдек мазкур йўл қисмлари, улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларидан фойдаланишни тақиқлаш чораларини кўриш;

йўллар, улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмалари, ҳаракатланишни бошқаришнинг техник воситалари ҳолатини мавсумий кўриқдан (баҳорда ва кузда) ўтказишда иштирок этиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди идора ва ташкилотларга тақдимномалар киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборотнома тақдим этиш;

ер ажратиш комиссияларида тақдим этилган объект учун ажратилаётган ер майдони жойлашуви қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳаракат хавфсизлиги талабларига жавоб бермаса, уларни рад этиш;


қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

Маҳаллий аҳамиятга эга ва ички хўжалик автомобиль йўллари, туман, шаҳар, қишлоқ ва овул кўчалари, улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмалари, ҳаракатланишни бошқаришнинг техник воситалари ҳолатини назорат қилиш ва мавсумий кўриқлардан ўтказиш ҳамда хавфсиз ҳаракатланишни ташкиллаштиришни назорат этиш туман (шаҳар)лар ИИБлари ЙХХБ-ЙХХГлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳамда мазкур Низомнинг 4, 5-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Режа:

Ушбу ўқув машғулоти “Кичик гуруҳларда ишлаш” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



Гуруҳларга топшириқлар

1. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракатини ташкил этишни назорат қилиш бўлим ва бўлинмалари ходимларининг хизмат вазифалари.
2. Йўл ва кўчаларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ишларини ва пиёдалар ҳамда транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминланганлигини назорат қилиш.
3. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракатини ташкил этишни назорат қилиш бўлими фаолиятидаги юритиладиган йиғма жилдлар.
4. Бўлим бошлиғининг ўринбосари ва бўлим ҳамда бўлинма етакчи муҳандисининг хизмат вазифалари.

1-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракатини ташкил этишни назорат қилиш бўлим ва бўлинмалари ходимларининг хизмат вазифалари.

Йўл ва кўчаларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ишларини ва пиёдалар ҳамда транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминланганлигини назорат қилиш

ЙХХХ ЙХТЭНКБ ходимлари лойиҳачи ташкилот томонидан тақдим этилган лойиҳанинг йўлларда ҳаракатланишни ташкил этиш қисмини кўриб чиқиб, зарур ҳолларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифлар беради. Аниқланган камчиликлар бартараф этилиб, тақлифлар инобатга олинганидан сўнг, лойиҳани келишади.

Халқаро аҳамиятга эга йўлларнинг лойиҳалари аввал Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ЙХТЭНКБ томонидан, сўнгра Ўзбекистон Республикаси ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ЙХТЭНКБ томонидан келишилади.

Давлат, маҳаллий аҳамиятга эга ва ички хўжалик автомобиль йўллари, туман, шаҳар, қишлоқ ва овул кўчаларининг лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ЙХХБ ЙХТЭНКБлари томонидан келишилади.

Келишилган лойиҳа ҳужжатлари ЙХХХ ЙХТЭНКБларида мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ қайд этилади ва объект фойдаланишга топширилганидан сўнг уч йилгача сақланади.

Лойиҳаларни кўриб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

йўлнинг геометрик ўлчамлари, кўндаланг ва бўйлама кесими, вертикаль ва горизонталь эгриликлари ўзаро мувофиқлигига;

йўлнинг эгрилик радиусида бир томонлама нишаблик таъминланганлигига ёки ўтиш эгрилигининг ва қатнов қисмининг кенгайтирилганлигига;

йўл бўйлаб автобус бекатлари, дам олиш майдонлари, автомобилларнинг тўхташ ва пиёдаларнинг ўтиш жойлари жойлашиши ва жиҳозланганлигига;

йўлнинг эгри қисмларида ва темир йўл кесишмаларида кўриниш масофалари таъминланганлигига;

йўлнинг довондан ўтган қисмида фалокатли ҳолатлар учун кириш йўлларининг бўлишига;

баланд кўтармаларда, кўприкларда ва йўлнинг бошқа қисмларида қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ муҳофазаловчи тўсиқларнинг ўрнатилганлигига;

кесишма ва туташмаларда кесиб ўтиш бурчагига, секинлашиш ва тезланиш минтақалари мавжудлигига, бурилиш радиусининг ўлчамига, муҳофазаловчи тўсиқларнинг ўрнатилганлигига, ҳаракатни бошқариш воситалари билан жиҳозланганлигига, тротуарлар ва пиёдалар ўтиш жойларининг мавжудлигига;

йўл марзаларининг қандай усулда мустаҳкамланганлигига;

ёритиш қурилмалари, тротуар ва велосипедчилар йўллари, жамоат транспорт воситалари учун бекатларга кириш майдончалари (чўнтак кўринишида) мавжудлигига, пиёдалар ўтиш жойларининг жиҳозланганлигига, автотранспорт воситалари тўхташ жойларининг жойлашишига;

тротуарларнинг аҳоли яшайдиган жойлардаги кенглиги талаб даражасида бўлишига;

йўлнинг ҳаракатни бошқариш воситалари (светофорлар, йўл белгилари, ётиқ ва тик йўл чизиклари, ҳимояловчи тўсиқлар, йўналтирувчи устунчалар ва шу каби бошқалар) билан қонун ҳужжатлари талаблари асосида жиҳозланганлигига.

Бўлим ва бўлинма бошлиқларининг хизмат вазифалари қуйидагилардан иборат:

бўлим ва бўлинмага умумий раҳбарлик қилиш, ходимларга юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек соҳа йўналишлари бўйича белгиланган ҳисоботларнинг тўлиқ ва тўғрилигига жавоб бериш;

бўлим ва бўлинманинг истиқболдаги фаолиятини белгилаш бўйича таклифларни, чораклик иш режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

автомобиль йўллари, сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмалари ҳамда шаҳар электр транспорти тармоғи йўллари ҳолатини, ҳаракатланишни бошқаришнинг техник воситалари билан жиҳозланганлигини, қурилиш ёки таъмирлаш ишлари жараёнида хавфсиз ҳаракатланиш талаблари бажарилишини назорат қилиш ишларини ташкил этиш;

автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва тўлиқ таъмирлаш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга алоқадор қисмларини кўриб чиқиб, ўрнатилган тартибда келишилишини таъминлаш;

қурилиши тугаллангач фойдаланишга қабул қилиш бўйича тузилган ишчи ва Давлат комиссиялари таркибида қатнашиш;

ҳаракатланишни ташкил этишнинг техник бошқарув воситаларини жорий қилиш ва ўрнатиш бўйича лойиҳа топшириқларини тасдиқлаш ҳамда кўрсатмалар бериш, шунингдек берилган топшириқ ва кўрсатмаларнинг талаблари бажарилмаган тақдирда мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий баённомалар расмийлаштириш, юқори турувчи ташкилотлар ҳамда прокуратура органларига тақдимнома ва ахборотномалар киритиш ишларини ташкиллаштириш;

автомобиль йўлларининг қурилиши ёки таъмирланиши жараёнида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга оид меъёр, қоида ва ўлчамларнинг бажарилишини ташкиллаштириб, назорат қилиш;

автотранспортдан фойдаланиш ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солганда ёки оммавий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилаётган автомобиль йўлларининг айрим қисмларида раҳбарият билан келишилган ҳолда ўрнатилган тартибда автотранспорт ҳамда пиёдалар қатновини чеклаш ёки тақиқлаш ишларини ташкил этиш;

йўлларда ҳаракатланишни тартибга солиш ва бошқаришнинг техник воситаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, уларни синаш ва фойдаланишга қабул қилишда қатнашиш, ушбу тоифадаги ишларни ташкил этиш;

йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи автобус ва микроавтобуслар мунтазам қатнайдиغان йўналишларни белгиланган тартибда кўриб чиқилиши ва келишилишини ташкил этиш;

дахлдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳар ва туман аҳамиятидаги ҳамда магистраль кўчалар, улардаги сунъий иншоотлар ҳамда темир йўл кесишмаларининг ҳолатини мавсумий (баҳорда ва кузда), махсус ва назорат кўриқларидан сифатли ўтказилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

йўл шароити билан боғлиқ бўлган ҳамда темир йўл кесишмаларида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари юзасидан хизмат текшируви ўтказилишини ташкиллаштириш ва белгиланган муддатларда юқори турувчи ташкилотларга маълумотлар тақдим этиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шунингдек уларга ажратилган минтақаларда ҳаракат хавфсизлигининг таъминланганлиги ва тўғри ташкил

этилганлиги, ҳаракат хавфсизлиги талабларига зид камчиликлар ҳамда ноқонуний қурилишлар бўлмаслигини назорат қилиш;

катта ҳажмли ва оғир вазнли ҳамда хавфли юкларни автомобиль транспортида ташилишида уларнинг хавфсиз ҳаракат йўналишларини ўрганиб чиқиш, келишиш ҳамда келишилган йўналишларни бўлим ва бўлинмаларда юритиладиган китобларда қайд этиб борилишини ташкил этиш;

шахсий таркиб ўртасида хизмат интизомига ва қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш;

бўлим ва бўлинма ходимларини хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик машғулотларига мунтазам равишда иштирок этишини таъминлаш;

шахсий таркиб билан яқка тартибдаги тарбиявий ишларни олиб бориш;

бўлим ва бўлинма ходимларини тақдирлаш ва интизомий жазолаш юзасидан раҳбариятга таклиф киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва қонуний кўриб чиқилишини ташкил этиш;

ҳудудлардаги илғор иш тажрибаларни умумлаштириш ва бошқа ҳудудларда жорий этиш ишларига раҳбарлик қилиш;

туман (шаҳар)лар ИИБлари ЙХХБ-ЙХХГлари ҳамда ўз ходимларининг иш фаолиятини ташкиллаштириш ва ижросини назорат қилиш.

Бўлим бошлигининг ўринбосари ва бўлим ҳамда бўлинма етакчи муҳандисининг хизмат вазифалари қуйидагилардан иборат:

автомобиль йўллари, сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмалари ҳамда шаҳар электр транспорти тармоғи йўллари ҳолатини, ҳаракатланишни бошқаришнинг техник воситалари билан жиҳозланганлигини, қурилиш ёки таъмирлаш ишлари жараёнида ҳаракатланиш хавфсизлиги талаблари бажарилишини назорат қилиш ишларида қатнашиш;

автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва тўлиқ таъмирлаш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга алоқадор қисмларини кўриб чиқиш, ўрнатилган тартибда келишилишини таъминлаш чораларини кўриш;

қурилиши тугаллангач фойдаланишга қабул қилиш бўйича тузилган ишчи ва Давлат комиссиялари таркибида қатнашиш;

ҳаракатланишни ташкил этишнинг техник бошқарув воситаларини ўрнатиш бўйича лойиҳаларга топшириқ бериш, шунингдек берилган топшириқларнинг талаблари бажарилмаган тақдирда масъул мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий баённомалар расмийлаштириш, юқори турувчи ташкилотлар ҳамда прокуратура органларига тақдимнома ва ахборотномалар киритиш ишларини ташкиллаштириш;

автомобиль йўлларининг қурилиши ёки таъмирланиши жараёнида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга оид меъёр, қоида ва ўлчамларнинг бажарилишини ташкиллаштириш;

йўл шароити билан боғлиқ бўлган ҳамда темир йўл кесишмаларида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари юзасидан хизмат текшируви ўтказиш ва белгиланган муддатларда юқори турувчи ташкилотларга маълумотлар тақдим этиш;

йўлларда ҳаракатланишни тартибга солиш ва бошқаришнинг техник воситаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, уларни синаш ва фойдаланишга қабул қилишда қатнашиш, ушбу тоифадаги ишларни ташкил этиш;

йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи автобус ва микроавтобуслар мунтазам қатнайдиغان йўналишларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва келишилишини ташкил этиш;

дахлдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, улардаги сунъий иншоотлар ҳамда темир йўл кесишмаларининг ҳолатини мавсумий (баҳорда ва кузда), махсус ва назорат кўрикларидан ўтказилишида иштирок этиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шунингдек уларга ажратилган минтақаларда ҳаракат хавфсизлигининг таъминланганлиги ва тўғри ташкил этилганлиги, ҳаракат хавфсизлиги талабларига зид камчиликлар ҳамда ноқонуний қурилишлар бўлмаслигини назорат қилиш;

катта ҳажмли ва оғир вазнли ҳамда хавфли юкларни автомобиль транспортида ташилишида уларнинг хавфсиз ҳаракат йўналишларини ўрганиб чиқиш, келишиш ҳамда келишилган йўналишларни бўлим ва бўлинмаларда юритиладиган китобларда қайд этиб борилишини ташкил этиш;

автомобиль йўллари, кўчалар, сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмалари ҳамда шаҳар электр транспорти тармоғи йўлларида ўрнатилган ҳаракатланишни ташкил этишнинг техник бошқарув воситалари назоратини йўл-патруль хизмати, туман (шаҳар)лар ИИБлари ЙҚХБ-ЙҚХГларининг ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилишини ташкил этиш, шунингдек ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни назорат қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги йўл ҳаракатини тартибга солиш (бошқариш)нинг техник воситаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланувчи корхона (муассаса)ларга тегишли лойиҳа топшириқлари берилишини ва ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш;

туман (шаҳар)лар ИИБлари ЙҚХБ-ЙҚХГларининг йўл ҳаракатини ташкил этишни назорат қилиш борасидаги ҳамда ўз бўлим (бўлинма) катта муҳандис ва муҳандисларининг иш фаолиятини ташкиллаштириш ҳамда ижросини назорат қилиш;

бўлим ва бўлинма бошлиғи йўқлигида унинг вазифасини бажариш.

Бўлим ва бўлинма катта муҳандисларининг хизмат вазифалари қуйидагилардан иборат:

автомобиль йўллари, сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмалари қурилиши, реконструкция қилиниши ва тўлиқ таъмирланиши бўйича тайёрланган ишчи лойиҳаларини кўриб чиқиш ва унинг натижалари ҳақида дахлдор идораларга таклифлар киритиш масалалари билан шуғулланиш;

дахлдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, улардаги сунъий иншоотлар ҳамда темир йўл кесишмаларининг ҳолатини мавсумий (баҳорда ва кузда), махсус ва назорат кўрикларидан ўтказилишида

иштирок этиш ҳамда кўрик натижалари бўйича тегишли идора ва ташкилотларга ахборотнома ҳамда тақдимномалар тайёрлаш ва раҳбариятга тақдим этиш;

автомобиль йўллари, сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларининг қонун ҳужжатлари талаблари асосида йўл ҳаракатини бошқариш воситалари билан жиҳозланишини ҳамда уларнинг сақланиш ҳолатини назорат қилиш;

қурилиши тугалланган автомобиль йўллари, сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмалари фойдаланишга қабул қилиш бўйича тузилган ишчи ва Давлат комиссиялар таркибида қатнашиш;

темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шунингдек уларга ажратилган минтақаларда ҳаракат хавфсизлигининг таъминланганлиги ва ҳаракатни тўғри ташкил этилганлигини доимий назорат қилиб бориш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли жойларга таклифлар, тақдимномалар ва ахборотномалар тайёрлаб, ўз раҳбарларига тақдим этиш;

янги очилаётган автобус ва микроавтобус йўналишларини ўрганиб чиқиб ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириш;

автомобиль йўллари, сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, таҳлиллар асосида мавжуд камчиликларни бартараф қилиш бўйича дахлдор идора ва ташкилотларга ҳамда ҳудудий ҳокимликларга асосланган таклифлар тайёрлаб, раҳбарияти орқали киритиш;

бўлим фаолиятига доир ҳисобот тайёрланишини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги йўл ҳаракатини тартибга солиш (бошқариш)нинг техник воситаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланувчи корхона (муассаса)ларга тегишли лойиҳа топшириқларини бериш;

ўз бўлим (бўлинма) муҳандислари иш фаолиятини ташкиллаштириш;

бўлим-бўлинма етакчи муҳандиси (ёки бошлиғи) йўқлигида унинг вазифасини бажариш.

Бўлим ва бўлинма муҳандисларининг хизмат вазифалари қуйидагилардан иборат:

автомобиль йўллари, сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмалари ҳолатини, ҳаракатланишни бошқаришнинг техник воситалари билан жиҳозланганлигини, қурилиш ёки таъмирлаш ишлари жараёнида ҳаракатланиш хавфсизлиги талаблари бажарилишини бевосита ташкил этиб, назорат қилиб бориш;

автомобиль йўллари, сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларида ҳаракатланишни ташкил этишнинг техник бошқарув воситаларини жорий қилиш ва ўрнатиш бўйича лойиҳага топшириқлар бериш, шунингдек берилган топшириқларнинг талаблари бажарилмаган тақдирда масъул мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий баённомалар расмийлаштириш;

автомобиль йўллари, сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларининг қурилиши ёки таъмирланиши жараёнида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга оид меъёр, қоида ва ўлчамларнинг бажарилишини назорат қилиш;

йўлларда ҳаракатланишни тартибга солиш ва бошқаришнинг техник воситаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва раҳбариятга тақдим этиш;

дахлдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, улардаги сунъий иншоотлар ҳамда темир йўл кесишмаларининг ҳолатини мавсумий (баҳорда ва кузда), махсус ва назорат кўрикларидан ўтказилишида иштирок этиш;

автомобиль йўллари, сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларида ўрнатилган ҳаракатланишни ташкил этишнинг техник бошқарув воситалари назоратини туман (шаҳар)лар ИИБлари ЙҚХБ-ЙҚХГлари ҳамда йўл-патруль хизмати ходимлари билан ҳамкорликда амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги йўл ҳаракатини тартибга солиш (бошқариш)нинг техник воситаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланувчи корхона (муассаса)ларга тегишли лойиҳа топшириқларини бериш ва ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш;

йўл минтақаларида жойлашган объектларни давлат архитектура қурилиш хизмати ва ҳудудий ҳокимликларнинг масъул ходимлари билан биргаликда ўрганиб чиқиш ва ҳаракат хавфсизлиги талабларига зид равишда фаолият кўрсатаётган ва қурилаётган объектларни бартараф этиш чораларини кўриш;

катта муҳандис йўқлигида унинг хизмат вазифасини бажариш.

Бўлим ва бўлинмаларнинг барча ходимлари бажариши шарт бўлган вазифалар қуйидагиларни ташкил этади:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ваколат доирасида текшириш;

оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда хизмат текширувларида қатнашиш;

махфийлик қоидаларига амал қилиш;

ҳужжат тайёрлашда ўрнатилган тартиб ва қоидаларига амал қилиш;

хизмат кийимини кийиш тартибига риоя этиш;

хизмат фаолиятларида ватанпарварлик ва халқпарварлик ғояларига амал қилиш;

бириктирилган транспорт воситасини техник соз ва озода тутиш ҳамда йўлларда ҳаракатланиш қоидасига тўла амал қилган ҳолда фойдаланиш;

транспорт воситасидаги алоқа ва бошқа техник воситаларни доимо ишлаб туришини таъминлаш ва уларни қаровсиз қолдирмаслик;

ўрнатилган тартиб ва интизомга амал қилишда ўрнатилган бўлиш;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ ҳамда муомала маданияти қоидаларига риоя қилиш.

Мазкур хизмат вазифалари туман (шаҳар)лар ИИБлари ЙҚХБ-ЙҚХГлари ходимларига ҳам тааллуқлидир.

2-савол. Йўл ва кўчаларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ишларини ва пиёдалар ҳамда транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминланганлигини назорат қилиш.

Қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини назорат қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

йўл ва кўчаларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилганлигини назорат қилади;

йўл минтақасида қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш жойларининг рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ЙҚХБ ЙҚТЭНҚБларида мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ қайд этиб борилади;

йўл ва кўчаларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ишлари яқунланганидан сўнг, уларни қабул қилувчи ишчи ва Давлат комиссиялари таркибида ЙҚХХ ЙҚТЭНҚБ ҳамда туман (шаҳар)лар ИИБлари ЙҚХБ-ЙҚХГлари ходимлари иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙҚХББнинг вакили халқаро аҳамиятга эга бўлган йўллар, улардаги сунъий иншоотлар ва темир йўл кесишмаларини фойдаланишга топширилишида уларни қабул қилувчи ишчи ва Давлат комиссиялари таркибида иштирок этади.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ЙҚХБларининг вакиллари давлат, маҳаллий аҳамиятга эга ва ички хўжалик автомобиль йўллари, туман, шаҳар, қишлоқ ва овул кўчаларини, улардаги сунъий иншоотларни ҳамда темир йўл кесишмаларини фойдаланишга топширилишида уларни қабул қилувчи ишчи ва Давлат комиссияси таркибида иштирок этади.

Ушбу Низомнинг тегишли бандларида кўрсатилган объектларни қабул қилиш бўйича ишчи ва Давлат комиссияси таркибига кирган ДЙҚХХ вакили томонидан йўл ва кўчаларнинг, улардаги сунъий иншоотлар ҳамда темир йўл кесишмаларининг келишилган лойиҳага мос келиши текширилади ва фикр-мулоҳазалар билдирилади. Лойиҳада кўрсатилган ишлар бажарилмаган бўлса, бундай камчиликлар ишчи комиссияси далолатномасида кўрсатилади.

Давлат комиссиясининг иш фаолиятида ЙҚХХ вакили – кўрилган йўлнинг ишчи комиссиясида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилганлигини ҳамда йўлнинг фойдаланишга топширилишида бажарилган ишларни текширади.

Ишчи комиссияда аниқланган камчиликлар бартараф этилмаган бўлиб, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш қисмида камчиликлар мавжуд бўлса, ЙҚХХ вакили Давлат комиссияси далолатномасига имзо қўймайди ва аниқланган камчиликлар юзасидан ёзма равишда алоҳида фикр билдириб, далолатномага илова тариқасида қўшиб қўяди.

Ҳаракатланиш шароитлари (пиёдалар ҳамда транспорт воситаларининг

Ҳаракатланишни такомиллаштириш учун йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили ҳамда йўл ва кўчаларда ҳаракатланишнинг хусусиятлари ўрганиб чиқилади, уларнинг натижасига асосан чора-тадбирлар белгиланади.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ЙХХХнинг жойлардаги барча ЙХТЭНКБлари ҳамда туман (шаҳар)лар ИИБлари ЙХХБ-ЙХХГлари ходимлари йўл ва кўчалардаги ҳаракатланиш шароитини ўрганади, авария ўчоқларини аниқлаш мақсадида ҳар чорак якунида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари мутасадди йўл идоралари билан ҳамкорликда таҳлил қилинади (зарур ҳолларда бу муддат қисқартирилиши мумкин) ва тегишли таклифлар ишлаб чиқилади ҳамда улар дахлдор ташкилотларга юборилади.

Йўлларда ҳаракатланишни такомиллаштиришда қарор қабул қилиш ҳамда йўлларда ҳаракатланиш шароитини ҳисобга олиш ва таҳлил қилишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

келажақда йўл тармоқларининг ўсишига;
транспорт воситалари ва пиёдалар оқимининг жадаллигига;
йўл-транспорт ҳодисалари ҳақидаги маълумотларга;
кўриклар натижасига;
йўл-патруль хизматининг таклиф ва мулоҳазаларига;
йўл ва транспорт ташкилотлари ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан тушган муурожаатларга.

22-мавзу: Йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқаришнинг ягона марказлаштирилган ахборот-тизими.

Маъруза машғулоти 2 соат

Режа:

1-савол.Йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқаришнинг ягона марказлаштирилган ахборот-тизими жорий этилиши.

2-савол.Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги замонавий технологиялар.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича замонавий иш услублари ва “инсон омили”ни чекловчи рақамли технологиялар жорий этилди, Масалан, фуқаролар билан бевосита мулоқотни чеклаш учун ходимлар планшетлар, бодикамералар билан таъминланди. Қоидабузарликларни электрон тарзда расмийлаштириш амалиёти йўлга қўйилди. Йўлларга 367 радар ва 1 минг 584 видеокамера (шундан 430 таси қоидабузарликни аниқловчи) ўрнатилди. Жумладан, Тошкент шаҳридаги 111 чорраҳага 1 минг 20 та видеокамера ўрнатилиб, шаҳар ИИББнинг ситуацион марказига интеграция қилинди.

Тизимда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 4 мингдан ортиқ ходим аттестациядан ўтказилди. Кейинги 3,5 йилда йўлларда хизмат олиб борувчи йўл-патруль хизмати ходимларининг деярли 70 фоизи тўлиқ алмаштирилди. Фуқаролар оворагарчилигининг олдини олиш учун 31 ИПХ маскани қисқартирилди. Лекин таҳлиллар соҳада бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Очик тан олиш керак, бугунги кунда йўлларда фуқаролар учун хавфсиз шароит яратиш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва ҳаракатланиш маданиятини шакллантириш борасидаги ишлар талабга тўлиқ жавоб бермайди.

Ҳар йили йўлларимизда 10 минггача автоавария содир этилмоқда. Бунинг оқибатида ўтган йили 2,5 мингга яқин инсонлар бевақт ҳаётдан кўз юмди, 9 мингдан ортиғи турли даражадаги тан жароҳати олди.

Бунга асосан ҳайдовчиларни ўқитиш сифати, қоидабузарларга нисбатан жазо таъсирининг етарли эмаслиги, ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига қасддан амал қилмаслиги, шунингдек, йўл инфратузилмасидаги камчиликлар сабаб бўлмоқда.

Қонун-қоидаларни менсимаслик шу даражага бориб етганки, ҳатто 13 мингдан зиёд фуқаро ҳайдовчилик гувоҳномасисиз маст ҳолда транспорт воситасини бошқарган.

Аварияларнинг 20 фоизи тезликка риоя қилмаслик, 25 фоизи йўллардаги камчиликлар, 47 фоизи пиёдалар иштирокида, 10 фоизи ҳайдовчиларнинг тажрибасизлиги, 8 фоизи қарама-қарши йўналишга чиқиб кетиш, 6 фоизи велоўлак бўлмаганлиги оқибатида содир этилган.

Демак, йўл-транспорт ҳодисаларининг салмоқли қисми пиёдалар иштирокида содир этилаётганини кўрсатмоқда. Оқибатда ўтган йили 965 нафар пиёда, шундан 263 нафар болалар вафот этган.

Болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида қандай ишлар амалга оширилган. 380 та умумтаълим мактабида йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш бўйича махсус синфхоналар, яна 167 та мактабда йўл ҳаракатини ўргатиш майдончалари ташкил этилди.

Мазкур шароитлардан фойдаланиб, мактабларда ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидалари бўйича зарурий тушунчалар берилмоқда. Йўлларда ўзини хавфсиз тутиш юзасидан кўникмалар шакллантирилмоқда. Лекин мазкур ишлар билан республикадаги фақат 4 фоизгина мактаблар қамраб олинган, холос. Шунинг учун барча мактабларда махсус синфхоналар ташкил этилиб, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги» бўйича алоҳида фан киритиш таклиф қилинмоқда. Туркия тажрибасидан келиб чиқиб, йўл ҳаракати қоидаларига мослаштирилган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги” истироҳат боғларини ташкил қилиш режамиз бор.

Корея тажрибаси асосида мактаб ёнидан ўтган йўлнинг 300 метр масофасида транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлигининг юқори чегарасини 30 км/соат этиб белгилаш таклиф этиляпти. Бундан ташқари, мактабларга ўқувчиларнинг келиб-кетишлари учун махсус автобуслар ҳаракатини босқичма-босқич йўлга қўйишга зарурат бор.

Ҳар бир маҳаллада йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш юзасидан тушунтириш-тарғибот ишлари йўлга қўйилади. Бунда, Норвегия, Германия, Нидерландия давлатлари каби жамоат транспорти ва велосипедлардан кўпроқ фойдаланишни аҳолига тушунтиришга эътибор қаратилади.

Албатта, бунинг учун жамоат транспорти имижини кўтариш, велоўлаклар ташкил этиш, йўл инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳокимликлар, Автомобиль йўллари кўмитаси, Транспорт вазирлиги билан бирга маҳаллаларда иш олиб бориш керак бўлади.

Таҳлиллар ҳар бешинчи йўл-транспорт ҳодисаси йўлларда муносиб инфратузилма ва хавфсиз ҳаракатланиш учун зарурий шароитлар яратилмагани сабабли содир этилганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2 минг 248 км йўлларда қарама-қарши йўналишларни ажратувчи тўсиқлар ўрнатилмаган. 3 минг 571 км тротуар, 2 минг 337 км велоўлаклар ташкил этилмаган, 2 минг 731 та тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойлари ёритилмаган. Шунингдек, 1 минг 835 та жойга шовқин

чизиқларини чизиш, 2 минг 904 та жойга сунъий нотекисликлар яратиш, 750 та светофор ўрнатиш зарурати мавжуд.

Ўз навбатида, бугун йўлларда 200 мингта йўл белгилари етишмайди. Мавжуд 105 мингдан зиёди эса замонавий турдаги йўл белгиларига алмаштирилмаган. Маҳаллий ҳокимликлар қошидаги Йўл ҳаракатини ташкил этиш, махсус ўрнатиш ва фойдаланиш бўлинмалари мавжуд эҳтиёжнинг атиги 50 фоизини таъминлаб бермоқда.

Хусусан, 2019-2021 йилларда республика бўйича ўрнатилиши лозим бўлган 610 мингта йўл белгиларидан 304 минг 775 таси белгиланган талабга жавоб беради, холос. Бундан ташқари, аҳоли гавжум жойларда 25 та ер ости ва ер усти пиёдалар ўтиш жойларини қуришга зарурат бор.

Ана шунинг учун ҳам видеоселектор йиғилишида муҳим янгилик – ҳокимликларнинг Махсус эксплуатация-монтаж бўлинмаларини Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати таркибига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Энди уларнинг фаолиятини замонавий талаблар асосида тубдан такомиллаштириш лозим.

Йўл белгиларини ўрнатиш ва йўл чизиқлари чизиш фаолияти аутсорсинг асосида хусусий секторга берилади. Мазкур тадбирларни молиялаштириш учун “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда» республика ҳамда вилоят жамғармалари ташкил этилади. Шунингдек, йўл белгиларини ишлаб чиқиш соҳасида монополия бекор қилиниб, соҳада рақобат муҳити яратилади.

Келгусида тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойларидаги йўл белгилари ва йўл чизиқлари ёруғлик қайтарувчи яхши кўринадиган материаллардан тайёрланади.

Жойларга ҳайдовчилар томонидан пиёдаларга йўл бермаслик бўйича қоидабузарликларни қайд этувчи махсус видеокамералар ўрнатилади. Тартибга солинмаган ҳамда хавфли йўлни кесиб ўтиш жойларида пиёдалар томонидан бошқариладиган светофорлар ўрнатиш кўпайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги ПҚ-190-сон қарори билан “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика махсус комиссияси тўғрисида” Низом тасдиқланди.

Мазкур Низом йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика махсус комиссиясининг фаолиятини белгилайди.

Махсус комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

Махсус комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан ташкил этилади ва доимий асосда фаолият юритади.

Махсус комиссия ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Махсус комиссия томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши барча учун мажбурийдир.

Махсус комиссия йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ўрганишга ва тегишли ҳисоботларни тайёрлашга мутахассисларни, олимларни, вазирликлар ва идораларнинг масъул ходимларини жалб этади.

Махсус комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

Қуйидагилар Махсус комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ишончли ҳимоя қилиш, йўл инфратузилмасини хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш;

худудларда йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолатини мунтазам равишда баҳолаб бориш, ушбу соҳада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг манзилли фаолият кўрсатишини назорат қилиш;

йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини чуқур ўрганиш, йўлларнинг хавfli авария участкалари рўйхатини тасдиқлаш орқали келгусида уларнинг олдини олиш юзасидан илмий асослантирилган таклифлар тайёрлаш тизимини яратиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, инсон омили ва коррупция ҳолатларини истисно этувчи автоматлаштирилган назорат тизимларини оммалаштиришга доир тадбирларни белгилаш;

худудларда йўл инфратузилмасини яхшилаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини қисқартириш бўйича дастурлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкиллаштириш ва келишиш.

Махсус комиссия қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

Махсус комиссия ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ, қуйидаги асосий функцияларни амалга оширади:

автомобиль йўлларидаги йўл ҳаракати хавфсизлиги кўрсаткичлари (йўл-транспорт ҳодисалари, уларда тан жароҳати олган ва ҳалок бўлганлар сони) устидан объектив мониторинг юритилишини ташкил этади;

йўл ҳаракати хавфсизлиги кўрсаткичлари салбий бўлган худудларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш доирасидаги қонунчилик ижросини таҳлил қилади;

йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган худудлардаги аҳоли яшаш пунктлари, таълим ташкилотларида профилактика ва тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминлаш юзасидан назоратни амалга оширади;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда йўл инфратузилмаси ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишининг ҳолатини ҳар чорак якунида индекснинг индикаторлари бўйича баҳолаб боради;

индекс натижаларига кўра «сарик» ва «қизил» тоифаларга киритилган туманлар (шаҳарлар)да йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишининг ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс чоратадбирлар дастури ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

индекс натижаларига кўра йўлларда ҳаракат хавфсизлигини ташкил этишнинг ҳолати бўйича «қизил» тоифага киритилган туманлар (шаҳарлар) салмоғи юқори бўлган вилоятлар ҳокимлари (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ҳокими)нинг масъулиятини ошириш чораларини белгилайди, жумладан, зарур ҳолларда уларга нисбатан ўрнатилган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланилишини таъминлайди;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш доирасида илмий-тадқиқот институтлари, махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда йўл қўйилган камчиликларни ўрганади ва муҳокама қилади;

махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига доир долзарб илмий тадқиқот йўналишларини белгилайди;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг натижалари жорий этилишини амалий қўллаб-қувватлайди;

алоҳида долзарб бўлган йўналишларда ўтказиладиган илмий ва тадқиқот изланишларига юқори малакали олим ва мутахассисларни жалб этиш ҳамда бундай тадбирларни молиялаштириш масалаларини ҳал қилади;

йўл-транспорт ҳодисасининг келиб чиқиш сабабларини ҳар томонлама, айниқса, йўл участкаси ва автотранспорт воситасининг техник ҳолати, ҳайдовчининг малакаси, об-ҳаво шароити каби муҳим омилларни илмий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилиш ишларини ташкил этади;

Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида, шунингдек, юқори аҳамият касб этувчи йўналишларда йўл ҳаракатини автоматик бошқариш тизимлари кенг жорий этилишини таъминлайди;

йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонунчиликка риоя этиш устидан назорат тизимини инсон ва коррупция омилларини истисно этувчи автоматлаштирилган техник ва технологик воситалар орқали юритилишини йўлга қўйишга доир тадбирларни белгилайди;

йўл ҳаракати хавфсизлигини такомиллаштириш, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлашга мўлжалланган замонавий ахборот тизимларини яратишни ташкил этади.

Ҳайдовчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

Ҳайдовчиларни тайёрлаш, ўқитиш амалиёти, яратилган шароит, назорат тизими, мавжуд имкониятлар жойларга чиққан ҳолда ўрганилди.

Очиқ айтиш керакки, аҳвол ачинарли ҳолатда. Хусусан, ҳозирда фаолият юритаётган 1 минг 348 та ўқув ташкилотининг 745 тасида ўз биноси, 1 минг 277 тасида ўз ўқув автодроми йўқ. Уларнинг 41 фоизида ўқув-машқ автомобилдан ижара асосида фойдаланилади.

Шунингдек, ҳайдовчиларни ўқитиш мактабларида «носоғлом рақобат» вужудга келган. Гапнинг тўғриси айтганда, айрим автомактабларнинг мақсади сифатли

таълим бериш эмас, балки мўмай даромад топишга қаратилган. Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, эндиликда ҳайдовчиларни тайёрлаш, имтиҳон қилиш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тубдан такомиллаштирилади. Таълим сифати қатъий назорат қилинади.

Ҳайдовчиларни тайёрловчи таълим субъектлари ва имтиҳон марказларига бўлган талаб ҳамда мезонлар белгиланади. Уларнинг бу турдаги фаолиятни амалга ошириши учун лицензия Ички ишлар вазирлиги томонидан берилди.

Автомобилларнинг ўқув методологияси, назарий ва амалий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ўқитувчи ва мураббийларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга эса ИИБ Академияси масъул этиб белгиланади.

Бундан буён ҳайдовчилар тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилади. Шунингдек, ҳар бир ҳайдовчи ҳамда автомобилларнинг рейтинги юритилади.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш ва назорат қилиш тизимини рақамлаштириш.

Республикамиздаги 2 минг 752 чорраҳанинг бор-йўғи 145 таси ёки 5 фоизи замонавий камералар билан жиҳозланган, холос.

Бу эса йўл ҳаракатини ташкил этиш ва назорат қилиб бориш, чорраҳалардаги тирбандликлар тўғрисида маълумотларни олиш ҳамда бартараф этиш учун имкониятларни чеклаб қўймоқда. Шунинг учун ушбу соҳада энг илғор ҳисобланган Буюк Британия, Германия, Хитой, Сингапур, Корея каби давлатларнинг тажрибаси ўрганиб чиқилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларининг йўл участкалари ва чорраҳаларида 1 минг 491 ақлли светофор, 4 минг 473 интеллектуал камера, тезликни назорат қилувчи 720 қурилма билан жиҳозлаш зарур.

Мазкур воситалар ҳокимликлар ёрдамида харид қилиниб ўрнатилган тақдирда, худди Тошкент шаҳридаги каби «Автомобиль ҳаракатини назорат қилиш ва кузатиб боришнинг ягона марказлашган ва компьютерлаштирилган бошқарув тизими» ҳар бир вилоятда ташкил этилиб, улар интеграция қилинади.

Қонунчилик халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилади. Бунда халқаро ташкилотлар ва экспертлар, депутатлар, шунингдек аҳолининг бу борадаги таклифлари ва тавсиялари инобатга олинади.

Жумладан транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарганлик ва инсон ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган бошқа қоидабузарликлар учун жавобгарлик чоралари илғор халқаро тажриба асосида қайта кўриб чиқилади.

Транспорт воситасини қасддан тартибсиз бошқариш, ўзбошимчалик билан ҳаракат қатнашчиларини тўхташга мажбур қилиш орқали хавфни юзага келтирилганлик («йўл безорилиги») учун жавобгарлик белгиланади.

Ўқитмасдан ва ўргатмасдан ҳайдовчилик гувоҳномасини берганлик учун ҳам жазо чоралари кўзда тутилади.

Сир эмаски, кейинги пайтларда йўл-патруль хизмати ходимларининг хизмат фаолиятига ноқонуний аралашиб, тўсқинлик қилиш, ҳатто қаршилик кўрсатиш ҳолатлари кузатилаётган эди. Энди бундай ҳолатларнинг олдини олиш чоралари кўрилади. Соҳа вакилларининг шахсий ҳимоя ва фаол мудофаа воситаларидан фойдаланиши борасидаги ҳуқуқлари кенгайтирилади.

Ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш тизими жорий этилади. Агар ҳайдовчи томонидан 12 ой давомида содир этилган қоидабузарликлар учун ҳисобланган жарима балларининг умумий миқдори 12 баллдан ошса, у транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Қоидабузарлик содир этмаган ҳайдовчиларга эса бонус баллари ҳисоблаб борилади.

Олдимизда турган яна бир долзарб вазифа – халқаро стандартлардан келиб чиқиб, Йўл ҳаракати қоидаларининг янги таҳририни ишлаб чиқишдан иборат. Унда, жумладан, Тошкент шаҳри ва йирик шаҳарлардаги марказий кўчаларда транспорт воситалари ҳаракатланишининг тезлик чекловлари қайта кўриб чиқилади.

2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий 14 та «йўл харитаси» ишлаб чиқилади.

Уларда йўл инфратузилмасидаги мавжуд муаммолар ва «авария ўчоқлари»ни таҳлил қилинган ҳолда, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича туман (шаҳар)лар кесимидаги манзилли чора-тадбирлар белгиланади.

Автомобиль йўлларида транспорт ҳаракатини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш фаолияти рақамлаштирилади. Замонавий ўқув хоналари, назарий ва амалий ўқув инвентарлари ҳамда тўлақонли ўқув-машқ базасига эга бўлган автомактаб ва имтиҳон марказлари фаолияти йўлга қўйилади. Вилоят марказларидаги, кейинчалик бошқа шаҳар (туман) марказларидаги серкатнов чорраҳалар рақамли бошқарувга ўтказилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳар ой Олий Мажлис палаталарида муҳокамадан ўтказиб борилади. Оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини янада жадаллаштирилади.

Ўзининг шахсий манфаатларини халқ манфаатларидан устун қўяётган нопок ходимлардан тизимни тозалаш чораларини бундан буён ҳам давом эттирамиз.

Соҳа ходимларининг фаолиятига сунъий интеллектга асосланган «инсон омили» таъсирини чекловчи рақамли технологияларнинг жорий этилиши ходимлар томонидан фуқаролар билан манфаатли мулоқотга киришиш ҳолатларига барҳам беради.

23-мавзу: Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг бошқа соҳавий хизматлар ва давлат органлари билан ҳамкорлиги.

Маъруза машғулот 2 соат

Режа:

1-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш йўналишлари.

2-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби .

1-савол. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш йўналишлари.

Йўл ҳаракати хизмати зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорлик қилади.

Йўл-патруль хизмати бўлинмаларининг ҳамкорлиги жамоат тартибини сақлаш, кўча ва жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жиноят содир этган шахсларни, улар ҳаракатланаётган транспорт воситаларини аниқлаш, ушлаш ҳамда террорчилик-қўпоровчилик ҳаракатларига қарши курашиш борасида юклатилган вазифаларни бажаришда ўзаро амалий ёрдам кўрсатиш орқали таъминланади.

Зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариш мақсадида ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарияти ва йўл-патруль хизмати бўлинмалари командирлари:

– юзага келган тезкор вазиятни биргаликда таҳлил қилиш, баҳолаш ва доимий равишда ўзаро ахборот алмашувини йўлга қўйиши;

– жамоат тартибини сақлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини ҳамкорликда ишлаб чиқиши ва ўтказиши;

– нарядларнинг патруллик хизматини ҳамкорликда ўташларини амалга ошириши;

– шахсий таркиб билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ўқув машғулотлари ва амалий машқлар ўтказиб бориши;

– йўл-патруль хизмати бўлинмаларининг командирлари билан ҳамкорликда ўз вақтида нарядларни хизмат олди қўшма йўриқномасига тайёрлаши, унда шахсан иштирок этиб, кундалик қарорга мувофиқ нарядларни узлуксиз бошқариши;

– «Ягона жойлашув» режаси асосида куч ва воситаларни мақсадли йўналтириши, уларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатларини тўғри ташкил этиши ва ундан самарали фойдаланиши;

– тезкор вазиятни ҳисобга олган ҳолда бўйсунувидаги куч ва воситаларни постлар ҳамда патруллик йўналишлари бўйича жойлашувини (дислокацияси) ишлаб чиқиши;

– ҳамкорликдаги хизмат ўташ тартиби ва услубларини белгилаб олиши;

– патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимларининг хизмат давомида ўз постлари ва патруллик йўналишларида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда фаол иштирок этишларини таъминлаши;

– Патруль-пост хизмати ва йўл-патруль хизмати бўлинмалари командирлари томонидан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларни ва иш натижаларини, тезкор вазиятни таҳлил этиб, кўриб чиқиши, барча нарядлар ва ходимлар ҳаракатини мувофиқлаштириш тартибини келишиб олиши;

– алоқа воситаларини доимий ишлаши устидан назорат ўрнатиши ва патруль-пост хизмати ҳамда йўл-патруль хизмати бўлинмалари ўртасида алоқа тартибини белгилаши;

– хизмат ўташ, шу жумладан ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этишда, жиноят содир этган шахсларни ва улар ҳаракатланаётган транспорт воситаларини ушлаш ва зарарсизлантиришда, оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш давомида жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ўзаро тажриба алмашиши лозим.

Йўл-патруль хизмати бўлинмаларининг патруль-пост хизмати билан ўзаро ҳамкорлик қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

– террористик-қўпоровчилик фаолияти, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, ўкотар қурол ва ўқ-дорилар, диний экстремистик мазмундаги адабиётлар ҳамда варақаларни ташиш ёки бошқа хавфли жиноий хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги ҳолатни аниқлаш;

– маълумотни МАДХ-АДХга етказиш;

– олинган маълумотни қайд этиш, масъул раҳбар ходимлар ва юқори турувчи орган (Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари) навбатчилик қисмини хабардор этиш, юзага келган тезкор вазиятга баҳо бериш, ундан келиб чиққан ҳолда эълон қилинадиган тадбирларни белгилаш, махсус режаларни эълон қилиш;

– эълон қилинган тадбир бўйича хизмат ўташ тартибини белгилаш;

– юзага келган тезкор вазиятни инобатга олган ҳолда куч ва воситаларни тақсимлаш;

– ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилаш.

2-савол: Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби .

Олинган тезкор маълумотларни қайд этиш, масъул раҳбар ходимларга ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг навбатчилик қисмига етказиш, ЙХХХ бўлинмаларининг куч ва воситаларини бошқариш, ички ишлар органларининг бошқа хизматлари ва бошқа органлар билан ҳамкорликни олиб бориш МАДХ томонидан амалга оширилади.

МАДХ-АДХ ўз фаолиятини замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади, йўл-патруль хизмати бўлинмаларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқариш ва жамоат тартибини муҳофаза қилишнинг компьютерлаштирилган бошқарув тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди, транспорт оқими йўналишини кузатишни амалга оширади ва уларнинг тўхтовсиз ҳаракатланишини таъминланиши ташкил этади.

Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмлари, йўл-патруль хизмати бўлинмаларининг командирлари, МАДХнинг шохобчалари, мобил гуруҳлар ва йўл-патруль хизмати экипажлари, ППХ бўлинмалари ва таянч пунктлари билан тўғридан-тўғри, зарурат ҳолларда махсус тадбирлар режаларига мувофиқ Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Миллий Гвардия, Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари ҳамда қўшни давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан тезкор алоқа ўрнатади.

МАДХ-АДХ йўл-патруль хизмати бўлинмаларининг ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишларни ташкиллаштиради.

Йўл-патруль хизмати бўлинмалари ўз жавобгарлиги секторида йўл ҳаракати хавфсизлиги ва жамоат тартибини, автомобиль йўллари, уларга туташган ҳудудларда ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни таъминлайди. Бунда МАДХ-

АДХ шохобчалари, бошқа йўл-патруль хизмати бўлинмалари, ички ишлар органларининг навбатчилик қисмлари, таянч пунктлари ва ППХ бўлинмалари ҳамда содир этилган жиноятларни ҳолатларига қараб Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, Давлат хавфсизлик хизматининг чегара кўшинлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва тезкор алоқа ушбу ИИВнинг 168 сонли буйруғининг 9-иловасида кўрсатилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

ППХ ва йўл-патруль хизмати мобил гуруҳлари экипажлардан иборат бўлиб, улар хизмат ўташ ҳудудларида йўл ҳаракати қоидаларини бузган, транспорт билан боғлиқ жиноятлар, ҳодиса жойидан яширинган ҳайдовчиларни ҳамда содир этилаётган бошқа жиноятларни ППХ, профилактика инспекторлари, жиноят қидирув ходимлари билан биргаликда фош этиш чораларини кўради.


Йўл-патруль хизмати экипажи ўз жавобгарлиги минтақасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ишларини ташкил қилишда МАДХ-АДХ, мобил гуруҳ, бевосита командирлари, кўшни экипажлар, зарурат туғилганда ички ишлар органларининг навбатчилик қисмлари, таянч пунктлари, ППХ экипажлари билан ахборот алмашиш йўли билан ҳамкорлик қилади, доимий равишда тезкор алоқани ушлаб туради, тезкор қидирув тадбирларини ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган биргаликдаги режага асосан, ИИВнинг 168 сонли буйруғининг кўрсатилган схемага мувофиқ, ҳаракатни амалга оширади.

Семинар–2 соат

Режа:

Ушбу ўқув машғулотини “*Кичик гуруҳларда ишлаш*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



Топширик

1. Патруль-пост хизмати ва йўл-патруль хизмати ходимларини хизматга тайёрлаш ва йўриқнома ўтказиш тартиби

2. Оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш давомида жамоат тартибини сақлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ўзаро ҳамкорлиги

3. Автомототранспорт воситаларини қидирув эълон қилинганда йўл-патруль хизмати ходимларининг ҳамкорлиги.

Патруль-пост хизмати ва йўл-патруль хизмати ходимларини хизматга тайёрлаш ва йўриқнома ўтказиш тартиби

ППХ ва йўл-патруль хизмати бўлинмаларининг командирлари шахсий таркибни хизматга тайёрлаш ва биргаликдаги йўриқномаларни ўтказиш юзасидан қуйидагиларни амалга оширади:

– бир кун олдин пост ва патруллик йўналишга жалб этиладиган нарядларнинг рўйхатини кунлик қарорга киритиш учун раҳбариятга тақдим этади;

– хизматга тайинланган ходимларни ички ишлар бўлимига ёки махсус белгиланган жойга йўриқнома бошланишидан камида ўн беш дақиқа олдин этиб келишини таъминлайди. Зарур қурол-яроғларни, аслаҳаларни, алоқа воситаларини, алоҳида ҳимоя ва махсус воситаларни, хизмат ҳужжатларини олишларини ва бу ҳақда постлар ва патруллик йўналишларига тақсимлаш китобига қайд этиб, имзо қўйишларини назоратга олади;

– нарядни йўриқнома учун сафлаб, пост ва хизматни ўташ вақтини эълон қилади, содир этилган жиноятлар, қидирилаётган шахслар, олиб қочилган ва йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган жойдан кетиб қолган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар билан таништиради, уларни хизмат китобларида қайд этилишини назорат қилади;

– хизматга бораётган ҳар бир ходимнинг кийиниши, ташқи кўриниши ва махсус хизмат воситалари билан тўлиқ таъминланганлигини текширади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради;

– шахсий таркиб хизматни ўташга тайёрлиги ҳақида йўриқномани ўтказувчи раҳбарга ахборот беради;

– ходимнинг хизматга келмаслик ҳолати аниқланганида унинг ишга чиқмаслик сабабини аниқлайди ва йўриқномани ўтказувчи раҳбарга очик қоладиган пост ёки патруллик йўналиши ҳақида ахборот беради;

– йўриқномани ўтказувчи раҳбар кўрсатмасига асосан пост ва патруллик йўналишларига тақсимлаш китобига тегишли ўзгартиришлар киритади ҳамда навбатчилик қисми (МАДХ-АДХ)га маълум қилади;

– йўриқномадан сўнг йўл-патруль хизмати ва ППХ бўлинмаларининг хизматга жалб этиладиган автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини кўриб чиқади;

– қабул қилинган қарорга мувофиқ нарядлар хизматининг ташкил этилиши ва ўталиши, постлар ва йўналишларни қайд этиш китобида кўзда тутилганидек

шахсий таркибдан, патруль автомобилидан фойдаланган ҳолда нарядларни хизматга қўйиш ишларининг бажарилишини назоратга олади.

Биргаликдаги йўриқномаларга, уларни юқори савияда ўтказиш мақсадида, жадвал асосида ички ишлар органларининг раҳбарлари ва соҳавий хизматларнинг раҳбар ходимлари жалб этилади.

Хизматолди йўриқномасини ўтказадиган масъул раҳбар ходим:

– навбатчи қисмлар ва МАДХ-АДХдаги мавжуд маълумотлардан фойдаланган ҳолда тезкор вазиятни ва аввалги тадбирлардаги нарядларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганади, ҳар бир пост ва патруллик йўналишидаги хизматни ўташ вазифалари, тартиби ва хусусиятлари билан танишади;

– йўриқнома давомида шахсий таркиб хизматни ўташга тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради;

– аввалги тадбирларда йўл қўйилган камчилик ва хатоларни ёки намунали хатти-ҳаракатларни мисол қилиб кўрсатади;

– тезкор вазиятни тушунтириб, ҳар бир нарядга хизматни ўташ даври учун аниқ вазифалар беради ҳамда уларни бажариш тартибини белгилайди;

– террористик-қўпоровчилик ҳаракатлари содир этилганда хизматни ўташга хос бўлган тактика усулларини (кузатувни олиб бориш, жиноятчиларни белгиларига қараб топиш, жамоат тартибини гуруҳ бўлиб бузишларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, қуролланган жиноятчиларни ушлаш ва бошқалар) таҳлил қилиб беради, нарядларнинг ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилиш тартибини тушунтиради;

– ходимларга қонунийликка риоя қилиш, шунингдек фуқаролар билан ҳушмуомала муносабатда бўлиш зарурлигини эслатади;

– хизматга келмаган ходимлар туфайли очиқ қолган пост ёки патруллик йўналиши ҳақида ички ишлар органлари раҳбариятига ахборот беради ва улар томонидан қабул қилинган қарор асосида тегишли ўзгартиришлар киритади.

Ички ишлар органлари навбатчиси ППХ ва йўл-патруль хизмати бўлинмалари нарядларини йўриқномага тайёрлаш, уни ўтказиш, нарядлар хизматини назорат қилиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш борасидаги ишларини идоравий ҳужжатлар билан тасдиқланган йўриқномалар ва кўрсатмаларга асосан амалга оширади.

Оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш давомида жамоат тартибини сақлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ўзаро ҳамкорлиги.

Оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида ППХ ва йўл-патруль хизмати бўлинмалари ушбу тадбир бўйича ишлаб чиқилган режалар, куч ва воситалар тақсимооти асосида жалб этилиб, шахсий таркибнинг иш фаолияти ички ишлар органлари қошида тузилган тезкор штаб раҳбари томонидан бошқарилади. ППХ ва йўл-патруль хизмати бўлинмалари командирларига эса

тадбирга жалб этилган шахсий таркибнинг хизматини белгиланган йўналишларда ташкиллаштириш ва назорат қилиш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш вазифаси қўйилади.

Жойлашувларда кўзда тутилган пост ва патруллик йўналишларида ҳамкорликда хизмат ўташ жараёнида ППХ ва йўл-патруль хизмати ходимларига хизмат йўналишларига қараб зиммасига қўйидаги вазифалар юклатилади:

– тадбир давомида ўз олдига қўйилган вазифани сифатли бажариш, юзага келаётган вазият тўғрисида мунтазам равишда масъул раҳбарга ахборот бериб бориш;

– оммавий тадбир ўтказиладиган объект ва унинг атрофида, тадбир қатнашчилари ва томошабинлар йиғиладиган ҳудудларда, транспорт воситаларини тўхташ бекатларида жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш;

– тадбир қатнашчилари, транспорт воситалари ҳайдовчилари ва томошабинларнинг белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилишларини таъминлаш;

– бириктирилган ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб бориш;

– ўраб олинган ҳудудга ўзини бошқара олмайдиган даражада мастлик ҳолатидаги ёки ёнида спиртли ичимликлар бўлган фуқароларни, қурол-яроғ, катта ҳажмдаги ва қўл юки бўлган фуқароларни, шунингдек таклифномаси ёки махсус рухсатномаси бўлмаган шахслар ва транспорт воситаларини ўтказмаслик;

– оммавий тадбир ўтказиладиган объект ва унинг атроф ҳудудларида фуқароларнинг спиртли ичимликларни истеъмол қилишларига йўл қўймаслик;

– ички ишлар органлари ходимлари, ёнғин хавфсизлиги, ҳарбий нарядларни ташиётган ҳамда авария-кутқарув хизматларининг транспорт воситаларини тўсиқсиз ҳаракатланиши (ўтиб кетиши)га кўмаклашиш;

– зарурат туғилганида, ички ишлар органларининг тезкор штаби топшириғи асосида транспорт воситалари ва йўловчиларнинг ҳаракатини белгиланган тартибда чеклаш;

– тадбирлар давомида жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар, террорчилик-қўпоровчилик ҳаракатлари ҳамда жамоат тартиби бузилиши ҳоллари содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

– бошқа пост ва патруллик йўналишларига жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан кўмаклашиш;

– тадбир қатнашчилари ва томошабинларнинг тадбир ўтказилган жойдан тартиб билан чиқишларини таъминлаш, уларни транспорт воситаларининг тўхташ бекатларигача кузатиш ва ўтказиб юбориш ҳамда асосий ҳаракатланиш йўлларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш чораларини кўриш.

Халқаро, республика миқёсидаги муҳим оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш борасида ППХ ва йўл-патруль хизмати ҳамда бошқа соҳавий хизматлар билан рекогносцировка ўтказилади.

Рекогносцировка ўтказиш вақтида қуйидагилар аниқланади:

– тадбир ташкилотчилари ва мутасадди идоралар билан ҳамкорликда объектнинг жамоат тартибини сақлаш ва ҳамкорликни таъминлаш юзасидан тайёргарлик ҳолати;

– куч ва воситаларни тақсимлаш режаси, нарядларнинг турлари ва таркиби, патрулик йўналишлари, ҳудудни айланиш ва тўхташ жойлари, ҳар бир тўхташ жойида хизматни ўташ вақти, постлар ва патрулик йўналишларининг жойлашуви, уларнинг марказлари ва чегаралари, хизматни ўташ тартиби, захира кучларининг жойлашуви юклатилган вазифаларнинг тўлақонли бажарилишига жавоб бериши;

– қўшимча равишда, шунингдек кучайтирилиши лозим бўлган пост ва нарядларнинг ҳамда тезкор штабнинг бошқарув учун қулай жойлашуви;

– оммавий тадбир иштирокчилари ва шахсий таркибнинг ҳаракатланиши учун қулай бўлган йўналишлар ҳамда махсус транспорт воситаларининг тураргоҳлари;

– пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракатини чеклаш зарурати ва аниқ вақтлари;

– айрим ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлашга ажратилган куч ва воситалар етарлиги, зарур ҳолларда бундай жойларни захира кучлари билан беркитиш.

Рекогносцировкани ўтказиш вақтида шахсий таркиб тегишли пост ва патрулик йўналишларига тақсимланиб, уларнинг олдига қўйилган вазифалар яна бир бор тушунтирилиб, уларга аниқлик киритилади.

Глоссарий

автомагистраль — 5.1. йўл белгиси билан белгиланган, ҳар бир йўналишнинг қатнов қисмлари ажратувчи минтақа билан ажратилган (у бўлмаганда йўл тўсиқлари билан) ҳамда бошқа йўллар, трамвай ва темир йўллари, пиёда ва велосипед йўлкалари билан бир сатҳда кесишмайдиган йўл.

автопоезд — улагич мосламалари билан уланган эгарли шатакка олувчи ва ярим тиркама ёки юк автомобили ва тиркама (тиркамалар)дан иборат транспорт воситаси таркиби.

йўл ҳаракати хавфсизлиги — йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати;

велосипед йўлкаси — алоҳида йўл ёки конструктив жиҳатдан қатнов қисми ва тротуардан ажратилган йўлнинг таркибий қисми бўлиб, тегишли йўл белгиси билан белгиланади;

мажбурий тўхташ — техник нуқсон, ташилаётган юк, ҳайдовчи ва йўловчининг ҳолати, йўлдаги бирор тўсиқ туфайли хавф юзага келганда ёхуд об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда транспорт воситаси ҳаракатини тўхтатиш.

Ҳайдовчининг ушбу хатти-ҳаракати охири зарур чора бўлиб, қоидабузарлик деб эътироф этилмайди;

асосий йўл — тупроқли ёки шағалли йўлга нисбатан қаттиқ қопламали (асфальт, цемент-бетонли ва шунга ўхшашлар ётқизилган), кесишган ёки туташган йўлга нисбатан 2.1, 2.3.1 — 2.3.3 ёки 5.1 йўл белгилари билан белгиланган ёхуд ёндош ҳудуддан чиқадиган йўлга нисбатан ҳар қандай йўл. Иккинчи даражали йўлнинг бевосита чорраҳага туташ қисмининг қопламали бўлиши уни асосий йўл билан тенг ҳуқуқли қилмайди;

механик транспорт воситаси — двигатель билан ҳаракатга келтириладиган транспорт воситаси (мопеддан ташқари). Бу атама барча трактор ва ўзи юрар мосламаларга ҳам тааллуқлидир;

мопед — энг юқори конструктив тезлиги соатига 50 километрдан, иш ҳажми 50 см³ дан ошмайдиган ички ёнув двигателига эга бўлган ёки номинал (белгиланган) қуввати 0,25 киловаттдан ортиқ ва 4 киловаттдан кам бўлган электр двигателли икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситаси. Худди шундай тавсифларга эга бўлган квадрицикл (квадроцикл), трицикл, скутер ҳамда йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланишига мослаштирилган бошқа механик мосламалар ҳам мопедларга тенглаштирилади;

мотоцикл — двигателининг иш ҳажми 50 см³дан (ички ёнув двигатели бўлганда) ва ҳар қанақа двигателда энг юқори конструктив тезлиги соатига 50 километрдан ошадиган икки ғилдиракли ва ён тиркамали (кажавали) ёки ён тиркамасиз механик транспорт воситаси.

Трицикллар, шунингдек, рухсат этилган тўлиқ вазни 400 килограммдан (юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари учун 550 килограммдан) ошмайдиган, мотоциклга ўхшаш ўриндиққа ва рулга эга бўлган ва двигателининг энг юқори қуввати 15 киловаттдан ошмайдиган квадрицикл (квадроцикл) ҳамда бошқа механик мосламалар ҳам мотоциклларга тенглаштирилади;

аҳоли пункти — кириш ва чиқиш йўллари 5.22 — 5.25 йўл белгилари билан белгиланган ҳудуд;

етарлича кўринмаслик — ёмғир, қор ёғиши, туман тушиши ва шунга ўхшаш шароитларда, шунингдек, куннинг ғира-шира вақтида йўлнинг кўриниш масофаси 300 метрдан кам бўлиши;

қувиб ўтиш — бир ёки бир нечта транспорт воситаларини қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган тасмага чиқиб, сўнгра илгари эгаллаган қаторига қайтиб ўтиш билан боғлиқ бўлган ўзиб кетиш;

қайта тизилиш — дастлабки ҳаракат йўналишини сақлаган ҳолда ўз ҳаракатланиш тасмасидан бошқа ҳаракатланиш қаторига ўтиш;

ўзиб кетиш — транспорт воситасининг бир йўналишда транспорт воситаси тезлигидан ортиқ тезликда ҳаракатланиши;

йўл ёқаси — йўлнинг қатнов қисмига у билан бир сатҳда бевосита туташган, қоплама тури билан фарқ қиладиган ёки 1.1 йўл чизиғи ёрдамида ажратилган, ушбу Қоидаларга мувофиқ ҳаракатланиш, тўхташ ва тўхтаб туриш учун мўлжалланган бўлаги;

реверсив ҳаракатланиш — қатнов қисмининг махсус ажратилган, 5.35 — 5.37 йўл белгилари, 1.9 йўл чизиғи билан белгиланган ва устида реверсив светофор

ўрнатилган бўлагида ҳаракатланиш йўналишининг қарама-қарши томонга ўзгариши;

рухсат этилган тўлиқ вазн — жиҳозланган транспорт воситасининг ишлаб чиқарган корхона томонидан белгиланган юк, ҳайдовчи ва йўловчилари билан биргаликдаги энг юқори вазни (ўлчови).

ҳақиқий вазн — транспорт воситасининг юки, ҳайдовчи ва йўловчилари билан биргаликдаги вазни;

ажратувчи минтақа — йўлнинг ёнма-ён жойлашган қатнов қисмларини ажратувчи, транспорт воситалари ҳаракатланиши ёки тўхташи учун мўлжалланмаган, йўл сатҳидан кўтарилган ёки майсазор, ариқ, махсус тўсиқлар билан ажратилган баланд қисми;

Йўл – транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган ер бўлаги ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл автомобиль ва шаҳар электр транспорти йўлларини ҳамда тротуарларни ўз ичига олади;

йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати;

йўл ҳаракати қатнашчиси – йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда сифатида бевосита иштирок этаётган шахс;

йўл ҳаракатини ташкил этиш – йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий-техникавий тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи;

транспорт воситаси – одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма.

Автотранспорт воситаларининг тегишли тоифалари бўйича изоҳ

	M1 тоифаси — йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган ва ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ошмайдиган автотранспорт воситалари	
	M2 тоифаси — йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган ва ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ортиқ, энг катта вазни 5 т дан ортиқ бўлмаган автотранспорт воситалари.	
	M3 тоифаси — йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган ва ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ортиқ, энг катта вазни 5 т дан ортиқ бўлган автотранспорт воситалари	
N1 тоифаси — юк ташиш учун мўлжалланган, энг катта вазни 3,5 т дан ошмайдиган автотранспорт воситалари		
	N2 тоифаси — юк ташиш учун мўлжалланган, энг катта вазни 3,5 т дан ортиқ, лекин 12 т дан ошмайдиган автотранспорт воситалари	
N3 тоифаси — юк ташиш учун мўлжалланган, энг катта вазни 12 т дан ортиқ бўлган автотранспорт воситалари.		

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот хизмати

йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати;

йўл ҳаракатини ташкил этиш – йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий-техникавий тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи;

йўл-патруль хизмати наряди – пост ва патруллик қилиш йўналишларига хизмат ўташ учун тайинланган йўл-патруль хизматининг бир ёки бир нечта ходими;

йўл-патруль хизмати маскани – жиҳозланган махсус бинога эга, техник-оператив ва махсус воситалар, муҳандислик ва бошқа қурилмалар билан таъминланган йўл-патруль хизмати нарядлари хизмат ўтайдиган, жавобгарлик минтақаси бириктирилган жой;

йўл-патруль хизматининг махсус транспорт воситаси –ранг-бўёк, таниқлик белгиларга эга бўлган, махсус товуш ва ёруғлик сигналлари, аудио ва видео қайд этиш қурилмалари билан жиҳозланган автомобиль ва мотоцикл;

патруллик йўналиши – йўл-патруль хизмати нарядлари учун жойлаштириш жадвали (дислокация)да белгиланган ҳаракатланиш йўналиши;

ягона марказлаштирилган ахборот тизими - республика буйича маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тугрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган электрон базаси;

хос ракам - ягона марказлаштирилган ахборот тизими томонидан маъмурий баённома ракамга боғлиқ бул маган, маъмурий жазога тортилган шахс га нисбатан ахборот тизимига киритилган қарорга бериладиган идентификациялаш раками;

биллинг тизими - маъмурий жазо чорасига тортилган шахсларга нисбатан ундирилган ёки туланган жарима йигимларини (суммаларини) автоматлаштирилган электрон тулов тизимлари орқали ҳисобга олиш тизими;

электрон маъмурий баённома - содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик буйича расмийлаштирилган электрон шаклдаги ҳужжат.

МАВЗУЛАРГА ОИД ТЕСТЛАР

1. Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 975-сонли қарори қачон чиқарилган ?

- А. 2018 йил 1-январь
- В. 2019 йил 1-январь
- С. 2018 йил 1-декабрь
- Д. 2019 йил 1-ноябрь

2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қайси моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилмасдан ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг иштирокисиз жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилиши мумкин?

- А. 306-моддаси
- В. 309-моддаси
- С.294-моддаси
- Д.309¹-моддаси

3. “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қачон қабул қилинган ?

- А. 2010 йил ЎРҚ-314-сон
- В. 2013 йил ЎРҚ-348-сон
- С. 2016 йил ЎРҚ-407-сон
- Д. 2018 йил ЎРҚ-975-сон

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11-июлдаги 3127-сонли қарори ИИВнинг қайси соҳавий хизматларини фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган ?

- А. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати
- В. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати
- С. Патруль-пост хизмати
- Д. Профилактика инспекторлари фаолияти

5. Йўл-патруль хизмати ходими йўл ҳаракати қондасини бузган ҳайдовчига нисбатан маъмурий баённомани расмийлаштиришда МЖТКнинг қайси моддаси асосида ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади?

- А. 294-моддаси
- В. 194-моддаси
- С. 180-моддаси
- Д. 179-моддаси

6. Йўл-патруль хизмати нарядлари ташкил этиш тартиби ИИВнинг қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатида белгилаб берилган?

- А. 2018 йил 20-июндаги 167-сонли буйруғи
- В. 2018 йил 20-июндаги 168-сонли буйруғи
- С. 2011 йил 1-июндаги 68-сонли буйруғи
- Д. 2015 йил 3-сентябрдаги-июндаги 155-сонли буйруғи

7. Йўл-патруль хизматининг постлари ва патруль-пост хизмати постлари фаолиятини ташкил этиш тартиби ИИВнинг қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатида белгилаб берилган?

- А. 2018 йил 20-июндаги 167-сонли буйруғи
- В. 2018 йил 20-июндаги 168-сонли буйруғи
- С. 2011 йил 1-июндаги 68-сонли буйруғи
- Д. 2015 йил 3-сентябрдаги-июндаги 155-сонли буйруғи

8. Транспорт воситасининг сақлаб турадиган махсус ажратилган жойга олиб борилиши, ушлаб турилиши ҳамда ушлаб туриш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарори билан тартибга солинган?

- А. 2018 йил 1-декабрдаги 975-сонли қарори
- В. 2017 йил 22-декабрдаги 1010-сонли қарори
- С. 2011 йил 25 майдаги 149-сонли қарори
- Д. 2018 йил 30 августдаги 701-сонли қарори

9. МЖТКнинг қайси моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилмасдан ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг иштирокисиз жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилиши мумкин.

- А. 138-моддасига мувофиқ
- В. 309-моддасига мувофиқ
- С. 309¹-моддасига мувофиқ
- Д. 279 -моддасига мувофиқ

10. Агар ҳайдовчи тиббий кўриқдан ўтишдан бош тортганда йўл-патруль хизмати ходимининг қонуний ҳаракатлари.

А. ҳар қандай ҳолатда ҳайдовчини мажбурий тиббий кўриқдан ўтишини таъминлайди.

В. ҳайдовчи спиртли ичимлик ичканлигини тан олганда, уннан тушунтиришлар олиди ва МЖТКнинг 136 моддасига мувофиқ маъмурий баённома расмийлаштиради.

С. ҳайдовчини алкотестр ёрдамида текшириди ва асослар мавжуд бўлганда МЖТКнинг 131 моддасига асосан маъмурий баённома расмийлаштиради.

Д. барча жавоблар тўғри

11. Транспорт воситасининг ҳайдовчиси махсус мослама қайд этган кўрсаткичдан норози бўлган тақдирда йўл-патруль хизмати ходимининг қонуний ҳаракатлари.

А. ушбу ҳолатда аниқланган ҳуқуқбузарлик холислар иштирокида расмийлаштирилади

В. ушбу ҳолат юзасидан МЖТКнинг 194-моддасига мувофиқ баённома расмийлаштиради

С. ушбу ҳолатда аниқланган ҳуқуқбузарлик юзасидан баённома расмийлаштиради

Д. Маъмурий баённомага илова қилиб билдирги беради

12. Ички ишлар органлари ходимларининг ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиши қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланган.

А. 2007 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-117-сонли

В. 2013 йил 10 апрель ЎРҚ-348-сонли

С. 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сонли

Д. 2015 йил 26 майдаги ЎРҚ-386-сонли

13. ЙПХ ходими қоидаларни бузган йўл ҳаракати қатнашчисига нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликги бўйича.....

А. МЖТКнинг 279-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

В. далолатнома тузади

С. МЖТКнинг 294-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади

Д. барча жавоблар тўғри

14. Транспорт воситаси ҳайдовчиси маст ҳолатда деб топиш учун чиқарилган этанол бўғлари концентрацияси кўрсаткичи қанчадан кам бўлмаслиги керак.

А. 0,135 мг

В. 0,130 мг

С. 0,175 мг

Д. 0,140 мг

15. ЙПХ ходими қоидаларни бузган йўл ҳаракати қатнашчисига нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликни енгиллаштириш ҳисобига бошқа ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш мумкинми.

А. белгиланган тартибда рухсат этилади

В. ҳуқуқбузарликни енгиллаштириш ҳисобига бошқа ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш тақиқланади

С. ҳуқуқбузарликни енгиллаштиришга эмас оғирлаштирувчи томонга ўзгартириши мумкин

Д. тўғри жавоб берилмаган

16. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун ЙПХ ходими томонидан махсус мослама (алкотестер) ёрдамида текширишдан олдин

А. ҳайдовчининг талабига асосан мосламанинг сертификати (нусхаси)ни кўрсатади

В. текширув олдидан ЙПХ ходими ҳайдовчини махсус мослама (алкотестер)нинг ишлаш тартиби билан таништиради, унинг талабига асосан мосламанинг сертификати (нусхаси)ни кўрсатади

С. текширув олдидан ЙПХ ходими ҳайдовчининг тегишли хужжатларини текширади

Д. текширув олдидан ЙПХ ходими холисларни иштирокини таъминлайди

17. МЖтКнинг қайси моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилмасдан ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг иштирокисиз жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилиши мумкин.

А. 138-моддасига мувофиқ

В. 309-моддасига мувофиқ

С.309¹-моддасига мувофиқ

Д. 279 -моддасига мувофиқ

18. Агар ҳайдовчи тиббий кўриқдан ўтишдан бош тортганда йўл-патруль хизмати ходимининг қонуний ҳаракатлари.

А. ҳар қандай ҳолатда ҳайдовчини мажбурий тиббий кўриқдан ўтишини таъминлайди.

В. ҳайдовчи спиртли ичимлик ичканлигини тан олганда, уннан тушунтиришлар олиди ва МЖтКнинг 136 моддасига мувофиқ маъмурий баённома расмийлаштиради.

С. ҳайдовчини алкотестер ёрдамида текшириди ва асослар мавжуд бўлганда МЖтКнинг 131 моддасига асосан маъмурий баённома расмийлаштиради.

Д. барча жавоблар тўғри

19. Транспорт воситасининг ҳайдовчиси махсус мослама қайд этган кўрсаткичдан норози бўлган тақдирда йўл-патруль хизмати ходимининг қонуний ҳаракатлари.

А. ушбу ҳолатда аниқланган ҳуқуқбузарлик холислар иштирокида расмийлаштирилади

В. ушбу ҳолат юзасидан МЖТКнинг 194-моддасига мувофиқ баённома расмийлаштиради

С. ушбу ҳолатда аниқланган ҳуқуқбузарлик юзасидан баённома расмийлаштиради

Д. Маъмурий баённомага илова қилиб билдирги беради

20. Ички ишлар органлари ходимларининг ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиши қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланган.

А. 2007 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-117-сонли

В. 2013 йил 10 апрель ЎРҚ-348-сонли

С. 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сонли

Д. 2015 йил 26 майдаги ЎРҚ-386-сонли

21. Транспорт воситаси ҳайдовчиси маст ҳолатда деб топиш учун чиқарилган этанол бўғлари концентрацияси кўрсаткичи қанчадан кам бўлмаслиги керак.

А. 0,135 мг

В. 0,130 мг

С. 0,175 мг

Д. 0,140 мг

22. ЙПХ ходими қоидаларни бузган йўл ҳаракати қатнашчисига нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликни енгиллаштириш ҳисобига бошқа ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш мумкинми.

А. белгиланган тартибда рухсат этилади

В. ҳуқуқбузарликни енгиллаштириш ҳисобига бошқа ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш тақиқланади

С. ҳуқуқбузарликни енгиллаштиришга эмас оғирлаштирувчи томонга ўзгартириши мумкин

Д. тўғри жавоб берилмаган

23. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун ЙПХ ходими томонидан махсус мослама (алкотестер) ёрдамида текширишдан олдин

А. ҳайдовчининг талабига асосан мосламанинг сертификати (нусхаси)ни кўрсатади

В. текширув олдидан ЙПХ ходими ҳайдовчини махсус мослама (алкотестер)нинг ишлаш тартиби билан таништиради, унинг талабига асосан мосламанинг сертификати (нусхаси)ни кўрсатади

С. текширув олдидан ЙПХ ходими ҳайдовчининг тегишли ҳужжатларини текширади

Д. текширув олдидан ЙПХ ходими холисларни иштирокини таъминлайди

24. Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати қоидалари”ги қонуннинг янги таҳрири қачон ва қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида қайта ишлаб чиқилди.

А. 2007 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-117-сонли 31 та модда

В. Ўзбекистон Республикаси ВМ 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарори

Г. 2015 йил 26 майдаги ЎРҚ-386-сонли 45та модда

Д. 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сонли 51та модда

25. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари қайсилар?

А. фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофазасининг, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек атроф муҳит ҳимоясининг устуворлиги;

В. йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларнинг устуворлиги;

Г. йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятнинг тизимлилиги.

Д. Барча жавоблар тўғри.

26. Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўллари қандай таснифланади.

А. умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари, ички йўллар

В. умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари, хўжалик автомобиль йўллари.

Г. умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари, хўжалик автомобиль йўллари ва ҳалқаро аҳамиятга эга йўллар.

Д. барча жавоблар тўғри

27. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси тўғрисидаги низоми....

А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган

В. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2776-сонли "Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлатқўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган

Г. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сонли "Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган

Д. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3127-сонли “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган

28. ЙПХ ходимларининг хизматни олиб бориш турларини кўрсатинг.

А. автомобиль ва мотоциклда патруллик қилиш, пиёда патруллик

В. ЙПХ масканлари, блок-пост ва тўсиқ постларида, транспорт воситалари ва эскорт кузатувларини амалга ошириш.

Г. Махсус чегара ҳудудларда патруллик
Д. А ва В жавоблар тўғри

29. Аҳоли пункти қандай йўл белгилари билан белгиланади.

А. кириш ва чиқиш йўллари 5.22 — 5.25 йўл белгилари билан белгиланган ҳудуд

В. кириш ва чиқиш йўллари 5.2 — 5.5 йўл белгилари билан белгиланган ҳудуд

Г. кириш ва чиқиш йўллари 5.1 — 5.1.2 йўл белгилари билан белгиланган ҳудуд

Д. А ва В жавоблар тўғри

30. Етарлича кўринмаслик деганда нимани тушунасиш.

А. ёмғир, қор ёғиши, туман тушиши ва шунга ўхшаш шароитларда, шунингдек, куннинг ғира-шира вақтида йўлнинг кўриниш масофаси 100-150 метрдан кам бўлиши

В. ёмғир, қор ёғиши, туман тушиши ва шунга ўхшаш шароитларда, шунингдек, куннинг ғира-шира вақтида йўлнинг кўриниш масофаси 50-100 метрдан кам бўлиши

Г. ёмғир, қор ёғиши, туман тушиши ва шунга ўхшаш шароитларда, шунингдек, куннинг ғира-шира вақтида йўлнинг кўриниш масофаси 300 метрдан кам бўлиши

Д. ёмғир, қор ёғиши, туман тушиши ва шунга ўхшаш шароитларда, шунингдек, куннинг ғира-шира вақтида йўлнинг кўриниш масофаси 200-500 метрдан кам бўлиши

31. Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири қачон қабул қилинган ва неча моддадан иборат.

А. 2007 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-117-сонли 31 та модда

В. 2013 йил 10 апрель ЎРҚ-348-сонли 31 та модда

Г. 2015 йил 26 майдаги ЎРҚ-386-сонли 45 та модда

Д. 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сонли 51 та модда

32. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари қайсилар?

А. фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофазасининг, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек атроф муҳит ҳимоясининг устуворлиги;

В. йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларнинг устуворлиги;

Г. йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятнинг тизимлилиги.

Д. Барча жавоблар тўғри.

33. Ўзбекистон Республикаси “Транспорт тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган.

А. 2021 йил 9-август

В. 2021 йил 2 январь

Г. 2013 йил 10 апрель

Д. тўғри жавоб кўрсатилмаган

34. Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўллари қандай таснифланади.

А. умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари, ички йўллар

В. умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари, хўжалик автомобиль йўллари.

Г. умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари, хўжалик автомобиль йўллари ва ҳалқаро аҳамиятга эга йўллар.

Д. барча жавоблар тўғри

35. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси тўғрисидаги низоми...

А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган

В. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2776-сонли "Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлатқўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган

Г. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сонли "Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган

Д. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3127-сонли "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган

36. ЙПХ ходимларининг хизматни олиб бориш турларини кўрсатинг.

А. автомобиль ва мотоциклда патруллик қилиш, пиёда патруллик

В. ЙПХ масканлари, блок-пост ва тўсиқ постларида, транспорт воситалари ва эскорт кузатувларини амалга ошириш.

Г. Махсус чегара ҳудудларда патруллик

Д. А ва В жавоблар тўғри

37. ЙПХ ходимининг постларда хизмат фаолияти қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида ташкил этилади.

А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3127-сон қарори

В. 2018 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги 168-сонли буйруғи

Г. 2018 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Йўл-патруль хизматининг постлари ва патруль-пост хизмати постлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги 167-сонли буйруғи.

Д. В ва Г жавоблар тўғри

38. 2018 йил 20 июнда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 168-сонли буйруғи бу-

А. “Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”

В. “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда йўл-патруль хизмати фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳақида”

Г. “Йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”

Д. тўғри жавоб кўрсатилмаган

39. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Йўл-патруль хизматининг постлари ва патруль-пост хизмати постлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги 167-сонли буйруғи қачон чиқарилган.

А. 2018 йил 20 июнь

В. 2018 йил 20 июль

Г. 2018 йил 1-декабрь

Д. 2017 йил 10-апрель

40. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари қайсилар?

А. фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофазасининг, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек атроф муҳит ҳимоясининг устуворлиги;

В. йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларнинг устуворлиги;

Г. йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятнинг тизимлилиги.

Д. Барча жавоблар тўғри.

41. Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати қоидалари” қачон янги тахрирда тасдиқланди.

А. 2022 йил 9-август ВМ 173 сонли қарори

В. 2022 йил 12 январь ВМ 975 сонли қарори

Г. 2022 йил 12 апрель ВМ 172 сонли қарори

Д. тўғри жавоб кўрсатилмаган

42. Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати қоидалари” да йўл белгилари неча гуруҳга бўлинади?

А. 7 гуруҳга

В. 5 гуруҳга

Г. 8 гуруҳга

Д. 3 гуруҳга

43. Йўл чизиқлари неча турга бўлинади?

А. 2 турга Очиқ ва Ёпиқ чизиқлар

В. 2 турга Тик ва Ётиқ чизиқлар

Г. 3 турга очик, ёпиқ ва тик чизиқлар

Д. А ва В жавоблар тўғри

44. М тоифасига мансуб транспорт воситалари.

А. Камида тўрт гилдиракка эга бўлган ва юк ташиш учун фойдаланиладиган механик транспорт воситалари

В. Камида тўрт гилдиракка эга бўлган ва оғирлиги 5 т дан ортиқ механик транспорт воситалари

Г. Камида тўрт гилдиракка эга бўлган ва йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган механик транспорт воситалари

Д. А ва В жавоблар тўғри.

45. М1 тоифасига мансуб транспорт воситалари.

А. йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган ва ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ошмайдиган автотранспорт воситалари.

В. тоифаси — йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган, ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ортиқ ва энг катта вазни 5 т гача бўлган автотранспорт воситалари.

Г. тоифаси — йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган, ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ортиқ ва энг катта вазни 5 т дан кўп бўлган автотранспорт воситалари.

Д. Барча жавоблар тўғри.

46. Кўчма фоторадар ва мобил комплексларни қўллаш жойи ва вақти ким томонидан белгиланади.

А. Ички ишлар вазири томонидан

В. Ички ишлар бўлими бошлиғи томонидан

С. ЎХХХ саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғи томонидан

Д. Жамоат хавфсизлиги департаменти томонидан

47. Транспорт воситалари ойналарининг ёруғлик ўтказувчанлигини ўлчовчи мосламадан фойдаланишда ЙПХ ходими нимага эътибор бериши керак.

А. ёруғлик ўтказувчанлиги текширилаётган транспорт воситасининг ойнаси белгиланган стандартларга мос, тоза ва қуруқ бўлиши лозим

В. транспорт воситасининг ойнаси текширдан олдин намланган ва тозаланган бўлиши керак

С. текширув олдида ЙПХ ходими транспорт воситаси ҳайдовчисини қарздорлигини текшириш керак

Д. транспорт воситасининг ойнаси текширдан олдин қалинлигини текшириш керак

48. ЙПХ ходими қуйидаги ҳолларда ҳуқуқбузарни яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига олиб бориши мумкин.

А. ҳайдовчи ЙПХ ходимининг қонуний талабларига бўйсунмаган ҳолларда

В. маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани содир этилган жойда тузиш имкони бўлмаса

С. транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш қоидалари бузилган тақдирда, ҳуқуқбузарда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва у ҳақида зарур маълумотлар бериш мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса
Д. барча жавоблар тўғри

49. Транспорт воситасини таъқиб қилиш бу.....

А. маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар бўлган ўз ҳаракатлари билан бошқа ҳаракат қатнашчилари ҳаёти (соғлиғи)га хавф солаётган транспорт воситаси ҳайдовчиси ЙПХ ходимининг тўхташ тўғрисидаги қонуний талабини бажармаганда тўхтатиш мақсадида орқасидан бориш

В. жиноят содир этилганликда гумон қилинаётган шахслар бўлган транспорт воситаси ҳайдовчиси ЙПХ ходимининг тўхташ тўғрисидаги қонуний талабини бажармаганда, транспорт воситасининг ҳаракатига чек қўйиш ҳамда гумонланувчини ушлаш мақсадида транспорт воситасининг орқасидан қувиш

С. ЙПХ ходимининг тўхташ тўғрисидаги қонуний талабини бажармаганда тўхтатиш мақсадида орқасидан қувиш

Д. барча жавоблар тўғри

50. Шахсининг алкоголь маҳсулотини истеъмол қилганлиги тўғрисидаги тиббий хулоса алкоголь маҳсулотининг қондаги концентрацияси қанча бўлганда маст ҳолатда эканлиги тўғрисидаги тиббий хулосани чиқариш учун асос бўлади.

А. 0,3 промилле ва ундан ортиқ бўлган

В. 0,5 промилле ва ундан ортиқ бўлган

С. 0,135 промилле ва ундан ортиқ бўлган

Д. 0,2 промилле ва ундан ортиқ бўлган

51. Тиббий текширув натижасига кўра шифокор хулоса тузаётганда қуйидагилардан қайси бирини белгиланиши лозим.

А. мастлик ҳолати аниқланмади

В. алкогольли мастлик ҳолати аниқланди

С. гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолати аниқланди ёки саломатлик ҳолати бўйича юқори хавф манбаи бор ишлардан четлатишни талаб этувчи функционал ҳолатнинг бузилишлари мавжуд

Д. барча жавоблар тўғри

52. Махсус жихозланган хизмат транспорти бўлмаганда, қандай ҳолларда ЙПХ ходими бошқа транспорт воситаларига махсус мосламалар ўрнатиб улардан фойдаланиш мумкин.

А. йўл-транспорт ҳодисаси, оғир ёки ўта оғир турдаги жиноятлар содир этилган жойларга кечиктирмай етиб боришда ҳамда махсус тадбирлар ўтказилаётган вақтда

В. оммавий тартибсизликлар содир этилаётган жойга етиб боришда, махсус кўрсатма ёки режага асосан ҳодиса жойидан яширинишга уринаётган ёки олиб қочилган транспорт воситасини таъқиб этиш ва ушлашда

С. фавқулодда ҳолат, табиий офат юз берган ёки ёнғин содир бўлган жойга етиб тезкор боришда ҳамда оғир аҳволдаги беморни тиббиёт муассасаларига етказишда

Д. барча жавоблар тўғри

53. Аҳоли яшамайдиган жойларда махсус ёруғлик ва товуш мосламаларидан фойдаланишга рухсат этиладими.

А. соат 6:00 дан 23:00 гача бўлган вақт оралиғида рухсат этилади, бошқа ҳар қандай вазиятда тақиқланади

В. соат 6:00 дан 22:00 гача бўлган вақт оралиғида рухсат этилади

С. рухсат этилади, чекловлар ўрнатилмаган

Д. соат 6:00 дан 23:00 гача бўлган вақт оралиғида рухсат этилади ва тезкор вазият тақозо этган ҳолларда 23:00 дан 6:00 гача бўлган вақт оралиғида ҳам махсус воситалардан фойдаланиш мумкин

54. Тиббий муассасаларда мастлик ҳолатини аниқлаш учун тиббий кўриқдан ўтказилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар китоби билан қачон солиштирилади.

А. ҳар йили камида икки маротаба

В. ҳар ойда камида бир маротаба

С. ҳар ойда камида икки маротаба

Д. кунлик маълумотлар олинади

55. Кузатилаётган транспорт воситаларининг сони нечтадан ортиқ бўлганда, иккига бўлинган ҳолда кузатув амалга оширилиши керак.

А. 50тадан

В. 25тадан

С. 20тадан

Д. 10тадан

56. Постларнинг жойлашувига қараб уларда ички ишлар органининг камида нечта ходими бир вақтнинг ўзида хизмат ўташи белгиланган.

А. 4 нафар ходими, кучайтирилган иш тартибида эса камида 6 нафар ходим

В. 2 нафар ходими, кучайтирилган иш тартибида эса камида 6 нафар ходим

С. 2 нафар ходими, кучайтирилган иш тартибида эса камида 4 нафар ходим

Д. сони белгиланмаган

57. Постларга хизмат ўташга жалб қилинадиган ходимлар неча кунда алмаштирилиб (ротация) турилиши шарт.

А. 10 куннан кўп бўлмаган муддатда

В. 15 куннан кўп бўлмаган муддатда

С. 30 куннан кўп бўлмаган муддатда

Д. муддат белгиланмаган

58. Постлар атрофи неча метр радиус бўйлаб ёритилган бўлиши керак.

А. 100-200 метр

В. 100-150 метр

С. 50-100 метр

Д. камида 100 метр

59. Қайси тоифадаги шахсларга хавфсизлик камарини тақмасликка рухсат берилади.

А. ўқув-машқ транспорт воситасини ўқувчи бошқараётган вақтда автототранспорт воситасини ёки шаҳар электр транспортини бошқаришни ўргатувчи амалий машғулотлар инструкторига

В. ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган беморлар

С. хизмат вазифасини бажараётган ходимга бириктирилган кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқчаси билан жиҳозланган ҳамда махсус рангли бўёқ схемалар ва ёзувлар билан белгиланган транспорт воситалари ҳайдовчиси ва йўловчилари

Д. барча жавоблар тўғри

60. Транспорт воситасини эгилувчан улагич билан шатакка олишда шатакка олган ва шатакка олинган транспорт воситалари ўртасидаги масофа қанча бўлишлари керак.

А. 2 — 3 метр оралиғида бўлиши

В. 4 — 6 метр оралиғида бўлиши

С. 1 — 2 метр оралиғида бўлиши

Д. 3 — 4 метр оралиғида бўлиши

61. Одам ташиш учун мўлжалланган юк автомобили юкхонасининг борти неча метрдан кам бўлмаслиги шарт.

А. 1,5 метрдан

В. 1,2 метрдан

С. 2 метрдан

Д. 1,3 метрдан

62. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари қайсилар?

А. фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофазасининг, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек атроф муҳит ҳимоясининг устуворлиги;

В. йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларнинг устуворлиги;

С. йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятнинг тизимлилиги.

Д. барча жавоблар тўғри.

63. Йўл-патруль хизмати ходимларининг хизматни олиб бориш турларини кўрсатинг.

А. автомобиль ва мотоциклда патруллик қилиш, пиёда патруллик

В. ЙПХ масканлари, блок-пост ва тўсиқ постларида

С. транспорт воситалари ва эскорт кузатувларини амалга ошириш

Д. барча жавоблар тўғри.

64. ЙПХ ходими йўл ҳаракати қоидаларини бузган йўл ҳаракати иштирокчиларига МЖтКнинг қайси моддасига мувофиқ баённома расмийлаштиради.

А. 280-моддасига мувофиқ

В. 279 -моддасига мувофиқ

С. 138-моддасига мувофиқ

Д. 281-моддасига мувофиқ

65. Мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари атрофидаги йўлларда қанча масофада тезлик 30 км/саотдан очмаслиги керак.

- А. 200 м
- В. 300 м
- С. 500 м
- Д. 100-150 м

66. Транспорт воситаси ҳайдовчиси маст ҳолатда деб топиш учун чиқарилган этанол бўғлари концентрацияси кўрсаткичи қанчадан кам бўлмаслиги керак.

- А. 0,135 мг
- В. 0,130 мг
- С. 0, 175 мг
- Д. 0, 140 мг

67. Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомнинг саккизинчи бандига асосан, қоидалар бузилиши визуал кузатув ёки махсус мослама ёрдамида қайд қилинганда ЙПХ ходимининг ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг?

А. ҳайдовчининг ва транспорт воситасига тегишли ҳужжатларни текширади, содир этган қоидалар бузилишини тушунтириб, шундан сўнг, тегишли чоралар кўради

В. ҳайдовчининг ҳужжатларни текшириб, содир этган қоидалар бузилишини тушунтириб, шундан сўнг, тегишли чоралар кўради

С. ҳайдовчига дастлаб айнан содир этган қоидалар бузилишини тушунтириб, шундан сўнг ҳужжатларни текшириб, тегишли чоралар кўради

Д. Барча жавоблар тўғри

68. Йўл-патруль хизмати ходими қандай шахсларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиши тақиқланган.

А. чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ваколатхоналарига ва бошқа ваколатхоналарга тегишли транспорт воситаларидан

В. халқаро ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситаларидан

С. махсус мўлжалланган транспорт воситаларидан

Д. Барча жавоблар тўғри

69. Йўл ҳаракати қатнашчилари ЙПХ ходимлари билан ўзаро муносабатларда қандай ҳуқуқларга эга.

А. содир этган қоидабузарлиги қайд этилган махсус мослама натижалари билан танишишга

В. ҳуқуқбузарлик ҳолатини аниқлашда фойдаланилган махсус воситаларнинг қиёслаш сертификатларини кўрсатишни талаб қилишга;

С. ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан тушунтиришлар беришга ва асоссиз тўхтатиб турилмаслигини талаб қилишга

Д. Барча жавоблар тўғри

70. ЙПХ ходими қоидаларни бузган йўл ҳаракати қатнашчисига нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликни енгиллаштириш ҳисобига бошқа ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш мумкинми.

- А. белгиланган тартибда рухсат этилади
- В. ҳуқуқбузарликни енгиллаштириш ҳисобига бошқа ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш тақиқланади
- С. ҳуқуқбузарликни енгиллаштиришга эмас оғирлаштирувчи томонга ўзгартириши мумкин
- Д. тўғри жавоб берилмаган

71. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун ЙПХ ходими томонидан махсус мослама (алкотестер) ёрдамида текширишдан олдин

- А. ҳайдовчининг талабига асосан мосламанинг сертификати (нусхаси)ни кўрсатади
- В. текширув олдидан ЙПХ ходими ҳайдовчини махсус мослама (алкотестер)нинг ишлаш тартиби билан таништиради, унинг талабига асосан мосламанинг сертификати (нусхаси)ни кўрсатади
- С. текширув олдидан ЙПХ ходими ҳайдовчининг тегишли ҳужжатларини текширади
- Д. текширув олдидан ЙПХ ходими ҳолисларни иштирокини таъминлайди

72. Транспорт воситасининг махсус ажратилган сақлаш жойига олиб борилиши, ушлаб турилиши ҳамда ушлаб туриш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади.

- А. 2018 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги 168-сонли буйруғи
- В. 2018 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Йўл-патруль хизматининг постлари ва патруль-пост хизмати постлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги 167-сонли буйруғи
- С. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарори билан тасдиқланган Қонунчилик бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низом
- Д. 2021 йил 9-августдаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун

73. ЙПХ ходими жисмоний куч ишлатилгани ва махсус воситалар қўллангани шунингдек, ўқотар қурол қўлланилган ҳолатлар тўғрисида кимга хабар беради.

- А. ўзининг бевосита бошлиғи ҳамда назорат қилувчи прокурорга дарҳол хабар бериш шарт
- В. ўзининг бевосита бошлиғига
- С. хизмат тугаганидан кейин билдирги асосида ИИБ бошлиғига
- Д. билдирги асосида Ички ишлар вазирига

74. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда эканлигини аниқлаш учун текширув ўтказишга нима асос бўлади.

А. ҳайдовчининг оғиз бўшлиғидан алкоғол ҳиди келиши ва юз териси рангининг сезиларли ўзгарганлиги

В. ҳайдовчи бир ҳолатда тўғри тура олмаслиги

С. ҳайдовчи нутқининг бузилганлиги ва ҳайдовчи қўл бармоқларининг қалтираши

Д. барча жавоблар тўғри

75. Шахснинг алкоғол маҳсулотини истеъмол қилганлиги тўғрисидаги суд-тиббий экспертиза бюрolari томонидан кимёвий текширув натижаларининг далолатномаси биологик суюқликлар олиб келинган вақтдан неча куннан кечиктирмасдан берилиши шарт.

А. беш кундан кечиктирмай берилиши шарт

В. етти кундан кечиктирмай берилиши шарт

С. ўн кундан кечиктирмай берилиши шарт

Д. 1 ойдан кечиктирмасдан берилиши шарт

76. Экипаж бу

А. камида икки нафар ходимдан иборат бўлиб, транспорт, махсус техника воситалари, курул ва алоқа воситалари билан таъминланган ЙПХ наряди

В. камида бир нафар ходимдан иборат бўлиб, транспорт, махсус техника воситалари, курул ва алоқа воситалари билан таъминланган ЙПХ наряди

С. камида тўрт нафар ходимдан иборат бўлиб, транспорт, махсус техника воситалари, курул ва алоқа воситалари билан таъминланган ЙПХ наряди

Д. барча жавоблар тўғри

77. Аҳоли яшайдиган жойларда махсус ёруғлик ва товуш мосламаларидан фойдаланиш мумкинми.

А. соат 6:00 дан 23:00 гача бўлган вақт оралиғида рухсат этилади, бошқа ҳар қандай вазиятда тақиқланади

В. соат 6:00 дан 22:00 гача бўлган вақт оралиғида рухсат этилади

С. соат 6:00 дан 21:00 гача бўлган вақт оралиғида рухсат этилади

Д. соат 6:00 дан 23:00 гача бўлган вақт оралиғида рухсат этилади ва тезкор вазият тақозо этган ҳолларда 23:00 дан 6:00 гача бўлган вақт оралиғида ҳам махсус воситалардан фойдаланиш мумкин

78. Хизмат ўташ учун тайинланган ЙПХ ходимлари йўриқнома бошланишидан неча дақиқа олдин келиши ва навбатчига ёки ўзининг раҳбарига маълум қилиши керак.

А. 15 дақиқа

В. 10 дақиқа

С. 20 дақиқа

Д. 5 дақиқа

79. Баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш ёхуд ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда, ҳужжатлаштиришни ким амалга оширади.

- А. кидирув ва суриштирув бўлими ходимлари
- В. тергов-тезкор гуруҳи аъзолари
- С. йўл-патруль хизмати ходимлари
- Д. ҳодиса жойига биринчи келган ходим

80. Йўл-патруль хизмати ходимларининг хизмат фаолияти қандай усуллар билан текширилади.

- А. ошқора ва ноошқора текширув
- В. фақат ошқора усулда
- С. ошқора, ноошқора ва мақсадли
- Д. ошқора, ноошқора ва мақсадли ҳамда мақсади яширинган усулларда

81. постларда қайси транспорт воситалари кирган ва чиққан вақти махсус журналга рўйхатга олинади.

- А. «СМД», «D», «UN», «Т» индексли рақам белгили транспорт воситалари
- В. тегишли кўрсатма олинган ҳолларда эса «М», «К», «Н», «Р», «Х» индексли рақам белгили транспорт воситалари
- С. хорижий юк ташувчи транспорт воситалари
- Д. барча жавоблар тўғри

82. Постларда хизмат ўташга жалб қилинган ходимларнинг фаолияти кун давомида камида неча маротаба текширилиши шарт.

- А. камида тўрт маротаба
- В. бир маротаба
- С. уч маротаба
- Д. икки маротаба

83. Механик транспорт воситаси ҳайдовчисининг тегишли ҳужжатлари ЙПХ ходимлари томонидан қандай текширилади.

- А. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан берилган биометрик паспорти орқали
- В. идентификацияловчи ID-картаси орқали
- С. консуллик муассасалари томонидан берилган биометрик паспорти орқали
- Д. барча жавоблар тўғри

84. Транспорт воситаси қандай жойларда қайрилиб олиш тақиқланган.

- А. пиёдаларнинг ўтиш жойларида ва туннелларда
- В. тегишли йўл белгилари бўлмаганда кўприклар, йўл ўтказгичлар, эстакадалар ва уларнинг остида
- С. темир йўл кесишмаларида ва йўлнинг кўриниши бирор-бир йўналишда 100 метрдан кам бўлган жойларда
- Д. барча жавоблар тўғри

85. Каттик улагич билан шатакка олишда транспорт воситалари орасидаги масофа.....

- А. 4 метрдан кўп бўлмаслиги керак
- В. 3 метрдан кўп бўлмаслиги керак
- С. 5 метрдан кўп бўлмаслиги керак
- Д. 2 метрдан кўп бўлмаслиги керак

Фойдаланилган адабиётлар:

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
2. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
3. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.
4. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 596 б.
5. *Мирзиёев Ш.М.* Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т., “Ўзбекистон”, 2018. – 512 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2019. – 76.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.– Т., 2021. – Lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2014. 320 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2014. 745 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎРҚ-167-II-сон қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти тўғрисида”ги қонуни. //lex.uz.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-117-сонли “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонуни. //lex.uz.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги 2013 йил 10 апрель қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – 2013.– №17. – 197-м.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -Т., 2014. – № 19. – 209-м.

12. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 20. – 221-м.

13. Ўзбекистон Республикаси 2015 йил 26 майдаги ЎРҚ-386-сонли “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонуни. //lex.uz.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2016.– № 38.– 438-м.

15. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017.

16. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017.

17. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎРҚ-489-сон қонуни;

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарори. //lex.uz.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 205-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –2014.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 мартдаги “Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автотототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 116-сонли қарори. //lex.uz.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 апрелдаги “Ички ишлар органи ходимининг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига унинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 234-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 апрелдаги “Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек, транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 235-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2940-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги “Ички ишлар органлари ходимларининг турар жой шaroитларини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 444-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3127-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.–2017.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги “Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 683-сонли қарори. //lex.uz.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон Фармони. Ҳалқ сўзи – 2017 й. 9 сентябрь.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон Қарори - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2017 й., 07/17/3413/0334-сон.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашни сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528-сон Қарори - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2017 й., 07/18/3528/0698-сон.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-сон қарори. //lex.uz.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 01 декабрдаги “Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 975-сонли қарори. //lex.uz.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 377-сонли. //lex.uz.

35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 февралдаги “Автомототранспорт воситаси конструкциясининг ва (ёки) унинг

қисмининг йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида гувоҳнома ва автототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 138-сонли қарори. //Lex.uz.

36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги “Автототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 408-сонли қарори. //Lex.uz

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл-патруль хизмати ходимларининг хизмат фаолияти натижаларини баҳолаш тартиби ва мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1044-сонли қарори. //Lex.uz

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сон қарори;

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги “Хукукбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4166-сон қарори.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги “Тошкент вилоятида хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришни сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4343-сон Қарори.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони;

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 27-сон Фармони;

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори;

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони;

45. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йил 31 майдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисида”ги 68-сонли буйруғи.

46. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2012 йил 4 апрелдаги “Техник кўриқдан ўтказишда ЙХХХ органлари томонидан носоз деб топилган, шунингдек,

белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 53-сонли буйруғи.

47. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2016 йил 12 ноябрдаги “Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 180-сон буйруғи;

48. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 23 майдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ахборот-таҳлил фаолияти ва режалаштириш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 80-сон буйруғи;

49. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 20 июндаги “Йўл-патруль хизматининг постлари ва патруль-пост хизмати постлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 167-сонли буйруғи.

50. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 20 июндаги “Йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 168-сонли буйруғи.

51. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 22 июлдаги “Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари томонидан шартнома асосида транспорт воситаларини кузатиб бориш бўйича пуллик хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 200-сонли буйруғи.

52. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 1 январдаги “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сон буйруғи.

III. Махсус адабиётлар:

1. *X.T. Odilqoriyev, I. Ismailov, N.T. Ismoilov.* Ma'muriy huquq: Darslik// – Т., 2010.
2. *M.З. Зиёдуллаев ва бошқалар.* Ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолияти курсидан масалалар тўплами: Ўқув-амалий қўлланма. – Тошкент: 2013. –121 б.
3. *Ш.Т. Икромов ва бошқалар.* Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари ва ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги: Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2013. –210 б.
4. *Б.Ш. Умаров, Ш.Ш. Ризаев, М.Х. Сайидов.* Автомобилни бошқариш ва ҳаракатланишда йўл ҳаракати хавфсизлиги асослари. Ўқув қўлланма. – Т., 2014 й. –180 б.
5. *Н.Т. Исмоилов, Д.Д. Бабаев.* Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, – 2014. – 118 б.
6. *Qahhorov A.A., Saidov M.X.* “Yo'llarda harakatlanishni tartibga soluvchi vositalar”. O'quv qo'llanma. – Т., 2014 у. – 124 б.
7. *Ю.С. Пулатов, И. Исмаилов, А.А. Курбанов.* Ички ишлар органлари фаолияти. Дарслик. – Т., 2018. – 407 б.

8. *И. Исмаилов ва бошқ.* Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 400 б.

9. *И. Исмаилов, Ж.С. Мухторов, Ф.Н. Шукуров ва бошқ.* Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.– 439 б.

10. Хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва баргараф этиш. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017., 128 б.

11. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. 547 б.

12. Ўзбекистон ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган маъмурий-хуқуқий ислохотлар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 489 б.

13. Ички ишлар органлари хизматига кириш махсус курси. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш Институти , 2021. 79 б.

Электрон таълим ресурслари:

<http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);

<http://ipkmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);

<http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);

<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);

<http://www.tsil.uz> (Тошкент давлат юридик университети);

<http://www.connect.uz> (Ўзбекистон умумтаълим портали);

Ж.Ж. АЙТМУРАТОВ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН “ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ФАОЛИЯТИ”
МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА СЕРЖАНТЛАР ТАРКИБИ
ХОДИМЛАРИНИ МАХСУС КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ КУРСИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Мухаррир Н.З. Тасимов

Босишга руҳсат этилди. Нашриёт ҳисоб табоғи 13,7.
Буюртма № _____. Адади 50 нусха.
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳар. Хусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй.